

**ХАЛИФАЛИК
ДАВЛАТИ
ЖИҲОЗИ**

(Бошқарув ва идора)

ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ЖИҲОЗИ

(Бошқарув ва идора)

**Бу китобни Ҳизбут Таҳрир табанний қилиб нашр қилди.
Бу китоб ўзига хилоф бўлган нарсаларни бекор қилади**

Халифалик давлати жиҳози (бошқарув ва идора)

Ўзбек тилидаги биринчи нашри

1427ҳ - 2006м

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

КИРИШ СЎЗИ

Барча ҳамдлар Аллоҳга бўлсин, Расулуллоҳ ﷺга, у кишининг оилаю саҳобаларига ва у кишини дўст тутганларга салоту саломлар бўлсин. Ва баъд:

Аллоҳ Субҳонаҳу айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Исло) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу хатарлардан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирор нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас, улар итоатсиз кимсалардир“. [24:55]

Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

﴿تَكُونُ النَّبِيُّ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النَّبِيِّ﴾ ثُمَّ سَكَتَ

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайгамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайгамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшолик бўлади ва у Аллоҳ

хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим ва зўравон подшолик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайгамбарлик минҳожиди асосида Халифалик бўлади». Кейин Пайгамбар ﷺ сукутга чўмдилар. (Аҳмад ривояти).

Биз **Ҳизбут Таҳрир** аъзолари Аллоҳ Субҳонаҳунинг ваъдасига иймон келтирамиз ва Расулulloҳ ﷺнинг башоратларини тасдиқлаб, Исломиё Уммат билан бирга ва унинг ёрдамида Халифаликни янгидан барпо қилиш учун ҳаракат қиламиз. Биз Аллоҳ Субҳонаҳудан бизни Халифаликни барпо қилишга, унинг аскарларидан қилиб, унинг байроғини яхшилик билан кўтаришимизга ва бу байроқ билан кетма-кет ғалабалар сари қадам ташлашимизга мушарраф қилишини сўраган ҳолимизда, бу ишнинг амалга ошишига ишонамиз. Бу иш Аллоҳга қийин эмас.

Биз бу китобда Халифалик давлатидаги бошқарув ва идора қилиш жиҳоз (аппарат)ларини иборалари аниқ, тушуниш осон ва амалиё татбиқ шаклида баён қилишни хоҳладик. Шунингдек, қалблар хотиржам бўлиши учун истинбот ва истидлол (далил келтириш) жиҳатидан ҳам тўғри-саҳиҳ бўлишини қасд қилдик.

Бунга бизни ундаган нарса - бугун оламдаги мавжуд бошқарув низомларининг шаклда ҳам, мазмунда ҳам Исломдаги бошқарув низомидан жуда узоқлигидир. Мазмунга келсак, ҳозирги низомларнинг барчаси Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннати ҳамда иккаласи асосидаги ижмо ва қиёсдан олинмаганлиги барча мусулмонларга аниқ. Бу низомлар Ислом низомларига зид бўлиб, мусулмонларга очиқ кўриниб турибди ва бу нарсада улар ихтилоф ҳам қилишмайди.

Лекин уларни чалкаштириб турган нарса - ҳозирги бошқарув низомлари Ислом низомларидан фарқ қилмайди, деб гумон қилишларидир. Шунинг учун Ислом бошқарув жиҳозларида ҳам ҳозирги ўзлари ўйлаб топган низомларида бўлгани каби салоҳиятларга эга бўлган вазирлар маҳкамаси, вазирлар, вазирликлар ва шунга ўхшаш нарсалар бўлишининг зарари йўқ, деб ўйлашади. Шунинг учун бу китобда Халифалик давлатида бошқарув жиҳозларини жамлаб келтиришга аҳамият бердик. Бунга сабаб Аллоҳнинг изни ила бу давлат барпо бўлишидан аввал унинг бошқарув шакли одамларнинг зеҳнларида тушунарли ва кўзлари олдида аниқ намоён бўлсин.

Шунингдек, бу китобга Халифалик давлатининг байроқлари (роя ва ливо)ни ҳам қўшдик. Бу ерда биз ушбу китобга қўшмаган

бошқа зарурий нарсалар ҳам борки, уларни эълон қилишни кейинга қолдирдик. Тезда Аллоҳнинг изни ила китобнинг иловасида бу зарурий қонунлар босиб чиқарилади. Бу нарсалар қуйидагилардир:

Халифани сайлаш кайфияти, байъат матнини белгилаш, халифа асирга тушиб қолганда - қутилиши умид қилинадими ёки йўқми - вақтинчалик амирнинг салоҳиятларини белгилаш, идора ва ижро қилиш жиҳатидан вилоятлар шуртаси (полицияси)ни ташкил қилиш, ички хавфсизлик идорасида аёллардан миршаб тайинлаш, вилоятлар мажлислари ва Уммат мажлисини сайлаш кайфияти ва давлат расмий мадҳияси (гимни)ни танлашлардир. Бу ишларнинг барчасига китобда ўз ўринларида ишора қилиб ўтдик.

Аллоҳ Субҳонаҳудан бизга нусратни тезлаштиришини, Ўз фазли ила бизга марҳамат кўрсатишини, Азизлиги ва Карами ила бизни азизу мукаррам қилишини, натижада Уммат яна одамлар учун чиқарилган энг яхши Умматга айланишини, давлатимиз оламда биринчи мақомдаги давлат бўлиб, бутун олам бўйлаб яхшилик ва адолат тарқатишини сўраб қоламиз. Ўша кунда мўминлар Аллоҳ нусрати ила шодланурлар ва Аллоҳ у сабабли мўминлар қавми қалбига ором бахш этур.

Охирги дуо-илтижоимиз ҳамду сано барча оламлар Раббиси Аллоҳ учундир, демоқликдир.

МУҶАДДИМА

Халифалик давлатининг жиҳоз (аппарат)ларини батафсил баён қилишдан аввал қўйидаги ишларни айтиб ўтишимиз зарур.

Биринчи: Барча оламлар Раббиси фарз қилган Исломдаги бошқарув низоми - Халифалик низомидир. Бу низомда Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига биноан Аллоҳ нозил қилган нарса билан бошқаришга берилган байъат орқали халифа тайин қилинади. Бунга Китоб, суннат ва саҳобалар ижмосидан далиллар жуда кўп.

Китобда зикр этилган далиларга келсак, Аллоҳ Таоло Расул ﷺ га хитоб қилиб, шундай дейди:

﴿فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ﴾

– „Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва сизга келган ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!“ [5:48]

Яна айтади:

﴿وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتُنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

– „(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!“ [5:49]

Расулуллоҳ ﷺ га одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, дейилган хитоб у кишининг Умматига бўлган хитобдир. Бунинг мазмуни Расулуллоҳ ﷺ дан кейин одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қиладиган ҳокимни пайдо қилинглари деганидир. Бу хитобдаги буйруқ қатъийликни ифода қиляпти. Чунки бу ерда хитоб мавзуси фарздор. Бу эса усул илмида бўлганидек қатъийликка далолатдир. Расулуллоҳ ﷺ дан кейин одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қиладиган ҳоким бу - халифадир. Мана шундай бошқарув низоми Халифалик низомидир. Бундан ташқари, ҳадлар ва бошқа ҳукмларни қоим қилиш вожибдир, улар эса ҳоким билангина қоим қилинади. «Вожиб нима билан тамомига етса, у ҳам вожибдир» қондасига биноан шариатни қоим қиладиган ҳокимни пайдо қилиш вожибдир. Бундай ҳоким эса халифадир. Бошқарув низоми эса халифалик низомидир.

Суннатда зикр этилган далилларга келсак, Нофеъдан ривоят қилинишича, у киши Абдуллоҳ ибн Умар менга Расулуллоҳ ﷺ шундай деганларини эшитдим, деди:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لَقِيَّ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مَيِّتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Кимки итоатдан қўлини тортса, Қиёмат кунда Аллоҳга ҳужжати йўқ ҳолатда рубару бўлади. Кимки бўйнида байъат бўлмаган ҳолда вафот қилса, жоҳилият улими билан улибди». (Муслим ривояти). Набий ﷺ ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат бўлишини фарз қилдилар ва кимки бўйнида байъати йўқ ҳолда вафот қилса, жоҳилият ўлими билан ўлибди, деб сифатладилар. Расулуллоҳ ﷺ дан кейин байъат фақатгина халифага бўлади, бошқага эмас. Бу ҳадис ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат бўлишини вожиб қиляпти, яъни халифа мавжуд бўлиши билан ҳар бир мусулмоннинг унга байъат бериши вожиб бўлади. Муслим Аъраждан, у киши Абу Ҳурайрадан, у Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилади. У киши айтдилар:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ (الْخَلِيفَةُ) جُنَّةٌ يُفَاتَلُ مِنْ وَرَائِهِ وَيَتَّقَى بِهِ»

«Имом (халифа) қалқондир, унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади». Муслим Абу Ҳозимдан келтиради: Мен Абу Ҳурайра билан беш йил ҳамсуҳбат бўлдим ва у кишидан Расулуллоҳ ﷺ нинг шундай деганларини эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَيَكُونُ خُلَفَاءُ فَيَكْثُرُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ فُوا بَيْعَةَ الْأَوَّلِ فَالْأَوَّلِ، أَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайгамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайгамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайгамбар келарди. Мендан кейин эса пайгамбар йўқ. Халифалар бўладилар. Куп бўладилар. (Саҳобалар бизни нимага буюрасиз? - деб сўрашди. Айтдиларки): Энг биринчисининг, яна биринчисининг байъатига вафо қилинглар. Уларнинг ҳақларини ўзларига беринглар. Зеро, Аллоҳ улардан раият (фуқаро)ни қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Бу ҳадисларда халифа қалқон, яъни ҳимоя, деб сифатланяпти. Расулуллоҳ ﷺ имомни қалқон, деб сифатладилар, бу ерда

имомнинг мавжудлиги мақтаб хабар бериляпти, бу эса талабдир. Чунки хабар бериш Аллоҳ ва Расули тарафидан бўлиб, мазаммат (қоралаш)ни ўз ичига олган бўлса, у тарк қилиш талаби, яъни тақиқдир. Агар хабар бериш ўз ичига мақтовни олган бўлса, бу хабар ишни қилиш талабидир. Агар талаб қилинган ишни қилишда шаръий ҳукми барпо қилиш, тарк қилишда шаръий ҳукми зое қилиш бўлса, бу талаб қатъий бўлади. Бу ҳадисларда мусулмонларни бошқарадиганлар халифалар эканлиги ҳам айтиляпти. Бу эса халифани тиклаш зарурлигини билдиради. Зеро, Расулуллоҳ ﷺ халифаларга итоат қилишга ва улар билан халифалик талашаётганларга қарши урушишга буюрдилар. Бу халифани қоим қилишга ва унинг халифалигини сақлаш учун унга қарши чиққанлар билан урушишга бўлган буйруқдир. Муслим ривоят қилади: Набий ﷺ айтдилар:

«مَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةَ يَدِهِ، وَثَمَرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخَرُ يُنَازِعُهُ فَاصْرِبُوا عُنُقَ الْآخَرِ»

«Ким имомга байъат қилиб унга қўлини ва қалб қўрини берса, қодир бўлганича унга итоат қилсин. Агар бошқаси келиб, ундан халифаликни талашса, кейингисининг бўйнига уринглар». Имомга итоат қилишга бўлган буйруқ имомни қоим қилишга бўлган буйруқдир. Халифа билан халифаликни талашаётганларга қарши урушишга бўлган буйруқ битта халифа доим бўлишининг қатъийлигига далилдир.

Саҳобалар ижмосида келган далилларга келсак, саҳоба ﷺлар Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан кейин Расулуллоҳ ﷺга халифа тайинлаш лозимлигига ижмо қилишган. Шунинг учун улар Абу Бакр, кейин Умар, кейин Усмоннинг ўрнига - уларнинг ҳар бири вафот этганларидан кейин - халифа тайинлаш зарурлигига ижмо қилишган. Саҳоба ﷺлар Расулуллоҳ ﷺнинг вафотларидан кейин халифани қоим қилиш учун у кишининг дафнларини кечиктиришлари ва халифани тайин қилиш билан шуғулланишлари - ваҳоланки майитни вафотидан кейиноқ дафн қилиш фарз эди - саҳоба ﷺларнинг ижмосини таъкидлайди. Расулуллоҳ ﷺни дафн қилиш ва тайёрлашлари вожиб бўлган саҳоба ﷺлардан баъзилари халифа тайинлаш билан машғул бўлишди. Улардан бошқа бир қисми эса - инкор қилишга ва дафн қилишга қудратлари етса ҳам - бу ишга сукут қилиб жим туришиб, дафннинг икки кеча кечиктирилишида улар ҳам шерик бўлишди. Расулуллоҳ ﷺ душанба куни чошгоҳда вафот қилдилар, сешанбага ўтар кечаси ҳам, Абу Бакрга байъат берилган сешанба

кундузи ҳам дафн қилинмадилар. Шундан кейин чоршанбага ўтар кечаси дафн қилиндилар. Яъни, дафн икки кеча кечикди. Расулulloҳ ﷺ дафн қилинишларидан аввал Абу Бакрга байъат берилди. Демак, майитни дафн қилишдан аввал халифани тайин қилиш билан шуғулланиш ижмо бўлиб қолди. Бу халифани тайин қилиш майитни дафн қилишдан вожиброқ бўлгандагина бўлади, холос. Шунингдек, саҳоба ﷺлар ҳаётлари давомида халифани тайин қилиш вожиблигига ижмо қилишган. Гарчи улар халифа қилиб сайланадиган шахс ҳақида ихтилоф қилишган бўлсалар-да, Расулulloҳ ﷺ вафот қилган пайтларида ҳам, Хулафои рошидинлар вафотидан кейин ҳам халифани қоим қилиш ҳақида мутлақо ихтилоф қилишгани йўқ. Демак, саҳоба ﷺларнинг ижмоси халифани тайин қилиш вожиблигига кучли ва очиқ далилдир.

Иккинчи: Исломдаги (Халифаликдаги) бошқарув низомининг шакли оламдаги маълум бошқарув шаклларида бутунлай фарқ қилади. Бу фарқ у қурилган асосда бўладими ёки фикрлар, тушунчалар, миқёслар ва уларнинг тақозолари билан бажариладиган ҳукмлар бўладими ёки татбиқ ва ижро қилинадиган қонунлар ва дустурда бўладими ёки Ислом давлати намоеън бўладиган шаклда бўладими, яққол кўзга ташланади.

Ислом низомининг оламдаги барча бошқарув шаклларида фарқи қўйидагилардир:

Ислом низоми подшолик тузуми эмас, у подшолик тузумини тан олмайди ва подшолик тузумига ўхшамайди. Чунки подшолик тузумида ўғил меросхўр сифатида подшо бўлади ва умматнинг бунга алоқаси ҳам бўлмайди. Аммо Халифалик низомида меросхўрлик йўқ. Балки Умматнинг байъатигина халифани тиклаш тариқатидир. Шунингдек, подшолик тузуми подшони имтиёзлар ва фуқародан ҳеч бирига берилмаган ҳуқуқлар билан хослаб, уни қонундан устувор қилиб қўяди. У миллатнинг рамзи бўлиб, баъзи подшолик низомларида бўлганидек, у подшо бўлса ҳам бошқармайди, бошқа подшолик низомларида эса у юртни ва одамларни ўзи хоҳлагандек бошқаради ва ҳар қандай ёмонлик ва зулм қилса ҳам унга тегилмайди. Аммо Халифалик низоми халифани подшолик низомида бўлганидек фуқарода бўлмаган имтиёзлар билан хослаб қўймайди ва унга Умматнинг фарзандларидан ажратиб турадиган ҳуқуқларни ҳам бермайди. Шунингдек, халифа подшолик низомида бўлганидек юқорида айтиб ўтилган маънода Умматнинг рамзи ҳам эмас. Балки у бошқарув ва салтанатда Умматнинг вакили бўлиб, Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиши учун Уммат уни танлаб, унга байъат беради. Халифа барча тасарруфотларида, ҳукмларида, Умматнинг

ишлари ва манфаатларини ғамхўрлик билан бошқаришда шаръий ҳукмлар доирасида иш юритади.

Шунингдек, Ислом низоми императорлик низоми ҳам эмас. Чунки императорлик тузуми Исломдан жуда узоқ. Ислом бошқараётган иқлимлар - уларнинг ирқи ҳар хил бўлиб, бир марказга тобе бўлса ҳам - императорлик низоми билан бошқарилмайди. У императорлик низомига зиддир. Чунки императорлик низоми ўзининг иқлимларида яшаётганларни ҳукмда тенг кўрмайди, балки империя маркази учун бошқарув, мол ва иқтисодда афзаллик қилиб қўяди.

Исломнинг бошқарувдаги йўли давлатнинг барча ерларида фуқароларни тенг кўриб, ирқчиликни инкор қилади ва фуқаролиги бўлган ғайримусулмонларга ҳам шариат ҳукмларига мувофиқ фуқаролик ҳақларини беради. Мусулмонларга ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари белгилаб берилганидек, ғайримусулмонларга ҳам белгилаб берилади. Бугина эмас, балки қонун олдида ҳеч бир шахсга - қайси динда бўлишидан қатъий назар, ҳатто мусулмон бўлса ҳам - бошқаларда бўлмаган ҳуқуқ берилмайди. Демак, Ислом низоми бундай тенглик ўрнатиш билан императорликдан тубдан фарқ қилади. Зеро, Ислом низоми иқлимларни мустамлакага, эксплуатация ўрнига, фойдалари фақат марказга оқиб келадиган манбаларга айлантормайди. Аксинча, ҳамма иқлимларни - улар бир-биридан қанчалик узоқ масофада жойлашмасин ва уларда қанчалик турли миллатлар яшамасин - бир бутун яхлит иқлимга айлантиради ва ҳар бир иқлим давлат жисмининг бир ажралмас қисми ҳисобланади. Марказ аҳолиси қандай ҳуқуққа эга бўлса, иқлимлар аҳолиси ҳам шундай ҳуқуқларга эга бўлади ва салтанат, низом, қонунчилик ҳаммаси барча иқлимларда бир хил бўлади.

Ислом низоми федератив низом ҳам эмас. Федератив низомда иқлимлар автоном мустақилликка эга субъектлар ҳисобланиб, барчаси битта умумий бошқарувга бўйсунди. Исломда эса ундай эмас. Аксинча, Ислом бир бутун низом бўлиб, унда - агар пойтахт Қоҳира бўлса - ғарбдаги Марокаш, шарқдаги Хуросон ҳамда Фаюм департаменти ва барча иқлимлар молияси ва бюджети битта ҳисобланиб, қайси вилоятда бўлишидан қатъий назар барча фуқаролар манфаатларига сарфланади. Масалан, агар бир вилоятнинг киримлари ўз эҳтиёжларидан икки баробар ортиқ бўлса ҳам унга киримлари миқдорига қараб эмас, балки эҳтиёжига қараб сарфланади. Энди агар бирон вилоятнинг киримлари эҳтиёжларига кифоя қилмаса, у ҳолда унга эҳтиёжларига қараб давлат бюджетидан сарфланади. Бунда унинг

киримлари эҳтиёжларини қоплайдими ёки йўқми, бунинг фарқи йўқ.

Ислом низоми республика низоми ҳам эмас. Чунки республика низоми аввал бошданоқ подшолик низоми зўравонлигига рад жавоби сифатида вужудга келган эди. Ўша даврларда подшо чекланмаган ҳукмронлик ва салтанатга эга бўлиб, мамлакат ва аҳоли устидан қандай хоҳласа, шундай ҳукм юритар, қонунларни ўз хоҳишига қараб чиқарар эди. Унга қарши рад жавоби сифатида республика низоми вужудга келди ва ҳокимият ва салтанатни демократия деган ном остида халққа ўтказди. Натижада қонунлар чиқарувчи, яъни ҳалол ва ҳаром қилувчи, яхши ва ёмон, деб баҳо берувчи халқнинг ўзи бўлиб қолди. Бошқарув эса президентлик бошқарувига таянадиган республика низомида президент ва вазирлар қўлида, парламент башқарувига таянадиган республика низомида эса вазирлар кенгаши қўлида бўлиб қолди. (Бундай ҳолатни - яъни бошқарув вазирлар кенгаши қўлида бўлишини қироллик тузумларида кузатиш мумкин. Бундай тузумларда бошқарув салоҳияти қиролдан олиб қўйилиб, у подшолик қиладиган, лекин ҳукм юритмайдиган бир рамз бўлиб қолади).

Исломда эса қонун чиқариш ҳуқуқи халқники эмас, балки фақат **АЛЛОҲ**никидир. Аллоҳдан бошқа ҳеч кимнинг ҳалол ёки ҳаром қилишга ҳаққи йўқ. Исломда қонун чиқаришни халққа топшириб қўйиш катта жиноятдир. Мана бу ояти карима:

﴿اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ﴾

– „Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини парвардигор деб билдилар“, [9:31]

нозил бўлганда Расул ﷺ бу оятни, уларнинг ахбор ва роҳиблари қонун чиқаришиб, одамларга нарсаларни ҳалол ва ҳаром қилиб беришарди. Одамлар эса уларга итоат қилишарди. Шу нарса одамларнинг Аллоҳни қўйиб роҳибларини Рабб қилиб олганларидир деб, тафсир қилдилар. Расулуллоҳ ﷺнинг ояти каримани бундай тафсир қилишлари Аллоҳдан бошқанинг ҳалол ва ҳаром қилишлиги катта жиноятлигига далолат қилмоқда. Термизий чиқарган ҳадисда Адий ибн Ҳотам айтди.

﴿أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَفِي عُنُقِي صَلِيبٌ مِنْ ذَهَبٍ، فَقَالَ يَا عَدِيُّ اطْرَحْ عَنْكَ هَذَا الْوَتْنَ. وَسَمِعْتُهُ يَقْرَأُ فِي سُورَةِ بَرَاءَةِ﴾ ﴿اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ﴾ قَالَ:

أَمَّا إِنَّهُمْ لَمْ يَكُونُوا يَعْبُدُونَهُمْ، وَلَكِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا أَحَلُّوا لَهُمْ شَيْئًا اسْتَحَلُّوهُ وَإِذَا حَرَّمُوا عَلَيْهِمْ شَيْئًا حَرَّمُوهُ»

«Мен Набий ﷺнинг олдиларга келдим - бўйнимда тилла хоч бор эди - у зот менга бутни олиб ташла дедилар. Ва «Бароат» сурасидан мана бу: «Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини парвардигор деб билдилар» оятни ўқиб, шундай деганларини эшитдим: «Тўғри, одамлар роҳибларга ибодат қилишмаган, лекин роҳиблар бирор нарсани ҳалол дейишса, одамлар уларни ҳалол санашган, бирор нарсани ҳаром дейишса, уни ҳаром дейишган».

Шунингдек, Исломда бошқарув вазирлар кенгаши орқали бўлмайди. Вазирликларнинг ўзларига хос ихтисос ва салоҳиятлари, алоҳида бюджетлари бўлади. Бунисининг бюджети унисиникидан ортиқ, ёки кам бўлади. Бунисининг бюджетдаги ортиқча маблағ унисига фақат узундан-узоқ, жуда кўп расмиятчиликлар билангина ўтказилади. Бу эса одамлар манфаатларини ҳал қилишда жуда кўп чигалликларга сабаб бўлади. Ваҳоланки одамларнинг манфаатлари аслида шу манфаатларни ўзида жамлайдиган битта идорий жиҳоз доирасида ҳал қилиниши лозим эди. Масалан, республика низомида бошқарув вазирликлар орасида бўлиб берилади ва жамойй шаклда бошқарув ҳуқуқига эга бўлган вазирлар кенгаши бу вазирликларни жамлайди. Исломда эса демократик шаклда бошқарувнинг барча турларини жамлаган вазирлар маҳкамаси бўлмайди. Балки Умматни Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннати билан бошқариши учун Уммат халифага байъат беради. Халифа халифалик вазифаларини адо қилишда ёрдам беришлари учун ўзига ёрдамчиларни (тафвиз вазирларини) тайинлайди. Демак, улар луғавий маънодаги вазирлардир, яъни Халифа тайинлаган ишларда унга ёрдам берувчилардир.

Исломдаги бошқарув низоми ҳақиқий маънодаги демократия ҳам эмас, яъни қонун чиқаришни, нарсаларнинг ҳалол-ҳаром, чиройли ва ҳунуклигини белгилашни ҳамда шариат ҳукмларига риоя қилмай ҳуррият деган ном билан халққа бериб қўйган демократия эмас. Мусулмонлар ҳақиқий маънодаги демократияни қабул қилмаслигини кофирлар жуда яхши билишади. Шунинг учун мустамлакачи кофир давлатлар - бугунги кунда хусусан Америка - мусулмонлар юртларига демократияни алдов йўллари билан киритишга уринишмоқда, мусулмонларга адаштирувчи тасаввурни бериш учун демократия ҳокимни сайлаш механизми-

дир, деб мусулмонларнинг туйғуларини қитиқлашаётганини кўрасиз. Гўёки демократиядаги асосий иш ҳокимни сайлаш қилиб кўрсатишади. Чунки мусулмонлар юртлари - улар подшолик ёки республика деб номланаётган режимлар бўладими, фарқи йўқ - зўравонлик, зулм, оғизларни ёпиш ва диктатурага мубтало бўлган. Шунинг учун биз айтамизки, бундай балоларга мубтало бўлган мусулмон юртларда кофирлар «демократия ҳоким сайлаш йўли», деб унинг «бозорини чаққон» қилишлари осон бўлиб қолди ва кофирлар ундаги асосий нарсани, яъни қонун чиқариш, ҳалол-ҳаром қилишни Аллоҳга эмас, инсонга бериш эканлигини ўраб беркитишди. Ҳатто баъзи исломчилар, балки баъзи шайхлар ҳам яхши ният биланми, ёмон ният биланми, бу алдовга лаққа тушишди. Агар улардан демократия ҳақида сўрасангиз, уни ҳокимни сайлаш деган эътибор билан жоиз дейишади. Улардан ёмон ниятлилари эса демократлар демократияга берган ҳақиқий маънодан узоқлашиб, уни ўраб беркитадилар. Демократиянинг ҳақиқий маъноси эса ҳукмронликни халққа бериш бўлиб, халқ кўпчиликнинг раъйи билан хоҳлагандек қонун чиқариб, нарсаларни ҳалол-ҳаром қилиб, уларни чиройли ва хунук дейди. Шунингдек, шахс ўз ишларида эркин бўлиб, хоҳлаган ишини қилади, демократия ва эркинликлар деган ном остида ароқ ҳам ичаверади, зино ҳам қилаверади, муртад ҳам бўлаверади ва муқаддас нарсаларни ҳам сўкаверади. Демократиянинг мазмунию воқеси ва ҳақиқати - мана шу. Шундай экан, Исломга иймон келтирган мусулмон демократия жоиз ёки демократия Исломдан дейишга қандай журъат қилади?!

Аммо Уммат ҳокимни, яъни халифани сайлаш мавзусига келсак, бунга насса далил келган. Исломда ҳукмронлик шариатникидир. Лекин одамларнинг халифага байъат беришлари унинг халифа бўлишлигининг асосий шартидир. Олам демократия зулмати ва подшолик тугёнида яшаётган даврларда ҳам Исломда халифа сайланарди. Хулафои рошидинлар: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ﷺ ларнинг сайланиш услубларини кузатган одам улардан ҳар бири халифа бўлиши учун аҳли ҳал вал-ақд ҳамда мусулмонларнинг вакиллари тарафидан байъат тамомига етгандан кейингина одамлар итоат қилиши вожиб бўлган халифа бўлганларини аниқ кўради. Мусулмонларнинг вакилларини (улар Мадина аҳли эди) раъйини билиш топширилган Абдурраҳмон ибн Авф ﷺ ундан-бундан сўраб айланиб юрди. У киши бу уй, у уйга бориб эркаклар ва аёллардан номзодлардан қайси бирини ихтиёр қиласизлар, деб сўрар эди. Охири одамларнинг фикри Усмон ﷺ га

келиб тўхталганлиги аниқ бўлгач, у кишига байъат бериш тамомига етди.

Хулоса: Демократия кўфр низомидир. У ҳокимни сайлаш дегани учунгина эмас - чунки бу асосий мавзу эмас - балки демократиядаги асосий нарса қонун чиқаришни оламлар Раббиси Аллоҳга эмас, балки инсонга бериш бўлгани учун ҳам кўфр низомидир. Аллоҳ Субҳонаҳу айтади:

﴿إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ﴾

- „*Ҳукм ёлғиз Аллоҳнинг измидадир*“ . [12:67]

У зот яна шундай деди:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

- „*Йўқ, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар*“ . [4:65]

Қонун чиқариш фақат Аллоҳники эканлигига жуда кўп машҳур далиллар бор.

Бундан ташқари, демократия шахсий эркинликка рухсат берганлиги сабабли эркак ҳам, аёл ҳам ҳалолу ҳаромлигига қарамасдан хоҳлаган ишини қилаверади. Шунингдек, у диндан қайтиш ва динни ўзгартириш каби диний эркинликка ҳам рухсат беради. Кейин ундаги мол-мулк эркинлиги сабабли бу жамиятда кучли кимса заифни хоҳлаган воситалари билан эксплуатация қилади, натижада бой бойиб, камбағал камбағаллашиб бораверади. Шунингдек, демократиядаги сўз эркинлиги - ҳақ гапни айтиш учун эмас - балки, Умматнинг муқаддас нарсаларининг зиддига бўлиб, ҳатто улар сўз эркинлиги деб номланган нарса остида Исломга ҳужум қилиб, ҳақорат қилган кимсаларни билимдон кишилар деб, уларни совғалар билан кўмиб ташлашади.

Демак, Исломда бошқарув низоми юқорида айтиб ўтганимиздек подшолик, императорлик, федератив низом ҳам, социалистик ва демократик низом ҳам эмас, фақат Халифалик низомидир.

Учинчи: Халифалик давлати жиҳозлари - гарчи баъзи кўринишларида ўхшаб кетса ҳам - ҳозирги кундаги маълум

тузумларнинг аппаратларидан бутунлай фарқ қилади. Халифалик давлати жиҳози Расулulloҳ ﷺ Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб, у ерда барпо қилган давлат жиҳозидан олинади. Хулафои рошидинлар ҳам Расулulloҳнинг вафотларидан кейин худди шу йўлдан юришган.

Бу ҳақда келган нусусларни ўқиб, ўрганиб чиқилгандан кейин Халифалик давлатида бошқарув ва идора қилиш қўйидаги тартибда бўлиши аниқ бўлади:

1. Халифа.
2. Муовинлар (тафвиз вазирлари).
3. Танфиз вазирлари.
4. Волийлар.
5. Жиҳод амири - ҳарбий идора (қўшин).
6. Ички хавфсизлик.
7. Ташқи ишлар.
8. Саноат.
9. Қозилик.
10. Одамлар манфаатлари.
11. Байтулмол.
12. Ахборот.
13. Уммат мажлиси (шўро ва муҳосаба).

Бу жиҳозлар ва уларнинг далилларига келгуси бобларда батафсил тўхталиб ўтамыз. Биз Аллоҳ Субҳонаҳудан бизни Ўз нусрати билан азизу мукаррам қилишини ва тўғри йўлни тутувчи иккинчи Халифаликни барпо қилишга муваффақ қилиб, Ислом ва мусулмонларни азиз, куфр ва кофирларни эса хор қилишини ва бутун олам бўйлаб эзулик таралишини сўраб қоламыз.

﴿إِنَّ اللَّهَ بِأَعْيُنِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا﴾

– „Албатта Аллоҳ Ўзи (хоҳлаган) ишига етгувчидир (яъни, Унинг хоҳишига қарши тургувчи кимса йўқдир). Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир (яъни, ҳаётда рўй берадиган ҳар бир яхши ёмон воқеа-ҳодиса Ёлғиз Аллоҳ хоҳлаган-белгилаган вақт ва ўлчовда рўй беради)“. [65:3]

Зеро, фақат Аллоҳдангина ёрдам сўралади ва Унинг Ўзигагина суянилади.

14 зул-ҳижжа 1425ҳ
24 январ 2005м

ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ЖИҲОЗИ (Бошқарув ва идора)

Биринчи: Халифа

Халифа бошқарув, ҳокимият ва шаръий аҳкомларни ижро қилишда Умматнинг вакилидир. Чунки Ислом бошқарув билан ҳокимият ишини Умматга топширган бўлиб, уни Умматдан вакил бўлган бир инсон ижро этади. Аллоҳ Таоло Умматга шариатнинг барча аҳкомларини ижро этишни вожиб қилган.

Халифани мусулмонлар сайлайдилар. Шунинг учун у бошқарувда, ҳокимиятда, шариат аҳкомларини ижро этишда Умматнинг вакили ҳисобланади. Шунга кўра, халифанинг халифа бўлиши учун албатта Уммат унга байъат бериши лозим. Умматнинг халифа қилиш тўғрисида берган байъати халифани Умматнинг вакилига айлантириб қўяди ҳамда халифаликка берилган бу байъат инъиқод байъати бўлиб, унга ҳокимиятни топширади ва унга итоат қилишни Умматга вожиб қилади.

Мусулмонларнинг ишини бошқарадиган инсон қачон Уммат орасидан аҳли ҳал вал-ақд (ишни ҳал қилувчи эътиборли шахслар) ўз розилик ва ихтиёрлари билан унга шаръий инъиқод байъатини беришганда ва бу инсонда инъиқод шартлари тўлиқ мужассам бўлганда ҳамда унга инъиқод байъати берилгандан кейин шариат аҳкомларининг татбиқига зудлик билан киришган тақдирдагина халифа ҳисобланади.

Лақаб (ном)

Энди бу инсонга қўйилган лақабга келсак, у халифа ёки имом ёки амирул мўминин, деган номдан иборатдир. Дарҳақиқат, ушбу лақаблар саҳиҳ ҳадисларда ва саҳобалар ижмосида ворид бўлган, шунингдек, Хулафои рошидинлар ҳам шу лақаблар билан номланганлар. Абу Саид Худрий Расулуллоҳ ﷺнинг:

«إِذَا بُيِعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан кейингисини улдиришлар», деганларини ривоят қилган. (Муслим ривояти). Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оздан ривоят қилинишича, у Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитган экан:

«مَنْ بَاعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةً يَدِهِ، وَثَمْرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطَعَهُ...»

«Ким имомга байъат бериб, унга қўлини ва қалб қўрини берса, унга итоат қилсин...». (Муслим ривояти). Авф ибн Молик Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини ривоят қилади:

«خَيْرٌ أَمَّتِكُمْ الَّذِينَ تُحِبُّونَهُمْ وَيُحِبُّونَكُمْ، وَتُصَلُّونَ عَلَيْهِمْ وَيُصَلُّونَ عَلَيْكُمْ»

«Имомларингизнинг энг яхшилари шундай кишиларки, сизлар уларни яхши кўрасизлар, улар ҳам сизларни яхши кўрадилар, сизлар уларга яхшилик тилаб дуо қиласизлар, улар ҳам сизларга дуо қиладилар». (Муслим ривояти). Ушбу ҳадисларда Ислолда шариат аҳкомларини барпо қиладиган ҳокимнинг лақаби халифа ё имом деб зикр қилинди.

Амирул мўминин деган лақабга келсак, «Мустадрак» китобида ибн Шиҳоб Зухрий Ҳокимдан ривоят қилган, Заҳабий саҳиҳ деган, Табароний чиқарган, ровийларини Ҳайсамий саҳиҳ кишилар деган ҳадисда айтилишича: «Ибн Шиҳобнинг ривоят қилишича, Умар ибн Абдул-Азиз Абу Бакр ибн Сулаймон ибн Ҳасмдан сўради. Абу Бакр ﷺ замонида мактублар Расулуллоҳ ﷺнинг халифасидан, деб ёзилар эди. Умар ﷺ халифалигининг аввалида Абу Бакрнинг халифасидан, деб ёзар эди. Илк бор мактубни амирул мўмининдан, деб ёзган одам ким? - деб сўради. Абу Бакр ибн Сулаймон шундай деди: Энг биринчи ҳижрат қилган аёл Шифонинг менга айтишича, Умар ибн Хаттоб Ироқдаги вакилига менга иккита пухта кишини жўнатсанг, улардан Ироқ ва унинг аҳолиси ҳақида сўрардим, деб мактуб жўнатди. Шунда Ироқ волийси Лабид ибн Рабийя билан Адий ибн Ҳотамни жўнатди. Икковлари Мадинага етиб келишиб, туяларини масжид ҳовлисига чўктиришди. Кейин масжидга киришиб, Амр ибн Осга дуч келишди. Унга: «Амирул мўминин олдиларига киришимизга рухсат сўраб беринг, эй Амр», дейишди. Шунда Амр: «Аллоҳга қасамки, сизлар унинг исмини жуда тўғри айтдингиз. Ҳақиқатда, у амир, биз эса мўминлармиз», деб, ўрнидан турди ва мўминлар амири Умарнинг олдига кириб: «Ассалому алайкум, эй амирул мўминин», деди. Шунда Умар: «Бу исмни қаердан олдинг, эй Амр?» - деди. Амр жавоб берди: «Лабид ибн Рабийя билан Адий ибн Ҳотам келишди ва туяларини масжид ҳовлисига боғлашиб, менинг олдимга киришди ва менга: Эй Амр, амирул мўмининнинг олдига киришимизга рухсат сўраб беринг, дейишди. Аллоҳга қасамки, улар исмингизни тўғри айтишди, биз мўминлармиз, сиз бизнинг амиримизсиз». Ибн Шиҳоб айтади: Ўша кундан бошлаб мактуб ана шундай бошланадиган бўлди. Шифо Абу Бакр ибн Сулаймоннинг бувиси эди». Бунини шу лафз билан Ҳоким ривоят

қилди. Умар ﷺ дан кейин халифаларни шундай деб аташ саҳобалар замонида ҳам, саҳобалардан кейин ҳам давом этди.

Халифанинг шартлари

Халифа халифаликка яроқли бўлиши ва унинг халифалигига инъиқод байъати берилиши учун унда албатта еттита шарт топилиши лозим. Ушбу етти шарт инъиқод шартлари бўлиб, агар улардан битта шарт етишмаса ҳам халифалик битими тузилмай қолади.

Инъиқод шартлари ушбулар:

Биринчи: Мусулмон бўлиши шарт. Чунки кофирнинг халифа бўлиши мутлақо жоиз эмас ва кофирга итоат қилиш вожиб бўлмайди. Чунки Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

– „Ва Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай“.

[4:141]

Бошқарув эса ҳокимнинг фуқаро устидан ҳукм юритишининг энг кучли йўлидир. Оятдаги «ҳаргиз» сўзи абадийликни ифодаловчи ибора бўлиб - Халифалик бўладими ё бошқами, ҳеч фарқсиз - кофирларнинг мусулмонлар устидан ҳар қандай бошқарувга эга бўлишдан қатъий қайтарилаётганига қарина (далил) бўлади. Модомики, Аллоҳ мўминлар устидан кофирларга йўл бўлишини ҳаром қилган экан, демак, мусулмонларга ўзлари устидан кофирларни ҳоким қилиб олишлари ҳаром бўлади.

Бунинг устига, халифа иш бошқарувчи бўлиб, Аллоҳ Субҳонаҳу мусулмонлар ишини бошқарувчи киши мусулмон бўлишини шарт қилган. Аллоҳ Таоло шундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!“

[4:59]

Яна айтади:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَذَاعُوا بِهِ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ﴾

– „Қачон уларга (жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида) тинчлик ёки хавф-хатар (яъни, ғалаба ёки мағлубият) хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни

ҳар кимга ёйиб юбормасдан) Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган иш эгаларигагина етказганларида эди...“ [4:83]

Қуръони Каримда «иш эгалари» деган сўз қаерда келган бўлса, албатта улар мусулмонлардан бўлишлари керак деган ибора билан келган бўлиб, бу нарса «иш эгаси» мусулмон киши бўлиши шарт қилинганига далолат қилади. Демак, халифа иш эгаси бўлиб, иш эгалари бўлган муовин, волий ва омилларни ҳам у тайин қилар экан, демак, унинг мусулмон бўлиши шарт бўлади.

Иккинчи: Эркак киши бўлиши шарт. Аёл киши халифа бўлиши жоиз эмас. Бу ҳақда Бухорий Абу Бакрдан ривоят қилган: Расулуллоҳ ﷺ га Форс аҳолиси ўзларига Кисронинг қизини подшо қилиб олганликларининг хабари етгач, у зот:

«لَنْ يُفْلِحَ قَوْمٌ وَلَوْ أَمَرَهُمْ امْرَأَةٌ»

«Ўз ишларига аёл кишини бошлиқ қилиб олган қавм асло нажот топмайди», дедилар. Расулуллоҳнинг ўз ишларига аёл кишини бошлиқ қилган кишиларнинг нажот топмаслиги ҳақидаги хабари аёл кишини бошлиқ қилишдан тақиқлашдир. Чунки бу талаб буйруқ сийғасида бўлиб, Расулуллоҳнинг бу ҳадиси ишларига аёл кишини бошлиқ қилган кимсаларнинг нажот топмаслиги билан мазаммат қилиш хабаридан иборат эканлиги тақиқнинг қатъийлигига далил бўлади. Демак, бу ерда аёл кишини бошлиқ қилишни тақиқлаш, тарк қилишни қатъий талаб қилишга далолат қилаётган қарина билан ёнма-ён келганлигидан аёл кишини бошлиқ қилиш ҳаромлиги келиб чиқади. Аёл кишини бошлиқ қилиш деган сўздан мурод бошқарув, яъни халифалик ва бошқарув, деб эътибор қилинадиган бошқа мансаблардир. Негаки ҳадис мавзуси Кисронинг қизи маълум бир подшоликка бошлиқ бўлишидан иборат бўлиб, бу айни шу ҳадисда келаётган бошқарув мавзусига хос мавзудир. Фақат Кисро қизининг бошлиқ бўлиш воқесига хос эмас. Шунингдек, бу ҳадиснинг мавзуси умумий эмас. У бошқарув мавзусидан ўзга мавзунинг ўз ичига олмайди. Яъни, қозилик, шўро мажлиси, муҳосаба ва ҳоким сайлашни ўз ичига олмайди, балки буларнинг барчасида аёл кишининг қатнашиши мумкин. Кейинроқ бу нарса қўшимча равишда баён қилинади.

Учинчи: Балоғатга етган бўлиши шарт. Халифа гўдак бола бўлиши мумкин эмас. Бу ҳақда Абу Довуд Али ибн Абу Толибдан ривоят қилишича, Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ: عَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ، وَعَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ، وَعَنِ الْمَعْتُوهِ حَتَّى يَبْرَأَ»

«Уч кишидан (амалларни ёзувчи) қалам кўтарилди: Гўдак то балоғатга етгунча, ухлаётган одам то уйғонгунича ва ақли ожиз одам то соғайгунича». Абу Довуднинг бошқа лафздаги мана бу ривояти ҳам бор:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ: عَنِ الْمَجْنُونِ الْمَغْلُوبِ عَلَى عَقْلِهِ حَتَّى يَفِيقَ، وَعَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ، وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَحْتَلِمَ»

«Уч кишидан қалам кўтарилди: Ақлдан озган мажнун одам то ақл-хуши жойига келгунича, ухлаётган одам то уйғонгунича ва гўдак бола то ихтилом бўлгунича». Кимдан қалам кўтарилган бўлиб, ўз ишларини тасарруф қилолмаса ва шаръан жавобгар киши бўлмаса, унинг халифа ёки халифаликдан ўзга бирор бошқарув ишида бўлиши мумкин эмас. Чунки у ишларни тасарруф қила олмайди. Халифа гўдак бола бўлиши жоиз эмаслигига яна бир далил Бухорийнинг мана бу ривоятидир:

«عَنْ أَبِي عَقِيلٍ زُهْرَةَ بْنِ مَعْبُدٍ عَنْ جَدِّهِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ هِشَامٍ وَكَانَ قَدْ أَدْرَكَ النَّبِيَّ ﷺ وَذَهَبَتْ بِهِ زَيْنَبُ بِنْتُ حَمِيدٍ إِلَى رَسُولِ ﷺ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، بَايِعْهُ، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: هُوَ صَغِيرٌ. فَمَسَحَ رَأْسَهُ وَدَعَا لَهُ...»

«Абу Уқайл Зуҳра ибн Маъбад бобоси Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан ривоят қилади, Абу Уқайл Пайгамбар ﷺ ни кўришга муяссар бўлган, уни Расулulloҳ ﷺ нинг олдиларига онаси Зайнаб бинти Ҳамид олиб борган. Онаси: «Ё Расулulloҳ, ўғлим билан байъат қилинг», деди. Шунда Пайгамбар ﷺ: «Бу ҳали ёш бола экан», дедилар ва боланинг бошини силаб, уни дуо қилдилар...». Модомики гўдак боланинг байъати эътиборсиз ҳисобланиб, бошқага халифа сифатида байъат бериши зиммасида эмас экан, демак, унинг халифа бўлиши аллақачон жоиз эмас.

Тўртинчи: Ақли расо бўлиши шарт. Расулulloҳ ﷺ нинг:

«...رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ...»

«Уч кишидан қалам кўтарилди...», деган ва шу ҳадисда:

«...المَجْنُونِ الْمَغْلُوبِ عَلَى عَقْلِهِ حَتَّى يَفِيقَ...»

«... ақлдан озган мажнун одам то ақл-қуши жойига келгунча...», деб зикр қилинган сўзларига биноан халифа ақлдан озган одам бўлиши жоиз эмас. Кимдан қалам кўтарилган бўлса, у мукаллаф киши ҳисобланмайди. Чунки ақл мукаллаф бўлишнинг манбаи ва ишларни тўғри тасарруф қилишнинг шартидир. Халифа эса бошқарув ишларини тасарруф қилиш, шаръий таклифларни ижро қилиш билан шуғулланади. Шунинг учун у мажнун бўлиши жоиз эмас. Негаки мажнун ўз шахсий ишларини тасарруф қила олмас экан, бошқа инсонларнинг ишларини тасарруф қилиши аллақачон жоиз эмас.

Бешинчи: Одил бўлиши шарт. Халифа фосиқ бўлиши жоиз эмас. Адолат халифаликка байъат берилиши ва бардавом бўлиши учун зарурий шарт ҳисобланади. Аллоҳ Таоло шундай деди:

﴿وَأَشْهَدُوا ذَوَى عَدْلٍ مِّنكُمْ﴾

– „Ва ўзларингиздан (яъни, мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглр...“ [65:2]

Демак, энг катта гувоҳ халифа экан, унинг одил бўлиши яна ҳам зарурдир. Чунки гувоҳга адолат шарт қилинган бўлса, шу адолатнинг халифага шарт қилиниши айниқса зарурдир.

Олтинчи: Ҳур (озод) бўлиши шарт. Чунки қул ҳожасининг мулки бўлиб, ўзи мустақил тасарруф юрита олмайди. Демак, ўзидан бошқани тасарруф қила олмас экан, бошқа инсонларни аниқ бошқара олмайди.

Еттинчи: Лаёқатли бўлиши шарт. Халифа халифалик юкини кўтаришга лаёқатли инсонлардан бўлиши лозим. Чунки бу байъат тақозо қиладиган ишлардан ҳисобланади. Зеро, ожиз одам фуқаро ишларини Қуръон ва суннатга мувофиқ олиб бориш ҳақида берилган байъатни бажара олмайди. Халифада бўлмаслиги лозим бўлган «ожизлик турлари»ни маҳкаматул мазолим белгилайди.

Афзаллик шартлари

Мана шулар халифага халифалик инъиқоди (байъати берилиши) шартлари бўлиб, бу етти шартдан бошқа ҳеч бир шарт инъиқод шarti бўлишга ярамайди. Қайсидир шарт - агар у ҳақда саҳиҳ нусуслар ворид бўлган бўлса ёки у бирон саҳиҳ насс билан собит бўлган ҳукм остига кирган бўлса - афзаллик шarti бўлиши мумкин. Лекин у инъиқод шarti бўлишга ярамайди. Чунки инъиқод шarti бўлиши учун унинг шундай шартлиги эканлиги

ҳақидаги далил талаби жозим (қатъий талаб) мазмунини ўз ичига олиши керак. Бундай талаб мазмуни бўлса, у лозимликка қарина бўлади. Энди агар далил талаби жозим мазмунини ўз ичига олмаган бўлса, у ҳолда шарт инъиқод шарти эмас, афзаллик шарти бўлади. Талаби жозим мавжуд далил келган шартлар эса фақат мана шу етти шартдир, холос. Шунинг учун фақат уларгина инъиқод шартлари бўлади. Саҳиҳ далил келган бошқа шарт эса фақат афзаллик шартидир, холос. Масалан, халифанинг қурайшлик бўлиши ёки мужтаҳид бўлиши ёки қурул ишлатишда моҳир бўлиши ёки шунга ўхшаш жозим (қатъий) бўлмаган далил ворида бўлган ишлар каби.

Халифа сайлаш тариқати

Шариат Умматга ўз устидан халифа сайлашни вожиб қилар экан, унга халифани сайлаш тариқатини ҳам белгилаб берди. Бу тариқат Қуръон, суннат ва саҳобалар ижмоси билан собит бўлган. Бу байъат айни тариқатдир. Демак, халифа тайинланиши Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига биноан мусулмонлар унга байъат беришлари билан амалга ошади. Мусулмонлардан мурод - агар Халифалик мавжуд бўлса - собиқ халифанинг қўл остидаги мусулмон фуқаролардир, агар халифа мавжуд бўлмаса - Халифалик барпо этилаётган минтақанинг мусулмон аҳолисидир.

Энди халифани тайинлаш тариқати шу байъат эканлигига келсак, бу нарса мусулмонларнинг Расулуллоҳга байъат берганларидан ва Расулуллоҳнинг бизни имомга байъат беришга буюрган буйруқлари билан собит бўлган. Аммо мусулмонларнинг Расулуллоҳга берган байъатлари пайғамбарликка берилган байъат эмас, балки бошқарувга берилган байъатдир. Чунки бу байъат тасдиқлашга эмас, балки амал қилишга бўлган байъатдир. Шунинг учун Расулуллоҳга Пайғамбар ва Расул деган эътиборда эмас, балки ҳоким деган эътиборда байъат берилган. Чунки пайғамбарлик ва расулликни тасдиқлаш иймон келтиришдир, байъат қилиш эмас. Демак, Расулуллоҳга давлат раиси деган эътибордагина байъат берилган. Дарҳақиқат, Қуръон ва суннатда байъат ҳақида оят ва ҳадислар келган: Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَىٰ أَنْ لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا يَسْرِقْنَ وَلَا يَزْنِينَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِبُهْتَانٍ يَفْتَرِينَهُ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْصِيَنَّ فِي مَعْرُوفٍ مَّعْرُوفٍ فَبَايِعْهُنَّ﴾

– „Эй Пайғамбар (алайҳис-салом), қачон сизнинг олдингизга мўминалар келиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғирлик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига (яъни, фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни, туққандек эрларига: «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўҳтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг...“ [60:12]

Яна айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), дарҳақиқат, сизга байъат-қасамёд қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳга байъат қилурлар - Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур“.[48:10] Бухорий ривоят қилиб, шундай деди: Бизга Исмоил, унга Молик Яҳё ибн Саиддан шундай ривоят қилади. Менга Убода ибн Валид, унга отаси Убода ибн Сомитдан хабар беришича:

«بَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ، وَالْمَنْشَطِ وَالْمَكْرَهِ وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ، وَأَنْ نَقُومَ أَوْ نَقُولَ بِالْحَقِّ حَيْثُمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةً لَانِم»

«Расулуллоҳ ﷺ га хурсандчиликда ҳам, хафачиликда ҳам қулоқ солиб итоат этишга, иш эгаларидан иш талашмасликка, қаерда бўлсак ҳам Аллоҳнинг йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмай ҳақиқатни адо этиб, ҳақиқатни айтишга байъат қилдик». Муслим Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан Расулуллоҳ ﷺ нинг шундай деганларини ривоят қилган:

«...مَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ، وَتَمْرَةً قَلْبِهِ، فَلْيَطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ

آخَرُ يُنَازِعُهُ فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخَرِ»

«Ким имомга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини берса, қодир бўлганича унга итоат қилсин. Агар бошқаси келиб ундан халифаликни талашса, кейингисини бўйнига уринглар». Муслим Абу Саид Худрийдан Расулуллоҳ ﷺ нинг шундай деганларини ривоят қилади:

«إِذَا بُيِعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَأَقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан кейингисини ўлдиришлар». Муслим Абу Ҳозимдан шундай ривоят қилади: «Мен Абу Ҳурайра билан беш йил бирга бўлдим. У киши Пайгамбар ﷺнинг шундай деганларини айтиб берди:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي وَسَتَكُونُ خُلَفَاءُ فَتَكْثُرُ قَالُوا فَمَا تَأْمُرُنَا قَالَ فُوا بَيْعَةَ الْأَوَّلِ فَلَا أَوَّلَ أَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَأَلَهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Бану Исроилга пайгамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайгамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайгамбар келарди. Мендан кейин эса пайгамбар йўқ. Халифалар бўладилар. Куп бўладилар. (Саҳобалар бизни нимага буюрасиз? - деб сўрашди. Айтдиларки): Энг биринчисининг, яна биринчисининг байъатига вафо қилишлар. Уларнинг ҳақларини ўзларига беринлар. Зеро, Аллоҳ улардан раият (фуқаро)ни қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди», дедилар. Демак, Қуръондаги ва суннатдаги нусусларда халифа сайлашнинг тариқати байъат эканлиги очиқ-ойдин келган. Буни барча саҳобалар жуда яхши тушунишган ва шу асосда юришган. Буни Хулафои рошидинларга берилган байъатда аниқ кўриш мумкин.

Халифа сайлаш ва унга байъат қилишнинг амалий тадбирлари

Халифага байъат қилишдан аввал уни сайлаш амалиёти тамомига етадиган амалий тадбирлар худди Хулафои рошидинлар билан бўлганидек турли шаклларда бўлиши мумкин. Улар Расулulloҳ ﷺнинг вафотларидан кейиноқ ҳокимият тепасига келишган бўлиб, улар Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ﷺлардир. Дарҳақиқат, бу амалий тадбирларни барча саҳобалар эътироз билдирмай, тасдиқ этганлар. Ҳолбуки, агар айни тадбирлар шариатга зид бўлганда, инкор этилган ишлардан бўлар эди. Чунки бу нарса мусулмонлар вужуди ва Ислому билан ҳукм юритишнинг бардавомлигига бориб тақаладиган энг муҳим ишга алоқадордир. Мана шу халифаларнинг сайланишларини диққат билан ўрганиб чиқадиган бўлсак, ўшанда Бану Соиданинг айвонида мусулмонлардан баъзилари бу ишни муҳокама қилганларини кўрамиз. Халифаликка номзодлар Саъд, Абу Убайда, Умар ва Абу

Бакрлар эди. Лекин Умар билан Абу Убайда Абу Бакрга рақобатчи бўлишга рози бўлмадилар. Гўё масала фақат Абу Бакр билан Саъд ибн Убоданинг ўрталаридагина эди. Баҳсу муҳокамадан сўнг Абу Бакрга байъат берилди. Кейин иккинчи куни мусулмонлар масжидга чақирилиб, Абу Бакрга байъат бердилар. Айвондаги байъат инъиқод байъати бўлиб, Абу Бакр бу байъат орқали мусулмонларнинг халифасига айланди. Иккинчи куни масжиддаги байъат эса итоат қилиш байъати бўлди. Абу Бакр ўзининг касаллиги ўлимга олиб борадиган касал эканлигини ҳис этгач - мусулмонлар қўшини ўша пайтда Форс ва Румдек буюк давлатлар билан урушаётган эди - мусулмонларни чақириб ким халифа бўлиши борасида улардан маслаҳат сўради. Абу Бакрнинг мусулмонлар билан маслаҳатлари уч ой давом этди. Масалаҳатни тамомлаб, кўпчиликнинг фикрини билгач, ўздан кейин Умарнинг халифа бўлиши ҳақида мусулмонлар билан аҳдлашди. Бугунги кун тили билан айтганда - номзодини илгари сурди. Абу Бакрнинг бу аҳди ёки Умарнинг номзодини қувватлаши ўздан кейин Умарни халифа қилиш тўғрисидаги ақд (битим) эмас эди. Чунки Абу Бакр ﷺнинг вафотидан кейин мусулмонлар масжидга йиғилиб, Умарнинг халифалигига байъат қилдилар. Абу Бакрнинг мусулмонлардан маслаҳат сўраши ёки уларнинг фикрига рози бўлиши билан эмас, балки мусулмонларнинг байъати билан Умар уларга халифа бўлди. Чунки агар Абу Бакр томонидан Умарнинг номзоди илгари сурилиши унинг халифа бўлиб қолишига ақд бўлганида эди, мусулмонларнинг Умарга байъат қилишларига эҳтиёж бўлмас эди. Бундан ташқари, мусулмонларнинг байъатисиз бирор инсон халифа бўлиши жоиз эмаслигига очиқ далолат қилувчи нусуслар ҳам мавжуд эканлигини юқорида зикр қилиб ўтдик. Кейин Умар пичоқланганда мусулмонлар ундан ўзининг ўрнига халифа тайин қилиб қолдиришини талаб қилишган эди, у бош тортди. Улар талабда қаттиқ туриб олишгач, Умар олти кишини ажратди, бошқача қилиб айтганда - олти кишининг «номзодини илгари сурди». Кейин Суҳайбни одамларга намозни ўқиб бериш ва Умар белгилаб берган уч кун ичида олти киши ичидан бирини танлаб олишларини назорат қилиб туриш учун тайинлади. Умар Суҳайбга шундай деди: «... Агар беш киши тўпланиб, ўзларидан бир кишининг халифа бўлишига рози бўлсаю, бир киши бунга рози бўлмаса, унинг бошини қилич билан чопиб ташла...». Бу гапни Табарий ўзининг «Тарих»ида, Ибн Қутайба халифалар тарихи деб танилган «Китобул имомати вас-сиёсати» номли китобида,

шунингдек, ибн Саъд «Табакотул Кубро»да нақл қилганлар. Кейин Умар ана шу олти кишини қўриқлаш учун Абу Талха ал-Ансорийни эллик киши билан бирга соқчи қилиб тайинлади. Миқдод ибн Асвадга эса номзодлар тўпланадиган жойни танлашни топширди. Умар ﷺнинг вафотидан кейин номзодларнинг мажлиси қарор топгач, Абдурраҳмон ибн Авф номзодларга қараб: Қайси бирингиз ўзининг номзодини чиқариб олиб, халифаликни энг афзалингизга топширишга рози бўласиз? - деб сўради. Ҳамма сукут қилди. Шунда Абдурраҳмоннинг ўзи мен ўзимни номзодликдан чиқариб оламан деди-да, номзодлардан биттама-битта: Мендан ташқари кимни халифаликка ҳақлироқ деб ўйлайсиз, дея маслаҳат сўрай бошлади. Уларнинг жавоби икки кишига, Усмон ва Алига келиб тўхтади. Шундан кейин Абдурраҳмон мусулмонларнинг фикрини ўргана бошлади, иккаласидан қайси бирини исташларини сўрашга киришди. У эркагу аёлдан сўрар, одамларнинг фикрини ўрганар эди. Абдурраҳмон ﷺ фақат кундузигина эмас, ҳатто тунлари ҳам ишларди. Бухорий Мисвар ибн Махрамадан ушбу ривоятни чиқарган: Мисвар деди: «Абдурраҳмон кечаси ухлаб ётганимда эшигимни қоқди, ахири уйғониб кетдим. У менга: Ухлаяпсанми? Аллоҳга қасамки, шу уч кеча мижжа қоқмадим, деди». Одамлар бомдод намозини ўқишгач, Усмонга байъат қилиш тамомига етди. Усмон Умарнинг олти кишини ажратиб бериши билан эмас, балки мусулмонларнинг байъати билан халифа бўлди. Кейин Усмон ҳам ўлдирилгач, Мадина билан Куфадаги мусулмонларнинг кўпчилиги Али ибн Абу Толибга байъат беришди. Али ҳам мусулмонларнинг байъати билан халифа бўлди.

Хулафои рошидин ﷺларга қандай байъат қилинганлиги текширилса, халифаликка номзодлар одамларга эълон қилингани ҳамда уларнинг ҳар бирида байъат қилиниш шартлари тўла мавжуд бўлгани аён бўлади. Шундан сўнг Умматнинг вакиллари бўлган мусулмонлар орасидаги аҳли ҳал вал-ақднинг фикри олинади. Хулафои рошидинлар замонида бундай вакиллар саҳобалар ёки Мадина аҳолиси бўлганлиги маълум. Саҳобалар ёки уларнинг кўпчилиги кимнинг халифа бўлишини хоҳласалар, унга инъиқод байъати берилар ва у халифа бўлиб, унга итоат этиш вожиб бўларди. Шундан сўнг ҳамма мусулмонлар унга итоат байъатини берардилар. Халифа шу тарзда халифа бўлиб, у бошқарувда, ҳокимиятда Ислом Умматининг вакилига айланади.

Хулафои рошидин ﷺларга берилган байъат борасидаги ишлардан тушунилган нарсалар - мана шулар. Бу ерда Умарнинг

олти кишининг номзодини илгари суришидан ҳамда Усмон ﷺнинг байъат тадбирларидан яна икки иш тушунилади. Улар қуйидагича: Янги халифани сайлаш вақтида бошқарув ишларини бажарувчи муваққат амирнинг бўлиши ҳамда номзодлар кўпи билан олти кишига чекланишидир.

Муваққат амир

Халифа ўзининг ажали етганини сезган пайтда, қисқа ва етарли фурсат оралиғида халифалик мансаби бўшаб қолишидан сал олдин муваққат (вақтинчалик) амирни тайин қилмоғи зарур бўлади. Бу муваққат амир янги халифани сайлаш тадбирлари қўрилаётган қисқа давр ичида мусулмонларнинг ишларини бошқариб туради ва халифа вафот этгандан сўнг унинг ишларига бевосита киришади. Унинг асосий иши эса шу уч кун ичида янги халифа сайланишини тамомига етказишдан иборат.

Муваққат амир аҳкомларни табанний қилиши мумкин эмас. Чунки бу иш Уммат байъат қилган халифанинг салоҳиятига киради. Шунингдек, у халифаликка ўз номзодини қўйиши ёки номзодларни қўллаб-қувватлаши ҳам жоиз эмас. Чунки Умар ﷺ муваққат амирликка халифаликка номзодларини илгари сурган кишилардан бошқа кишини тайин қилган. Муваққат амирнинг бошқаруви янги амирнинг сайланиши билан ниҳоясига етади. Чунки унинг қиладиган иши айна вазифасини вақтинча адо этишдан иборатдир.

Суҳайбнинг Умар ﷺ тайин қилган муваққат амир бўлганига далил эса қуйидагидир:

Умар ﷺнинг олти номзодга қарата: «Сизлар ўзаро маслаҳатлашиб оладиган мана шу уч кун ичида сизларга намозни Суҳайб ўқиб берсин», деган сўзи. Кейин Суҳайбга: «Уч кун одамларга намоз ўқиб бер... Агар беш киши тўпланиб, бир кишининг халифа бўлишига рози бўлсалар-у, яна бир киши рози бўлмаса, унинг бошини қилич билан чопиб ташла...», дегани ва бу гап шуни англатадики, Суҳайб уларга амир қилиб тайинланган. Чунки у намозга амир қилиб тайинланди. Намозда амир бўлиш эса одамларга амир бўлишни англатади. Чунки Умар Суҳайбга «бошини чопиб ташла» дея, жазо чорасини қўллаш салоҳиятини берди. Қатлни эса фақат амир амалга оширади.

Ушбу амалиёт бир гуруҳ саҳобалар кўз ўнгида ҳеч қандай инкорсиз адо этилди. Бу нарса халифа янги халифани сайлаш тадбирларини бошқариб туриш учун муваққат амирни тайинлаши мумкин, деган ижмо бўлиб қолди. Шунга биноан, халифа

тириклик чоғида - агар халифа вафот этса-ю, янги халифа сайлаш тадбирларини кўриш учун муваққат амирни тайин қилмаган бўлса, бирор шахс муваққат амир бўлиши керак, деган бир моддани табанний қилиши ҳам жоиз бўлади.

Биз бу ерда қўйдаги нарсани табанний қиламиз: Агар халифа ўлимга олиб борадиган касаллиги даврида муваққат амирни тайин қилмаган бўлса, муваққат амир халифанинг муовинларидан энг ёши улуғи бўлиши лозим. Аммо агар у (халифа бўлишга) ўз номзодини қўйган бўлса, ундан кейинги ёшроқ муовини ва ҳоказо... бўлаверади. Улардан кейин эса юқоридаги тартибда танфиз вазирлари туради.

Бу иш халифа ишдан олинган ҳолатга ҳам тўғри келади. Унда муваққат амир - ўз номзодини қўймаган бўлса - муовинларнинг энг ёши улуғи бўлади. Агар ўз номзодини қўйган бўлса, ундан кейингиси, кейингиси то охиригача шундай бўлаверади. Кейин танфиз вазирларидан энг ёши улуғи ва ҳоказо бўлаверади. Агар уларнинг ҳаммаси ўз номзодларини қўймоқчи бўлсалар, у ҳолда муваққат амирликка танфиз вазирларидан ёши энг кичигини тайин қилиш лозим бўлади.

Бу иш шунингдек, халифанинг асирга тушиб қолган ҳолатига ҳам тўғри келади. Бу ерда - халифанинг асирликдан озод бўлишига умид қилинган ёки қилинмаган пайтда ҳам - муваққат амирнинг салоҳиятига тааллуқли айрим тафсилотлар бор. Айни салоҳиятларни эса ўша пайтда чиқариладиган қонун тезда тартиблаштиради.

Муваққат амир - Расулulloҳ ﷺ жиҳодга чиққан пайтда ёки видолашиш ҳажи ва шунга ўхшаш пайтда қилганларидек - халифа жиҳодга ёки сафарга чиққан пайтида ўзининг ўрнига ноиб қилиб қолдирадиган кишидан тамоман фарқ қилади. Чунки бундай ҳолатда халифага ноиблик қиладиган киши айни ноиблиги тақозо қилувчи ишларни бошқариш тўғрисида халифа унга белгилаб берадиган салоҳиятларгагина эга бўлади.

Номзодлар сонини чеклаш

Хулафои рошидинларнинг қандай сайлангани диққат билан ўрганилса, бу масалада номзодлар сониди маълум чекловга амал қилинганлиги маълум бўлади. Масалан, Бану Соиданинг айвонида номзодлар Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ва Саъд ибн Убодалар бўлиб, номзодликка шу кишилар билангина кифояланилган. Бироқ, Умар билан Абу Убайда ўзларини Абу Бакрга тенглаштирадилар ва халифалик учун у билан рақобатлашмади-

лар. Натижада номзодини қўйиш амалда Абу Бакр билан Саъд ибн Убодаларнинг ўртасидагина бўлди. Шундан кейин айвонда аҳли ҳал вал-ақд Абу Бакрни халифа қилиб сайлаб, унга инъиқод байъатини беришди. Кейин эртаси куни масжидда мусулмонлар Абу Бакрга итоат байъатини бердилар.

Абу Бакр мусулмонларга халифаликка Умарнинг номзодини илгари сурди. Умар билан эса бошқа номзод бўлмаган эди. Кейин мусулмонлар унга аввал инъиқод байъатини, кейин итоат байъатини беришди.

Умар ҳам мусулмонларга олти киши номзодини илгари суриб, уларнинг орасидан бирини халифа қилиб сайлаб олишлари учун уларнинг сонини олтитага чеклади. Кейин Абдурраҳмон ибн Авф бешови билан баҳс қилди-да, қолган учтасидан ваколат олиб, Али билан Усмоннинг номзодларида тўхтади. Шундан сўнг одамларнинг фикрини ўрганди ва уларнинг фикри Усмоннинг халифа бўлишига келиб тўхтади.

Энди Али ﷺ га келсак, халифаликка у билан бирга бошқа биронта номзод бўлмади. Шунинг учун унга Мадина ва Куфадаги мусулмонларнинг кўпчилиги байъат қилишди ва у тўртинчи халифа бўлди.

Усмон ﷺ нинг байъатида: Халифа сайлаш учун рухсат берилган энг кўп муддат, яъни уч кеча-кундуз, шунингдек, номзодлар сонини олти кишигача, кейинчалик эса икки кишига чеклаш воқеалари бўлиб ўтди. Биз ушбу мавзуимизга фойдаси борлигини эътиборга олиб, айни байъатнинг қандай содир бўлганини андак тафсилоти билан айтиб ўтамиз:

1. Умар ﷺ ҳижратнинг 24 йили муҳаррам ойининг бошида якшанба куни эрталаб, Абу Луълуъа - унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин - томонидан пичоқлангани таъсиридан вафот этди. Унинг пичоқланиши ҳижратнинг 23 йили, зул-ҳижжа ойининг тугашига тўрт кун қолганда, чоршанба куни меҳробда бомдод намозини ўқиётган пайтда юз берди. Умар ﷺ нинг васиятига биноан унинг жанозасини Суҳайб ﷺ ўқиди.

2. Умарни дафн қилиш ишларидан фориг бўлингач, Миқдод Умар васият қилган олти кишидан иборат шўро аҳлини уйларнинг бирига тўплади. Абу Талҳа эса уларни қўриқлаб турди. Улар ўтириб маслаҳатлашганларидан сўнг Абдурраҳмон ибн Авфни - ўзлари рози бўлиб - ораларидан бирини халифа қилиб танлашга вакил қилдилар.

3. Абдурраҳмон улар билан муҳокама қилиб, ҳар бирдан алоҳида-алоҳида мана бундай деб сўрай бошлади: Агар сиз халифа

бўлмасангиз, қолганлардан кимнинг халифа бўлишини хоҳлайсиз? Уларнинг жавоби Али билан Усмондан нарига ўтмади. Шундан кейин Абдурраҳмон номзодларни олти кишидан икки кишига чеклади.

4. Шундан кейин, юқорида маълум бўлганидек, Абдурраҳмон одамлардан маслаҳат сўради.

5. Чоршанба куни кечаси, яъни Умар ﷺнинг вафотидан (якшанба куни) уч кун кейин, Абдурраҳмон опасининг ўғли Мисвар ибн Махраманнинг ҳовлисига борди. Ибн Касирнинг «Бидоя ва ниҳоя» китобидан шундай нақл қилинади:

«Умарнинг вафотидан тўртинчи кунга ўтар кечаси Абдурраҳмон опасининг ўғли Мисвар ибн Махраманнинг уйига борди ва: Эй Мисвар, ухлаяпсанми? Аллоҳга қасамки, мен уч кундан буён ухламадим, деди», яъни Умар вафот этган якшанбадан душанбага ўтар кечаси, сешанбага ўтар кечаси ва чоршанба кечаси. Кейин «... Бор, менга Али билан Усмонни чақириб кел, деб масжидга чиқиб кетди... кейин барча одамлар «ас-солату жомиатун», дея чақирилди...». Бу чоршанба бомдоди эди. Кейин у Алининг - (Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин ва юзларини мунаввар айласин) - қўлидан тутиб, ундан Аллоҳнинг Китоби, Расулининг суннатига биноан ва Абу Бакр билан Умарнинг ишини давом эттиришга байъат қиласизми? - деб сўради. Али ﷺ ўзининг ушбу машҳур жавобини қилди: «Мен Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннати бўлса, ҳа байъат қиламан, аммо Абу Бакр билан Умарнинг амалларига бўлса, йўқ, мен ўз фикрим бўйича ижтиҳод қиламан». Абдурраҳмон Алининг қўлини қўйиб юборди, кейин Усмоннинг қўлини тутиб, унга ҳам айни саволни берди. Шунда Усмон: «Ҳа, байъат қиламан», деди ва Усмон ﷺнинг халифалигига байъат берилди.

Суҳайб одамларга шу кун бомдод намозини ҳам, пешин намозини ҳам ўқиб берди. Усмон ﷺ мусулмонларга халифа сифатида аср намозини ўқиб берди. Бошқача қилиб айтганда, Усмон ﷺга бомдод намозидан сўнг инъиқод байъати бошланган бўлишига қарамасдан, Суҳайбнинг амирлиги Мадинада аҳли ҳал вал-ақд Усмонга байъат берганларидан кейингина ниҳоясига етди. Дарҳақиқат, унинг амирлиги ўша куннинг ярмидан кейингача, яъни асрдан сал аввал, саҳобалар Усмонга байъат бергани бир-бирларини чақириб бўлишган пайтда охирига етди. Иш асрдан сал аввал тугаши билан Суҳайбнинг амирлиги ҳам ниҳоясига етди ва Усмон одамларга халифа сифатида аср намозини ўқиб берди.

«Бидоя ва ниҳоя» соҳиби Суҳайб Усмоннинг байъати бомдод пайтида бўлиб ўтганини била туриб, нима учун пешинда ҳам одамларга имом бўлганини баён қилиб, шундай дейди: «... Унга одамлар масжидда байъат берганларидан сўнг у шўро ҳовлисига, яъни «аҳли шўро тўпланган уйга» олиб борилди ва қолган одамлар унга ўша ерда байъат беришди. Яъни, байъат пешиндан кейингина адо бўлди. Суҳайб эса ўша куни пешинда Масжиди набавийда имом бўлди. Халифа амирул мўминин Усмон ﷺ энг биринчи имомлик қилган намози эса аср намози бўлди...».

«Умар пичоқланган, вафот этган ва Усмонга байъат қилинган кун ҳақида ихтилофлар мавжуд... Бироқ биз уларнинг энг кучлироғини зикр қилдик».

Шунга биноан, «вафот этиш ёки ишдан бўшатиш каби» халифалик лавозими бўшаб қолганидан сўнг унга номзодни қўйиш чоғида эътиборга олиниши зарур бўладиган ишлар бор. Улар қуйидагилар:

1. Номзодни қўйиш тўғрисидаги фаолият муҳлат белгиланган кунлар давомида кечаю-кундуз бўлади.

2. Номзодлар сонини инъиқод шартлари тўла топиладиган тарзда чеклаш. Буни маҳкаматул мазолим олиб боради.

3. Лаёқатли номзодлар сонини икки марта, биринчи олтига, иккинчи марта иккита шахсга чеклаш. Бу икки чекловни Умматнинг вакили деган эътиборда Уммат мажлиси олиб боради. Чунки Уммат Умарга ваколат берган эди, Умар олти кишига ваколат берди, олти киши эса ораларидан Абдурраҳмонга ваколат беришди, у муҳокамадан кейин олти кишидан икки кишини чақирди. Аён бўлганидек, бу ишларнинг ҳаммаси Умматга бориб тақалади, яъни улар Уммат вакиллари дидир.

4. Муваққат амирнинг салоҳияти сайлов натижаси эълон қилиниши билан эмас, балки байъат тадбирлари тугаши ва халифа сайланиши билан ниҳоясига етади. Масалан, Суҳайбнинг амирлиги Усмоннинг сайланиши билан эмас, балки унга байъат қилиш тамом бўлиши билан тугади.

Юқорида ўтган нарсалардан кўришиб турибдики, халифани уч кеча ва кундуз ичида қандай сайлашни белгиловчи бир қонун чиқарилади. Дарҳақиқат, бу қонун тузилди. Унинг муҳокамаси ва табанний қилиниши - Аллоҳнинг изни билан - муносиб пайтда амалга ошади.

Буларнинг ҳаммаси халифа вафот этган ёки ишдан олинган... ва унинг ўрнига бошқа халифа қўйилиши керак бўлган ҳолатга боғлиқ гаплар.

Аммо мутлақо халифа бўлмаган ҳолатда эса шариат аҳкомларини ижро қилиш ва бутун дунёга даъватни олиб чиқиш учун мусулмонларга ўзлари учун бир халифани тиклаш фарз бўлиб қолади. Худди 1342 ҳижрий йил йигирма саккизинчи ражаб, 1924 милодий йил 3 мартда Истамбулда ИсломиЙ Халифалик қулатилганидан буён бугунги аҳвол каби. Чунки ИсломиЙ оламдаги мавжуд ИсломиЙ юртларнинг ҳар бири битта халифага байъат беришга муносиб ва шу билан Халифалик барпо бўлади. Агар ана шу ИсломиЙ давлатлардан биттаси халифага байъат қилган бўлса, Халифалик барпо бўлган бўлиб, қолган давлатларда яшовчи барча мусулмонлар унга итоат байъатини, яъни бўйинсуниш байъатини бериши фарз бўлиб қолади. Бу эса аҳолиси томонидан Халифаликка инъиқод байъати берилган ана шу давлатда қуйидаги тўртта шарт топилганидан кейингина бўлади:

Биринчи шарт: Ана шу давлатдаги ҳокимият кофир давлатга ёки кофирнинг нуфузига эмас, ёлғиз мусулмонларга суянадиган мустақил ҳокимият бўлиши;

Иккинчи шарт: Ана шу давлатдаги мусулмонларнинг хавфсизлиги (ҳимояси) куфр томонидан эмас, Ислом томонидан таъминланиши, яъни давлат ички ва ташқи жиҳатдан соф ИсломиЙ қувват деган эътиборда мусулмонларнинг қуввати орқали Ислом ҳимояси билан ҳимояланган бўлиши;

Учинчи шарт: Дарҳол тўла равишда Исломи татбиқ қилишга ва ИсломиЙ даъватни етказишга киришиши;

Тўртинчи шарт: Байъат қилинган халифа ўзида - гарчи унда афзаллик шартлари мужассам бўлмаса-да - инъиқод шартларини тўлиқ мужассам қилган бўлиши. Чунки эътиборга олинадиган нарса инъиқод шартларидир.

Агар ўша давлатда шу тўрт шарт тўла мавжуд бўлса, шу битта давлатнинг байъати билан Халифалик вужудга келади. Шу давлат аҳолиси берган ҳақиқий тўғри инъиқод байъати билан халифа шаръий халифа бўлиб қолади. Ундан бошқасига байъат қилиш жоиз бўлмайди.

Мана шундан кейин бирор давлат бошқа бир халифага байъат қилса, Расулulloҳ ﷺнинг мана бу сўзларига мувофиқ ўша давлатнинг байъати ботил байъат бўлади:

«إِذَا بُوعَ لِحَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан кейингисини ўлдиришлар». Расулulloҳ ﷺ яна шундай дедилар:

«... فُؤَا بَيْعَةِ الْأَوَّلِ فَأَلَّوْلَ»

«... биринчисининг, биринчисининг байъатига вафо қилинглар». Расулulloҳ ﷺ яна шундай дедилар:

«مَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةَ يَدِهِ، وَتَمْرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطِئْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخِرُ

يُنَازِعُهُ فَاصْرُبُوا عَنْقَ الْآخِرِ»

«Ким имомга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини берса, қодир бўлганича унга итоат қилсин. Агар бошқаси келиб ундан халифаликни талашса, кейингисини бўйнига уринглар».

Байъат бериш кайфияти

Биз юқорида байъат беришнинг далилларини ва байъат Исломда халифа сайлашнинг ягона тариқати эканлигини баён қилдик. Энди байъат қандай бўлишига келсак, у қўл бериб кўришиш билан бўлади. Гоҳида хат орқали ҳам бўлади. Абдуллоҳ ибн Динор шундай деган: Мен Абдуллоҳ ибн Умарни одамлар Абдулмаликка байъат беришга тўпланишганда кўргандим. У шундай мактуб ёзган эди: «Мен Аллоҳнинг қули амирул мўминин Абдулмаликка Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига асосан қодир бўлганимча қулоқ солиб итоат қилишга қарор қиламан». Байъат бошқа бирор восита билан бўлиши ҳам дуруст бўлаверади.

Бироқ, байъатни болиғ инсон бериши шарт қилинади, ёш болалар томонидан байъат берилиши дуруст эмас. Дарҳақиқат, юқорида Абу Уқайлнинг ҳикоя қилишича, у бобосидан, бобоси эса Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан ривоят қилади: У Пайғамбар ﷺни кўришга муяссар бўлган экан. Онаси Зайнаб бинти Ҳамид уни Расулulloҳ ﷺнинг олдиларига олиб бориб, унга байъат қилинг, ё Расулulloҳ, деди. Шунда Расулulloҳ ﷺ:

«هُوَ صَغِيرٌ. فَمَسَحَ رَأْسَهُ وَدَعَا لَهُ»

«У ҳали ёш бола, дедилар-да, боланинг бошини силаб, дуо қилдилар». (Бухорий ривояти).

Энди байъатнинг лафзларига келсак, улар муайян лафзларга чекланган эмас. Лекин халифа томонидан Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатига амал қилишни ўз ичига оладиган лафзлар, байъат бераётган киши томонидан қийинчилик ва енгилликда ҳам, хурсандчилик ва хафаликда ҳам итоат қилишни ўз ичига олувчи лафзлар айтилиши албатта зарур. Юқоридаги маълумотларга

мувофиқ бу лафзлар шаклини белгиловчи бир қонун ишлаб чиқилади.

Байъат берувчи қачонки халифага байъат бердими, бас, бу байъат, байъат берган одамнинг елкасидаги омонатга айланиб қолади, унинг байъатдан қайтиши ҳаром бўлади. Бу байъат халифаликка инъиқод байъати, деган эътиборда то уни бергунига қадар байъат берувчининг ҳуқуқидир. Агар ундан қайтишни истаса ҳам қайтиши мумкин бўлмайди. Бухорийнинг Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنهдан шундай ривояти бор: Бир бадавий араб Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمга Исломга амал қилиш борасида байъат берди. Кейин у енгил безгак касалига учраб қолиб: «Байъатимни қайтариб беринг», деди. Расулulloҳ кўнмадилар. Кейин яна келиб: «Байъатимни қайтариб беринг», деди. Расулulloҳ кўнмадилар. У қайтиб кетди. Шунда Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай дедилар:

«الْمَدِينَةُ كَالْكَبِيرِ تَنْفِي خَبَثِهَا، وَيَنْصَعُ طَيْبُهَا»

«Мадина темирчининг боққонига ухшайди-ки, у ифлос нарсаларни кетказади, покизалари эса қолади». Нофеъ айтди, Абдуллоҳ ибн Умар шундай деди. Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг шундай деганларини эшитганман:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لِقِيَّ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ»

«Ким итоат қилишдан қўлини тортса, Қиёмат кунда Аллоҳга ҳужжати йўқ ҳолда йўлиқади». (Муслим ривояти). Халифага берилган байъатни бузиш Аллоҳга итоат қилишдан қўлни тортишдир. Бироқ, бу қачон байъат берувчи халифага инъиқод байъатини ёки инъиқод байъати тўғри берилган халифага итоат байъатини берган бўлса, шундай бўлади. Аммо бир халифага бошланишда биринчи байъат қилган бўлса-ю, кейин бу байъат тамомига етмаган бўлса, байъат берувчи мусулмонлар томонидан халифага инъиқод байъати қилиниб бўлгани йўқ деган эътиборда, айти байъатидан халос бўлиш ҳуқуқига эга. Чунки ҳадисдаги тақиқ тўла халифа бўлиб сайланмаган кишига берилган байъатдан қайтишга эмас, балки халифага байъат беришдан қайтишга тааллуқлидир.

Халифалик битта бўлиши

Барча мусулмонлар битта давлатда бўлишлари ва уларнинг халифаси фақат битта бўлиши лозим. Оламдаги мусулмонлар учун

ягона давлатдан бошқа давлат ва ягона халифадан бошқа халифа бўлиши шаръан ҳаром.

Шунингдек, Халифалик давлатида бошқарув низоми ҳам битта низом бўлиши вожиб, унинг бирлашган иттифоқ (федерация) низоми бўлиши ҳаромдир. Бунинг далили Муслимнинг Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осдан қилган ривоятидир. Абдуллоҳ мен Расулуллоҳ ﷺнинг:

«مَنْ بَايَعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفْقَةَ يَدِهِ، وَتَمْرَةَ قَلْبِهِ، فَلْيُطِعْهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخِرُ
يُنَازِعُهُ فَاصْرُبُوا عُنُقَ الْآخِرِ»

«Ким имомга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини берса, қодир бўлганича унга итоат қилсин. Агар бошқаси келиб ундан халифаликни талашса, кейингисини бўйнига уринглар», деганларини эшитдим, деди.

«مَنْ أَتَاكُمْ وَأَمْرُكُمْ جَمِيعٌ عَلَى رَجُلٍ وَاحِدٍ يُرِيدُ أَنْ يَشُقَّ عَصَاكُمْ أَوْ يُفَرِّقَ
جَمَاعَتَكُمْ فَاقْتُلُوهُ»

«Бир киши атрофида бирлашиб турган пайтингларда биров келиб, бирлигингизни бузмоқчи ва жамоатингизни бўлиб юбормоқчи бўлса, уни ўлдириглар». Яна Муслим Абу Саид Худрийдан, у эса Расулуллоҳ ﷺдан қилган ривоятидир:

«إِذَا بُوِيعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан кейингисини ўлдириглар». Яна Муслимнинг Абу Ҳозимдан қилган ривоятидир. У шундай дейди: Мен Абу Ҳурайра билан беш йил бирга бўлдим ва ундан Расулуллоҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим:

«كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءُ كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي
وَسَتَكُونُ خُلَفَاءُ فَتَكْثُرُ قَالُوا فَمَا تَأْمُرُنَا قَالَ فُوا بِيَعَةِ الْأَوَّلِ فَأَلَّوْا أَعْطَوْهُمْ حَقَّهُمْ
فَإِنَّ اللَّهَ سَاتِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرَعَاهُمْ»

«Вану Исроилга пайгамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайгамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайгамбар келарди. Мендан кейин эса пайгамбар йуқ. Халифалар буладилар. Куп буладилар. (Саҳобалар бизни нимага буюрасиз? - деб сўрашди. Айтдиларки): Энг биринчисининг, яна

биринчисининг байъатига вафо қилинглари. Уларнинг ҳақларини ўзларига беринглари. Зеро, Аллоҳ улардан раият (фуқаро)ни қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди».

Биринчи ҳадис, бир кишига имомлик, яъни халифалик берилгач, унга итоат қилиш вожиблигини, кейин агар бошқа бир шахс келиб ундан халифаликни талашса, у билан урушишни, агар у талашидан қайтмаса, уни ўлдиришни баён қиляпти.

Иккинчи ҳадис, мусулмонлар ягона халифанинг амирлиги остида битта жамоат бўлсалар, кейин бир шахс келиб, мусулмонларнинг бирлигини бузмоқчи ва жамоатларини тарқатиб юбормоқчи бўлса, уни ўлдириш вожиб эканлигини баён қиляпти. Иккала ҳадис ўз мафҳумлари билан - гарчи қилич ёрдамида бўлса ҳам - давлатнинг бўлиниб-тақсимланиб кетишига йўл қўймасликка тарғиб этиш ва ундан ажраб чиқишни ман этиш кераклигига далолат қиляпти.

Учинчи ҳадис, давлат халифадан - унинг ўлими, ишдан бўшаши ёки ишдан бўшатилиши туфайли - холи бўлиб қолса ҳамда халифалик учун икки шахсга байъат бериб қолинса, кейингисини ўлдириш вожиб бўлиши, бошқача қилиб айтганда, халифа ҳақиқий тўғри байъат берилган биринчи киши бўлиб, кейин байъат берилган иккинчи кимса - агар халифаликни тарқ қилганини эълон қилмаса - ўлдирилиши вожиб бўлган ҳолат ҳақида баён қиляпти. Иккитадан кўп шахсга байъат берилган ҳолатда эса, гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу эса давлатни парчаланиб кетишдан сақлашга ишорадир, яъни давлатни майда давлатчаларга бўлиб ташлаш ҳаром эканлигини, ягона давлат бўлиб қолиши вожиблигини англатади.

Тўртинчи ҳадис эса, Расулulloҳ ﷺ дан кейин халифалар кўп бўлиши, саҳобалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Расулulloҳдан халифалар кўп бўлиб кетган вақтда нима қилишлари кераклигини сўрашганда, ул зот биринчи байъат берилган халифага вафо қилишлари ва унга итоат қилишлари керак, чунки у шаръий халифадир, деб жавоб берганликларига далолат қиляпти. Бошқаларига эса итоат қилинмайди, чунки уларнинг байъати ботил ва ношаръий байъатдир. Зеро, мусулмонларнинг халифаси бўла туриб бошқа халифага байъат берилиши жоиз эмас. Шунингдек, бу ҳадис яна итоат фақат битта халифага бўлиши вожиблигига, бинобарин, мусулмонларнинг биттадан ортиқ давлати бўлиши ҳеч ҳам жоиз эмаслигига ҳам далолат қиляпти.

Халифанинг салоҳиятлари

Халифа қуйидаги салоҳиятларга эга:

а) Фақат халифагина Уммат ишларини бошқаришда керак бўладиган, Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннатидан тўғри ижтиҳод билан истинбот қилинган шаръий аҳкомларни табанний қилади. Бу ҳукмлар итоат қилиш вожиб бўлган ва унга қарши чиқиш мумкин бўлмаган қонунларга айланади.

б) Халифа давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига жавобгардир. У қўшинни бошқаради. У уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, ярашиш ва бошқа битимларни тузиш ҳуқуқига эга.

в) У чет эл элчиларини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳамда мусулмон элчиларни тайинлаш ёки бўшатиш ҳуқуқига эга.

г) Фақат угина муовинларни, волийларни тайин қилади ва бўшатади. Уларнинг ҳаммаси Уммат мажлиси олдида масъул бўлганлари каби халифа олдида ҳам масъулдирлар.

д) У қозилар қозисини ва қозиларни тайин қилади ва бўшатади. Аммо мазолим қозисини тайин қила олса-да, бўшатиш ҳуқуқига эга эмас. Уни бўшатишга оид қоидалар маълум, улар қозилар деган бобда баён этилган. У идоралар мудирларини, қўшин қўмондонлари ва штаб бошлиқларини, байроқдор амирларни тайинлайди ва бўшатади. Улар халифанинг олдида масъул, Уммат мажлиси олдида масъул эмаслар.

е) Фақат халифа шаръий аҳкомларни табанний қилади ва ана шу аҳкомлар тақозосига кўра давлат бюджети ишлаб чиқилади. У бюджет бўлимларини, тушум ёки чиқимларга тааллуқли бўлишидан қатъий назар, турли соҳаларга зарур бўладиган маблағларни белгилайди.

Энди келтирилган ушбу олтита модданинг тафсилий далилларига келсак, улар ичида (а) моддасининг далили саҳобалар ижмосидир. Чунки қонун сўзи истилоҳий сўз (термин) бўлиб, унинг маъноси: Султоннинг одамлар амал қилишлари учун чиқарган буйруғидир. Қонун сўзининг таърифи эса мана бундай: **«Одамларни ўзаро алоқаларида эргашиларига султон мажбур қиладиган қоидалар тўплами»**. Яъни, агар султон муайян бир аҳкомларга буюрса, бу аҳкомлар одамлар риоя қиладиган қонунга айланади. Агар султон ана шу аҳкомларга амр қилмаса, улар қонунга айланмайди ва одамлар ҳам уларга риоя қилишлари лозим бўлмайди. Мусулмонлар шариат аҳкомларига биноан юрадилар. Улар султоннинг буйруқ ва қайтариқларига биноан эмас, балки Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига биноан юрадилар. Улар султоннинг буйруғи асосида эмас, балки шаръий аҳкомлар асосида ҳаракат қиладилар. Бироқ, айтилган шаръий

аҳкомлар тўғрисида саҳобалар ихтилоф қилганлар. Чунки уларнинг баъзилари шаръий нусуслардан бир нарсани тушунган бўлса, баъзилари бошқа нарсани тушунган. Уларнинг ҳар бири ўзининг тушуниши бўйича юрган ва мана шу тушуниши ўзининг ҳаққида Аллоҳнинг ҳукми бўлади. Аммо шундай бир шаръий аҳкомлар борки, Умматнинг ишларини бошқариш барча мусулмонларнинг шу аҳкомлар тўғрисида битта фикрда юришлари ва ҳар бири ўз ижтиҳоди бўйича юрмаслиги лозимлигини тақозо этади. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган. Масалан, Абу Бакр мол мусулмонлар ўртасида тенгма-тенг тарқатилиши керак, деган фикрда бўлди. Умар эса, мол ўтмишда Расулуллоҳга қарши урушган одамга ҳам ул зотнинг ёнида туриб урушган одамга берилганича миқдорда, шунингдек, камбағалга ҳам бойга берилган миқдорда берилиши дуруст эмас, деган фикрда бўлди. Аммо Абу Бакр халифа эди, шу боис ўзининг фикрига амал қилишга буйруқ берди, яъни молни тенгма-тенг тақсимлашни табанний қилди. Мусулмонлар ҳам шунга эргашдилар, қозилар ва волийлар ҳам шунга асосан юрдилар. Умар ҳам унга бўйинсунди ва Абу Бакрнинг фикрига амал қилиб, уни ижро этди. Умар халифа бўлгач, Абу Бакрнинг фикрига хилоф фикрни табанний қилди, яъни ўзи табанний қилган фикр бўйича молни тенгма-тенг эмас, балки афзалликка қараб тақсимлаб, Исломга аввал кирганлиги ва муҳтожлигига қараб берилишига буюрди. Волийлар ҳам, қозилар ҳам шунга амал қилишди. Барча саҳобалар - имом шариатдан тўғри ижтиҳод билан олинган муайян аҳкомларни табанний қилиб, унга амал қилишга амр қилиш ҳуқуқига эга, деб ижмо қилишган. Мусулмонлар эса, ўз ижтиҳодларига зид келса ҳам шу аҳкомларга итоат қилишлари, ўз фикр ва ижтиҳодларига амал қилишни тарк қилишлари лозим. Демак, табанний қилинган бу аҳкомлар қонун бўлади. Бундан аён бўладики, қонун чиқариш ёлғиз халифанинг ҳуқуқи бўлиб, ундан бошқаси бунга мутлақо эга эмас.

Энди (б) моддасига келсак, унинг далили Расулуллоҳ ﷺнинг амалларидир. Чунки Расулуллоҳ ﷺ волийлар ва қозиларни ўзлари тайин қилиб, улардан ҳисоб талаб қилар эдилар. Ул зот савдосотиқ ишларини текшириб турар ва бу ишдаги алдашларга йўл қўймас эдилар. Ул зот молни ҳам тақсимлар, ишсиз одамнинг иш топишига ёрдам берар, давлатнинг барча ички ишларини ўзлари бажарардилар. Шунингдек, подшоларга хитоб қилиб, элчиларни кутиб олувчи ҳам, давлатни барча ташқи ишларини идора этувчи ҳам ўзлари эдилар. Шу билан бирга Расулуллоҳ ﷺ қўшин

қўмондонлигини ҳам амалда бошқарар, ғазотларда жанг қўмондонлигига ўзлари бошчилик қилар эдилар, сарийя (отряд)ларни ҳам ўзи жўнатиб, уларнинг қўмондонини ўзлари тайин қилар эдилар. Масалан, Усома ибн Зайдни Шом юртига жўнатиш учун қўшинга қўмондон қилиб тайинлаган пайтларида, саҳобалар Усоманинг ёши кичиклиги боис, бу ишни ёқтирмадилар. Лекин Расулulloҳ Усоманинг қўмондонлигини қабул қилишга уларни мажбур қилдилар. Бу эса ўз навбатида, халифа фақат олий қўмондонгина эмас, балки қўшиннинг амалдаги қўмондони эканлигига ҳам далил бўлади. Шунингдек, Расулulloҳ ﷺ Қурайшга уруш эълон қилдилар. Бану Қурайзага, Бану Назирга, Бану Қайнуқога, Хайбар ва Румга ҳам уруш эълон қилдилар. Бўлиб ўтган ҳамма урушларни эълон қилган Расулulloҳ ﷺнинг ўзлари эдилар. Бу ҳам уруш эълон қилиш халифанинг ҳуқуқи эканлигига далолат қилади. Шунингдек, Расулulloҳ ﷺ яҳудийлар билан шартномалар туздилар, Бану Зумранинг иттифоқчиси бўлган Бану Мудлиж билан шартнома туздилар. Яна ул зот Айла ҳоқими Юҳанно ибн Рўба билан ҳам шартнома туздилар. У зот Ҳудайбия шартномасини тузганларида ҳатто мусулмонлар бундан ғазабланишган эди. Аммо Расулulloҳ ﷺ уларнинг сўзларига кўнмай, уларнинг фикрларини рад этдилар ва шартномага имзо чекдилар. Бу ҳам сулҳ тузиш шартномалари бўладими ёки бошқа шартномаларми, уларни тузиш бошқанинг эмас, фақат халифанинг ҳуқуқи эканлигига далолат қилади.

Энди (в) моддасига келсак, унинг далили Расулulloҳ ﷺнинг ўзлари каззоб Мусайламанинг икки элчисини кутиб олганлари ва Қурайшдан элчи бўлиб келган Абу Рофъени ҳам кутиб олганларидир. Ҳирақл, Кисро, Муқавқис, Ҳиро подшоҳи Ҳорисул Ғассоний, Яман подшоҳи Ҳорисул Ҳумайрий ва Ҳабашистон подшоси Нажжожийга ҳам элчиларни ўзлари жўнатган эдилар. Усмон ибн Аффонни Ҳудайбия урушида Қурайшга элчи қилиб жўнатдилар. Булар ҳам ўз навбатида, халифанинг ўзи элчиларни қабул қилиши, рад этиши ва элчиларни тайин қилишига далил бўлади.

Энди (г) моддасининг далилига келсак, Расулulloҳ ﷺ волийларни тайин қилганлар. Масалан, Муозни Яманга волий қилиб тайинладилар. У зот волийларни ишдан ҳам бўшатганлар, масалан, Ало ибн Ҳазрабийни Баҳрайн волийлигидан унинг аҳолиси Алодан шикоят қилгани боис бўшатганлар. Бу эса волийлар халифа олдида жавобгар бўлганларидек, Уммат мажлиси олдида ҳам - чунки мажлис ҳамма вилоятларнинг вакили

ҳисобланади - вилоят аҳолиси олдида ҳам жавобгар эканлигига далолат қилади. Аммо муовинларга келсак, Расулуллоҳ ﷺнинг муовинлари Абу Бакр ва Умарлар бўлиб, бутун ҳаётлари давомида уларни бўшатмадилар. Улардан бошқа муовин ҳам тайинламадилар. Расулуллоҳ ﷺнинг ўзлари иккала муовинни тайин қилдилар, аммо бўшатмадилар. Лекин муовин халифадан ҳокимиятни қабул қилиб оладиган шахс бўлганлиги учун у халифанинг ўринбосар-вакили ўрнида бўлиб, халифа вакилга ўхшаб муовинни ҳам бўшатишга ҳақлидир. Чунки вакил қилувчи одам ўзининг вакилини бўшатиш ҳуқуқига эгадир.

Аммо (д) моддасининг далили Расулуллоҳ ﷺнинг Али ﷺни Яманга қозиликка тайинлаганларидир. Аҳмад Амр ибн Осдан ривоят қилиб, шундай дейди:

«جَاءَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَصْمَانِ يَخْتَصِمَانِ فَقَالَ لِعَمْرٍو: اِقْضِ بَيْنَهُمَا يَا عَمْرٍو فَقَالَ: أَنْتَ أَوْلَىٰ بِذَلِكَ مِنِّي يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: وَإِنْ كَانَ، قَالَ: فَإِذَا قَضَيْتُ بَيْنَهُمَا فَمَا لِي؟ قَالَ: إِنْ أَنْتَ قَضَيْتَ بَيْنَهُمَا فَأَصَبْتَ الْقَضَاءَ فَلَكَ عَشْرُ حَسَنَاتٍ. وَإِنْ أَنْتَ اجْتَهَدْتَ فَأَخْطَأْتَ فَلَكَ حَسَنَةٌ»

«Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларига икки киши жанжаллашиб келишди. Шунда Расулуллоҳ Амрга **уларнинг ўртасини ажрим қил, эй Амр**, дедилар. Амр ё Расулуллоҳ, сиз бу ишга мендан кўра авлороқсиз, деди. Расулуллоҳ **шундай бўлса ҳам ажрим қил**, дедилар. Амр, агар икковининг ўртасини ажрим қилсам, менга нима бўлади? - деди. Расулуллоҳ: **Агар қозилик қилиб, тўғри ажрим қилсанг, сенга унта савоб тегади. Агар ижтиҳод қилиб, хато қилсанг, сенга битта савоб тегади**», дедилар.

Дарҳақиқат, Умар ﷺ ҳам волийлар билан қозиларни ишга тайинлаган ва ишдан бўшатган. Масалан, Шурайҳни Куфага, Абу Мусони Басрага қози қилиб тайинлаган. Умар Шураҳбил ибн Ҳасанани Шом волийлигидан олиб, ўрнига Муовияни қўйган. Шунда Шураҳбил ундан: **«Мени қурқоқликдан бўшатдингизми ёки хиёнатданми?»**, деб сўради. Умар деди: **«Иккаласидан ҳам эмас, балки бир кишидан кўра кучлироқ кишини ирода қилдим»**. Али ﷺ ҳам Абу Асвадни волий қилган ва кейин волийликдан бўшатган. Абу Асвад: **«Мени нега бўшатдингиз, хиёнат ҳам қилмадим, жиноят ҳам қилмадим-ку?»**, деди. Али деди: **«Икки хусуматчига овозинг кўтарилиб кетаётганини кўрдим»**,

деди. Умар ҳам, Али ҳам бу ишни саҳобаларнинг кўз олдида қилдилар. Аммо саҳобалардан ҳеч ким иккаласининг бу ишини инкор қилмади. Буларнинг ҳаммаси қозини тайинлаш халифанинг ҳуқуқи эканлигига далилдир. Шунингдек, халифа қозиларни тайин қиладиган кишини ўзидан вакил қилиши мумкин. Чунки халифа ўзининг барча тасарруфотларида бировни вакил қилишга ҳаққи бўлганидек, барча салоҳиятлари тўғрисида бировни ўзидан ноиб қилишга ҳам ҳаққи бор.

Энди мазолим қозисини ишдан бўшатиш халифанинг ҳуқуқларидан мустаснолигига келсак, бу қозининг халифага қарши ёки унинг муовинларига қарши ёки қозилар қозисига қарши кўтарилган бирор масалани кўриб чиқаётган ҳолатидагина бўлади. Бунда «ҳаромга олиб борувчи восита ҳам ҳаром», деган шаръий қоидага таянилган. Яъни бундай ҳолатда халифанинг мазолим қозисини ишдан бўшатиш салоҳияти қозининг чиқарадиган ҳукмига таъсир ўтказди, бинобарин, шаръий аҳкомни бекор қилиб қўяди. Бу эса ҳаромдир. Мана шу ерда, мазолим қозисини ишдан бўшатиш салоҳиятини халифанинг қўлига топшириб қўйиш ҳаромга олиб борувчи восита бўлиб қолади. Айниқса, ушбу гумон ғолиб келишининг ўзи кифоя, қатъийлик бўлиши шарт эмас. Шунинг учун мана шундай ҳолатда мазолим қозисининг бўшатиш салоҳияти мазолимлар маҳкамасига топширилади. Бундан бошқа ҳолларда эса ҳукм ўз аслида қолади, яъни мазолим қозисини тайинлаш ва ишдан олиш ҳуқуқи халифада қолади.

Энди идоралар мудирларини тайин қилишга келсак, Расулуллоҳ ﷺ давлат жиҳозидаги идора учун котибларни тайин қилган бўлиб, улар идоралар мудирлари ўрнида эдилар. Масалан, Муайқиб ибн Абу Фотима Давсийни ўлжалар ишига тайин қилиш билан бирга, Расулуллоҳ ўз муҳрларига масъул қилиб ҳам тайин қилганлар. Ҳузайфа ибн Ямонни Ҳижоз меваларини чамалаб кўриб ёзишга, Зубайр ибн Авомни садақа молларини ёзишга, Муғийра ибн Шубъани эса қарзлар ва муомалаларни ёзишга тайин қилдилар ва ҳоказо.

Кўшин қўмондонлари ва байроқдор амирлар хусусида эса Расулуллоҳ ﷺ Ҳамза ибн Абдулмутталибни денгиз бўйида Қурайшни пойлаб туриш учун ўттиз кишига қўмондон қилиб тайинладилар. Убайда ибн Ҳорисни олти кишига қўмондон қилиб, Қурайшни кутиб олиш учун Робиг водийсига жўнатдилар. Саъд ибн Абу Ваққосни эса йигирма кишига қўмондон қилиб Макка томонга жўнатдилар. Шундай қилиб, Расулуллоҳ ﷺнинг

қўшин қўмондонларини тайин қилишлари қўмондонлар ва байроқдор амирларни халифанинг ўзи тайин қилишига далилдир.

Уларнинг барчаси Расулulloҳ ﷺнинг олдида жавобгар бўлганлар ва у кишидан бошқа ҳеч кимнинг олдида жавобгар бўлмаганлар. Бу эса қозилар, идоралар мудирлари, қўшин қўмондонлари, штаб бошлиқлари ва бошқа амалдорлар фақат халифа олдида масъул бўлишларига, Умнат мажлиси олдида жавоб бермасликларига далолат қилади. Муовинлар ва волийлардан бошқа бирор киши Умнат мажлиси олдида жавоб бермайди. Омиллар ҳам муовин ва волийлар каби бўладилар. Чунки улар ҳокимлардир. Булардан бошқа бирор киши Умнат мажлиси олдида жавобгар эмас, балки ҳаммалари халифа олдидагина жавобгардир.

Энди (е) моддасига келсак, давлат бюджетининг кирим-чиқим бўлимлари борасида шаръий аҳкомлар доирасидан чиқилмайди. Бир динор ҳам шаръий ҳукмга номувофиқ тарзда йиғиб олинмайди. Бир динор ҳам шаръий ҳукмга номувофиқ сарфланмайди. Аммо чиқимлар тафсилотларини ёки бюджет бўлимларини белгилаш халифанинг фикри ва ижтиҳодига топширилган. Кирим бўлимлари ҳам ҳудди шундай, масалан, хирожий ердан олинадиган хирож фалонча, олинадиган жизя миқдори фалонча, деб халифа белгилайди. Ва шунга ўхшашларнинг ҳаммаси кирим бўлимларидир. Халифа яна йўлларга фалонча чиқим сарфланади, касалхоналарга фалонча маблағ кетади, деб белгилайди. Бу ва бунга ўхшашлар чиқимлар турларидир. Бу иш фақат халифанинг раъйига боғлиқ бўлади. Халифа уларни ўз фикри ва ижтиҳодига мувофиқ тасдиқлайди. Чунки Расулulloҳ ﷺ омиллардан тушум маблағини шахсан қабул қилиб, чиқимларга ишлатганлар. Баъзи волийларга молларни олиб сарф қилишларига изн берилади, худди Муоз Яманга волий қилинганида содир бўлганидек. Кейинчалик Хулафои рошидинлар ҳам молларни қабул қилиш ва сарфлашда халифа сифатида фикр ва ижтиҳодларида ҳар бири ўз раъйига эга бўлган. Улардан бирортасини ҳам ҳеч ким инкор қилмаган. Халифадан бошқа бирор киши бир динорни ҳам ўзича тасарруф қилишга ҳақли бўлмаган. Фақат халифа сарфлашга рухсат берган ҳолдагина сарфлаган. Масалан, Умар Муовияни волий қилиб тайинлаганда шундай қилган эди. Ўшанда Муовияга молни олиш ва сарфлашга ҳаққи бўлган умумий волийликни берган эди. Буларнинг ҳаммаси давлат бюджетининг бўлимларини фақат халифа ёки унинг ноиби белгилашига далолат қилади.

Мана шулар халифа салоҳиятларининг турларига нисбатан муфассал далиллардир. Буларнинг ҳаммаси Аҳмад билан Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан қилган ривоятда келган. Абдуллоҳ Пайгамбар ﷺнинг:

«...الْإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«... Имом бошлиқдир ва у ўз қўл остидагиларга жавобгардир», деганларини эшитган экан. Яъни, фуқаро ишларини бошқаришга тааллуқли ҳамма ишлар халифанинг ишидир. У хоҳлаган одамини хоҳлаган ишига, хоҳлаганича ваколат ҳукмига қиёсан ноиб қилишга ҳақлидир.

Халифа табанний қилишда (қонун қабул қилишда) **шаръий аҳкомлар доирасидан чиқмайди**

Халифа табанний қилишда шаръий аҳкомларга чекланади. У шаръий далиллардан тўғри истинбот қилинмаган бирор ҳукмни табанний қилиши ҳаромдир. У ўзи табанний қилган аҳкомларга ва ўзи риоя қилган истинбот тариқатига чекланади. Ўзи табанний қилган тариқатга зид тариқат билан истинбот қилинган ҳукмни табанний қилиши ва ўзи табанний қилган аҳкомга зид бўлган буйруқни бериши мумкин эмас. Демак, халифа мана шу икки ишга чекланади.

Биринчи иш, яъни халифа табанний қилишда шаръий аҳкомларга чекланганлигига далиллар қўйидагилар:

Биринчи: Аллоҳ Субҳонаҳу ҳар бир мусулмонга - халифа бўладими ёки бошқами - барча амалларини шаръий аҳкомларга биноан юргизишини фарз қилди. Аллоҳ Таоло шундай деди:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ﴾

– „Иўқ, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича... зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.

[4:65]

Амалларни шаръий аҳкомларга мувофиқ юргизиш қачон Шореъ хитоби ҳар хил тушунилган, яъни шаръий ҳукм ҳар хил бўлиб қолган вақтда улардан муайян битта ҳукмни табанний қилишни бандага шарт қилди. Мусулмон амал қилишни, яъни ҳукмни татбиқ қилишни истаган вақтда бир неча аҳкомлардан муайян бир ҳукмни табанний қилиши вожиб бўлади. Халифа бирон амални, яъни ҳукмни адо этишни истаган пайтда унга табанний қилиш вожиб бўлиб, бу - ҳукм бўлади.

Иккинчи: Халифага бериладиган байъатнинг матни халифани Ислоом аҳкомларини маҳкам ушлашга мажбур қилади. Чунки байъат Қуръон ва суннатга амал қилишга байъат бўлиб, халифанинг ундан четга чиқиши ҳаромдир. Агар у Қуръон ва суннатдан четга чиқса бўлаверади, деган эътиқод билан четга чиққан бўлса, кофир бўлади. Агар бундай эътиқод қилмай четга чиққан бўлса, осий, золим ва фосиқ бўлади.

Учинчи: Халифа шариатни ижро этиш учун қўйилган. У шариатдан бошқасини мусулмонларга ижро этиш учун олиши ҳаром. Чунки шариат бундан қатъий шаклда қайтарди ва Исломдан бошқа нарса билан ҳукм қилган одамни иймонсиз дейиш даражасигача борди. Бу эса қатъийликка далилдир. Бунинг маъноси халифа аҳкомларни табанний қилишда, яъни қонун чиқаришда фақат шаръий аҳкомларга чекланганини англатади. Агар у бирор қонунни шариатдан ўзга томондан олса бўлаверади, деган эътиқод билан олган бўлса, кофир бўлади. Агар бундай эътиқод қилмасдан олса, осий, золим ва фосиқ бўлади.

Энди иккинчи иш, яъни халифа ўзи табанний қилган аҳкомларга ҳамда ўзи риюя қилган истинбот тариқатига келсак, бунга далил халифа ижро қиладиган шаръий ҳукм айнан халифанинг ҳаққи бўлган, ундан бошқанинг ҳаққи бўлмаган шаръий ҳукмдир. Бошқача айтганда, халифа унга мувофиқ амалларини юргизиши учун табанний қилган шаръий ҳукмдир. Бошқа бирор шаръий ҳукм эмас. Агар халифа бирор ҳукмни истинбот қилса ёки бирон ҳукмга тақлид қилса, ушбу шаръий ҳукм унинг ҳаққида Аллоҳнинг ҳукми бўлади. Халифа мусулмонлар учун ҳукм табанний қилишда шу шаръий ҳукмга чекланмоғи лозим бўлади ва унга зид ҳукмни табанний қилиши ҳаром бўлади. Чунки бу зид ҳукм унинг ҳаққида Аллоҳнинг ҳукми, деб эътибор қилинмайди ва унга нисбатан шаръий ҳукм бўлмайди. Шундай экан, мусулмонларга нисбатан ҳам шаръий ҳукм ҳисобланмайди. Шунинг учун у фуқаро учун чиқараётган буйруқларида ўзи табанний қилган шаръий ҳукмга чекланади. Ўзи табанний қилган ҳукмга зид буйруқни чиқариши унга ҳалол эмас. Чунки у шундай қилса, гўё шаръий ҳукмга зид буйруқни берган бўлиб қолади. Мана шундан у ўзи табанний қилган аҳкомларга хилоф буйруқни чиқариши жоиз эмаслиги келиб чиқади.

Бунга қўшимча, истинбот тариқатига қараб шаръий ҳукмни тушуниш ўзгаради. Масалан, агар халифа ҳукмнинг иллоти шаръий нусусдан олинган бўлса, у шаръий иллат деб эътибор қилинади, деган фикрда бўлса, манфаатни эса шаръий иллат эмас,

деб билса ва масолиҳул мурсала ҳам шаръий далил эмас, деб ҳисобласа, демак, у ўзи учун истинбот тариқатини тайин қилиб олибди. Ана шунда у фақат шу тариқат билан чекланмоғи лозим бўлади. Далили масолиҳул мурсала бўлган бирорта ҳам ҳукми табанний қилиши ёки шаръий нусусдан олинмаган иллатга қиёс қилиши дуруст бўлмайди. Чунки бу ҳукм унинг ҳаққида шаръий ҳукм, деб эътибор қилинмайди. Чунки у ҳукм далилини шаръий далил эмас, деган фикрда эди. Демак, бу унинг назарида шаръий ҳукм бўлмаган. Модомики, у халифа ҳаққида шаръий ҳукм эмас экан, мусулмонларнинг ҳаққида ҳам шаръий ҳукм эмас. Агар халифа бу ҳукми табанний қилса, гўё шаръий ҳукм бўлмаган бошқа ҳукми табанний қилиб қўйган бўлади, бу эса унга ҳаромдир. Агар халифа муқаллид ёки бир масала мужтаҳиди бўлса ва мужтаҳиди мутлақ бўлмаса ёки мазҳаб мужтаҳиди бўлиб, истинбот қилишда ўзининг муайян тариқати бор бўлса, модомики, унда далил ёки далилга ўхшаган нарса бўлса, у табанний қилишда ўзи тақлид қилган мужтаҳидга мувофиқ ёки бир масаладаги ўз ижтиҳодига мувофиқ юради. Бундай ҳолатда у чиқарган буйруқларида фақат ўзи табанний қилган аҳкомларга мувофиқ буйруқлар чиқариш билан чекланади.

Халифалик давлати башарий давлат, илоҳий давлат эмас

Исломий давлат бу - Халифалик демакдир. У дунёдаги барча мусулмонларга умумий бошлиқликдир. Мусулмон юртларининг бирида битта халифага тўғри байъат қилиниб, Халифалик барпо бўлса, дунёнинг ҳамма жойидаги мусулмонларга бошқа бир халифани барпо қилиш ҳаром бўлади. Расулulloҳ ﷺнинг ушбу сўзлари бунга далилдир:

«إِذَا بُوِيعَ لِخَلِيفَتَيْنِ فَاقْتُلُوا الْآخَرَ مِنْهُمَا»

«Агар икки халифага байъат берилса, улардан кейингисини улдинглар». Халифалик Ислום олиб келган фикрлар ва Ислום тузиб берган шариат ёрдамида Исломий шариат аҳкомларини барпо қилиш учун, Ислумни инсонларга танитиб, унга даъват қилиш ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш орқали Исломий даъватни бутун дунёга олиб чиқиш учун барпо қилинади. Халифалик имомат, мўминлар амирлиги, деб ҳам аталади. Халифалик дунёвий мансаб, ухровий мансаб эмас. У Ислום динини башариятга татбиқ қилиш ва уни башарият орасида ёйиш

учун мавжуд бўлади. Демак, унинг пайғамбарлик эмаслиги аниқдир.

Пайғамбарлик илоҳий мансаб бўлиб, Аллоҳ уни Ўзи хоҳлаган кишисига беради. Пайғамбарликда пайғамбар ёки расул ваҳий воситасида шариатни Аллоҳдан олади. Айни вақтда Халифалик башарий мансаб бўлиб, мусулмонлар ўзлари хоҳлаган кишига байъат қиладилар ва мусулмонлар ичидан хоҳлаган кишиларини халифа қиладилар. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ ҳам ҳоким бўлиб, ўзлари олиб келган шариатни татбиқ қилар эдилар. У зот пайғамбарлик билан расуллик вазифасини бажарар ва шу вақтнинг ўзида Ислом аҳкомларини барпо қилишда мусулмонларга бошлиқлик мансабини ҳам эгаллаган эдилар. Шу боис, Аллоҳ у зотга шундай деди:

﴿وَأَن احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ﴾

– „*Эй Муҳаммад алайҳис-салом*, улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг...“ [5:49]
Яна айтди:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ﴾

– „*Эй Муҳаммад алайҳис-салом*, албатта Биз сизга Ҳақ Китобни (Қуръонни) одамлар орасида Аллоҳ сизга кўрсатган (ҳукм) билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик“ [4:105]
Яна айтди:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ﴾

– „*Эй Пайғамбар (алайҳис-салом)*, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!“ [5:67]
Яна айтди:

﴿وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لَأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغ﴾

– „*Сизларни ва Қуръон етиб борган (барча) кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришим учун менга - мана шу Қуръон ваҳий қилинди*“ [6:19]
Яна айтди:

﴿يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنْذِر﴾

– „*Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг!*“ [74:1,2]

Демак, Расулulloҳ ﷺ икки мансабни: пайғамбарлик ва расуллик мансабини ҳамда бу дунёда ўзларига ваҳий қилинган

Аллоҳнинг шариатини барпо қилиш учун муслмонларга бошлиқлик мансабини эгаллаган эдилар.

Расулulloҳ ﷺ дан кейин Халифаликни инсонлар бажаради ва улар пайғамбар эмаслар. Уларда инсонларда бўлиши мумкин бўлган хато, адашиш, унутиш, осийлик ва бошқа камчиликлар бўлиши мумкин, чунки улар инсондирлар. Улар гуноҳ қилишдан маъсум-пок эмаслар. Чунки пайғамбар ёки расул эмаслар. Дарҳақиқат, Расулulloҳ ﷺ ҳам имом (халифа) хато қилиши мумкинлиги, шунингдек, ундан одамларни нафратлантирувчи зулм, маъсият ва бошқа хатолар содир бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар берганлар. Ҳатто у зот халифадан очиқ куфр содир бўлиши мумкинлиги, бундай ҳолатда унга итоат қилмаслик, аксинча, унга қарши жанг қилиш лозимлиги ҳақида хабар бердилар. Муслим Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан Расулulloҳ ﷺ нинг шундай деганларини ривоят қилади:

«إِنَّمَا الْإِمَامُ جُنَّةٌ، يُقَاتِلُ مِنْ وِرَائِهِ وَيَتَّقِي بِهِ، فَإِنِ أَمَرَ بِتَقْوَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ وَعَدَلَ كَانَ لَهُ بِذَلِكَ أَجْرٌ، وَإِنِ يَأْمُرُ بِغَيْرِهِ كَانَ عَلَيْهِ مِنْهُ»

«Имом қалқондир. Унинг ортида туриб жанг қилинади ва у билан ҳимояланилади. Агар у Аллоҳ Азза ва Жалладан тақво қилишга буюрса ва адолат қилса, бунда унга ажр бор. Агар у бундан бошқага буюрса, бу унинг ўзига қарши ҳужжат бўлади». Бундан англашиладики, имом гуноҳдан маъсум-пок бўлмайди ва Аллоҳдан тақво қилишдан бошқа нарсага буюриб қўйиши ҳам мумкин. Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилишича, Расулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«إِنَّهَا سَتَكُونُ بَعْدِي آثَرَةٌ وَأُمُورٌ تُنْكِرُونَهَا، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ كَيْفَ تَأْمُرُ مَنْ أَدْرَكَ مِنْ ذَلِكَ؟ قَالَ: تُؤَدُّونَ الْحَقَّ الَّذِي عَلَيْكُمْ وَتَسْأَلُونَ اللَّهَ الَّذِي لَكُمْ»

«Мендан сўнг худбинлик ва сизлар маъқулламайдиган ишлар бўлади». «Ё Расулulloҳ, биздан бундай ишларга дуч келган кишига нимани буюрасиз?», дейишди. Расулulloҳ шундай дедилар: **«Устингиздаги ҳақни адо этасизлар ва ўзингиз муҳтож бўлган нарсани Аллоҳдан сўрайсизлар».** Бухорий Жунода ибн Абу Умайядан ривоят қилади. Жунода деди: «Биз Убода ибн Сомитнинг олдига ҳасталик чоғида кирган эдик. Биз унга Аллоҳ дардингизга шифо берсин, сиз Пайғамбар ﷺ дан эшитган ва Аллоҳ сизга манфаат берадиган бирор ҳадисни бизга айтиб беринг, дедик. У шундай деди:

«دَعَانَا النَّبِيُّ ﷺ فَبَايَعَنَاهُ فَقَالَ فِيمَا أَخَذَ مِنَّا أَنْ بَايَعَنَا عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ، فِي مَنْشَطِنَا وَمَكْرَهِنَا، وَعُسْرِنَا وَيُسْرِنَا، وَأَثَرَةَ عَلَيْنَا، وَأَنْ لَا نُنَازِعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ، قَالَ إِلَّا أَنْ تَرَوْا كُفْرًا بَوَاحًا عِنْدَكُمْ مِنَ اللَّهِ فِيهِ بُرْهَانٌ»

«Бизни Расулulloҳ ﷺ чақирдилар, у зотга байъат бердик. Биздан олаётган байъатда Расулulloҳ хурсандчилигимизда ҳам, хафачилигимизда ҳам, қийинчилигимизда ҳам, енгилчилигимизда ҳам, ўзимиз яхши кўрган нарсаларда ҳам қулоқ солиб итоат қилишимиз, иш эгаларидан иш талашмаслигимиз лозимлигини айтдилар. Магар иш эгаларида очиқ куфр кўрсангиз ва сизларда бу тўғрида Аллоҳдан ҳужжат бўлса, итоат қилманглар», дедилар». Оиша رضي الله عنها дан ривоят қилинишича, Расулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«ادْرَأُوا الْخُدُودَ عَنِ الْمُسْلِمِينَ مَا اسْتَطَعْتُمْ فَإِنْ كَانَ لَهُ مَخْرَجٌ فَخَلُّوا سَبِيلَهُ. فَإِنَّ الْإِمَامَ أَنْ يُخْطِئَ فِي الْعَفْوِ خَيْرٌ مِنْ أَنْ يُخْطِئَ فِي الْعُقُوبَةِ»

«Имкони борича мусулмонларни жазолашдан сақланинглар, агар мусулмоннинг айбсизлигига битта далил бўлса ҳам уни қўйиб юборинглар. Чунки имом жазо бериб хато қилганидан кўра афв қилиб хато қилгани яхшироқдир». (Термизий ривояти). Ушбу ҳадислар имом хато қилиши, унутиб қўйиши ва осийлик қилиши мумкинлигига очиқ далилдир. Шу билан бирга айни ҳадисларда модомики имом Ислом билан ҳукм юритса, ундан очиқ куфр содир бўлмаса ва осийликка буюрмаса, унга итоат қилиш лозимлигига буюрдилар. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ дан кейинги халифалар хато ҳам қиладиган, тўғри иш ҳам қиладиган инсонлар бўлиб, маъсум эмаслар. Улар пайғамбарлар эмаски, Халифаликни илоҳий давлат, дейилса. Аксинча, у башарий давлат бўлиб, унда мусулмонлар Исломи шариат аҳкомларини барпо қилиш учун битта халифага байъат берадилар.

Халифанинг бошқарув муддати

Халифанинг бошлиқлик муддати муайян вақтга чекланмаган. Модомики, у шариатни ҳимоя қилиб, унинг аҳкомларини ижро қилар экан, давлат ишларини ва халифалик маъсулиятини адо этишга қодир экан, у халифа бўлиб қолаверади. Ҳадисларда келган байъат қилиш ҳақидаги насс-матннинг мутлақ келгани ва муайян муддатни чекламагани бунга далилдир. Бу тўғрида

Бухорий Анас ибн Моликдан Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини ривоят қилган:

«اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَإِنِ اسْتَعْمَلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ كَانَ رَأْسَهُ زِينَةً»

«Ҳатто устингизга боши майизга ухшаган бир ҳабаший қул бошлиқ қилиб қўйилса ҳам, унга қулоқ солиб, итоат қилинглр». Муслимнинг Умму Ҳусайн орқали қилган бошқа бир ривоятида:

«يَقُودُكُمْ فِي كِتَابِ اللَّهِ»

«Сизларни Аллоҳнинг Китоби билан етакласа...», дейилган. Шунингдек, Хулафои рошидинларнинг ҳар бирига байъат - ҳадисларда келганидек - мутлақ қилинган. Улар бирор муддатга чекланмай, ҳар бирлари байъат қилинганидан бошлаб то ўлгунига қадар халифалик вазифасини бажарганлар. Бу халифаликка бирор муайян муддат йўқлиги, балки халифалик мутлақлигига, агар байъат қилинган бўлса, то ўлгунича халифа бўлиб қолишига саҳоба ﷺлар томонидан бўлган ижмодир.

Бироқ агар халифада унинг ишдан бўшашига мажбур қиладиган ёки уни бўшатишни вожиб қиладиган бирор иш содир бўлса, унинг муддати тугайди ва ишдан бўшатилади. Аммо бу халифалик муддатини чеклаш эмас, балки халифалик шартларида бузилиш содир бўлиши, демакдир. Чунки байъатнинг шаръий насс ва саҳобалар ижмоси билан собит бўлгани халифалик муддатини чексиз муддатга айлантириб қўяди. Лекин халифалик муддати халифа ўзига байъат қилинган ишларни бажаришига, яъни Қуръон ва суннатга амал қилиши ҳамда улардаги аҳкомларни ижро қилишига боғлиқ. Агар у шариатни ҳимоя қилмаса ёки уни ижро қилмаса, уни ишдан олиш вожиб бўлади.

Халифани ишдан олиш

Агар халифа инъиқод байъатининг етти шартларидан бирортасини йўқотса, шаръан у халифаликда давом этиши дуруст бўлмайди ва уни ишдан бўшатиш ҳақли бўлиб қолади.

Халифани ишдан бўшатиш ҳуқуқига фақат маҳкаматул мазолим эгадир. Фақат у халифа инъиқод шартларидан бирини йўқотган бўлса, ишдан бўшатишга қарор қилади ё қилмайди. Чунки халифа ишдан бўшайдиган ва халифани ишдан бўшатишга ҳақли бўлган ишлардан бирортаси содир бўлишининг ўзи мазолим, яъни адолатсизликлардан биридир. Бу адолатсизликни йўқотиш шарт. Ишдан бўшатиш иши исботга муҳтож ишдир. Шунинг учун

албатта уни қозининг олдида исбот қилиш лозим. Бинобарин, мазолимлар маҳкамаси адолатсизликларни бартараф қилиш билан ҳукм юритадиган маҳкама бўлиб, ундаги қозилар адолатсизликни исботлаш ва ҳукм чиқариш борасида салоҳият соҳибидир. Шунинг учун мазолимлар маҳкамаси халифанинг инъиқод байъати шартларини йўқотган ёки йўқотмаганлигини белгилайди ҳамда халифани ишдан бўшатишга қарор чиқаради. Бироқ, агар халифа инъиқод байъати шартларини йўқотса-ю, ўз ихтиёри билан ишдан бўшаса, шунинг ўзи билан иш тугайди. Агар мусулмонлар халифа инъиқод байъати шартларидан бирортасини йўқотганлиги учун ишдан олиниши керак, деган фикрда бўлсалар, халифа бу борада улар билан келиша олмаса, бу ишни ажрим қилиш учун Аллоҳ Таолонинг ушбу каломига мувофиқ қозиларга муурожаат қилинади:

﴿فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

– „Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, - у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз!“ [4:59]

Яъни, сизлар ва иш эгалари. Бу эса иш эгалари билан Уммат ўртасидаги тортишишдир. Уни Аллоҳ ва Расулига қайтариш эса қозиларга, яъни мазолимлар маҳкамасига қайтаришдир.

Халифа тиклаш учун мусулмонларга берилган муддат

Халифани тиклаш учун мусулмонларга берилган муддат уч кеча ва уч кундуз бўлиб, биронта мусулмонга бўйнида байъатсиз ҳолда уч кеча тунаш ҳалол эмас. Энди муҳлатнинг уч кечага чеклаб қўйилишига келсак, халифани сайлаш собиқ халифа вафот этган ёки ишдан бўшатишга лаҳзадан бошлаб фарз бўлади. Аммо сайлов билан машғул бўлган ҳолатда уни уч кеча ва уч кундузга кечиктириш ҳам мумкин. Агар уч кечадан ортиб кетсаю, халифа сайланмаган бўлса, қаралади: агар мусулмонлар халифани тиклаш билан машғул бўлсалар ва мажбурий ишлар пайдо бўлиб, уларни бартараф қилиш қўлларидан келмаганлиги сабабли уч кеча орасида халифани сайлашга қодир бўлолмасалар, улар фарзни адо этиш билан машғул бўлганлари ва бир мажбурловчи иш сабабли уни кечиктиришга мажбур бўлганликлари туфайли улардан гуноҳ соқит бўлади. Ибн Ҳиббон билан Ибн Можа Аббосдан шундай ривоят қиладилар, Расулуллоҳ ﷺ дедилар:

﴿إِنَّ اللَّهَ وَضَعَ عَنِّ أُمَّتِي الْخَطَأَ، وَالنَّسْيَانَ، وَمَا اسْتَكْرَهُوا عَلَيْهِ﴾

«Аллоҳ умматимдан хато қилиш, унутиб қўйиш ва мажбур қилинган ишларнинг гуноҳини олиб ташлади». Агар мусулмонлар халифа сайлаш билан машғул бўлмасалар, то у тиклангунча ҳаммалари гуноҳкор бўлиб қолаверадилар. Қачон уни тикласаларгина гуноҳ улардан соқит бўлади. Аммо халифа тиклашдан тўхтаб қолиш гуноҳлари соқит бўлмайди. Аксинча, бўйинларида гуноҳ қолади ва мусулмон киши фарзни адо этишни тарк қилиб, гуноҳ қилганлиги учун Аллоҳ уни муҳосаба қилганидек, уларни ҳам муҳосаба қилади.

Энди халифалик мансаби бўшаб қолиши биланоқ халифага байъат бериш масаласи билан бевосита шуғулланишнинг вожиблигига келсак, саҳобалар Расулulloҳ ﷺ вафот этганларидан кейин шу куннинг ўзидаёқ, ул зотни дафн этишдан олдин Бану Соиданинг айвонида бу иш билан бевосита машғул бўлганлар. Абу Бакрнинг байъати шу куни унга инъиқод байъати берилиши ва иккинчи кунда одамлар масжидда тўпланиб Абу Бакрга итоат байъатини беришлари билан тамомига етди.

Мусулмонларга халифа сайлаш учун берилган муҳлат узоғи билан уч кеча-кундузлигига келсак, бунинг сабаби қуйидагича: Пичоқланиши сабабли вафот этиши аниқ бўлиб қолган Умар رضي الله عنه аҳли шўрога ишонч билдириб, уларга уч кунни чеклаб-белгилаб берди. Кейин агар уч кун ичида ораларидан бир халифага иттифоқ қилишмаса, уч кундан кейин қарши чиқувчи (муҳолиф)ни ўлдиришни васият қилди. Бунинг ижросини, яъни муҳолифни ўлдиришни мусулмонлардан эллик кишига топширди. Ҳолбуки, улар аҳли шўро ва буюк саҳобалардан эдилар. Бу иш саҳобаларнинг кўз ўнгларида бўлиб, улардан биронтаси бу ишга қарши чиққанлиги ёки муҳолиф бўлганлиги нақл қилинган эмас. Бу мусулмонлар уч кеча-кундуздан ортиқ вақт халифасиз қолишлари мумкин эмаслигига саҳобаларнинг ижмоси бўлиб қолди. Саҳобалар ижмоси эса худди Қуръон ва суннат каби шаръий далилдир.

Бухорий Мисвар ибн Махрамадан ушбу ҳадисни чиқарди. Мисвар айтди: «Кечаси ухлаб ётганимда Абдуorraҳмон келиб эшигимни таққиллатган эди, уйғониб кетдим. У менга: Ухляяпсанми? Аллоҳга қасамки, шу ўтган уч кечада мен кўп ухлай олмадим, деди». Одамлар бомдодни ўқигач, Усмонга байъат қилиш ниҳоясига етди.

Шуларга кўра, мусулмонлар халифанинг мансаби бўшаб қолган пайтда кейинги халифага байъат қилиш билан машғул бўлишлари ва бу байъатни уч кун ичида адо этишлари вожибдир. Аммо

халифага байъат қилиш билан машғул бўлмасалар, аксинча, халифаликка барҳам берилиб, байъатдан ўтириб қолсалар ҳаммалари ўша ондан бошлаб гуноҳкор бўладилар. Бугунги кунда бўлаётганидек, барча мусулмонлар 1342 ҳижрий йилнинг 28 ражаб ойида Халифалик бекор қилинганидан бошлаб то уни қайта барпо қилгунларига қадар Халифаликни барпо қилмаганликлари учун гуноҳкордирлар. Фақат бир ихлосли, садоқатли жамоат билан бирга Халифалик учун жиддий фаолиятга киришган инсонгина бу гуноҳдан пок бўлади. Чунки бу Расулуллоҳ ﷺ ҳадисларида баён қилганларидек гуноҳи азимдир:

«...وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةٌ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Буйнида байъати булмаган ҳолда ўлган одам жоҳилият ўлими билан ўлибди». Жоҳилият ўлими гуноҳи азимга далолат қилади.

Иккинчи: Муовинлар (тафвиз вазирлари)

Муовинлар - халифа ўзига халифалик машаққатларини кўтариш, унинг масъулиятларини адо этишда ёрдам беришлари учун тайин қилган вазирлардир. Халифалик машаққатлари оғир бўлиб, айниқса Халифалик давлати кенгайгани сари, бу машаққатлар халифанинг ўзига оғирлик қилади. Шунинг учун халифа айти машаққатларни кўтариш ва масъулиятини адо этишда уларга муҳтож бўлади.

Муовинларни «вазирлар», деб аниқ изоҳсиз номлаш тўғри бўлмайди. Акс ҳолда, Ислолдаги вазир сўзининг маъноси капиталистик илмоний асосга қурилган инсоний тузум ёки биз ҳозирги асрда гувоҳи бўлаётган бошқа тузумларнинг вазир маъноси билан аралашиб кетади.

Тафвиз вазири ёки тафвиз муовини бошқарув ва ҳокимият ишларини бирга кўтариш учун халифа тайин қилган киши бўлиб, унга ишларни ўз фикри билан тадбир қилиш, шариат аҳкомларига мувофиқ ўз ижтиҳоди билан олиб бориш ҳуқуқини беради. Бу билан халифа унга умумий назар солиш ва ўринбосарлик вазифасини топширади.

Ҳоким ва Термизий Абу Саид Худрийдан шундай ривоят қилади, Расулulloҳ ﷺ шундай дедилар:

«وَزَيْرَايَ مِنَ السَّمَاءِ جَبْرِيْلُ وَمِيكَائِيلُ، وَمِنَ الْأَرْضِ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ»

«Менинг самодаги икки вазирим Жаброил ва Микоилдир. Ёрдагилари эса - Абу Бакр билан Умардир». Ҳадисдаги вазир сўзи луғатда ёрдамчи ва мусоид маъносини англатади. Дарҳақиқат, Қуръони Карим ҳам «вазир» сўзини айнан шу маънода ишлатган. Аллоҳ Таоло айтди:

﴿وَأَجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِّنْ أَهْلِي﴾

- „Менга ўз аҳлим-уруғимдан бўлган (Ҳорун оғамни) вазир қилгин“, [20:29]

яъни, ёрдамчи ва мусоид. Ҳадисдаги **«вазир»** сўзи ҳар қандай ишда ҳар қандай ёрдам ва кўмак бериш маъносини, жумладан, халифага унинг масъулияти ва ишларида ёрдам бериш маъносини ўз ичига олади. Абу Саид ривоят қилган ҳадис эса, фақат бошқарувдаги ўзаро ёрдамгагина хос эмас. Чунки Жаброил билан Микоил Расулulloҳ ﷺнинг самодаги вазирлари бўлиб, бу икки фариштанинг бошқарув ва унга алоқадор масъулиятларда ёрдам беришга алоқалари йўқ. Шу боисдан ҳадисдаги **«икки вазирим»**,

сўзи менинг икки ёрдамчим, деган луғавий маънони англатади. Бу ҳадисдан бир неча ёрдамчиларнинг бўлиши мумкинлиги тушунилади.

Шу билан бирга, Абу Бакр билан Умар Расулulloҳ ﷺ билан бирга бошқарув юкларини кўтарганликлари зоҳиран кўринмаса-да, Расулulloҳ уларни ўзларига вазир қилганлари бошқарув ва унга алоқадор барча ишларда иккаласига ҳам чекловсиз ёрдамчилик салоҳиятини берганликларини билдиради. Абу Бакр халифа бўлгач, Умарни ўзига ёрдамчи вазир қилиб олди ва унинг ёрдамчилиги аниқ кўриниб турарди.

Умар халифа бўлгач, Усмон билан Алини ўзига ёрдамчи қилиб олди. Аммо уларнинг қайси бири Умарнинг бошқарув ишларида ёрдамчиси бўлганлиги аниқ эмас. Иккаласининг Умарга ёрдамчилик ҳолати Абу Бакр ва Умарнинг Расулulloҳ ﷺ га ёрдамчилик ҳолатларига ўхшайди. Усмоннинг халифалик замонида Али билан Марвон ибн Ҳакам унинг ёрдамчилари бўлишган. Аммо Али баъзи ишларда норози бўлганлиги учун сал узоқроқ турган бўлса-да, Марвон ибн Ҳакамнинг Усмонга бошқарув ишларида ёрдамчи бўлганлиги аниқ.

Агар тафвиз муовини садоқатли вазир бўлса, шубҳасиз, унинг халифага қиладиган ёрдами - жумладан, ҳар бир яхши ишларни унинг ёдига солиб, ёрдам беришда - жуда катта бўлади. Оиша رضي الله عنها ривоят қилади, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай дедилар:

«وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِالْأَمِيرِ خَيْرًا جَعَلَ لَهُ وَزِيرَ صِدْقٍ، إِنْ نَسِيَ ذِكْرَهُ، وَإِنْ ذَكَرَ أَعَانَهُ.
وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِهِ غَيْرَ ذَلِكَ جَعَلَ لَهُ وَزِيرَ سُوءٍ، إِنْ نَسِيَ لَمْ يُذَكِّرْهُ، وَإِنْ ذَكَرَ لَمْ يُعِنَهُ»

«Агар Аллоҳ амирга яхшиликни ирода қилса, унга бир содиқ вазирни насиб этадики, амир унутиб қўйса, бу вазир эслатиб туради, эсласа ёрдам беради. Агар Аллоҳ бундан бошқасини ирода қилса, унга бир ёмон вазирни насиб қиладики, амир унутиб қўйса, вазир эслатмайди, эсласа, ёрдам бермайди». (Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадис санадини Нававий яхши санад, деган. Баззор ҳам бир санад билан ривоят қилган, Ҳайсамий унинг ровийларини саҳиҳ кишилар, деган.

Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг замоналари билан Хулафои рошидинлар замонидаги муовинларнинг қилган ишларини ўрганадиган бўлсак, муовинга умумий назорат қилишга ҳақли бўлган муайян масалалар ёки умумий назорат қиладиган ҳамма масалалар

топширилиши мумкинлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, у умумий назорат қила оладиган битта жойга ёки умумий назорат қиладиган бир нечта жойга тайин қилиниши мумкин. Икки шайх Абу Ҳурайрадан ривоят қиладилар:

«بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عُمَرَ عَلَى الصَّدَقَةِ»

«Расулulloҳ Умарни закот йиғиб келишга жунатдилар».

Ибн Хузайма билан ибн Ҳиббон шундай ривоятни чиқаришди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ حِينَ رَجَعَ مِنْ عُمْرَةِ الْجِعْرَانِ، بَعَثَ أَبَا بَكْرٍ عَلَى الْحَجِّ»

«Расулulloҳ Жиброн умрасидан қайтгач, Абу Бакрни ҳажга бошлиқ қилиб жунатдилар».

Яъни, Абу Бакр ва Умарга - иккаласи Расулulloҳ вазирларидир - Расулulloҳ ﷺнинг замонасида ҳамма ишлар эмас, балки, муайян ишлар топширилган эди. Ҳолбуки, иккаласи ҳам муовинлар (вазирлар) бўлиб, худди тафвиз вазирлиги тақозо этганидек, умумий назоратчи ва ўринбосар лавозимида бўлганлар. Шунингдек, Умарнинг халифалик даврида Али ва Усмонлар ҳам худди шу ҳолатда бўлишди. Ҳатто Абу Бакр халифалигида Умарнинг Абу Бакрга умумий назорат ва ўринбосарликдаги ёрдами шу даражада кўп бўлдики, баъзи саҳобалар Абу Бакрга - сиз халифами ё Умарми, билмай қолдик, дейишгача бордилар. Шу билан бирга, Абу Бакр Умарни баъзи вақтлардагина қозиликка тайин қилди. Байҳақий чиқарган бу ривоят санадини Ҳофиз кучли деган.

Демак, Расулulloҳ ﷺ ва у зотдан кейинги Хулафои рошидинлар тарихидан олинадиган нарсаси шуки, муовин умумий назоратчи ва ўринбосарлик вазифасини бажаради, аммо муовин бир жойга ёхуд бир ишга хос тайинланиши ҳам жоиздир. Масалан, Расулulloҳ ﷺ Абу Бакрни ва кейин Абу Бакр ҳам Умарни - бирини шимолий вилоятларга қаровчи, иккинчисини жанубий вилоятларга қаровчи волий қилиб - тайинлаганлар. Кейин Абу Бакр ҳам Умарга нисбатан шундай иш тутди. Муовинлардан бирини иккинчисининг ўрнига, иккинчисини биринчисининг ўрнига тайинлаш, халифага ёрдам беришнинг тақозосига қараб, фалончи муовинни пистончи муовиннинг ўрнига, пистончини эса бошқа муовиннинг ўрнига қўйиш ҳам мумкин. Бунда янгитдан тайинлашга муҳтож бўлинмайди, балки бир ишдан иккинчисига кўчириш бўлаверади. Чунки, аслида у умумий назоратчи ва ўринбосар вазифасини эгаллаган бўлиб, бу амалларнинг барчаси унинг ёрдамчи-муовин сифатидаги лавозими доирасига киради. Бу масалада муовин волийдан фарқ қилади.

Чунки волий бир жойни умумий назорат қилиб, бошқа ишга кўчмайди, аксинча янги тайинланишга муҳтож бўлади. Чунки янги жойнинг аввалги тайинланишга дахли йўқ. Лекин муовин бирданига ҳам умумий назоратчи, ҳам ўринбосарлик лавозимига эга бўлгани учун ҳеч қандай янги тайинланиш эҳтиёжисиз, бир жойдан бошқа жойга кўчиши мумкин. Чунки у, аслини олганда, ҳамма ишларда умумий назорат ва ўринбосарлик вазифасига тайинланган.

Юқоридагилардан шу нарса аён бўлдики, халифа ўз муовинига давлатнинг барча соҳаларида ўринбосарлик қилиш вазифасини ҳамда ишларни умумий назорат қилиш вазифасини топширади. Шу билан бирга, унга муайян ишни таклиф қилиши ҳам мумкин. Масалан, бу муовинни машриқдаги вилоятларга, бошқасини эса мағрибдаги вилоятларга тайин қилиш каби ва ҳоказо. Вазирлар биттадан кўп бўлган ҳолатда уларнинг ишлари бир-бирига зид бўлмаслиги учун шунга зарурат туғилади.

Халифа, айниқса, давлат кенгайиб кетган пайтда биттадан кўп муовинга эҳтиёж сезади. Вазирларнинг ҳар бирига давлатнинг ҳамма жойида иш олиб боришни топшириш эса уларнинг ўз вазифаларини бажаришларида муаммоларни пайдо қилади. Негаки бунда уларнинг ҳаммаси ҳам умумий назорат ва ўринбосарликка ҳақли бўлганликлари учун, бир-бирларининг ишларига аралашилари эҳтимоли бор. Шунинг учун биз қуйидагиларни табанний қилдик:

Тайин қилиш жиҳатидан: Муовин давлатнинг ҳамма жойида умумий назорат ва ўринбосарлик қилиш вазифасига тайинланади.

Иш жиҳатидан эса: Муовинга давлатнинг бир қисмида иш топширилади, яъни вилоятлар муовинлар ўртасида тақсимланади. Масалан, бири халифанинг машриқдаги муовини, бири мағрибдаги муовини, яна бири шимолдаги муовини бўлади ва ҳоказо.

Бошқа жойга кўчириш жиҳатидан эса: Муовин бир жойдан иккинчи жойга ва бир ишдан иккинчи ишга кўчишида ҳеч қандай янги тайинланишга эҳтиёж бўлмайди, аксинча, аввалги тайинланиши билан янги жой ва ишга ўтаверади. Чунки унинг муовин қилиб тайинланишининг ўзи ҳамма ишни ўз ичига олади.

Тафвиз муовинларининг шартлари

Тафвиз муовинига ҳам халифага қўйилган шартлар қўйилган. Яъни, муовин эркак киши бўлиши, эркин бўлиши, мусулмон бўлиши, балоғатга етган бўлиши, ақли расо бўлиши, одил бўлиши ва ўзига топширилган ишларни қилишга лаёқатли бўлиши шарт.

Тафвиз муовинини тайинлаш шартларининг далили ҳам халифага бўлган далилларнинг айнан ўзидир. Чунки муовин қиладиган иш ҳам бошқарув иши бўлиб, Пайғамбар алайҳис-саломнинг мана бу сўзларига кўра, у эркак киши бўлиши вожиб:

«لَنْ يَفْلَحَ قَوْمٌ وَلَوْ أَمَرَهُمْ امْرَأَةٌ»

«Ўз ишларига аёл кишини бошчи қилган қавм асло нажот топмайди». Бу ҳадисни Бухорий Абу Бакрдан ривоят қилган. Муовин эркин бўлиши вожиб. Чунки қул ихтиёри ўзида бўлмагач, бошқаларнинг ишини ҳам бошқаролмайди. Муовин Расулуллоҳ ﷺнинг мана бу сўзларига кўра балоғатга етган бўлиши вожиб:

«رُفِعَ الْقَلَمُ عَنْ ثَلَاثَةٍ عَنِ النَّائِمِ حَتَّى يَسْتَيْقِظَ, وَعَنِ الصَّبِيِّ حَتَّى يَبْلُغَ, وَعَنِ الْمَعْتُورِ حَتَّى يَبْرَأَ»

«Уч кишидан (гуноҳларни ёзувчи) қалам кўтарилди: Ухлаб қолган одамдан то уйғонгунча, гўдак боладан то балоғатга етгунча ва ақли ожиздан то соғайгунча». (Абу Довуд ривояти). Яна бир ривоятда бундай дейилган:

«وَعَنِ الْمَجْنُونِ الْمَغْلُوبِ عَلَى عَقْلِهِ حَتَّى يَفِيْقَ»

«... ва ақлини йўқотган жиннидан то у ўзига келгунча». Муовин одил бўлиши вожиб. Чунки Аллоҳ гувоҳликка одилликни шарт қилиб, шундай деган:

﴿وَأَشْهَدُوا ذَوَى عَدْلٍ مِنْكُمْ﴾

– „Ва ўзларингиздан (яъни, мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар...“ [65:2]

Демак, одиллик халифа муовинига аллақачон шарт бўлади. Шунингдек, муовин халифалик машаққати ҳамда бошқарув ва ҳокимият масъулиятларини кўтаришга қодир бўлиши учун бошқарув ишларига лаёқатли бўлиши ҳам шарт қилинган.

Тафвиз муовини қиладиган иш

Тафвиз муовинининг иши ўзи қарор қилган тадбирни халифага етказиб туриш, токи салоҳиятда худди халифа мақомида бўлиб қолмаслиги учун ўзи амалга оширган тадбирлар, волийликка ва вазифаларга тайин қилишларидан халифани воқиф қилиб туришдан иборатдир. Демак, унинг иши халифани ишлардан хабардор қилиб туриш ва агар халифа уни бу ишлардан тўхтатмаса, уларни ижро қилишдир.

Бунинг далили муовин ўзига юкланган ишларда халифанинг ўринбосари эканлигидир. Ўринбосар эса, уни ўзига ўринбосар қилган шахс томонидан ноиб бўлиб, иш қиладиган одамдир. Шунинг учун у халифадан мустақил ҳолда иш қилолмайди. Аксинча, у - худди Умар Абу Бакрга вазирлигида қандай иш тутган бўлса - ўзининг ҳар бир ишларидан халифани тўла хабардор қилиб туради. Умар нимани фикр қилган бўлса, бундан Абу Бакрни хабардор қилиб турар ва халифанинг фикрига қараб уни ижро этарди. Халифани хабардор қилиб туриш деганнинг маъноси, ҳар бир майда-чуйда ишларда ундан рухсат сўрашини англатмайди, чунки бу нарса муовиннинг воқеига зид келади. Аксинча, хабардор қилишнинг маъноси халифа билан ишларни муҳокама қилиш, масалан, вилоятлардан бирига иқтидорли бир волийни тайин қилиш кераклиги ёки одамлар шикоятига сабаб бўлган бозорларда озиқ-овқат етишмаслиги муаммосини бартараф қилиш каби масалаларни ва шунга ўхшаш давлат ишларини халифа билан муҳокама қилиш ёхуд халифа ишлардан хабардор бўлиб, ўзи муҳим деб билган ишга тўхталиши учун уни ишлардан хабардор қилиб туриш билан кифояланиш, демакдир. Халифани ана шундай тарзда хабардор қилиш эса, муовиннинг батафсил хабардор қилган ҳамма ишларни - уларни қилишга ҳеч қандай рухсат олмасдан ҳам - бажаришига кифоя қиладди. Бироқ халифа ўзи хабардор бўлган ишни қилмаслик тўғрисида буйруқ берган бўлса, уни амалга ошириш дуруст эмас. Демак, хабардор қилиш ишни халифага кўрсатиш ёки у билан муҳокама қилиш холос, бажаришга ундан рухсат олиш эмас. Модомики, халифа ўзи хабардор бўлган ишни бажаришдан муовинни тўхтатмас экан, муовин уни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Халифа тафвиз муовинининг ишларини диққат билан кузатиб бориши лозим. Токи унинг ишларидан тўғрисини маъқуллаб, хатосини тўғрилаб турсин. Чунки Уммат ишларини тадбир билан бошқариш халифага топширилган ва унинг ижтиҳодига юкланган. Бунга далил фуқаро ҳақидаги масъулиятга оид Расулulloҳ алайҳис-салоту вас-саламнинг ушбу ҳадисларидир:

«الْإِمَامُ رَاعٍ وَهُوَ مَسْئُولٌ عَنْ رَعِيَّتِهِ»

«Имом бошқарувчидир ва ўз фуқаросига масъулдир», Демак, ишларни тадбир билан бошқариш халифага топширилган бўлиб, у фуқаро ҳақида жавобгардир. Тафвиз муовини эса фуқарога жавобгар эмас, у фақат ўзига топширилган ишларга масъул, холос. Фуқарога жавобгар халифанинг ёлғиз ўзидир. Шунинг учун

ҳам халифа фуқаро борасидаги ўз масъулиятини адо этиши учун муовин ишларини диққат билан кузатиб бориши вожибдир. Шунингдек, тафвиз муовини ҳам гоҳо хато қилади. Шунинг учун ундан содир бўладиган хато албатта тузатилмоғи ва унинг ҳамма ишлари албатта қунт билан текшириб турилмоғи лозим. Фуқаро борасидаги масъулиятни адо этиш ва тафвиз муовинининг хатосини тузатишдан иборат мана шу икки иш сабабли халифа муовиннинг барча ишларини диққат билан кузатиб турмоғи зарурдир.

Тафвиз муовини агар бир ишни тадбир қилган бўлсаю, халифа бу ишини тасдиқлаган бўлса, ишни у тасдиқлаганидек, ҳеч қандай зиёда ё камчиликсиз адо этиши лозим. Агар халифа фикридан қайтиб, муовиннинг айна шу ишни бажаришига қарши чиқса, у ҳолда қаралади: Агар иш бирор ҳукм ҳақида бўлиб, уни муовин ўрнига қўйиб бажарган бўлса ёки иш бирор маблағ ҳақида бўлиб, уни ўринли жойга сарфлаган бўлса, бунда тафвиз муовинининг фикри нуфузли ҳисобланади. Чунки бу аслида халифанинг фикри бўлиб, халифа бажарилган ҳукмларни ўзгартиришга ва сарфланган маблағларни ўринсиз, дейишга ҳақли эмас. Агар муовин бажарган иш бундан бошқа иш бўлса, масалан, бирон волийни тайинлаш ёки қўшин тайёрлаш бўлса, халифа тафвиз муовинининг бундай ишига қарши чиқишга ҳақли бўлади ва бунда халифанинг фикри нуфузли бўлиб, муовиннинг ишини бекор қилади. Чунки халифа ўзининг ишини ҳам, муовиннинг ишини ҳам тузатиш ҳуқуқига эга.

Тафвиз муовинининг ўз ишларини бажариши ва халифанинг муовин ишларини текшириб туриши кайфияти шундан иборат бўлиб, бу нарса халифа қайси ишлардан қайтиши жоизлиги ва қайсиларидан қайтиши жоиз эмаслигидан олинди. Чунки тафвиз муовинининг иши халифанинг иши, деб эътибор қилинади. Аниқроқ қилиб айтганда, халифага мумкин бўлганидек, тафвиз муовини ҳам ўзига ноиб сифатида топширилган ишларда мустақил ҳукм юритиши ёки ҳокимларни тайин қилиши мумкин. Чунки бу ҳукм шартларига тўғри келади. Муовин шикоятларни кўриб чиқиши ҳам ва бунга ўздан бировни вакил қилиб жўнатиши ҳам мумкин. Чунки бу шикоятларни кўриб чиқиш шартларига тўғри келади. У жиҳодга ўзи бошчилик қилиши ёки бошқа бировни тайин қилиши ҳам мумкин. Чунки бу ҳам ҳарб шартларига тўғри келади. Яна у ўзи тадбир қилган ишларни бевосита ўзи ижро қилиши ҳам мумкин ёки бажаришга бировни вакил қилиши ҳам мумкин. Чунки бу ҳам фикр ва тадбир шартларига тўғри келади.

Бироқ бу нарса - модомики халифа муовин қилган ишдан хабардор қилинган экан, халифанинг ўша ишни бекор қилиши дуруст эмас, деган маънони англатмайди. Аксинча, бунинг маъноси муовин ҳам ўзига юкланган ишларда халифа эга бўлган ҳуқуққа эга, аммо халифадан мустақил эмас, балки унинг ўринбосари сифатида эга, демакдир. Халифа муовин бажарган ишларга қарши чиқиши, у бажарган ишларни бекор қилиши мумкин. Аммо бекор қилишда халифа ўзи бажараётган ишлардан ортга қайтиши мумкин бўлган чегарадан четга чиқмаслиги лозим. Агар муовин бирон ҳукми ўрнига қўйиб адо этган бўлса ёки бирон маблағни ўринли жойга сарфлаган бўлса, иш бажарилганидан кейин халифа унинг бу ишига қарши чиқса, бу қаршилигининг ҳеч қандай қиймати бўлмайди. Аксинча, муовиннинг иши ўз кучида қолиб, халифанинг фикри ва қаршилиги рад қилинади. Чунки ўша иш аслида халифанинг фикри бўлиб, халифанинг бундай ҳолатда ўзининг ана шу фикридан қайтиши ёки бажарилиб бўлган нарсани бекор қилиши дуруст эмас. Демак, у муовинининг айна ишини ҳам бекор қилиши дуруст эмас. Аммо муовин бирон волийни, амалдорни, қўшин қўмондонини ва шунга ўхшаш вазифаларга бировни тайин қилган бўлса ёки бирор иқтисодий сиёсатни ёки ҳарбий режани ёхуд саноат лойиҳаларини ёки шунга ўхшаш нарсаларни ишлаб чиққан бўлса, халифа уларни бекор қилиши жоиздир. Чунки бу - гарчи халифанинг фикри бўлса-да, бироқ бу иш халифанинг ўз фикридан қайтиши жоиз бўлган ишлар қаторига киради, гарчи бу ишни ўзи қилган бўлса ҳам. Демак, бундай ҳолатда у муовиннинг ишларини бекор қилиши жоиздир. Бу тўғрида мана бундай қоида бор: Ўзи қилган барча ишларни қайта тўғрилаш халифага жоиз экан, унга муовинининг ишларини ҳам қайта тўғрилаш жоиздир. Ўзининг қайси ишларини қайта тўғрилаш халифага жоиз бўлмаса, муовинининг ҳам ўшандай ишларини қайта тўғрилаш унга жоиз эмас.

Тафвиз муовини масалан, маориф идораси каби идорий жиҳоздан бирон идорага махсус тайинланмайди. Чунки идорий ишлар билан шуғулланувчилар иш ҳақи олиб ишловчи кишилар бўлиб, улар бошқарувчи ҳоким эмаслар. Тафвиз муовини эса ҳокимдир, иш ҳақи олиб ишлайдиган одам эмас. Унинг иши ишчилар ишларига қараб ҳақ оладиган ишлар сарасига кирмайди.

Мана шундан унинг идорий ишлар билан бевосита шуғулланмаслиги келиб чиқади. Бу эса тафвиз муовини ҳеч қандай идорий ишни қилишдан ман қилинганини англатмайди.

Аксинча, у идорий ишларга махсус тайинланмаслигини, балки уларни умумий назорат қилиш ҳуқуқига эгаллигини англатади.

Муовинларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш

Муовин халифанинг буйруғи билан тайинланади ва ишдан олинади. Халифа вафот этган вақтда эса муовинларнинг ваколати ниҳоясига етади. Улар ўз ишларини фақат муваққат амирнинг давридагина давом эттирадилар. Ундан кейин ўз фаолиятларида давом этишлари учун янги халифа томонидан янгитдан тайинланишлари лозим бўлади. Муовинликдан бўшатиш учун алоҳида қарор керак бўлмайди. Чунки уларнинг ваколати уларни ўзига муовин қилиб олган халифанинг вафоти билан тугаган ҳисобланади.

Учинчи: Танфиз вазирлари

Танфиз вазири халифа ишларни ижро қилиш, кузатиб бориш ва адо этишда ўзига ёрдамчи қилиб тайинлаган вазирдир. У халифа билан давлат жиҳози, фуқаро ва хориж ўртасидаги воситачидир. Халифа томонидан бўлган нарсаларни уларга ва улардан бўлган нарсаларни халифага етказиш вазифасини адо этади. Демак, у ишларни бошқарувчи ҳам, ишларга тайинланган ҳам эмас, балки ишларни ижро этишда бир ёрдамчидир. Шунинг учун унинг иши идорий ишлардан бўлиб, ҳукм-бошқарув сирасига кирмайди. Унинг идораси ички ва ташқи жиҳатларга тааллуқли халифа томонидан чиқарилган фармонларни ижро этиш ҳамда ана шу жиҳатлардан халифага келадиган нарсаларни унга етказиб туриш жиҳозидир. Демак, бу идора халифа билан бошқалар ўртасидаги воситачи бўлиб, халифа томонидан бўлган нарсаларни уларга ва улардан бўлган нарсаларни халифага етказиш вазифасини адо этади.

Танфиз вазири Расулulloҳ ﷺ ва Хулафои рошидинлар даврида «қотиб», деб аталган. Кейинчалик хат ёки мактублар девони соҳиби (бошлиғи), деб атала бошлади. Кейинчалик эса иншо қотиби ёки иншо девони соҳиби, дейилди. Сўнгра фақиҳлар унга «танфиз вазири», деб ном бердилар.

Халифа ҳукм, ижро этиш ва одамлар ишларини бошқариш билан шуғулланувчи ҳокимдир. Ҳукм, ижро этиш ва бошқаришда эса идорий ишларга муҳтож бўлинади. Бу эса, ўз навбатида, халифалик масъулиятларини адо этишда зарур бўлган ишларни идора қилиш учун халифа билан бирга иш олиб борадиган бир махсус жиҳозни вужудга келтиришни тақозо қилади. Шу боис халифа тарафидан тайин қилиниб, ҳукм ишлари билан эмас, балки идорий ишлар билан шуғулланувчи бир ижройий ёрдамчини вужудга келтириш зарур бўлиб қолди. Унинг иши ҳукмда эмас, идорий ишларда халифага ёрдам беришдан иборат. Унда тафвиз муовинига ўхшаб бирор ҳукм чиқаришга ҳуқуқ йўқ. Шунинг учун у волийни ҳам, омилни ҳам тайинламайди ва одамларнинг ишларини бошқармайди. Балки қиладиган иши халифа ё тафвиз муовини тарафидан чиқарилган ҳукм ва идора ишларини ижро этишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам уни танфиз муовини (ижройий ёрдамчи), деб аталди. Фуқаҳолар «вазир» сўзи луғатда ёрдамчи маъносини англатганига асосланиб, уни танфиз вазири, яъни, танфиз муовини, деб атадилар. Улар шундай дейишган: Бу вазир халифа билан фуқаро ва волийлар ўртасидаги воситачи

бўлиб, халифанинг фармонларини бажаради, чиқарган қарорларини, ҳукмларини ижро этади, волийлар тайинлангани, қўшин ва ҳимоячиларнинг тайинлангани ҳақида одамларга хабар қилиб туради, халифага одамлардан келган нарсалар ва янгиликлар ҳақида ахборот бериб туради. Улар борасида халифанинг буйруғига биноан иш тутиш учун шундай қилади. Демак, у ишлар устидан бошқарувчи ҳам эмас ва уларга тайинланган ҳам эмас, балки ишларни ижро этишда ёрдамчидир. У бугунги кундаги давлатлар президентлари канцелярияси (девони) бошлиғига ўхшайди.

Шунинг учун ҳам танфиз муовини тафвиз муовинига ўхшаб, халифага бевосита боғлангандир. У халифанинг яқин одами бўлиб, қиладиган иши халифага қаттиқ боғлиқ бўлганлиги боис хоҳ тунда, хоҳ кундузи бўлсин, халифа билан ёлғиз учрашиш ва унга хабар етказишни тақозо этади. Бу эса шариат ҳукмларига кўра аёл кишининг шароитига тўғри келмайдиган лавозимдир, шунинг учун ҳам танфиз муовини эркак киши бўлади. Шунингдек, танфиз муовини халифанинг энг яқин кишиси бўлгани боис ҳамда Аллоҳ Таолонинг ушбу қавлига биноан, кофир бўлиши ҳам мумкин эмас, балки мусулмон бўлиши лозим:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا بَطَانَةً مِنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُونَكُمْ خَبَالًا وَدُّوا مَا عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ الْبَغْضَاءُ مِنْ أَفْوَاهِهِمْ وَمَا تُخْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ﴾

– „Эй мўминлар, ўзингиздан бошқаларни (яъни, ғайридинларни) сирдош-дўст тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва сизларни қийинчилик-машаққатларга дуч келишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари ўз оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги (адоватлари) эса янада каттароқдир“. [3:118]

Ўзига ғайримусулмонлардан яқин киши қилиб олишдан халифани қайтариш шу оятда очиқ кўриниб турибди. Шунинг учун танфиз муовини кофир бўлиши мумкин эмас, балки худди тафвиз муовинидек, халифага бевосита боғланганлиги ва ундан ажрамаслиги боис, албатта мусулмон бўлиши керак. Танфиз муовини эҳтиёжга қараб ҳамда халифа билан бошқалар ўртасида воситачилик қиладиган ишга қараб биттадан кўп бўлиши жоиздир.

Танфиз муовинининг халифа билан бошқалар ўртасида воситачи бўлиши қўйидаги тўрт ишда кўринади:

1. Ҳалқаро алоқалар. Унга халифа бевосита бошчилик қиладими ёки унга ташқи ишлар билан шуғулланувчи бирон идорани тайинлайдими, фарқи йўқ.

2. Қўшин ёки армия.

3. Давлатнинг қўшиндан бошқа жиҳозлари.

4. Фуқаро билан бўладиган алоқалар.

Танфиз муовини бажарадиган ишлар воқеи - мана шулардир. У модомики, халифа билан бошқалар ўртасида воситачи экан, демак, у халифадан етказувчи ва халифага етказувчи жиҳоздир. Шу билан бирга, у давлат жиҳозининг кузатиш тақозо қиладиган ишларини кузатиб боради.

Халифа амалдаги ҳокимдир. У ҳукм, ижро ва одамларнинг ишларини бошқариш билан бевосита ўзи шуғулланади. Шунинг учун у ҳукм жиҳози ва Уммат билан ҳамда халқаро алоқалар хусусида доимий боғланиб, ҳукмлар чиқаради, қарорлар қабул қилади, фуқарони бошқариш ишлари билан шуғулланади. Ҳукм жиҳози ишларининг бориши, у дуч келаётган муаммолар ва унга зарур бўлган нарсалар билан яқиндан танишиб боради. Шу билан бирга, Уммат талаблари, шикоятлари ва масалалари унга етказилади, у давлат ишларини тинимсиз кузатиб боради. Шунинг учун бу ишлар воқелигидан танфиз муовинининг улар борасида воситачи бўлиши зарурлиги келиб чиқди. У бу ишларни халифадан бошқаларга етказиб туради ва бошқалардан халифага етказиб туради. Халифа томонидан давлат жиҳозига чиқарилган фармонлар ва жиҳоздан халифага келадиган нарсалар ижросини кузатиб бориш зарур. Шунинг учун бу кузатув вазифаси танфиз муовини зиммасига юкланди. Ижро тўла тамомига етиши учун шундай қилинди. Демак, у халифани ҳам, давлат жиҳозини ҳам кузатиб боради. Халифа ундан кузатишни тўхтатишни талаб қилмагунча кузатишни давом эттираверади. Халифа талаб қилса, унинг амрига бўйсуниси ва кузатишни тўхтатиши лозим. Чунки халифа ҳоким ва унинг амри ижро қилинади.

Энди қўшин ва халқаро алоқаларга тааллуқли ишларга келсак, бу махфий ишлар бўлиб, халифагагина хос ишлар ҳисобланади. Шунинг учун танфиз муовини бу ишларни, уларнинг ижросини кузатмайди. Фақат халифа у ишлардан бирон нарсани кузатишни талаб қилса, ўша қисминигина кузатади. Ундан бошқасини кузатмайди.

Фуқаро билан уни бошқариш, унинг талабларини бажариш, уни адолатсизликлардан халос қилиш жиҳатидан бўладиган алоқаларга келсак, бундай ишлар халифа ва унинг шу борадаги

ўринбосарининг иши бўлиб, танфиз муовинининг иши эмас. У бу ишларни фақат халифа талаб қилсагина кузатади. Демак, бу ишларга нисбатан унинг қиладиган иши кузатиш эмас, адо этишдир. Буларнинг барчаси халифа бажарадиган ишлар ва бинобарин, танфиз муовини бажарадиган ишлар воқеига биноан шундай бўлади.

Расулуллоҳ ﷺ ва Хулафои рошидинлар замондаги танфиз муовинларининг (у замонда улар котиб дейиларди) ишларидан мисоллар:

1. Халқаро алоқалар ва уларга тааллуқли мисоллар:

• Ҳудайбия сулҳи. Бу ҳақда Бухорий Мисвар ва Марвондан шундай ривоят қилади:

«فَدَعَا النَّبِيَّ ﷺ الْكَاتِبَ...»

«**Шунда Расулуллоҳ ﷺ котибни чақирдилар...**». Абу Юсуф ҳам «Хирож» китобида бу ҳақда шундай ривоят қилган:

«وَحَدَّثَنِي مُحَمَّدُ بْنُ إِسْحَاقَ وَالْكَلْبِيُّ، زَادَ بَعْضُهُمْ عَلَى بَعْضٍ فِي الْحَدِيثِ، وَفِيهِ وَقَالَ أَكْتُبُوا...»

«**Менга Муҳаммад ибн Исҳоқ билан Калбий ҳадис ривоят қилди. Унда баъзи ровийлар баъзисидан зиёда қилган. Унда шундай дейилади** (Пайгамбаримиз ﷺ): **«Ёзинглар», дедилар**». Бу ривоятда котибларга қарата ёзинглар, дейилди, аммо котиб номи зикр қилинмади. Бу ҳадисни ибн Касир шундай ривоят қилади:

«قَالَ ابْنُ إِسْحَاقَ قَالَ الزُّهْرِيُّ... ثُمَّ دَعَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ ﷺ فَقَالَ أَكْتُبْ...»

«**Ибн Исҳоқ шундай дейди: Зуҳрий деди... Кейин Расулуллоҳ ﷺ Али ибн Абу Толиб ﷺ ни чақирдилар ва ёзинг, дедилар...**». Абу Убайда у ҳақда «Амвол» китобида ибн Аббосдан шундай ривоят қилади:

«... فَقَالَ لِعَلِيٍّ: أَكْتُبْ يَا عَلِيُّ...»

«**... шунда унга ёз, эй Али, дедилар**». Ҳоким ҳам у ҳақда ибн Аббосдан ривоят қилган ва бу ривоятни Заҳабий саҳиҳ санаб, унга қўшилган. Ривоятда:

«... أَكْتُبْ يَا عَلِيُّ...»

«... ёз, эй Али...», дейилган. Ушбу сулҳ матни жуда машҳур бўлганлиги боис, бу ерда уни зикр қилишни лозим топмадик.

• Расулуллоҳ ﷺ Ҳирақлга ёзган мактубни ибн Можадан бошқа ҳамма муҳаддислар жамоаси ривоят қилган. Бухорийда бу мактубдаги сўзлар ибн Аббосдан, у эса Абу Суфёндан шундай лафзда келади:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، مِنْ مُحَمَّدٍ عَبْدَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ إِلَى هِرَقْلَ عَظِيمِ الرُّومِ،
سَلَامٌ عَلَيَّ مِنْ اتَّبَعَ الْهُدَى، أَمَا بَعْدُ، فَإِنِّي أَدْعُوكَ بِدَعَايَةِ الْإِسْلَامِ، أَسَلِمُ تَسَلَّمَ يُؤْتِكَ
اللَّهُ أَجْرَكَ مَرَّتَيْنِ، فَإِن تَوَلَّيْتَ فَعَلَيْكَ إِثْمُ الْأَرِيسِيِّنَ، وَ يَا أَهْلَ الْكِتَابِ تَعَالَوْا إِلَى
كَلِمَةٍ سَوَاءٍ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ، أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا اللَّهَ، وَلَا نُشْرِكَ بِهِ شَيْئًا، وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا
أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ، فَإِن تَوَلَّوْا فَقُولُوا اشْهَدُوا بِأَنَّا مُسْلِمُونَ»

«Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Аллоҳнинг бандаси ва расули Муҳаммаддан Рум подшоҳи Ҳирақлга. Ҳидоятга эргашганларга салом. Аммо баъд. Мен сени Ислом даъвати билан чақираман. Исломга кир, саломат бўласан, Аллоҳ ажрингни икки маротаба бергай. Бош тортсанг, барча арисийлар гуноҳи сенга бўлгай. Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз - Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қуйиб бир-биримизни худо қилиб олмайлик. Агар улар (яъни аҳли китоблар, ушбу даъватдан) юз угирсалар, у ҳолда сизлар (эй мўминлар): «Гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар - Ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!».

• Ҳирақлнинг Расулуллоҳ ﷺ га ёзган жавоб мактуби. Абу Убайда «Амвол» китобида Бакр ибн Абдуллоҳ Музанийдан шундай чиқарган: «... ва у (яъни Ҳирақл) Расулуллоҳ ﷺ га мен ўзи мусулмонман, деб хат ёзиб, динорлар бериб элчи жўнатди. Расулуллоҳ ﷺ хатни ўқиб туриб:

«كَذَبَ عَدُوُّ اللَّهِ لَيْسَ بِمُسْلِمٍ، وَلَكِنَّهُ عَلَى التَّصْرَانِيَّةِ»

«Аллоҳнинг душмани ёлғон айтибди, у мусулмон эмас, балки насроний динидадир», дедилар. Ҳофиз «Фатҳ» китобида: Бакр ривоят қилган мурсал ҳадисдан саҳиҳ санад билан ривоят қилинди, деди.

- Манбаж аҳлининг Умарга ёзган мактуби ва Умарнинг унга жавоби. Абу Юсуф «Хирож» китобида шундай чиқарган: «Бизга Абдулмалик ибн Журайж Амр ибн Шуайбдан шундай ҳикоя қиладики, Манбаж аҳли - улар биз билан уруш ҳолатида бўлган денгиз ортидаги қавм эди - Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه га: «Бизга тегманг, биз юртингизга савдогар бўлиб кирайлик, сиз биздан ушр олаверинг», деб хат ёзишди. Шунда Умар Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم нинг саҳобалари билан маслаҳат қилган эди, улар шу ишни маслаҳат бердилар. Улар ушр олинган аҳли ҳарбнинг биринчиси бўлишди».

2. Қўшин ёки армия ва у билан бўлган ёзишмалардан намуналар:

- Абу Бакрнинг Холидга уни Шомга юриш қилишга буюриб ёзган мактуби. Абу Юсуф «Хирож» китобида шундай чиқарган: «Холид Ҳирани ўзи яшайдиган диёр қилмоқни истаган эди, унга Абу Бакрнинг Абу Убайда билан мусулмонларга мадад бериш учун Шомга юришга амр қилган мактуби келиб қолди...».

- Шомдаги қўшинларнинг Умардан мадад сўрашлари ва Умарнинг уларга мактуби. Аҳмад ровийлари саҳиҳ кишилар бўлган санад билан ҳамда Абу Ҳотам ибн Ҳиббон ҳам Саммоқдан саҳиҳ санад билан ривоят қилади: Мен Иёз Ашъарийнинг шундай деганини эшитдим: «Мен Ярмук жангининг гувоҳи бўлдим. Бизга бешта амир бош эди. Улар: Абу Убайда ибн Жарроҳ, Язид ибн Абу Суфён, ибн Ҳасана, Холид ибн Валид ва Иёзлар эди. Бу Иёз Саммоқ айтган киши эмас. У гапида давом этди: Кейин Умар: «Агар жанг бошланса, сизларга Абу Убайда бош бўлади», деди. Кейин Умарга бизга ўлим таҳдид солмоқда, деб ундан мадад сўраб хат ёздик. Шунда Умар бизга мана бундай деб хат ёзди: «Менга мадад сўраб ёзган мактубингиз етиб келди. Мен сизларга ғалаба билан азиз қилувчи ва аскарларни ҳозир қилувчи Аллоҳ Азза ва Жалладан мадад сўрашни тавсия қиламан. Бас, Ундан ёрдам сўранглар. Зеро, Муҳаммад صلى الله عليه وسلم Бадр жангида тайёргарлигу сон жиҳатидан сизлардан оз бўлган аскарлар билан ғалаба қозонганлар. Ушбу мактубим сизларга етиб борса, уларга қарши жанг қилинглари ва менга қайта мурожаат қилманглари». Иёз гапини давом этдирди: Шунда биз уларга қарши жанг қилиб, уларни мағлуб қилдик. Уларни тўрт фарсахгача қувиб бордик...».

- Шом қўшини Умар ибн Хаттобга шундай мактуб жўнатган: «Биз душманга йўлиққаннимизда қуроллари ипак билан ўраб олишганини кўриб, қалбимизда қўрқувни ҳис қилдик». Умар уларга шундай деб хат ёзди: «Улар қуроллари қандай ўраб

олишган бўлса, сизлар ҳам қуроолларингизни шундай ўраб олинг». Буни ибн Таймия «Фатово» китобида зикр қилган.

3. Давлатнинг қўшиндан бошқа жиҳози ва уларнинг ўзаро мактуб ёзишувлари:

- Расулulloҳ ﷺнинг Муозга ушр ҳақида ёзган хатлари. Яхё ибн Одам «Хирож» китобида Ҳакамдан ривоят қилади, Расулulloҳ ﷺ Яманга Муоз ибн Жабалга шундай деб хат ёздилар:

«فِيمَا سَقَتِ السَّمَاءُ أَوْ سَقِيَ غَيْلًا الْعُشْرُ، وَمَا سَقِيَ بِالْغَرْبِ فَنِصْفُ الْعُشْرِ»

«Осмон (ёмғир) суғорган ёки ариқ сувида суғорилган ерлардан ушр, челақлаб суғорилган ерлардан ушрнинг ярми олинсин». Шаъбийдан ҳам худди шундай ривоят қилинган.

- Расулulloҳ ﷺнинг Мунзир ибн Совийга жизя ҳақидаги мактублари. Абу Юсуф «Хирож» китобида Абу Убайдадан шундай ривоят қилади: Расулulloҳ ﷺ Мунзир ибн Совийга шундай деб хат ёздилар:

«أَنَّ مَنْ صَلَّى صَلَاتَنَا، وَاسْتَقْبَلَ قِبْلَتَنَا، وَأَكَلَ ذَيْحَتَنَا، فَذَلِكَ الْمُسْلِمُ، لَهُ ذِمَّةُ اللَّهِ وَذِمَّةُ رَسُولِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ ذَلِكَ مِنَ الْمَجُوسِ فَهُوَ آمِنٌ، وَمَنْ أَبِي فَعَلَيْهِ الْجَزِيَّةُ»

«Ким бизнинг намозимизни ўқиса, қибламизга юзланса ва суйган нарсаларимиздан еса, бас, у мусулмондир. У Аллоҳ ва расулининг ҳимоясида. Мажусийлардан ким шунга рози бўлса, бас, унга омонлик берилади. Ким бундан бош тортса, унга жизя солинади».

- Абу Бакрнинг Анасни Баҳраинга жўнатаётиб закотнинг фарзлиги ҳақидаги мактублари. Бухорий Анасдан чиқарган: «Абу Бакр ﷺ унга Аллоҳ ва Расули ﷺ буюрган закотнинг фарзлигини ёзди...».

- Умарнинг очарчилик йилида Амр ибн Осга ёзган мактуби ва Амрнинг унга жавоби. Уни ибн Ҳузайма ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қилган, Ҳоким уни Муслим шартига кўра саҳиҳ, деган ҳамда Байҳақий «Сунан» китобида, ибн Саъд «Табақот» китобида ибн Асламдан, у эса, отасидан ривоят қилади: «Очарчилик йили ва араб юртлари қургоқчиликка учраган йилда Умар ибн Ҳаттоб Амр ибн Осга хат ёзди: «Аллоҳнинг бандаси, мўминлар амиридан Амр ибн Осга. Умримга қасамки, сен ва сен томондагилар семириб, мен ва мен томондагилар эса озиб-тўзиб кетса, сен парво қилмаяпсан, ёрдам беринглар». Амр шундай деб жавоб ёзди: «Ассалому алайка. Аммо баъд. Лаббайка. Лаббайка

(буйруғингизга мунтазирман). Сизга боши сиз томонда ва охири мен томонда бўлган карвон етиб боради. Шу билан бирга, мен денгиз орқали юк юбориш учун йўл топишга умид қиламан».

- Абу Бакрнинг ўғли Муҳаммаднинг муртадлар масаласи бўйича Алига мактуби ва Алининг унга жавоб хати. Ибн Абу Шайба Қомус ибн Мухорикдан, у эса отасидан шундай ривоят чиқарган: «Али Абу Бакрнинг ўғли Муҳаммадни Мисрга амир қилиб жўнатди. Муҳаммад Алидан Мисрдаги кофирлар ҳақида сўраб, хат ёзди. Кофирлар ичида қуёшга ва ойга ибодат қилувчилар, яна бошқа нарсаларга ибодат қилувчилар ва мусулмонликни даъво қилганлар бор эди. Али унга хат ёзиб, кофирлардан Исломни ёлғон даъво қилганларини ўлдириш, қолганларини хоҳлаган нарсаларига ибодат қилишларига қўйиб беришни амр қилди».

4. Бевосита фуқарога жўнатилган мактублардан намуналар:

- Расулulloҳ ﷺнинг Нажрон аҳлига мактублари. Уни Абу Довуд Саддийдан, у ибн Аббосдан ривоят қилган. Мунзирий Саддийнинг ибн Аббосдан эшитгани тўғрисида мулоҳаза бор, деган. Уни Абу Убайда «Амвол» китобида Абул Малих Ҳузалийдан ривоят қилиб, ривоят охирида:

«شَهِدَ بِذَلِكَ عَثْمَانُ بْنُ عَفَّانٍ وَمُعَيْبٌ، وَكَتَبَ»

«Бунга Усмон ибн Аффон билан Муайқиб гувоҳ бўлди ва мактуб ёзди», деган. Бу ривоятни «Хирож» китобида Абу Юсуф келтириб, хатни ёзган одам Муғийра ибн Шуъба бўлганлигини зикр қилган. Кейин Абу Юсуф Абу Бакрнинг уларга ёзган мактубини, ёзган одам Муғийралигини, кейин Умарнинг мактубини, ёзган одам Муайқиб бўлганини, кейин Усмоннинг уларга ёзган мактубини, ёзган одам унинг мавлоси (озод қилган қули) Ҳумрон бўлганини, кейин Алининг мактубини, ёзган одам Абдуллоҳ ибн Абу Рофеъ бўлганини зикр қилган.

- Расулulloҳ ﷺнинг Тамим Дорийга мактублари. «Хирож» китобида Абу Юсуф шундай зикр қилган:

«قَامَ تَمِيمُ الدَّارِيُّ وَهُوَ تَمِيمُ بْنُ أَوْسٍ - رَجُلٌ مِنْ لَحْمٍ - فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ لِي جِيرَةً مِنَ الرُّومِ بِفِلَسْطِينَ، لَهُمْ قَرْيَةٌ يُقَالُ لَهَا حَبْرَى، وَأُخْرَى يُقَالُ لَهَا عَيْنُونَ، وَإِنْ فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْكَ الشَّامَ فَهَبْهُمَا لِي، فَقَالَ: هُمَا لَكَ. قَالَ: فَكَتَبْتُ لِي بِذَلِكَ،

فَكَتَبَ لَهُ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، هَذَا كِتَابٌ مِنْ مُحَمَّدٍ رَسُولِ اللَّهِ لَتَمِيمِ بْنِ أَوْسِ الدَّارِيِّ، أَنَّ لَهُ قَرْيَةَ حَبْرَى وَبَيْتَ عَيْنُونَ قُرْتَبَهَا كُلُّهَا، وَسَهْلَهَا وَجَبَلَهَا وَمَاوُهَا وَحَرَّتُهَا وَأَبْطَاطُهَا وَبَقْرَهَا وَلَعْقَبَهُ مِنْ بَعْدِهِ، لَا يُحَاقُّهُ فِيهَا أَحَدٌ، وَلَا يُلْحَدُ عَلَيْهِمْ أَحَدٌ بِظُلْمٍ، فَمَنْ ظَلَمَ وَأَخَذَ مِنْهُمْ شَيْئًا فَإِنَّ عَلَيْهِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ.
وَكَتَبَ عَلَيَّ»

«Тамим Дорий - у Тамим ибн Авс бўлиб, Лахмлик бир киши эди - шундай деди: «Ё Расулulloҳ, мени Фаластиндаги румликларга қўшничилигим бор. Уларнинг Хубро, деган қишлоғи бор. Яна бир қишлоқни Айнун, дейишади. Агар Аллоҳ сизга Шомни фатҳ қилиб берса, шу икки қишлоқни менга ҳада қилинг». Расулulloҳ «Иккала қишлоқ сенга», дедилар. У шу тўғрисида менга хат қилиб беринг, деди. Шунда Расулulloҳ шундай деб ёзиб бердилар: «Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Бу мактуб Аллоҳнинг Расули Муҳаммадан Тамим ибн Авс Дорийга. Шу хусусдаким, Хубро қишлоғи, Айнундаги уй ҳамда унинг текислик ерлари, тоғи, суви, экини, ўсимликлари, қора моллари, шу Тамим ва унинг кейинги авлодларига тегишли бўлиб, у ерни ҳеч ким ўраб олишга ҳаққи йўқ ва буларга ҳеч ким зулм ўтказмасин. Ким зулм қилса ва улардан бирор нарсани тортиб олса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин». Мактубни Али ёзди». Кейин Абу Бакр халифа бўлгач, уларга мана бу хатни ёзиб берди: «Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан. Бу мактуб ер юзида Расулulloҳ ﷺга халифа бўлиб қолган Абу Бакрдан Дорийлар авлодига. Шу ҳақдаким, уларнинг қўл остидаги Хубро ва Айнун қишлоқлари зарар кўрмасин. Ким қулоқ солиб, Аллоҳга итоат қилса, у иккала қишлоқнинг ҳеч нарсасига зарар етказмасин. Иккала қишлоққа икки дарвоза ўрнатиб, фасод тарқатувчи кимсалардан ҳимоя қилсин».

Халифа ўзининг ёзув-чизув ишларига котибларни қанча керак бўлса, шунча тайин қилишга ҳаққи бор. Ҳатто агар вожиб амали фақат уларни тайин қилиш билангина амалга ошадиган бўлса, тайин қилиш вожиблик даражасига етади. Сийрат соҳибларининг айтишича, Расулulloҳ ﷺнинг йигирмата атрофида котиблари бўлган. Бухорий ўзининг «Саҳиҳ»ида ривоят қиладики,

Расулulloҳ ﷺ яҳудийларнинг ёзган мактубларини у кишига ўқиб бериш учун Зайд ибн Собитга яҳудлар ёзиғини ўрганишни буюрдилар. Зайд уни ўн беш кунда ўрганиб олди. Ибн Исҳоқ Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қилиб, деди:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ اسْتَكْتَبَ عَبْدَ اللَّهِ ابْنَ الْأَرْقَمِ بْنِ عَبْدِ يَغُوثَ، وَكَانَ يُجِيبُ عَنْهُ الْمُلُوكَ...»

«Расулulloҳ ﷺ Абдуллоҳ ибн Арқам ибн Абди Яғусдан мактуб ёзишни сўрадилар. У Пайғамбаримиз номидан подшоларга жавоб мактуби ёзар эди...». Байҳақий Абдуллоҳ ибн Умар ﷺ дан ривоят қилиб, шундай деди:

«أَتَى النَّبِيَّ ﷺ كِتَابُ رَجُلٍ، فَقَالَ لِعَبْدِ اللَّهِ بْنِ الْأَرْقَمِ: أَجِبْ عَنِّي، فَكَتَبَ جَوَابَهُ، ثُمَّ قَرَأَهُ عَلَيْهِ فَقَالَ: أَصَبْتَ وَأَحْسَنْتَ اللَّهُمَّ وَقَفُّهُ»

«Набий ﷺ га бир кишидан мактуб келди. Пайғамбаримиз Абдуллоҳ ибн Арқамга: «Менинг номимдан унга жавоб мактуби ёз», дедилар. У жавоб мактубини ёзиб, Пайғамбаримизга ўқиб берди. Пайғамбаримиз: «Жуда тўғри ва чиройли ёзибсан. Аллоҳим, уни яхшиликка муваффақ айла», дедилар». Муҳаммад ибн Саъд Али ибн Муҳаммад Мадоинийдан санадлари билан ривоят қилиб, Муҳаммад ибн Масламанинг Расулulloҳ ﷺ буйруқлари билан Мурра қабиласи вакилларига мактуб ёзганлигини зикр қилди. Али ибн Абу Толиб Пайғамбаримиз аҳднома тузсалар, ўша аҳдномаларни, сулҳ тузсалар - сулҳ битимларини ёзар эди. Муайқиб ибн Абу Фотимада эса Пайғамбаримизнинг муҳрлари бор узук турар эди. Бухорий «Тарих»да Муҳаммад ибн Башшордан, у эса бобоси Муайқибдан ушбу ривоятни чиқарди:

«كَانَ خَاتَمُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ مِنْ حَدِيدٍ مُلَوَّنٍ عَلَيْهِ فَضَّةٌ كَانَتْ يَدِي. وَكَانَ الْمُعْقِبُ عَلَى خَاتَمِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ»

«Расулulloҳ ﷺ нинг узуклари темирдан бўлиб, устига кумуш юритилган эди. У менинг қўлимда турар эди».

Тўртинчи: Волийлар

Волий халифа томонидан Халифалик давлатининг вилоятларидан бирига ҳоким ва амир этиб тайинланган шахсдир.

Давлат ҳукмронлик қиладиган мамлакат бир неча ҳудудий бирликларга бўлинади. Ҳар бир ҳудудий бирлик вилоят, деб аталади. Ҳар бир вилоятнинг ўзи яна бошқа ҳудудий бирликларга бўлиниб, ҳар бири амола, дейилади. Вилоятни бошқарувчи шахс волий ёки амир, амолани бошқарадиган шахс эса омил ёки ҳоким, дейилади.

Амола ҳам ўз навбатида бир неча идорий бирликларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири қасаба, деб номланади. Қасаба ҳам кичикроқ идорий бирликларга бўлиниб, ҳар бири ҳай (маҳалла), деб аталади. Қасабанинг, шунингдек, маҳалланинг бошлиғи мудир, деб номланади. Негаки, унинг вазифаси ҳам идорага доирдир.

Волийлар ҳокимлардир. Негаки, бу ердаги волийлик ҳокимлик маъносиди. «Ал-Қомус ал-Мухит»да бу сўз амирлик ва салтанат маъноларини англатади, дейилган. Модомики, волийлик ҳокимлик экан, ҳоким бўлиш учун қандай шартлар топилши керак бўлса, волий бўлиш учун ҳам ўшандай шартлар топилши керак. Яъни, волий эркак, ҳур, мусулмон, балоғатга етган, ақлли, адолатли ва лаёқатли бўлиши шарт. Волийни халифа ёки унинг шу борадаги вакили тайинлайди. Чунки волий фақат халифа томонидан тайинланади. Волийликка ёки амирликка одам тайинлаш аслида Пайғамбар ﷺнинг ишларидир. Ривоятларда собит бўлишича, Пайғамбар ﷺ вилоятларга волийларни тайинлаганлар ва уларга маълум ҳудудий бирликни бошқариш ҳуқуқини берганлар. Масалан, Муоз ибн Жабални Жанадга, Зиёд ибн Лабидни Ҳазрамавтга, Абу Мусо Ашъарийни Забид ва Аданга волий қилганлар.

Пайғамбар ﷺ волийликка ҳукм юритишга иқтидорли, илмли, тақводорлиги билан танилган, ўз ишини пухта бажарадиган, фуқаронинг қалбига иймон ва давлат маҳобатини сингдирадиган одамларни танлардилар. Сулаймон ибн Бурайда отасидан ривоят қилиб, шундай дейди:

«كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى جَيْشٍ أَوْ سَرِيَّةٍ أَوْ صَاهٍ فِي خَاصَّتِهِ بِتَقْوَى اللَّهِ. وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا»

«Пайғамбар ﷺ бирон қўшинга амир тайинласалар, хусусан унинг ўзига Аллоҳдан тақво қилиш, у билан бирга

бораётган мусулмонларга эса яхшилиқ қилиш ҳақида курсатма берардилар». (Муслим ривояти). Волий ҳам ўз вилоятининг амиридир. Шунга кўра, бу ҳадис унга ҳам тааллуқлидир.

Волийликдан бўшатиш халифанинг фикри ҳамда вилоят аҳолисининг ёки вилоят аҳолиси вакилларининг волийдан норозиликлари ва уни ёқтирмасликларига қараб бўлади. Шунинг учун вилоят аҳолисидан вилоят кенгашига вакиллар сайланишини икки мақсадга кўра табанний қиламиз. Мақсадлардан бири волийга ўз вилояти воқелигини билишда ёрдам беришдир. Негаки, вилоятдаги вазиятни вилоят аҳолисининг ўзи яхшироқ билади. Шунинг учун волий тўғри иш олиб бора олиши учун уларнинг маълумотларидан фойдаланади. Иккинчиси, лозим бўлиб қолганда волийнинг қандай ҳукм юритаётганлиги ҳақида Кенгашнинг фикрини олишдир. Агар Кенгаш аъзоларининг аксарияти волийдан шикоят қилсалар, халифа уни ишдан олади. Чунки Пайғамбар ﷺ Баҳрайнга омил этиб тайинланган Ало ибн Ҳазрабийни Абди Қайсининг вакиллари унинг устидан шикоят қилганлари сабабли ишдан бўшатганлар. Халифа волийни ҳеч бир сабабсиз ҳам ишдан бўшатиши мумкин. Пайғамбар ﷺ Муоз ибн Жабални Яман ҳокимлигидан ҳеч бир сабабсиз бўшатганлар. Умар ибн Хаттоб ҳам волийларни сабабсиз ҳам, сабаб билан ҳам бўшатарди. Масалан, Зиёд ибн Абу Суфённи ишдан олгану, сабабини кўрсатмаган. Саъд ибн Абу Ваққосни эса одамларнинг шикоятлари туфайли бўшатган ва: «Мен уни ишни удалай олмагани ёки хиёнати учун бўшатганим йўқ», деган. Шулардан кўриниб турибдики, халифа хоҳлаган пайтида волийни ишдан бўшата олади. Вилоят аҳолисидан шикоят тушган пайтда эса уни ишдан бўшатиш халифага вожиб бўлади.

Олдинги асрларда волийлик икки қисмга, намоз волийлиги ва хирож волийлигига бўлинган. Шунинг учун тарих китобларида икки хил ибора, намозга амирлик ҳамда намоз ва хирожга амирлик, деган иборалар учрайди. Яъни, амир ё намоз ва хирожга амирлик қилган ёки намознинг ўзига ва ё хирожнинг ўзига амирлик қилган. Намозга волийлик ёки амирлик қилиш одамларнинг намозларига имомлик қилиб бериш маъносинигина англатмайди. Унинг маъноси молядан бошқа ҳамма ишларни бошқаришдир. Намоз сўзи мол йиғишдан бошқа ҳамма бошқарув ишларини англатган. Агар волий ҳам намоз ва ҳам хирожга волийлик қилса, унинг волийлиги умумий, яъни чекланмаган волийлик ҳисобланган. Агар намоз ёки хирожнинг ўзигагина

волийлик қилса, унинг волийлиги хусусий, яъни чекланган волийлик бўлган. Бу ишлар халифанинг раъйига қараб бўлади. У волийни хирожнинг ўзи билан хослаши ҳам, қозиликнинг ўзи билан чеклаши ҳам, молия, қозилик ва қўшиндан бошқа ишлар билан хослаши ҳам мумкин. Давлат ёки вилоят идораси учун қайси йўлни маъқул кўрса, ўшани қилаверади. Чунки шарият волий учун муайян вазифа белгиламаган. Ҳокимиятга доир ҳамма ишлар унинг қўлида бўлиши шарт эмас. Фақат волий ёки амирнинг иши ҳукумат ва салтанат эканлиги, унинг ўзи халифадан ноиб эканлиги белгиланган, холос. Пайғамбар ﷺ шундай қилганлар. У зот волийни чеклаш ёки чекламасликни халифанинг ихтиёрига қўйиб берганлар. Бу ҳолатни Пайғамбар ﷺнинг ишларида кўрамиз. У зот умумий, яъни чекланмаган волий этиб ҳам, хусусий, яъни чекланган волий этиб ҳам тайинлаганлар. Амр ибн Ҳазми Яманга умумий волий этиб, Али ибн Абу Толибни эса фақат қозиликка волий этиб тайинлаганлар. Ибн Ҳишомнинг сийратида келишича, Пайғамбар ﷺ Фарва ибн Мусайкни Мурод, Забид ва Мазҳаж қабилаларига волий қилиб, у билан бирга Холид ибн Саид ибн Осни закатга волий қилиб жўнатганлар. Яна ворид бўлишича, Пайғамбар ﷺ Зиёд ибн Лабид Ансорийни Ҳазрамавтга ҳам, унинг закатларига ҳам волий этиб юборганлар. Али ибн Абу Толибни Нажронга закат ва жизяларни йиғиб келишга жўнатганлар. Яна уни Яманга қози қилиб юборганлар. (Ҳоким шундай деган). «Истийоб»да келишича, Пайғамбар ﷺ Муоз ибн Жабални Жанадга одамларга Қуръон ва Ислом шариятини ўргатиш, уларга қозилик қилиш учун юбориб, Ямандаги омиллардан закат йиғишни ҳам унга топширганлар.

Гарчи халифа волийнинг ваколатларини чеклаш ёки чекламаслик ҳуқуқига эга бўлса-да, яъни уни умумий ёки хусусий волий этиб тайинлай олса-да, Аббосий халифалар даврига келиб, давлат заифлашди ва умумий волийлик вилоятларнинг мустақил бўлиб олишига имконият яратиб берди. Вазият шу даражага етдики, халифанинг унинг номига дуо қилиш ва унинг номи билан танга зарб қилишдан бошқа ҳукмронлиги қолмади. Хуллас, умумий волийликни бериш Ислом давлатига зарар келтирди.

Волийнинг умумий ёки хусусий бўлиши жоизлиги ҳамда умумий волийликнинг давлат учун зарарли ва хатарли бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, биз воқеани ўрганиб чиқиш натижаси волийнинг халифадан мустақил бўлиш борасидаги тақвosi заифлашганини кўрсатган пайтда уни хусусий қилиш, яъни қўшин, қозилик ва молиядан бошқа ишлар билан чеклашни

табанний қиламиз. Бу уч иш эса Халифалик давлатининг бошқа жиҳозлари каби волийдан мустақил тарзда бевосита халифага бўйсунди.

Волий бир вилоятдан бошқа вилоятга кўчирилмайди. Бир вилоят волийлигидан бўшатилиб, бошқа вилоят волийлигига тайинланади. Негаки, Пайғамбар ﷺ волийларни бўшатганлар, холос. У зотнинг волийни бир жойдан бошқа жойга кўчирганлари хусусида ҳеч қандай ривоят йўқ. Шу билан бирга волийлик очиқ лафз билан тузиладиган битимдир. Иқлим ёки шаҳарга волийлик битимида волийлик қилинадиган жой аниқ кўрсатиб берилади ва халифа томонидан бўшатилунига қадар волийнинг ўша ҳудудда ҳукм юритиш ваколати сақланиб туради. То ишдан олингунига қадар волий ҳисобланаверади. Шунинг учун бошқа жойга кўчирилса, шу кўчириш сабабли олдинги жойидан бўшатирилган ва кўчирилган жойига волий этиб тайинланган бўлмайди. Чунки уни ишдан олиш учун ишдан олингани ҳақида очиқ гапирилиши лозим. Бошқа жойга тайинланиши ҳам тайинланганлиги ҳақида очиқ айтилишини тақозо қилади. Шундан келиб чиқиб айтамызки, волий бир жойдан бошқа жойга кўчирилмайди. Балки у бир жойдан бўшатилиб, бошқа жойга тайин қилинади.

Волийнинг ишларини текшириб туриш халифанинг бурчидир

Халифа волийнинг ишларини текшириб бориши, уни қаттиқ назорат қилиши, бевосита ёки бирон ноиб орқали тафтиш ўтказиб туриши лозим. Шунингдек, вилоятлар бўйича муовин ҳам вилоятлардаги аҳволни кузатиб бориб, халифани хабардор қилиб туриши керак. Бу иш юқорида айтиб ўтганимиздек, тафвиз муовини иши каби тадбир билан бўлади. Ана шунда халифа волийларнинг аҳволидан, қилаётган ишларидан хабардор бўлиб туради. У гоҳ-гоҳида волийларнинг ҳаммасини ёки бир қисминини бир жойга тўплаб, улар устидан тушган фуқаронинг шикоятларини кўриб чиқиши ҳам даркор.

Собит бўлишича, Набий ﷺ волийларни волийликка тайинлашдан олдин синаб кўрганлар. Масалан, Муоз ва Абу Мусо билан шундай қилганлар. Уларга қандай иш олиб боришни кўрсатиб берганлар. Масалан, Амр ибн Ҳазмга шундай қилганлар. Уларни айрим муҳим ишлардан огоҳлантирганлар. Масалан, Аббон ибн Саидни Баҳрайнга волий қилиб юбораётиб, унга шундай деганлар:

«اسْتَوْصِ بِعَبْدِ قَيْسٍ خَيْرًا وَأَكْرَمَ سَرَاتِهِمْ»

«**Абду Қайсга яхши муомала қил ва улуғларини ҳурмат қил**». Пайғамбар ﷺнинг волийларни текшириб, улардан ҳисоб олиб, улар ҳақидаги хабарлардан бохабар бўлиб туришлари ҳам собит бўлган. У зот волийлардан чиқимлар ва киримлар бўйича ҳисобот талаб қилардилар. Бухорий ва Муслим Абу Ҳамид Соидийдан шундай ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اسْتَعْمَلَ ابْنَ التُّبَيْيَةِ عَلَى صَدَقَاتِ بَنِي سُلَيْمٍ، فَلَمَّا جَاءَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَحَاسِبُهُ، قَالَ: هَذَا الَّذِي لَكُمْ، وَهَذِهِ هَدِيَّةٌ أُهْدِيَتْ لِي. فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَهَلَّا جَلَسْتَ فِي بَيْتِ أَبِيكَ وَبَيْتِ أُمِّكَ حَتَّى تَأْتِيكَ هَدِيَّتُكَ إِنْ كُنْتَ صَادِقًا...»

«**Пайғамбар ﷺ ибн Лутбийани Бану Салимнинг закотларини тўплашга юбордилар. У келгач, Пайғамбар ﷺ ундан ҳисобот талаб қилдилар. У: Мана бу сизлар учун, мана буниси менга ҳадя қилиб берилди, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ: Агар гапинг рост бўлса, сен ота-онангнинг уйида ўтирганингда ҳам ҳадя келармиди? - дедилар...**». Айниқса, Умар ؓ волийларни жуда қаттиқ текшириб борган. У волийларни текшириб, қилаётган ишларидан бохабар бўлиб туриш ишига Муҳаммад ибн Масламани тайинлаган. Ўзи ҳаж мавсумида волийларни тўплаб, қилган ишларини кўриб чиқар, фуқаронинг шикоятларига қулоқ солар, вилоят ишлари борасида маслаҳатлашар ва уларнинг аҳволларидан бохабар бўлиб турарди. Ривоятларга кўра, Умар ؓ бир куни атрофидагилардан: «Агар сизларга ўзим яхши деб билган одамни волий этиб тайинласам ва унга адолат қилишни буюрсам, устимдаги бурчимни адо қилган бўламанми?» - деб сўради. Улар, ҳа, деб жавоб беришди. Шунда у: «Йўқ, то у мен буюрган ишни бажарган ёки бажармаганини аниқлаб билмагунимча, ўз бурчимни адо қилган бўлмайман», деди. У волийлардан жуда қаттиқ ҳисоб оларди. Шу қадар қаттиқ эдики, волийларни қатъий далил бўлмаса ҳам, шубҳанинг ўзи билан ҳам ва ҳатто ўта заиф шубҳа билан ҳам ишдан бўшатарди. Бир куни шу хусусда ундан сўрашганида: «Бир амирнинг ўрнига бошқа бир амирни алмаштириш билан бир қавмни тузатганим осонроқ», деб жавоб берган. Бироқ у қаттиқ туриши билан бирга уларнинг қўлларини узун қилиб қўярди, ҳокимиятдаги ҳайбатларини сақларди, уларга қулоқ соларди, ҳужжатларини тингларди, ҳужжатлари қаноатлантирса, қаноатлантирганини яширмасдан уларни

мақтарди. Бир куни Ҳимснинг волийси Умайр ибн Саъд Ҳимс минбарида туриб, шундай деган экан: «Модомики, султон қаттиқ турар экан, Ислом мустаҳкам тураверади. Султоннинг қаттиқ туриши қилич билан ўлдириш ёки қамчи билан савалаш эмас, ҳақиқат билан ҳукм чиқариш ва адолатни маҳкам ушлаш билан бўлади». Бу хабарни эшитган Умар رضي الله عنه: «Қанийди, Умайр ибн Саъдга ўхшаган одам бўлсаю, уни мусулмонларга волий қилсам», деган экан.

Жиҳод

Жиҳод Ислом ўркакчининг чўққисидир. У Исломий даъватни хорижга олиб чиқишнинг асосий тариқатидир. Исломий даъватни олиб чиқиш эса Ислом давлатининг ичкарида Исломни татбиқ қилганидан кейинги асосий ишидир.

Жиҳод Аллоҳнинг йўлида Аллоҳ сўзини олий қилиш учун олиб бориладиган урушдир. Уруш учун эса қўшин керак, тайёргарлик керак, уруш анжомлари керак, зобитлару аскарлар керак, машқ, мадад, таъминот керак. Қўшин учун қурол керак. Қурол учун саноат керак. Шунга кўра, саноат қўшин ва жиҳод учун зарур ҳисобланади. Шунга биноан давлатдаги барча корхоналар ҳарбий саноат асосида қурилиши лозим.

Шунингдек, ички вазиятнинг барқарорлиги қўшиннинг урушдаги матонатини кучайтиради. Ички вазият беқарор ва нотинч бўлса, қўшин жиҳоддан чалғиб, ички ишлар билан овора бўлиб қолади. Жиҳодга чиққан тақдирида ҳам ортидаги ички нотинчлик унинг урушни давом эттириш қудратини сусайтиради.

Бундан ташқари ташқи алоқаларнинг асосий меҳвари Исломий даъватни олиб чиқишдир.

Бу ишлар учун тўрт идора мавжуд. Улар: қўшин, ички хавфсизлик, саноат ва ташқи ишлардир. Шуларнинг ҳаммасини битта идорага бирлаштириб, унга бир амирни тайинлашга халифанинг ҳаққи бор. Негаки, уларнинг ҳаммаси жиҳодга доир идоралардир.

Шунингдек, бу идоралар алоҳида-алоҳида бўлишлари ҳам мумкин. У ҳолда халифа ҳар бир идорага алоҳида бир амир тайин қилади. Қўшиннинг ўз амири ва қўмондони бўлади. Зеро, Пайғамбар ﷺ газотларда қўшинларга саноатга алоқаси бўлмаган амирларни тайинлардилар. Саноатга эса бошқа амир тайин қилардилар. Шунингдек, ички хавфсизликка оид полиция, қўриқчилик, ўғрилар ва қароқчиларга қарши курашиш... каби идораларга ҳам амир тайин қилинади. Халқаро муносабатлар борасида ҳам шу гапни айтишимиз мумкин. Расул ﷺнинг ўз даврларида подшоҳлар ва ҳокимларга номалар юборганлари шунга далолат қилади.

Бу идораларнинг ҳар бирига бир масъул тайинлаб, уларни алоҳида-алоҳида қилиш қўйидаги далиллар билан ўз исботини топган:

Биринчи: Қўшин

• Расул ﷺ Муъта жангида Зайд ибн Ҳорисани, у шаҳид бўлганидан кейин эса бошқаларни амир қилиб тайинлаганлар. Ибн Саъд ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَمِيرُ النَّاسِ زَيْدُ ابْنِ حَارِثَةَ, فَإِنْ قُتِلَ فَجَعْفَرُ بْنُ أَبِي طَالِبٍ, فَإِنْ قُتِلَ فَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ رَوَاحَةَ, فَإِنْ قُتِلَ فَلْيَرْتَضِ الْمُسْلِمُونَ بَيْنَهُمْ رَجُلًا فَيَجْعَلُوهُ عَلَيْهِمْ»

«Одамларнинг амири Зайд ибн Ҳорисадир. Агар у ўлдирилса, Жаъфар ибн Абу Толибдир. У ҳам ўлдирилса, Абдуллоҳ ибн Равоҳадир. У ҳам ўлдирилса, мусулмонлар ўзаро келишиб, ўзларига бир кишини амир қилиб олсинлар». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ Муъта ғазотида Зайд ибн Ҳорисани амир қилиб тайинладилар...». Бухорий Салама ибн Акваъ ҳадисидан ривоят қилади: «Зайд билан бирга ғазот қилдим. У бизга амирлик қиларди». Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қиладилар:

«بَعَثَ النَّبِيُّ ﷺ بَعَثًا, وَأَمَرَ عَلَيْهِمْ أَسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ, فَطَعَنَ بَعْضُ النَّاسِ فِي إِمَارَتِهِ, فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ تَطْعُنُوا فِي إِمَارَتِهِ فَقَدْ كُنْتُمْ تَطْعُنُونَ فِي إِمَارَةِ أَبِيهِ مِنْ قَبْلُ, وَإِنَّمَا اللَّهُ إِنْ كَانَ لَخَلِيفًا لِلْإِمَارَةِ...»

«Набий ﷺ бир марта одамларни юбораётиб, уларга Усома ибн Зайдни амир қилиб тайинладилар. Айрим одамлар унинг амир бўлишини танқид қилишди. Шунда Пайғамбар ﷺ ҳозир унинг амирлигини танқид қиляпсизлар, бир вақтлар отасининг амир бўлганини ҳам танқид қилган эдингизлар. Аллоҳга қасамки, у амирликка лойиқ одам бўлганди, дедилар...». Саҳобалар Муъта қўшинини амирлар қўшини, деб атар эдилар. Муслим Бурайдадан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ бирор қўшинга ёки сарийя (отряд)га амир тайинлаган пайтларида унга кўрсатмалар берардилар...».

• Абу Бакр муртадларга қарши жанг ва Ярмук урушида Холидни амир қилиб тайинлаган. Халифа исмли ровий айтди: «Одамларга амирлик қилиш Холидга топширилди. Ансорларга Собит ибн Қайс ибн Шаммос амир қилиб тайинланган бўлса, Холид уларнинг ҳаммасига бош амир этиб тайинланди». Абу Бакр Ярмук жангида Шом қўшинларини Холидга тўплаб берди. Ибн

Жарир айтади: «Унга Ироқдалик пайтида Шомга келишини ва у ердагиларга амир бўлишини тайинлаб, одам юборди». Умар ﷺ ҳам Шом қўшинларини Абу Убайдага тўплаб берди. Ибн Асокир айтади: «У Шомда биринчи бўлиб амирлар амира номини олди».

Иккинчи: Ички хавфсизлик

Бухорий Анас ﷺдан ривоят қилади:

«إِنَّ قَيْسَ بْنَ سَعْدٍ كَانَ يَكُونُ بَيْنَ يَدَيْ النَّبِيِّ ﷺ بِمَنْزِلَةِ صَاحِبِ الشَّرْطِ مِنَ الْأَمِيرِ»

«Қайс ибн Саъд Набий ﷺнинг ҳузурларида амир олдидаги бош миршаб мақомида бўлган». Бу ерда Қайс ибн Саъд ибн Убода Ансорий Хазражий назарда тутиляпти. Термизий ривоят қилади:

«كَانَ قَيْسُ بْنُ سَعْدٍ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ بِمَنْزِلَةِ صَاحِبِ الشَّرْطِ مِنَ الْأَمِيرِ. قَالَ الْأَنْصَارِيُّ:

يَعْنِي مِمَّا يَلِي مِنْ أُمُورِهِ»

«Қайс ибн Саъд Набий ﷺнинг олдиларида амир олдидаги бош миршаб мақомида бўлган. Ансорий айтди: Яъни, ишларни бошқаришда». Ибн Ҳиббон бу ҳадисни, Мустафо алайҳис-саломни мажлисларига кириб келган мушриклардан қўриқлаш, деб изоҳлаган.

Бухорий ривоят қилишича, Расул ﷺ Али ибн Абу Толибни бир ишга юборганлар. Алининг ўзи айтади:

«بِعَشَنِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَالزُّبَيْرِ وَأَبَا مَرْثَدٍ، وَكُنَّا فَارِسٌ، قَالَ: انْطَلَقُوا حَتَّى تَأْتُوا

رَوْضَةَ حَاجٍ، هَكَذَا قَالَ أَبُو عَوَانَةَ حَاجٍ، وَفِي رِوَايَةِ خَاخٍ، فَإِنَّ فِيهَا امْرَأَةً مَعَهَا

صَحِيفَةٌ مِنْ حَاطِبِ بْنِ أَبِي بَلْتَعَةَ إِلَى الْمُشْرِكِينَ، فَأَتُونِي بِهَا، فَأَنْطَلِقْنَا عَلَى أَفْرَاسِنَا

حَتَّى أَدْرِكْنَاهَا، حَيْثُ قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، تَسِيرُ عَلَى بَعِيرٍ لَهَا، وَقَدْ كَانَ كَتَبَ

إِلَى أَهْلِ مَكَّةَ بِمَسِيرِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ إِلَيْهِمْ. فَقُلْنَا: أَيْنَ الْكِتَابُ الَّذِي مَعَكَ؟ قَالَتْ: مَا

مَعِيَ كِتَابٌ. فَأَنْخُنَا بِهَا بَعِيرَهَا، فَأَبْتَعِينَا فِي رَحْلِهَا فَمَا وَجَدْنَا شَيْئًا. فَقَالَ صَاحِبَايَ:

مَا نَرَى مَعَهَا كِتَابًا. فَقُلْتُ لَقَدْ عَلِمْنَا مَا كَذَبَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، ثُمَّ حَلَفَ عَلَيَّ:

وَالَّذِي يُحْلَفُ بِهِ لَتُخْرِجَنَّ الْكِتَابَ أَوْ لَأُجْرِدَنَّكَ. فَأَهْوَتْ إِلَيَّ حُجْرَتَهَا، وَهِيَ

مُحْتَجِرَةٌ بِكِسَاءٍ، فَأَخْرَجَتِ الصَّحِيفَةَ فَأَتَوْنَا بِهَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ...»

«Пайғамбар ﷺ мен, Зубайр, ва Абу Мурсидни юбораётиб, Ҳож боғига етганингларда (Абу Авона ривоятда Ҳож дейилган, бошқа ривоятда эса Хох, дейилган) бир аёлни учратасизлар, унда Ҳотиб ибн Абу Бултаанинг мушрикларга ёзган хати бор, ушани олиб келинглар, дедилар. Отларимизни миниб жунадик. Худди Пайғамбар ﷺ айтган жойда уни учратдик. У туясида кетиб бораётганди. Ҳотиб маккаликларга Пайғамбар ﷺнинг улар томон бораётганлари ҳақида хабар бериб, мактуб йўллаган экан. Аёлдан мактуб қани, деб сўрадик. У, менда ҳеч қандай мактуб йўқ, деб жавоб берди. Туясини чўктириб, ундан қидирдик, аммо ҳеч нарса тополмадик. Икки дўстим, унда хат йўқ, деб уйлаймиз, дейишди. Пайғамбар ﷺнинг ёлгон гапирмасликларини яхши биламиз-ку, дедим. Кейин Али, ё мактубни чиқарасан ёки сени яланғоч қиламан, деб қасам ичди. Шундан сўнг аёл белбоғига энгашиб, (у бир кўйлакни белбоғ қилиб тақиб олганди) хатни чиқариб берди ва уни Пайғамбар ﷺга олиб келдилар...».

Учинчи: Саноат

• Расул ﷺ манжаниқ ва аррода, яъни даббоба (қадимги қамал машинаси) ясашга буюрганлар. Байҳақий «Сунан»да Абу Убайда رضي الله عنه дан ривоят қилади: «Кейин Пайғамбар ﷺ Тоиф аҳолисини ўн етти кун қамал қилиб, уларга қарши манжаниқ ўрнатдилар». Абу Довуд «Маросил»да Макхулдан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ Тоиф аҳолисига қарши манжаниқ ўрнатдилар». Санъоний «Субулус-Салом»да бу ҳадиснинг ровийлари ишончли, деган. «Ас-Сийра ал-Ҳалабийя» муаллифи айтади: «У зотга Салмон Форсий манжаниқ ясаш йўлини кўрсатди. У айтади: Биз Форс ерларида қўрғонларга қарши манжаниқларни ўрнатардик. Шу билан душманни маҳв этардик. Айтишларича, манжаниқни Салмон Форсий ўз қўли билан ясаркан». Ибн Қаййим «Зодул-Маод»да ва ибн Ҳишом «Ас-Сийра»да ибн Исҳоқдан ривоят қиладилар: «Тоиф девори ёнида Пайғамбар ﷺнинг бир неча саҳобалари даббоба остида Тоифнинг деворига кириб, уни ёқмоқчи бўлишди. Сақиф уларга қарши ўтда қиздирилган темирларни ташлади. Натижада улар даббоба остидан чиқишди. Шунда Сақиф уларга найза отиб, кўп кишиларни ўлдирди».

Манжаниқни Салмон маслаҳат берган. Айтишларича, у манжаниқни ўз қўли билан ясаган. Бунинг учун Пайғамбар رضي الله عنه дан

буйруқ олган бўлиши керак. «Ас-Сийра ал-Ҳалабийя»даги «У зотга Салмон Форсий манжаниқ йўлини кўрсатди», дегани шу ишни маслаҳат берди деганидир. Шулардан кўриниб турибдики, ҳарбий саноатлар халифанинг вазифасига киради. Бунинг учун унинг мутахассисларидан фойдаланади. Бу иш учун амир эмас, мудир керак. Салмон ҳарбий саноатлар амири эмас, манжаниқ саноати мудир бўлганди. Уни ўз қўли билан ясаган бўлиши ҳам мумкин. Хуллас, ҳарбий корхоналарни қуриш фарз. Чунки, Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ
وَأَخْرَيْنَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ﴾

– „(Эй мўминлар), улар(га қарши жанг қилиш) учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан сизлар Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган - Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар“, [8:60]

деган оятидаги қўрқитиш тайёргарликсиз амалга ошмайди. Тайёргарлик эса корхоналар бўлишини тақозо қилади. Шунга кўра, бу оят илтизом далолати билан ёки «вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир», деган қоидага биноан ҳарбий корхоналар қуришнинг фарзлигига далилдир. Шунингдек, жиҳоднинг вожиблиги ҳақидаги далиллар ҳам илтизом далолати билан корхоналар қуришнинг вожиблигига далил бўлади.

Давлатга Аллоҳ қуришни вожиб қилган корхоналар ҳарбий корхоналарнинг ўзигина эмас. Давлат бошқа корхоналарни ҳам қуриши лозим. Улар «Хилофат давлатидаги моллар» китобида қуйидагича баён қилинган:

«Корхоналар. Давлат одамлар манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигидан келиб чиқиб, икки турли корхоналарни қуриши вожиб:

Биринчи турдаги корхоналарга омма мулкига алоқадор корхоналар, чунончи, конларни қазиб олиш, тозалаш ва қуйиш корхоналари, нефт қазиб олиш ва уни тозалаш корхоналари кабилар киради. Бундай турдаги корхоналар ишлатадиган хом ашёси эътибори билан омма мулки ҳисобланади. Омма мулки ҳамма мусулмонларнинг мулкидир. Демак, бу корхоналар ҳамма мусулмонларнинг мулки ҳисобланади. Давлат мусулмонлардан вакил сифатида уларни қуради ва бошқаради.

Иккинчи турдаги корхоналарга оғир саноат ва ҳарбий саноат киради. Бу турдаги корхоналар шахсий бўлиши мумкин. Негаки, улар шахсий мулклар жумласидандир. Бироқ, бундай корхоналар учун жуда катта миқдордаги маблағ зарурлиги ва бундай маблағнинг шахсда бўлиши осон эмаслиги, шунингдек, Пайғамбар ﷺ даврларида қурооллар шахсий мулк ҳисобланган бўлса, бугунга келиб, оғир қурооллар шахсий мулк бўлмай, давлат мулкига айлангани эътибори билан бу ишни бажариш давлат зиммасидадир. Негаки, бошқарув масъулияти шунини тақозо этади. Айниқса, бугунги кунда қуроол даҳшатли даражада ривожланиб кетди. Уни ишлаб чиқариш воситалари ўта оғир бўлиб, қўп маблағ талаб қиляпти. Шунинг учун оғир саноат корхоналарини, қуроол саноати корхоналарини қуриш ва бошқариш давлат зиммасига юклатилади. Бу гапдан шахсларнинг шундай корхоналарни қуриши тақиқланади, деган мазмун келиб чиқмайди».

Бундай корхоналарни қуриш давлатнинг, яъни халифанинг вазифасидир. Халифа бу иш учун бир бош мудир тайинлайди ва бу бош мудир халифанинг ўзи ёки вакили билан боғланиб туради.

Тўртинчи: Халқаро алоқалар

Юқорида айтиб ўтганимиздек, халқаро алоқаларда танфиз вазири халифа билан бошқа давлатлар ўртасида воситачи бўлади.

Пайғамбар ﷺ ва Хулафои рошидинлар даврида бу алоқаларни бевосита Пайғамбар ﷺ ва Хулафои рошидинлар ўз котиби, яъни танфиз вазири воситасида бошқарганлар. Масалан, Пайғамбар ﷺ Ҳудайбия сулҳида сулҳ битимини тузиш борасида ёзишмалар олиб борганлар. Яна бир мисол: Кисронинг элчиси келиб, Умар ﷺ ни сўрайди ва Мадинаи Мунавварага кираверишда ухлаб ётган ҳолида топади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, халифа танфиз вазири орқали бу ишни бевосита бажариши ҳам, шунингдек, давлатнинг бошқа жиҳозлари каби халқаро алоқалар учун бир мудир тайинлаши ҳам мумкин.

Шунга кўра, бу тўрт идора битта идоранинг, яъни жиҳод амири идорасининг ичида бўлиши ҳам мумкин. Чунки улар бир-бирига боғлиқдир.

Айни пайтда улар бир-биридан алоҳида-алоҳида бўлиши ҳам мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Расул ﷺ шундай қилганлар.

Бу идораларнинг тармоқлари кўплиги, айниқса бугунги кунда қўшиннинг турли қисмларга бўлиниши, ички муаммоларнинг

хилма-хиллиги, давлатларнинг фитналари, малайлар ва сотилган сиёсий табақаларнинг найранглари кўпайиб кетгани, турли-туман жиноятларнинг пайдо бўлаётгани, шунингдек, халқаро муносабатларнинг чигаллашаётгани, қолаверса, саноат соҳасининг кенгайгани ва ишлатиладиган техник воситаларнинг мураккаблашиб кетгани ва ҳоказоларни эътиборга олиб, жиҳод амирининг ваколатлари кенгайиб кетмаслиги, тақвosi заифлашган пайтда давлатга зарар етказиб қўймаслиги учун биз бу идораларни қуйидаги тарзда бир-биридан ажратиб, алоҳида-алоҳида бўлишларини ва давлатнинг бошқа жиҳозлари каби халифага боғланишини табанний қилдик:

- Жиҳод амири - ҳарбий идора (қўшин).
- Ички хавфсизлик идораси.
- Саноат идораси.
- Ташқи ишлар идораси.

Бешинчи: Жиҳод амири - Ҳарбий идора (қўшин)

Ҳарбий идора давлат жиҳозларидан биридир. Унинг бошлиғи жиҳод мудури эмас, жиҳод амири, дейилади. Негаки, Расул ﷺ қўшин қўмондонларини амирлар, деб номлаганлар. Ибн Саъд ривоятида Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَمِيرُ النَّاسِ زَيْدُ ابْنِ حَارِثَةَ, فَإِنْ قُتِلَ فَجَعْفَرُ بْنُ أَبِي طَالِبٍ, فَإِنْ قُتِلَ فَعَبْدُ اللَّهِ بْنُ رَوَاحَةَ, فَإِنْ قُتِلَ فَلْيَرْتَضِ الْمُسْلِمُونَ بَيْنَهُمْ رَجُلًا فَيَجْعَلُوهُ عَلَيْهِمْ»

«Одамларнинг амири Зайд ибн Ҳорисадир. Агар у ўлдирилса, Жаъфар ибн Абу Толибдир. У ҳам ўлдирилса, Абдуллоҳ ибн Равоҳадир. У ҳам ўлдирилса, мусулмонлар ўзаро келишиб, ўзларига бир кишини амир қилиб олсинлар». Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади: «Расул ﷺ Муъта ғазотида Зайд ибн Ҳорисани амир қилиб тайинладилар...». Бухорий Салама ибн Акваъ ҳадисидан ривоят қилади: «Зайд билан бирга ғазот қилдим. Пайғамбаримиз уни бизга амир қилиб тайинладилар». Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қиладилар:

«بَعَثَ النَّبِيُّ ﷺ بَعَثًا, وَأَمَرَ عَلَيْهِمْ أَسَامَةَ بْنَ زَيْدٍ, فَطَعَنَ بَعْضُ النَّاسِ فِي إِمَارَتِهِ, فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ تَطْعَنُوا فِي إِمَارَتِهِ فَقَدْ كُنْتُمْ تَطْعَنُونَ فِي إِمَارَةِ أَبِيهِ مِنْ قَبْلُ, وَإِنَّمَا اللَّهُ إِنْ كَانَ لَخَلِيفًا لِلإِمَارَةِ...»

«Набий ﷺ бир марта одамларни юбораётиб, уларга Усома ибн Зайдни амир қилиб тайинладилар. Айрим одамлар унинг амир бўлишини танқид қилишди. Шунда Пайғамбар ﷺ ҳозир унинг амирлигини танқид қиляпсизлар, бир вақтлар отасининг амир бўлганини ҳам танқид қилган эдингизлар. Аллоҳга қасамки, у амирликка лойиқ одам бўлганди, дедилар...». Саҳобалар Муъта қўшинини амирлар қўшини, деб номлардилар. Муслим Бурайдадан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ бирор қўшинга ёки сарийяга амир тайинлаган пайтларида унга кўрсатмалар берардилар...».

Ҳарбий идора қуроли кучларга алоқадор ҳамма ишларни бошқаради. Қўшин, тайёргарликлар, қурола-аслаҳалар, жанг анжомлари, ҳарбий факультетлар, ҳарбий миссиялар, шунингдек,

Исломий сақофат, умумий ҳарбий таълим, жангга доир билимлар каби ишлар шу идорага қарашлидир. Уруш ҳолатидаги кофирлардан кўз-қулоқ бўлиб туриш, разведкачилар юбориш ҳам ҳарбий идора ваколатига киради. Бунинг учун ҳарбий идорага қарашли яна бир идора ташкил қилинади. Шундай қилишга Пайғамбар ﷺнинг сийратларида далиллар кўп.

Мана шу ишларнинг ҳаммасини ҳарбий идора бошқаради. Бу идора номининг ўзи жанг ва урушга алоқадорлигини кўрсатиб турибди. Уруш учун қўшин, қўшин учун эса тайёргарлик, қўмондонлик, штаблар, зобитлар ва аскарлар керак.

Қўшинни ташкил қилиш учун жисмоний машқлар ва маҳорат зарур бўлиб, бу маҳорат турли қурол-аслаҳага доир уруш санъатини ўз ичига олади. Бу маҳорат кундан-кунга ортиб бораверади. Шунинг учун ҳарбий малака ҳосил қилиш қўшиннинг ажралмас қисмидир. Уруш тактикаларини ва турли хил қуролларни ишлатишни ўрганиш унинг заруратларидандир.

Аллоҳ Субҳонаҳу мусулмонларни бутун оламга Ислом рисолатини олиб чиқиш вазифасини уларга топшириш билан эъозлади ва бу иш учун даъват ва жиҳодни тариқат қилиб белгилади. Жиҳодни уларга фарз, ҳарбий машқни вожиб қилди.

Ўн беш ёшга кирган ҳар бир мусулмонга жиҳодга тайёрланиш учун ҳарбий машқдан ўтиш вожибдир. Ҳарбий хизматга олиш фарзи кифоядир.

Ҳарбий хизматни ўташга далиллар: Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الدِّينُ كُلُّهُ لِلَّهِ﴾

– „*(Эй мўминлар), сизлар то (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!*“ [8:39]

Расул ﷺ айтадилар:

﴿جَاهِدُوا الْمُشْرِكِينَ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنْفُسِكُمْ وَالْسِّنَتِكُمْ﴾

«Мушрикларга қарши молинглар, жонинглар ва тилинглар билан жиҳод қилинглар». Бу ҳадисни Абу Довуд Анас йўлидан ривоят қилган. Шариат талаби, яъни душманнинг мағлуб бўлиши ва мамлакатларнинг фатҳ этилиши учун бугунги кунда ҳарбий чиниқиш зарур бўлгач, бу иш худди жиҳод каби фарздир. Шаръий қоидада **«Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир»**, дейилган. Уруш ҳақидаги талаб ҳарбий хизматни ҳам ўз ичига олади. Чунки оятдаги ﴿وَقَاتِلُوهُمْ﴾ сўзи омм - умумий

маънода келган бўлиб, имкондаги барча нарса билан урушиш маъносини англатади. Бундан ташқари, Аллоҳ Таолонинг:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ﴾

– „(Эй мўминлар), улар(га қарши жанг қилиш) учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз“, [8:60]

деган ояти ҳам бор. Ҳарбий чиниқиш, ҳарбий малака ҳосил қилиш, етук ҳарбий мутахассис бўлиш тайёргарликлар сирасига киради. Чунки жанг қилиш имконига эга бўлиш учун шу нарсалар жуда зарур. Улар худди қурол-аслаҳалар, жанг анжомлари каби қувват ҳисобланади.

Ҳарбий хизматга олиш қўшинда одамларни доимий қуролли ҳолда ушлаб туриш, яъни жиҳод қилувчи ва жиҳодга алоқадор ишларни бажарувчи мужоҳидларни ташкил қилиш демакдир. Бу иш фарздир. Чунки жиҳод душман ҳужум қиладими, йўқми, ҳар доим фарздир. Шунга кўра, ҳарбий хизматга одамларни жалб қилиш жиҳод ҳукми ичидаги фарздир.

Умрни ўн беш ёш билан белгилашга келсак, бунга далил Бухорий Нофеъ йўлидан чиқарган мана бу ҳадисдир:

«حَدَّثَنِي ابْنُ عُمَرَ رضي الله عنه أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَرَضَهُ يَوْمَ أُحُدٍ وَهُوَ ابْنُ أَرْبَعِ عَشْرَةَ سَنَةً

فَلَمْ يُجِزْنِي, ثُمَّ عَرَضَنِي يَوْمَ الْخُنْدَقِ وَأَنَا ابْنُ خَمْسِ عَشْرَةَ سَنَةً فَأَجَازَنِي»

«Ибн Умар менга айтишича, у Уҳуд куни ўн тўрт ёшли пайтида Пайгамбар ﷺга дуч келди. Пайгамбар ﷺ (унга жиҳод қилишга) рухсат бермадилар. Кейин ўн беш ёшли пайтимда Хандақ жангида ҳам дуч келиб қолдим, Пайгамбар ﷺ (бу сафар жанг қилишимга) рухсат бердилар, (дейди Ибн Умар)». Нофеъ айтади: «Халифа Умар ибн Абдул-Азизнинг олдига бориб, шу ҳадисни гапириб берган эдим, у: Кичик билан каттани ажратувчи чегара мана шу, деди-да, волийларга мактуб йўллаб, ўн беш ёшга тўлганларга ҳарбий хизматни фарз қилишни тайинлади». Яъни, уларга қўшин девонидан ойлик белгилашни тайинлади.

Биз ҳам шуни табанний қиламиз. Яъни, ўн беш ёшга тўлган одам ҳарбий хизматни ўташи вожиб.

Қўшин қисмлари

Қўшин икки қисмга бўлинади. Биринчиси - захирадаги қисм. Улар қурол кўтара оладиган барча мусулмонлардир. Иккинчиси -

армиядаги доимий қисмлар бўлиб, улар учун худди давлат хизматчилари каби давлат бюджетидан ойлик ажратилади.

Бу нарса жиҳоднинг фарзлигидан келиб чиқади. Чунки ҳар бир мусулмонга жиҳод қилиш фарз. Шунга кўра, ҳарбий машқдан ўтиш ҳам фарз. Шунинг учун барча мусулмонлар захирадаги қўшин ҳисобланадилар. Чунки жиҳод уларга фарздир. Улардан бир қисмини армиядаги доимий қисмга айлантиришнинг далили эса **«Вожиб нима билан амалга ошса, уша нарса ҳам вожибдир»**, деган қоидадир. Зеро, жиҳод фарзини адо этиш, Ислому дахлсизлиги ва мусулмонлар шарафини кофирлардан ҳимоя қилиш доимий қўшиннинг мавжудлиги билангина амалга ошади. Шунинг учун доимий қўшинни ташкил қилиш халифага фарздир.

Энди бу аскарларга худди давлат хизматчилари каби маош ажратишга келсак, ҳарбий хизматдаги номусулмонлар учун шундай бўлиши табиий ҳол. Чунки кофирдан жиҳод қилиш талаб қилинмайди. Агар унинг ўзи жиҳод қилишни хоҳласа, рози бўлинади. Ана шунда унга маош, ҳақ бериш жоиз бўлади. Термизий Зухрийдан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ أَسْهَمَ لِقَوْمٍ مِنَ الْيَهُودِ قَاتَلُوا مَعَهُ»

«Набий ﷺ ўзлари билан бирга жанг қилган яҳудларнинг бир қавмига улуш ажратдилар». Ибн Ҳишом ривоят қилади:

«أَنَّ صَفْوَانَ ابْنَ أُمَيَّةَ خَرَجَ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ إِلَى حُنَيْنٍ، وَهُوَ عَلَى شِرْكِهِ، فَأَعْطَاهُ مَعَ

الْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ مِنْ غَنَائِمِ حُنَيْنٍ»

«Сафвон ибн Умайя мушрик ҳолида Набий ﷺ билан бирга Ҳунайн урушига чиқди. Шунда Пайгамбар ﷺ муаллафати қулубухумлар (Ислому диллари мойил бўлаётганлар) билан бирга унга ҳам Ҳунайн ўлжаларидан бердилар».

Шунга биноан Ислому қўшини ичида кофирнинг бўлиши ва шу иши учун унга маблағ ажратилиши жоиз. Бундан ташқари, ижарага «манфаатга асосланган битим», деб таъриф берилган. Шунинг учун бу таъриф ёлловчи ёлланувчидан тўла фойдаланиши мумкин бўлган ҳар бир манфаат устида ижаранинг жоизлигига далолат қилади. Одамни жанг қилишга, аскарликка ёллаш ҳам шулар жумласидандир. Чунки бу иш ҳам манфаатдир. Демак, ижарага оид далилнинг ҳар қандай манфаатга ҳам тўғри келавериши, яъни умумийлиги кофирни аскарликка ва урушга ёллаш жоизлигига далилдир.

Айтиб ўтганларимиз номусулмонга доир гаплар. Энди мусулмон хусусида тўхталадиган бўлсак, гарчи жиҳод ибодат ҳисобланса-да, мусулмонни аскарликка ва урушга ёллаш, ижарага олиш мумкин. Бунга ҳам далил ижара хусусидаги далилнинг омм, яъни умумий бўлиб келганидир. Агар ибодатнинг манфаати обиднинг ўзи билангина чекланмасдан, бошқаларга ҳам тегса, унинг учун ёллаш, ижарага олиш жоиз. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«إِنَّ أَحَقَّ مَا أَخَذْتُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا كِتَابُ اللَّهِ»

«Ҳақ олишга энг кўп ҳақли бўлган ишинлар Аллоҳнинг Китоби(ни ўргатганинлар)дир». Бу ҳадисни Бухорий ибн Аббос йўлидан ривоят қилган. Аллоҳнинг Китобини ўргатиш ибодатдир. Мусулмонларни Қуръонни ўргатиш, имомлик қилиш, азон айтиш каби ибодат ишларига ёллаш, ижарага олиш жоиз бўлганидек, жиҳодга ёллаш ҳам жоиздир. Чунки бу ибодатларнинг нафи уни бажарган одамнинг ўзи билангина чекланмасдан, бошқаларга ҳам тегади. Ҳатто жиҳодга тайин қилинган одамнинг ўзини ёллаш ҳам жоиз. Бунинг далили ҳадисда очиқ келган. Абу Довуд Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«لِلْغَازِي أَجْرُهُ، وَلِلْجَاعِلِ أَجْرُهُ وَ أَجْرُ الْغَازِي»

«Ғозий (жангчи) учун жангчининг савоби бўлади. Ёллоғчи учун эса ҳам ёллоғчининг ва ҳам жангчининг савоби бўлади». Ғозий ўзи жанг қиладиган одамдир. Ўзининг ўрнига жанг қилиши учун бошқа бировни ҳақ эвазига ёллаган одам эса ёллоғчидир. «Ал-Қомус ал-Мухит»да шундай дейилган: «Ёллаш ёлланувчининг иши учун бериладиган ажрни учга бўлишдир. Кўпчилик бир нарсани ўзаро қилдилар, дегани уни ўртада амалга оширишди, деганидир. Сизнинг номингиздан жанг қилиши учун бир жангчини иш ҳақи эвазига ёллашингиз ҳам шу қабилдандир». Ҳадис ўзининг ўрнига жанг қилиши учун бошқа бир одамни ёллаш, бир сўз билан айтганда, жангга одам ёллаш мумкинлигини кўрсатяпти. Байҳақий Жубайр ибн Нуфайрдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«مَثَلُ الَّذِينَ يَغْرُونَ مِنْ أُمَّتِي، وَيَأْخُذُونَ الْجُعَلَ، وَيَتَّقُونَ عَلَىٰ عَدُوِّهِمْ، مَثَلُ أُمَّ مُوسَى، تُرْضِعُ وَلَدَهَا، وَتَأْخُذُ أَجْرَهَا»

«Умматимдан жанг қилиб, шу ишлари учун ҳақ оладиганлар ва душмандан голиб бўладиганлар Мусонинг онаси кабидирки, у ҳам ўз боласини эмизган ва ҳам шу иши

учун ҳақ олган». Шунга кўра, аскарларга худди хизматчилардек ҳақ ажратилади, маош тайин қилинади.

Мусулмон аскарлар гарчи жиҳодлари учун ҳақ олсалар-да, Аллоҳнинг савобига ҳам мушарраф бўладилар. Негаки, юқоридаги Бухорийнинг ҳадисида ибодат ҳисобланадиган иш, яъни Аллоҳнинг Китобини ўргатиш учун ҳам ҳақ олиш жоизлиги айтилган. Қолбуки, бу иш учун мударриснинг ниятига қараб, унга Аллоҳ ажр-савоб беради.

Ислом лашкари бир неча қўшинлардан ташкил топган ягона армия бўлади. Ҳар бир қўшин рақам, вилоят ёки амола билан номланади. Масалан, биринчи қўшин, учинчи қўшин, Шом қўшини, Миср қўшини, Санъо қўшини каби.

Ислом лашкари махсус лагерларга жойлаштирилади. Ҳар бир лагерга бир ёки бир неча қўшин ва ё қўшиннинг бир қисми жойлашади. Бироқ бу лагерлар турли вилоятларда бўлиши вожиб. Айрим қўшинлар ҳарбий базаларга жойлашадилар. Доимий кўчиб турадиган кўчма лагерлардаги қўшинлар зарба берувчи кучлар ҳисобланадилар. Ҳар бир лагер ўз номи билан аталади. Масалан, Ҳиббоний лагерини каби. Ҳар бир лагернинг ўз байроғи бўлади.

Бундай тартибнинг муҳофизати ҳам бор, «Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир», деган қоидага асосланган жиҳати ҳам бор. Масалан, қўшинларнинг вилоятлар ёки рақамлар билан номланиши муҳофизат жиҳати бўлса, чегаралардаги тартиботлар, лагерларни стратегик жойларга қуриш каби ишлар мазкур қоидага асосланган жиҳатларидир. Ва ҳоказо...

Умар ибн Хаттоб қўшин лагерларини вилоятларга бўлган. Фаластинга бир қўшинни, Мавсилга яна бир қўшинни жойлаштирган. Давлат марказида ҳам бир қўшин жойлаштирган. Ўзининг олдида ҳам қўриқчи мақомидаги биринчи ишорадаёқ жангга отланадиган бир қўшин турган.

Қўшиннинг қўмондони халифадир

Қўшиннинг бош қўмондони халифадир. Бош штаб бошлиғини ҳам, ҳар бир бригадага амирни ҳам, ҳар бир дивизияга қўмондонни ҳам у тайинлайди. Қўшиндаги бошқа мансабларга эса амирлар ва қўмондонлар одам тайинлайдилар. Штабга ҳарбий билими бор одамлар олинади. Уларни бош штаб бошлиғи тайин қилади.

Хилофат барча мусулмонларнинг шу дунёга доир ишларини бошқариш, шариат ҳукмларини ижро этиш ва даъватни оламга олиб чиқишдир. Даъватни оламга олиб чиқишнинг асосий

тариқати эса жиҳоддир. Шунинг учун ҳам жиҳодни халифанинг ўзи бошқариши лозим. Негаки, халифалик битими шахсан халифага бўлган. Шунга кўра, жиҳодни ундан бошқа одам бошқариши дуруст эмас. Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, жиҳодга оид барча ишлар халифага хосдир. Гарчи ҳар бир мусулмон жиҳод қилса-да, жиҳодга оид ишларни халифадан бошқа одам бошқариши дуруст эмас. Жиҳод қилиш бир нарса бўлса, жиҳодни бошқариш тамоман бошқа нарса. Жиҳод қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир. Жиҳодни бошқариш эса фақат халифанинггина ишидир. У ўзидан ноиб тайинлаши мумкин. Шунда ҳам бораётган ишлардан огоҳ бўлиб туриши, ишни шахсан ўзи назорат қилиши шарт. Ноибни мутлақ ўз эркига қўйиб бериши жоиз эмас. Халифанинг огоҳ бўлиши муовиннинг хабарларини тинглашигина эмас, балки ноибнинг бевосита халифа назорати остида иш олиб боришидир. Қўшинни мана шу шартлар билан ноиб бошқариши жоиз. Аммо бу ишнинг фақат расмий жиҳатдангина бўлиши мумкин эмас. Чунки халифалик битими халифанинг шахсига битилган. Шунинг учун жиҳодга доир ишларни шахсан унинг ўзи бошқариши вожиб. Исломдан бошқа низомларда қўшиннинг олий қўмондони сиртдан қараганда давлат раҳбарининг ўзи бўлади. Аслида эса қўшин қўмондони лашкарни мустақил тарзда бошқаради. Бу иш Ислом назарида шариат тан олмайдиган ботил ишдир. Шариат қўшиннинг амалдаги, ҳақиқий қўмондони халифа бўлишини вожиб қилади. Бошқа идорий ёки техник ишларда эса ўзидан ноиб тайинлаши ва у ишни шахсан ўзи бошқармаслиги мумкин.

Қолаверса, қўшинга Пайғамбар ﷺнинг шахсан ўзлари бошчилик қилардилар. Жангларни ҳам ўзлари бошқарардилар. Ўзлари қатнашмаган урушга чиққан қўшин қисмларига, яъни сарийяларга эса қўмондонлар тайинлардилар. Гоҳида эҳтиёт чораси сифатида мабодо бир қўмондон ҳалок бўлса, бошқаси бўлишини ҳам тайинлардилар. Муъта жангида шундай бўлганди. Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилади:

«أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي غَزْوَةِ مُؤْتَةَ زَيْدَ بْنَ حَارِثَةَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنْ قُتِلَ زَيْدٌ فَجَعْفَرٌ، فَإِنْ قُتِلَ جَعْفَرٌ فَعَبْدُ اللَّهِ بْنِ رَوَاحَةَ»

«Расул ﷺ Муъта газотида Зайд ибн Ҳорисани амир қилиб тайинладилар. Кейин, агар Зайд улдирилса, Жаъфар, Жаъфар ҳам улдирилса, Абдуллоҳ ибн Равоҳадир, дедилар». Қўшин қўмондонини ҳам, дивизия қўмондонини ҳам, бригада

қўмондонларини ҳам халифа тайинлайди ва ҳар бир дивизияга бир байроқ белгилайди. Негаки, Шомга юборилган Муъта қўшини ва Усома қўшини каби қўшинлар бир дивизия бўлган. Пайғамбар ﷺ байроқни Усомага топширганлар. Сарийялар эса Жазирада жанг қилиб, кейин қайтиб келадиган аскарлардир. Масалан, Макка тарафга юборилган Саъд ибн Абу Ваққоснинг сарийяси бригада мақомида бўлган. Шулардан кўриниб турибдики, дивизия амирларини ва бригада қўмондонларини халифа тайин қилади. Булардан бошқаларни эса Пайғамбар ﷺнинг шахсан ўзлари тайин қилганлари ҳақида ҳеч қандай ривоят йўқ. Шунинг учун бу иш шу ҳарбий бўлинмаларнинг бошлиқларига ҳавола қилинади. Ҳарбий ишлар масъули, яъни бош штаб бошлиғини эса худди қўшин қўмондони каби халифанинг ўзи тайинлайди ва у гарчи ўзи халифа қўл остида бўлса-да, ўз ишини халифанинг бевосита бошқарувисиз бажаради.

Олтинчи: Ички хавфсизлик

Ички хавфсизликни ички хавфсизлик идораси бошқаради. Унга ички хавфсизлик мудирлари бошчилик қилади. Бу идоранинг ҳар бир вилоятда ўз бўлими бўлиб, ички хавфсизлик идораси, дейилади. Унга вилоятдаги полиция бошлиғи раҳбарлик қилади. У ижройи жиҳатидан волийга, идорий жиҳатдан эса ички хавфсизлик идорасига бўйсунди. Бу иш махсус қонун билан тартибга солинади.

Ички хавфсизлик идораси хавфсизликка доир ишлар билан шуғулланади. Шурта (полиция) воситасида юрт хавфсизлигини ҳимоя қилади. Негаки, полиция хавфсизлик ҳимоясининг асосий воситасидир. Бу идора хоҳлаган пайтида полицияни ишга солиши мумкин. Унинг бўйруғи дарҳол бажарилади. Агар қўшиннинг кучига эҳтиёж сезса, бу ишни халифага олиб чиқади. Қўшинга ички хавфсизликка ёрдам бериш ёки бошқа бир иш юзасидан фармон чиқаришга фақат халифанинг ҳаққи бор. Халифа талабни қондирмасдан полиция билан кифояланишга буюриши ҳам мумкин.

Полиция фуқаролиги бўлган балоғатга етган эркеклардан тузилади. Унда хавфсизлик идорасининг аёлларга доир ишларини бажаришлари учун аёллар ишлаши ҳам мумкин. Бунинг учун шариат ҳукмларига тўғри келадиган махсус қонун қабул қилинади.

Полиция икки турли бўлади. Ҳарбий полиция ва ҳокимнинг қўл остидаги полиция. Уларнинг бошқалардан ажратиб турадиган ўзларига хос формалари ва белгилари бўлади.

Азҳарий айтади: «Шурта (араб тилида شرطة сўзи белги маъносини англатади) ҳар бир нарсанинг энг кўзга ташланадиган қисмидир. Ана шундан шурот сўзи олинган. Негаки, шуротлар қўшиннинг энг сараларидир. Улар қўшиннинг энг олдида борадиган авангардлар, деган гап ҳам бор. Улар ўз шакллари ва либослари билан ажралиб турганлари учун ҳам «белгилар», деб номланганлар». Асмаъий шуни ихтиёр қилган. «Қомус»да келади: «Шурта сўзи шурот сўзининг бирлигидир. Улар урушга биринчи бўлиб кирадиган, ўлимга тайёр турадиган отряддир. Волийларга ёрдам берадиган бир тоифа ҳам шурталар, дейилади. Шуртий сўзи туркий, жуҳаний сўзларига ўхшаш сўзdir. Шундай деб номланишларига сабаб улар ўзларини танитиб турадиган белгиларга эгадирлар».

Ҳарбий полиция қўшиндан юқори турадиган, унинг ишларини назорат қилиб борадиган бир бригададир. У қўшиннинг бир қисми бўлиб, жиҳод амирига, яъни ҳарбий идорага бўйсунди. Ҳоким қўл остидаги полиция эса ички хавфсизлик идорасига бўйсунди. Бухорий Анас رضي الله عنهдан ривоят қилади: «Қайс ибн Саъд Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг ҳузурларида амир олдидаги бош миршаб мақомида бўлган». Бу ерда Қайс ибн Саъд ибн Убода Ансорий Хазражий назарда тутиляпти. Термизий ривоят қилади: «Қайс ибн Саъд Пайғамбар صلى الله عليه وسلمнинг олдиларида амир олдидаги бош миршаб мақомида бўлган. Яъни, Ансорий ишларни бошқарган».

Халифа ички хавфсизликни ҳимоя қиладиган полицияни қўшиннинг бир қисмига айлантириши, яъни ҳарбий идорага бўйсунадиган қилиши ҳам, ички хавфсизлик номи билан алоҳида бир идора қилиши ҳам мумкин.

Бироқ биз бу бўлимнинг алоҳида бўлишини ва бевосита халифага бўйсунадиган бошқа жиҳозлар каби ички хавфсизлик идорасига тобе бўлишини табанний қиламиз. Шундай қилишимизга Анас رضي الله عنهнинг Қайс ибн Саъд ҳақидаги мазкур ҳадиси ҳамда юқорида жиҳодга доир тўрт идора хусусида ҳаммаси бир жиҳоз бўлмасдан, ҳар бири бевосита халифага бўйсунадиган алоҳида бир идора бўлиши хусусида айтган гапларимиз асосдир.

Шундай қилиб, полиция ички хавфсизлик идорасига тобедир.

Ички хавфсизлик идорасининг вазифалари

Ички хавфсизлик идораси давлатнинг ички хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Қўйидаги ишлар ички хавфсизликнинг бузилишига олиб бориши мумкин:

Исломдан қайтиш - муртадлик, шунингдек, боғийлик, яъни давлатга қарши чиқиш. Давлатга қарши чиқиш иш ташлашлар, давлатдаги муҳим марказларни босиб олиш ва у ерларда пикет уюштириш, шахсий мулк, омма мулки ва давлат мулкига тажовуз қилиш каби бузғунчилик ва қўпоровчилик ишлари билан ёки давлатга қурол билан қарши чиқиш билан бўлади.

Қароқчилик, яъни одамларнинг йўлларини тўсиб, уларнинг моллари ва жонларига тажовуз қилиш ҳам ички хавфсизликка таҳдид солувчи ишлардандир.

Ўғирлик, босқинчилик, талончилик, кissoвурлик, товламачилик каби одамларнинг мол-давлатларига кўз олайтириш, шунингдек, калтаклаш, жароҳат етказиш, ўлдириш каби уларнинг жонларига тажовуз қилиш ҳамда миш-миш тарқатиш, тухмат қилиш, зино

қилиш каби уларнинг ор-номусларига тажовуз қилиш ҳам ички хавфсизликка хавф туғдирувчи омиллардандир.

Шунингдек, шубҳали шахслар билан шуғулланиш, Уммат ва давлатни уларнинг ёмонликларидан асраш ҳам ички хавфсизлик идорасининг вазифасидир.

Айтиб ўтганларимиз ички хавфсизликка таҳдид солувчи асосий омиллардир. Ички хавфсизлик идораси давлат ва одамларни мана шу таҳдидлардан ҳимоялайди. Шунинг учун ким диндан қайтса, тавба қилдирилади. Тавба қилмаса, ўлдирилади. Бу ишни ички хавфсизлик идораси бажаради. Агар муртадлар жамоа бўлишса, улар билан ёзишмалар олиб борилади. Уларни Исломга қайтишга чақирилади. Қайтиб, тавба қилсалар ва шариат ҳукмларига бўйсунсалар, уларга тегилмайди. Муртадликларида туриб олишса, уларга қарши уруш қилинади. Уларнинг жамоаси озчилик бўлиб, улар билан курашишга полициянинг кучи етса, полициянинг ўзи курашади. Агар уларнинг жамоаси кўпчилик бўлиб, улар билан курашишга полициянинг кучи етмаса, халифадан ҳарбий кучлар ёки қўшин орқали ёрдамчи куч сўралади.

Айтиб ўтганларимиз муртадлар ҳақидаги гаплар. Энди боғийлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, агар улар қурол ишлатмасдан, бузгунчилик, тартиббузарлик, давлатнинг муҳим марказларини босиб олиш каби ишларни қилсалар, шахс, давлат ва омма мулкига кўз олайтирсалар, бундай ишларни тўхтатиш учун ички хавфсизлик идораси полициянинг ўзи билан чекланади. Полициянинг кучи етмаса, давлатга қарши чиққан ўша боғийлар қилаётган бузгунчилик ва қўпоровчилик ишларини тўхтатиш учун халифадан ҳарбий куч билан ёрдам бериши сўралади.

Агар боғийлар давлатга қарши қурол кўтариб чиқсалар, бир жойга тўпланиб, гуруҳ бўлиб олсалар ва уларга қарши курашишга полициянинг кучи етмаса, халифадан эҳтиёжга қараб ҳарбий кучлар ёки қўшин орқали ёрдам бериши сўралади. Улар билан уруш бошлашдан олдин ёзишмалар олиб борилади. Улардан қуролни ташлаш ва давлатга итоат қилиш талаб қилинади. Тавба қилиб, қайтсалар ва шариат ҳукмларига бўйсунсалар, уларга тегилмайди. Қайтмасалар, урушамиз, деб туриб олсалар, улар билан ўлдириш, йўқ қилиш эмас, адабини бериб қўйиш жанги олиб борилади. Токи, қуролни ташлаб, йўлларидан қайтсинлар. Али ﷺ хаворижлар билан шундай қилганди. Уларни аввал даъват қилганди, қарши чиқишдан тийилсалар, уларга тегмаслигини, оёқ тираб туриб олсалар то йўлларидан қайтиб, қуролни

ташлагунларига қадар улар билан одоб бериш жангини қилишини айтганди.

Муҳориблар, яъни одамларнинг йўлларини тўсиб, мол-дунёлари ва жонларига тажовуз қиладиган қароқчиларни тийиш учун ички хавфсизлик идораси полицияни юборади. Уларга нисбатан ўлдириш, осиб, оёқ-қўлларини қарама-қарши томондан (яъни, ўнг оёқ билан чап қўл ёки чап оёқ билан ўнг қўл)ни кесиш ёки сургун қилиш жазоси қўлланилади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا جَزَاءُ الَّذِينَ يُحَارِبُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيَسْعَوْنَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا أَنْ يُقَتَّلُوا أَوْ يُصَلَّبُوا أَوْ تُقَطَّعَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلُهُمْ مِنْ خِلَافٍ أَوْ يُنْفَوْا مِنَ الْأَرْضِ﴾

– „Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши жанг қиладиган ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси - ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилинишидир“.

[5:33]

Улар билан уруш қилиш давлатга қарши чиқувчи боғийлар билан уруш қилиш каби бўлмайди. Боғийлар билан уруш қилиш одоб бериш жангидир. Қароқчилар билан уруш қилиш эса ўлдириш, осиб жангидир. Уларга нисбатан оятда нима дейилган бўлса, ўшандай муомала қилинади. Қайси бир қароқчи ўлдирган ва мол-дунёни олган бўлса, у ўлдирилади ва осилади. Қайси бири ўлдиргану, мол-дунёни олмаган бўлса, у ўлдирилади, лекин осилмайди. Қайси бири мол-дунё олгану, ўлдирмаган бўлса, у ўлдирилмайди, лекин оёқ-қўли қарама-қарши томонидан кесилади. Қайси бири ўлдирмаган, мол-дунё ҳам олмагану, фақат қурол билан қўрқитган бўлса, у давлат ичкарасидаги узоқ бир ўлкага сургун қилинади.

Ички хавфсизлик идораси хавфсизликни ҳимоя қилишда полицияни ишга солади. Фақат хавфсизликни барқарорлаштиришга полициянинг кучи етмай қолгандагина халифадан эҳтиёжга қараб ҳарбий кучлар ёки қўшин орқали ёрдам бериши сўралади.

Ўғирлик, босқинчилик, киссовурлик, товламачилик каби одамларнинг мол-давлатларига кўз олайтириш ва уриш, жароҳат етказиш, ўлдириш каби уларнинг жонларига тажовуз қилиш ҳамда миш-миш тарқатиш, тухмат қилиш, зино қилиш каби уларнинг ор-номусларига тажовуз қилиш каби жиноятларни хавфсизлик идораси ўзининг сергаклиги, посбонлари, назорат

пунктлари ҳамда қозилар чиқарган ҳукмларни ижро этиш орқали бартараф этади. Бу ишларда полициянинг кучи етарли бўлади.

Низомни ҳимоя қилиш ва ички хавфсизликни назорат қилиб бориш ҳамда барча ижройи ишлар полицияга топширилади. Юқоридаги ҳадисда айтиб ўтганимиздек, Пайғамбар ﷺ олдиларида Қайс ибн Саъднинг миршаб бошлиғи мақомида турганлиги полиция ҳокимлар қўл остида бўлишига далолат қилади. Уларнинг қўл остида бўлишлари эса шариатни ижро этиш, низомни қўриқлаш, хавфсизликни ҳимоялаш ҳамда асос, яъни патрул, тунги назорат каби ҳокимлар учун зарур бўлган ишларни бажаришларини тақозо этади. Абу Бакр замонида Абдуллоҳ ибн Масъуд тунги назорат бўлими бошлиғи бўлган. Умар رضي الله عنه эса бу ишни бевосита ўзи бажарган. Унга бу ишда озод қилган қули ҳамроҳлик қилган. Абдурраҳмон ибн Авф ҳамроҳлик қилган пайтлар ҳам бўлган. Шунинг учун ҳозирги кундаги айрим Исломий ўлкаларда яшовчи дўкондорларнинг ўз уйларига қўриқчи олишлари ёки давлатнинг дўкондорлардан олинган маблағ эвазига посбонлар қўйиши хато ишлардир. Чунки бу ишлар асосга, яъни тунги назорат бўлимига қарашли ишлар бўлиб, уни бажариш давлатнинг зиммасидадир. Бу иш полициянинг вазифасидир. Шунинг учун унга оддий одамлар жалб қилинмайдилар. Бу иш учун одамлардан ҳақ ҳам олинмайди.

Шубҳали. яъни давлатга, жамиятга ёки одамларга зарари тегиб қолиши эҳтимоли бўлган шахслар билан шуғулланиш ҳам давлатнинг вазифасидир. Улар ҳақида бирор нарсани сезиб қолган киши дарҳол тегишли жойга хабар бериши лозим. Бунга далил Бухорий ва Муслим Зайд ибн Арқамдан ривоят қилган мана бу ҳадисдир: «Бир ғазотда эдим. Абдуллоҳ ибн Убайнинг, Пайғамбарнинг олдидаги одамларга ҳеч нарса берманглар, шунда улар унинг атрофидан тарқалиб кетадилар, агар Мадинага қайтсак, албатта у ердан азиз хорни чиқариб юборади, деганини эшитиб қолдим ва бу гапни амакимга ёки Умарга айтдим. У Пайғамбар ﷺга айтибди. Пайғамбар ﷺ мени чақирган эдилар, бўлган гапни айтиб бердим...». Муслим ривоятида, Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бориб, у зотни бу гапдан хабардор қилдим, дейилган. Ибн Убайнинг муҳориб (уруш ҳолатидаги) кофирларга серқатновлиги ҳамда улар билан ҳам, Мадина атрофидаги яҳудлар - Ислом душманлари билан ҳам ош-қатиқлиги маълум ва машҳур эди. Бу борада ўта диққат билан ишлаш керак. Токи, фуқарога нисбатан жосуслик қилиш ҳолатлари юзага келиб қолмасин. Негаки, жосуслик қилиш ҳаромдир. Аллоҳ Таоло айтади:

– „... жосуслик қилиб юрманглар...“ [49:12]

Шунинг учун бу ишда фақат шубҳали шахслар билангина чекланиш лозим.

Амалий ёки ҳукман муҳориб кофирлар билан алоқада бўлиб турган кишилар шубҳали шахслардир. Гап шундаки, ҳарбий сиёсат жиҳатидан қаралганда ва мусулмонларга зарар бўлиб қолишининг олдини олиш учун муҳориб кофирларга қарши жосуслик қилиш жоиз. Бу ҳақдаги шаръий далиллар аҳли ҳарбларнинг ҳаммасига тааллуқлидир. Зеро, агар улар амалий аҳли ҳарб бўлсалар, уларга қарши жосуслик қилиш давлатнинг вазифаси экани ўз-ўзидан маълум, агар улар назарий аҳли ҳарб бўлсалар, бу иш жоиздир. Чунки улар хоҳлаган пайтларида амалий аҳли ҳарбга айланишлари мумкин.

Шу билан муҳориб кофирлар билан алоқада бўлиб турган ҳар бир фуқаро шубҳа остига олинади. Негаки, у унга қарши жосуслик қилиш мумкин бўлган шахс билан боғланыпти.

Бунинг тафсилоти қуйидагича:

1. Амалий муҳориб кофирларга қарши жосуслик қилиш давлатга вожиб. Буни юқоридаги **«Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир»**, деган қоида ҳам таъкидлайди. Зеро, душманни мағлуб этиш учун унинг кучи, режалари, мақсадлари ва стратегик жойлашувидан воқиф бўлиш шарт. Бу иш билан ҳарбий идора шуғулланади. Амалий аҳли ҳарб кофирлар билан алоқада бўлиб турган фуқароларга нисбатан ҳам жосуслик қилинади. Негаки, уларнинг амалий аҳли ҳарблар билан алоқада бўлишлари одатий ҳол эмас. Чунки биз улар билан уруш ҳолатидамиз.

2. Аҳли ҳарб ҳукмида бўлганларга нисбатан жосуслик қилиш жоиздир. Зарар келтириш хавфи, масалан, уларнинг амалий муҳорибларга ёрдам беришлари ёки уларга қўшилиб кетишлари хавфи туғилиб қолган пайтда бу жоиз иш вожиб ишга айланади. Ҳукман аҳли ҳарб кофирлар икки турли бўлади:

Биринчиси, ўз юртларида яшайдиган ҳукман муҳориб кофирлар. Уларга нисбатан жосуслик қилиш билан ҳарбий идора шуғулланади.

Иккинчиси, элчилик қилиш, битим тузиш каби ишлар билан бизнинг юртимизга кириб келган ҳукман аҳли ҳарб кофирлар. Уларга нисбатан жосуслик қилиш билан ички хавфсизлик идораси шуғулланади.

Ички хавфсизлик идораси ҳукман муҳориб кофирларнинг раҳбарлари билан ёки уларнинг юртимиздаги вакиллари билан мулоқотда бўлган фуқароларни кузатиб, уларга нисбатан ҳам жосуслик ишларини олиб боради. Айни пайтда ҳарбий идора худди шу ишни ўз юртларида ҳукман муҳориб кофирларнинг раҳбарлари ёки уларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлган фуқароларга нисбатан қилади. Бироқ бундай қилишнинг икки шarti бор:

Биринчидан, ҳарбий идора ва ички хавфсизлик идораси ўша фуқароларни кузатиб, ҳукман муҳориб кофирларнинг раҳбарларини бу фуқароларнинг улар билан мулоқотда бўлиб туришлари ғайриоддий ва эътиборни тортадиган иш эканидан оғохлантириб қўйишлари.

Иккинчидан, мазкур ҳар икки идора назоратчи қозига муружаат қилиши ва қози бу мулоқот Ислom ва мусулмонларга зарар келтириши мумкин, деб хулоса чиқариши.

Мана шу икки шарт бажарилганидан кейин ички хавфсизлик идораси ҳукман муҳориб кофирларнинг раҳбарлари билан ёки уларнинг юртимиздаги вакиллари билан мулоқотда бўлган фуқароларни кузатиб, уларга нисбатан жосуслик ишларини олиб бориши, айни пайтда ҳарбий идора худди шу ишни ўз юртларида ҳукман муҳориб кофирларнинг раҳбарлари ёки уларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлган фуқароларга нисбатан қилиши мумкин бўлади. Бунга далил қўйидагилардир:

1. Мусулмонларга нисбатан жосуслик қилиш

﴿وَلَا تَجَسَّسُوا﴾

– „... жосуслик қилиб юрманглар...“, [49:12] ояти билан ҳаром. Бу оятда жосусликдан қайтариш умумий маънода келган. Модомики, уни хослайдиган далил йўқ экан, у умумийлигича қолаверади. Буни Аҳмад ва Абу Довуд ўз санади билан Миқдод ва Абу Умомадан ривоят қилган ҳадис ҳам таъкидлайди. Ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

﴿إِنَّ الْأَمِيرَ إِذَا ابْتَغَى الرَّيْبَةَ مِنَ النَّاسِ أَفْسَدَهُمْ﴾

«Агар амир одамлардан шубҳа қидирса, уларни бузади». Шунинг учун мусулмонга нисбатан жосуслик қилиш ҳаром. Бу ҳукм давлат фуқароси бўлган аҳли зиммага ҳам тааллуқлидир. Демак, мусулмон бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, фуқарога нисбатан жосуслик қилиш ҳаром.

2. Амалий муҳориб кофирларга қарши ҳамда юртимизга омонлик сўраб ёки битим тузиш учун ва ё элчи сифатида кириб келган ҳукман муҳориб кофирларга қарши, шунингдек, ўз юртларида яшаётган ҳукман муҳориб кофирларга қарши жосуслик қилиш жоиз. Ҳатто амалий муҳориб кофирларга қарши, зарар хавфи туғилган пайтда эса ҳукман кофирларга ҳам қарши жосуслик қилиш вожибдир.

Бунга далиллар Пайғамбар ﷺнинг сийратларида кўп:

• Ибн Ҳишомнинг «Сийрат» китобида Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг сарийяси ҳақида айтилишича, Пайғамбар ﷺ унга бир хат ёзиб бериб, то икки кун юрганидан кейингина уни очиб ўқишни буюрганлар. Абдуллоҳ ибн Жаҳш икки кун юрганидан кейин Пайғамбар ﷺнинг хатларини очиб қараса, унда шундай дейилган бўлади:

«إِذَا نَظَرْتَ فِي كِتَابِي هَذَا، فَامْضِ حَتَّى تَنْزِلَ نَخْلَةً بَيْنَ مَكَّةَ وَالطَّائِفِ، فَتَرَصَّدْ بِهَا قُرَيْشًا، وَتَعْلَمَ لَنَا مِنْ أَخْبَارِهِمْ»

«Менинг бу мактубимга қараган бўлсанг, Макка билан Тоиф уртасидаги хурмо дарахтигача юриб бориб, уша жойга манзил қур. Кейин Қурайшни пойла, бизга у ҳақда хабар бер».

• Ибн Ҳишом «Сийрат»ида Бадр ғазоти ҳодисалари ҳақида ибн Исҳоқ шундай дейди:

«رَكِبَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ هُوَ وَأَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا حَتَّى وَقَفَ عَلَى شَيْخٍ مِنَ الْعَرَبِ، فَسَأَلَهُ عَنْ قُرَيْشٍ وَعَنْ مُحَمَّدٍ وَأَصْحَابِهِ وَمَا بَلَغَهُ عَنْهُمْ، فَقَالَ الشَّيْخُ لَا أُخْبِرُكُمْ حَتَّى تُخْبِرَانِي مِمَّنْ أَنْتُمَا؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا أَخْبَرْتَنَا أَخْبَرْنَاكَ. قَالَ أَذَاكَ بِذَاكَ؟ قَالَ: نَعَمْ. قَالَ الشَّيْخُ: ... وَبَلَغَنِي أَنَّ قُرَيْشًا خَرَجُوا يَوْمَ كَذَا وَكَذَا، فَإِنْ كَانَ الَّذِي أَخْبَرَنِي صَدَقَنِي، فَهَمُّ الْيَوْمِ بِمَكَانٍ كَذَا وَكَذَا لِلْمَكَانِ الَّذِي فِيهِ قُرَيْشٌ، فَلَمَّا فَرَّغَ مِنْ خَبْرِهِ قَالَ: مِمَّنْ أَنْتُمَا؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ نَحْنُ مِنْ مَاءٍ، ثُمَّ انْصَرَفَ عَنْهُ، قَالَ يَقُولُ الشَّيْخُ: مِنْ مَاءٍ، أَمْ مِنْ مَاءِ الْعِرَاقِ؟ ثُمَّ رَجَعَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِلَى أَصْحَابِهِ، فَلَمَّا أَمْسَى بَعَثَ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ وَالزُّبَيْرَ بْنَ الْعَوَّامِ وَسَعْدَ بْنَ أَبِي وَقَاصٍ فِي نَفَرٍ مِنْ

أَصْحَابِهِ، رِضْوَانُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ، إِلَى مَاءِ بَدْرِ يَلْتَمِسُونَ الْخَيْرَ عَلَيْهِ، أَيُّ عُيُونًا عَلَى
فُرَيْشٍ»

«Пайғамбар ﷺ Абу Бакр ؓ билан бирга отланиб, бир араб чол олдига бориб тўхтадилар. Ундан Қурайш ҳақида, Муҳаммад ва унинг асҳоблари ҳақида сўраб суриштирдилар. Чол, ўзинглар кимлардан эканингизни айтмагунингларча ҳеч нарса айтмайман, деди. Пайғамбар ﷺ, сиз айтсангиз, биз ҳам айтамыз, дедилар. Чол, бошма-бошми, деди. Пайғамбар ﷺ, ҳа, дедилар. Шунда чол, ... менга хабар берган одам ёлгон гапирмаган бўлса, Қурайш фалон-фалон куни йўлга чиққан, улар бугун фалон-фалон жойда, деб Қурайшнинг турган жойини айтди. Кейин, сизлар кимлардансиз, деди. Пайғамбар ﷺ, биз сувданмиз, дедилар-да, қайтиб кетдилар. Чол, сувданми ёки Ироқ сувиданми, деганича қолди. Кейин Пайғамбар ﷺ саҳобаларининг ёнига қайтдилар. Кеч киргач, Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Саъд ибн Абу Ваққос ва бир неча саҳоба ؓларни хабар билиб келишлари, яъни Қурайш устидан жосуслик қилишлари учун Бадр сувига юбордилар».

• Ибн Ҳишом нақл қилишича, ибн Исҳоқ Басбас ибн Амр ва Адий ибн Абиз-Зағбонинг жосуслик қилганлари ҳақида шундай дейди: «Адий ва Басбас бу гапни (яъни, икки жорийанинг сув олдида Қурайш ҳақида айтган гапларини) эшитгач, туяларига ўтирдилар-да, Пайғамбар ﷺнинг олдиларига бориб, эшитганларини айтиб бердилар».

Бу далиллар гарчи амалий муҳориб Қурайш ҳақида бўлса-да, уруш бўлиб қолиши эҳтимолидан келиб чиқилганда ҳукман муҳорибларга ҳам тўғри келади. Фарқ шундаки, амалий муҳорибларга қарши жосуслик қилиш вожиб бўлса, - негаки, душманни мағлуб қилиш учун ҳарбий сиёсат шуни тақозо этади - ҳукман муҳорибларга қарши жосуслик қилиш жоиздир, негаки, улардан уруш қилиб қолишларини кутиш мумкин. Агар зарар хавфи туғилса, масалан, амалий муҳорибларга ёрдам беришлари ёки уларга қўшилиб кетишлари эҳтимоли вужудга келса, уларга қарши жосуслик қилиш давлатга вожиб бўлади.

Шундай қилиб, мазкур ҳадислардаги Пайғамбар ﷺнинг буйруқлари ва «**Вожиб нима билан амалга ошса, ўша нарса ҳам вожибдир**», деган қоидага биноан муҳориб кофирларга

қарши жосуслик қилиш мусулмонларга жоиздир, давлатга эса бу ишни охирига етказиш вожибдир.

Мусулмон ёки зиммий бўлишидан қатъий назар, бизнинг юртимиздаги ёки ўз юртларидаги амалий ёки ҳукман муҳориб кофирлар билан алоқада бўлган шахслар шубҳали шахслар ҳисобланиб, уларни кузатиш, улар устидан жосуслик қилиш жоиз. Негаки, улар устидан жосуслик қилиниши жоиз бўлган кимсалар билан мулоқотда бўляптилар. Бундан ташқари улар кофирларнинг жосуслари бўлиб чиқсалар, давлатга зарар бўлиб қолиши хавфи ҳам бор.

Лекин фуқаро устидан жосуслик қилиш мазкур икки шарт топилганидан кейингина жоиз бўлади.

Ҳарбий идора амалий муҳориблар билан, шунингдек, кофирлар юртидаги ҳукман муҳориб масъул кофирлар ёки уларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлаётганлар устидан жосуслик ишларини олиб борса, ички хавфсизлик идораси ўзимизнинг юртимиздаги ҳукман муҳориб кофир масъуллар ёки уларнинг вакиллари билан мулоқотда бўлаётганлар устидан жосуслик ишларини олиб боради.

Еттинчи: Ташқи ишлар

Битимлар, сулҳлар, шартномалар, музокаралар, элчи алмашилишлар, вакил юборишлар, элчихона ва консулхоналар қуришлар каби сиёсий алоқалар бўладими ёки иқтисод, қишлоқ хўжалиги, савдо соҳасига оид алоқалар бўладими, почта, телефон, телеграф алоқалари бўладими, Халифалик давлатининг ажнабий давлатлар билан бўладиган барча ташқи алоқаларини ташқи ишлар идораси бошқаради. Чунки бу ишлар чет давлатлар билан бўладиган алоқаларга оид ишлардир.

Пайғамбар ﷺ бошқа давлатлар ва вужудлар билан алоқалар ўрнатгандилар. Танфиз вазири баҳсида бу ҳақда тўхталгандик. Масалан, Пайғамбар ﷺ Усмон ибн Аффонни Қурайш билан музокара олиб бориш учун юборгандилар. Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳам Қурайш элчилари билан музокаралар олиб боргандилар. Шунингдек, у зот подшоларга элчилар юборар, айни пайтда уларнинг элчиларини кутиб олардилар. Битимлар, сулҳлар тузардилар. У кишидан кейин халифалари ҳам худди шу йўлдан бориб, чет давлатлар ва вужудлар билан сиёсий алоқалар ўрнатдилар. Бир шахс ўзи қилиши керак бўлган бир ишни бошқа биров бажариб бериши учун уни ўзидан вакил қилишга ёки ноиб этиб тайинлашга ҳақлидир, деган асосга таяниб, бу борада ўзларидан ноиблар тайинлардилар.

Ҳозирги кунда халқаро сиёсий ҳаёт мураккаблашиб кетгани ва халқаро сиёсий алоқалар кенгайиб, хилма-хиллашиб кетганидан келиб чиқиб, биз халифа халқаро алоқалар билан шуғулланадиган бир махсус давлат жиҳозини ўзидан ноиб этиб тайинлашини табанний қиламиз. Давлатдаги бошқа ҳар қандай ҳукм ва идора жиҳози каби бу жиҳоз ҳам бевосита ёки танфиз вазири воситасида шу соҳага доир шаръий ҳукмларга мувофиқ халифа назорати остида бўлади.

Саккизинчи: Саноат

Двигателлар ва станоклар ишлаб чиқарадиган оғир саноат бўладими, машинасозлик саноати бўладими, хом ашё саноати бўладими, электрон саноат бўладими, енгил саноат бўладими, шахсий корхона бўладими, давлат корхонаси бўладими, ҳарбий саноатга алоқадор бўлган корхоналар бўладими, саноатга доир барча ишларни саноат идораси бошқаради. Ҳамма корхоналар ҳарбий сиёсат асосида қурилмоғи лозим. Негаки жиҳод, уруш қўшинсиз бўлмайди. Қўшин учун эса қурол керак. Қўшинга қурол етарли даражада етказиб берилиши учун давлатнинг ичида бир саноат, хусусан ҳарбий саноат бўлиши шарт. Хуллас, ҳарбий саноат билан жиҳод чамбарчас боғлиқ тушунчалардир.

Давлат ўзини-ўзи бошқара олиши, бошқаларнинг таъсири остига тушиб қолмаслиги учун қурол саноати билан шуғулланиб, уни ривожлантириши лозим. Токи, у доимо ўзига-ўзи хўжайин бўлиб тура олсин. Токи, унда ҳар доим энг кучли, энг ривожланган қурол мавжуд бўлсин. Токи, очиқ кўришиб турган душманни ҳам, эҳтимол тугилган душманни ҳам қўрқитишга етадиган қурол ўзидан чиқиб турсин. Аллоҳ Субҳонаҳу Таоло айтади:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ
وَأَخْرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ﴾

– „*(Эй мўминлар), улар(га қарши жанг қилиш) учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан сизлар Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган - Аллоҳ билладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар*“.

[8:60]

Ана шунда давлат ўзига-ўзи хўжайин бўлади. Ўзига керакли қуролни ўзи ишлаб чиқаради ва уни ривожлантиради. Қурол ишлаб чиқариш соҳасидаги тараққиётдан орқада қолмасдан, доимо энг ривожланган қуролларга молик бўлиб туради. Шунда очиқдан-очиқ душманлик қилаётган ёки душманлик қилишининг эҳтимоли бўлган ёвларни қўрқита олади. Шунинг учун ҳам давлат қуролни бошқалардан сотиб олмасдан, ўзи қурол саноатини йўлга қўйиши лозим. Негаки, қуролни бошқа давлатлардан сотиб олиш қурол борасида, уруш, жанг борасида ўша давлатларнинг ўз хукмини ўтказишига олиб келади.

Ҳозирги оламга назар ташласак, шу нарса аён бўладики, бошқаларга қурол сотадиган давлатлар ҳамма қуролни ҳам сотавермайди. Айниқса, энг замонавий, ривожланган қуролни мутлақо сотишмайди. Бошқа қуролларни ҳам уларнинг қўлланишига доир муайян шартлар билан ва сотиб олаётган давлатнинг эҳтиёжига қараб эмас, ўзлари белгилаган миқдорда сотишади. Бу нарса қурол сотувчи давлатнинг қурол сотиб олувчи давлат устидан ҳукмронлигини кўрсатади. Айниқса, қурол сотиб олаётган давлат урушга кириб қолса, янада кўпроқ қуролга, эҳтиёт қисмларга, ўқ-дориларга муҳтож бўлиб қолади ва айни пайтда қурол сотувчи давлатнинг барча шартларига кўнишга мажбур бўлади. Шу билан қурол сотувчи давлат қуролга ўта муҳтож ҳолатдаги - уруш ҳолатидаги давлат устидан тўла ҳукмронликни қўлга киритади. Бу билан қурол сотиб олувчи давлат ўзини, хоҳиш-иродасини, бутун борлигини қурол сотувчи давлат қўлига топшириб қўйган бўлади.

Мана шу сабабларга кўра, давлатнинг ўзи қурол-аслаҳа, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариши лозим. Бунинг учун эса оғир саноатни йўлга қўйиши ва энг аввало оғир саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ҳарбий ва ноҳарбий корхоналарни қуришга киришиши керак. Унинг атом қуроли, фазо кемалари, ракеталар, сунъий йўлдошлар, самолётлар, танклар, замбараклар, ҳарбий кемалар, турли хил зирхли машиналар, ҳар турли оғир ва энгил қуроллар ишлаб чиқарувчи ўз корхоналари бўлиши даркор. Шу билан бирга асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, двигателлар, турли материаллар ишлаб чиқарувчи заводларга, электроника саноатига, шунингдек, умум мулкига доир корхоналарга ҳамда ҳарбий саноатга алоқаси бўлган энгил саноат буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга эга бўлиши шарт. Буларнинг ҳаммаси мусулмонлар гарданига юклатилган тайёргарлик кўришнинг вожиблиги тақозо қиладиган нарсалардир. Аллоҳ Таоло деди:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ﴾

– „*(Эй мўминлар), улар(га қарши жанг қилиш) учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз*“.
[8:60]

Исломий давлат Исломий даъватни даъват ва жиҳод орқали дунёга олиб чиқадиган давлат бўлгани учун ҳам доим жиҳодга тайёр туриши керак. Бу эса унинг энгил ёки оғир бўлишидан қатъий назар, барча саноати ҳарбий сиёсат асосига қурилиши лозимлигини тақозо этади. Токи, у ўзидаги мавжуд корхоналарни

хоҳлаган пайтида қурол ишлаб чиқарувчи корхоналарга айлантира олсин. Шунинг учун Хилофат давлатидаги барча саноат ҳарбий сиёсат асосида қурилиши, оғир саноат ёки енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришидан қатъий назар, барча корхоналар шу сиёсат асосида қурилиши лозим. Токи, давлатга керак бўлиб қолган заҳоти уларни қурол ишлаб чиқарувчи корхоналарга айлантириш осон бўлсин.

Тўққизинчи: Қозилик

Қозилик бир ҳукми айтиш ва уни мажбурият қилиб юклашдир. У одамлар ўртасидаги даъволарни ажрим қилади, жамоатчилик ҳаққига зарар бўладиган ишларни бартараф этади ҳамда амалдорлар, ҳокимлар ёки халифа билан одамлар ёки бир шахс ўртасида юз берган низо, келишмовчиликни ҳал қилади.

Қозиликнинг шаръийлиги Қуръон ва суннатдандир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَن احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ﴾

– „(Эй Муҳаммад алайҳис-салом), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг...“ [5:49]

Яна айтади:

﴿وَإِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ لِيَحْكُمَ بَيْنَهُمْ﴾

– „Қачон улар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига ўрталарида ҳукм чиқариш учун чорлансалар...“ [24:48]

Пайғамбар ﷺ шахсан ўзлари одамлар ўртасида қозилик қилганлар.

Пайғамбар ﷺ қозилик мансабига одам тайин қилганлар. Масалан, Али ﷺ ни Яман қозилигига тайинлаганлар. Ва бу борада кўрсатмалар бериб, шундай деганлар:

﴿إِذَا تَفَاضَى إِلَيْكَ رَجُلَانِ، فَلَا تَقْضِ لِلأَوَّلِ حَتَّى تَسْمَعَ كَلَامَ الأَخْرِ، فَسَوْفَ تَدْرِي كَيْفَ تَقْضِي﴾

«Агар икки киши даъволашиб олдингга келса, иккинчининг гапини эшитмай туриб, биринчининг фойдасига ҳукм қилиб юборма. Ана шунда қандай ҳукм чиқаришинг лозимлигини билиб оласан». Бу ҳадисни Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар. Аҳмад қилган яна бир ривоятда:

﴿إِذَا جَلَسَ إِلَيْكَ الأَخْصَمَانِ، فَلَا تَكَلِّمْ حَتَّى تَسْمَعَ مِنَ الأَخْرِ كَمَا سَمِعْتَ مِنَ الأَوَّلِ﴾

«Агар икки даъволашувчи олдингга келиб ўтирса, биринчисининг гапини қандай тинглаган бўлсанг, иккинчисининг ҳам гапини ушандай тингламай туриб, гапирма (яъни, ҳукм чиқариб юборма)», дейилган. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ Муоз ибн Жабални Жанадга қози қилиб тайинлаганлар. Шуларнинг ҳаммаси қозиликнинг шаръийлигига далилдир.

Қозилик таърифи одамлар ўртасини ажрим қилиш билан бирга муҳтасиблик (назоратчилик)ни ҳам ўз ичига олади. Муҳтасиблик «Жамоа ҳаққиға зарар қиладиган иш юзасидан ҳукм чиқариш ва уни мажбурият қилиб юклаш»дир. Муслимнинг «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مَرَّ عَلَى صُبْرَةِ طَعَامٍ، فَأَدْخَلَ يَدَهُ فِيهَا فَنَالَتْ أَصَابِعُهُ بِلَلًا، فَقَالَ: مَا هَذَا يَا صَاحِبَ الطَّعَامِ؟ قَالَ: أَصَابَتُهُ السَّمَاءُ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: أَفَلَا جَعَلْتَهُ فَوْقَ الطَّعَامِ كَيْ يَرَاهُ النَّاسُ مِنْ غَشٍّ فَلَيْسَ مِنِّي»

«Расул ﷺ тарозуда тортиб олинмайдиган, устма-уст тахлаб қўйиладиган қуруқ таом олдидан ўтиб қолдилар. Таомға қўллариини солган эдилар, бармоқлари намликка бориб урилди. Эй таом эгаси, бу нима? - дедилар. У, эй Аллоҳнинг Расули, осмондан ёққан ёмғирдан, деди. Шунда у зот, одамларга кўрсатиб, таомнинг устки қисмига қўймайсанми? Алдаган одам мендан эмас, дедилар».

Қозилик шунингдек, шикоятларни кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади. Шикоятларни кўриб чиқиш «Одамлар билан халифа ёки унинг муовинлари, волийлари, амалдорларидан бири ўртасидаги ихтилоф ва ё қозилик қилиш ва ҳукм чиқариш учун асос қилиб олинмоқчи бўлаётган бирон шаръий ҳужжатнинг маъноси борасида мусулмонлар ўртасида юзага келган ихтилоф хусусидаги шаръий ҳукмни билдириш ва уни мажбурият тарзида юклаш»дир. Пайғамбар ﷺ нарх белгилаш ҳақидаги ҳадисда шундай деганлар:

«... وَإِنِّي لَأَرْجُو أَنْ أَلْقَى اللَّهَ، وَلَا يَطْلُبُنِي أَحَدٌ بِمَظْلَمَةٍ ظَلَمْتُهَا إِيَّاهُ فِي دَمٍ وَلَا مَالٍ»

«... Мен Аллоҳга мендан биронта одам хун борасида ҳам, мол борасида ҳам шикоят қилмагани ҳолда йўлиқишни умид қиламан». Бу ҳадисни Аҳмад Анас йўлидан ривоят қилган. Шундан кўриниб турибдики, ҳоким, волий ёки бирон амалдор устидан кимдир шикоят қилса, бу ишни мазолим (шикоятлар) қозиси кўриб чиқиб, ўз ҳукмини айтади ва уни мажбурият қилиб юклайди. Шунга кўра, қозиликнинг таърифи Расулulloҳ ﷺнинг ҳадисларида ва ишларида ворид бўлган шу уч турнинг ҳаммасини, яъни одамлар ўртасидаги даъвони ажрим қилишни ҳам, жамоа ҳаққиға зарар бўладиган ишни бартараф этишни ҳам, фуқаро билан ҳокимлар ёки амалдорлар ўртасидаги ихтилофни ҳал қилишни ҳам ўз ичига олади.

Қозиларнинг турлари

Қозилар уч турли бўладилар. Биринчиси **қози**. У муомала ва жазога доир одамлар ўртасидаги даъволарни ажрим қилади. Иккинчиси **муҳтасиб**, яъни назоратчи. У жамоанинг ҳаққига зарар келтирадиган қонунбузарликлар устидан ҳукм чиқаради. Учинчиси **мазолим** (шикоятлар) **қозиси**. У одамлар билан давлат ўртасидаги низони, ихтилофни ҳал қилади.

Қозилик турлари баёни - мана шу. Қозилик одамлар ўртасидаги даъволарни ажрим қилиш эканига далил шуки, Пайғамбар ﷺнинг ўзлари шу иш билан шуғулланганлар, Муоз ибн Жабални Яманнинг бир ноҳиясига шу ишга тайин қилганлар. Қозиликнинг жамоа ҳаққига зарар қиладиган қонунбузарликлар устидан ҳукм чиқариш, яъни муҳтасиблик, назоратчилик экани Пайғамбар ﷺнинг айтган гаплари ва қилган ишлари билан собитдир. У зот юқоридаги Аҳмад Абу Ҳурайра йўлидан ривоят қилган ҳадисда **«... алдаган одам мендан эмас»**, деганлар. Шундай қилиб, Пайғамбар ﷺ сотувчиларни алдаб сотишдан қайтарардилар. Шунингдек, бозордаги савдогарларни савдо борасида ҳам, закот бериш борасида ҳам ростгўй бўлишга буюрардилар. Аҳмад Қайс ибн Абу Гурза Кинонийдан ривоят қилади: «Мадина бозорида савдо қилардик. Бизни даллоллар, дейишарди. Пайғамбар ﷺ олдимизга келиб, бизни ўзимиз номлаган номдан яхшироқ ном билан номлаб,

«يَا مَعْشَرَ التُّجَّارِ، إِنَّ هَذَا الْبَيْعَ يَحْضُرُهُ اللَّغْوُ وَالْحَلْفُ، فَشَوِّبُوهُ بِالصَّدَقَةِ»

«Эй савдогарлар жамоаси, бу савдода лағв (кераксиз сўз) ва қўполликлар бўлади, сизлар унга садақани аралаштиринг, дедилар».

Аҳмад Абу Минҳолдан ривоят қилади:

«أَنَّ زَيْدَ بْنَ أَرْقَمَ وَالْبَرَاءَ بْنَ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا كَانَا شَرِيكَيْنِ، فَاشْتَرَيَا فِصَّةً بِنَقْدٍ وَنَسِيئَةً، فَبَلَغَ ذَلِكَ النَّبِيَّ ﷺ فَأَمَرَهُمَا أَنْ مَا كَانَ بِنَقْدٍ فَأَجْبِزُوهُ، وَمَا كَانَ بِنَسِيئَةٍ فَرُدُّوهُ»

«Зайд ибн Арқам билан Барро ибн Озиб шерик эдилар. Бир кумушни нақд ва насияга сотиб олишди. Пайғамбар ﷺ бундан хабар топиб, уларга, нақд савдоингларни олиб қолиб, насия савдоингларни қайтаринглар, деб буюрдилар». Пайғамбар ﷺ уларни насия рибосидан қайтардилар. Мана шулар муҳтасиблик-назоратчиликка доир қозиликдир. Жамоатчиликнинг ҳаққига зарар қиладиган ишлар борасида ажрим чиқариш билан

шуғулланувчи қозиликнинг ҳисба, яъни назоратчилик, деб номланиши Исломиё давлатдаги муайян ишнинг, яъни савдогарлар ва ҳунармандларни ўз савдолари ва касб-корларида одамларни алдаб қўймасликлари учун назорат қилиб, ўлчаш ва тортиш асбобларини текшириб туриш ишига нисбатан қўлланадиган истилоҳ (термин)дир. Бу ишни Пайғамбар ﷺнинг ўзлари ҳам қилганлар, бошқаларни ҳам шундай қилишга буюрганлар. Масалан, юқоридаги Барро ибн Озибнинг ҳадисиди уларнинг ҳар иккисини насиядан қайтардилар. Ибн Саъднинг «Табақот» ва ибн Абдулбаррнинг «Истийъоб» китобида келишича, Пайғамбар ﷺ Саид ибн Осни фатҳдан кейин Макка бозорига назоратчи қилиб тайинлаганлар. Шундан кўриниб турибдики, ҳисба, яъни назоратчиликнинг далили суннатдир. Умар ибн Хаттоб Шифога ўз қавмидан бир аёлни, яъни Сулаймон ибн Абу Ҳасаманинг онасини, Абдуллоҳ ибн Атабани эса Мадина бозорига бозор қозиси, яъни назорат қозиси этиб тайинлаган. Бу хабарни Молик ўзининг «Муваттаъ»сида, Шофийий эса ўзининг «Муснад»ида келтирган. Умар ибн Хаттоб ﷺнинг ўзи ҳам назоратчилик ишлари билан шуғулланиб, Пайғамбар ﷺ каби бозорларни айланиб юрган. То Маҳдийнинг даври келгунига қадар назоратчилик билан халифанинг ўзи шуғулланган. Маҳдий назоратчиликни алоҳида бир жиҳозга айлантирган, натижада у қозилик жиҳозларидан бирига айланган. Ҳорун ар-Рашид замонида муҳтасиб, яъни назоратчи бозорларни айланиб юрган, тарози ва ўлчаш асбобларини текшириб турган, савдогарларнинг муомалаларини ҳам назорат қилган.

Энди шикоятлар билан шуғулланиш ҳам қозиликка кириши ҳақидаги далилларга тўхталсак. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

– „Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, - у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз!“ [4:59]

Бу оят:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!“ [4:59]

оятти ортидан келяпти. Фуқаро билан раҳбарият ўртасидаги низо, тортишув Аллоҳ ва Расулининг ҳукмига ҳавола қилинади. Бу эса шу иш билан шуғулланадиган мазолим (шикоятлар) қозиси

бўлишини тақозо этади. Негаки, шикоятлар билан шуғулланувчи қозилик таърифи одамлар билан халифа ўртасида юз берадиган можарони кўриб чиқишни ҳам ўз ичига олади. Шикоятлар қозилигига далил Пайғамбар ﷺнинг айтган гаплари ва қилган ишларидир. Лекин Пайғамбар ﷺ ҳам, у зотдан кейинги халифалар ҳам шикоятлар билан шуғулланадиган алоҳида бир қози тайинламаганлар. Негаки, бу иш билан уларнинг ўзлари шуғулланганлар. Масалан, Али ибн Абу Толиб ﷺнинг ўзи шикоятлар билан шуғулланган. Лекин у бу иш учун муайян вақт ажратмаган, аниқ бир услуб қабул қилмаган. Шикоят тушган заҳоти уни кўриб чиқиб, ҳал қилган, яъни бу ишни йўл-йўлакай бажариб борган. То Абдулмалик ибн Марвоннинг замониғача шу ҳолат давом этган. У шикоятлар учун аниқ бир вақт ва муайян услуб қабул қилган биринчи халифадир. У шикоятларни кўриб чиқар, бирор муаммо пайдо бўлса, қозига топшириб, ҳукм чиқартирар эди. Халифа одамларнинг шикоятларини кўриб чиқадиған ноиблар тайин қилди. Шу билан шикоятлар бўлими алоҳида бир жиҳозга айланди ва «Дорул-адл», яъни адолат ошени, деб номланди. Бу бўлимга муайян қози тайинлаш жиҳатидан шундай қилиш жоиз. Чунки халифанинг ваколатлари ичида ўзи бажариши керак бўлган ишни бошқа биров бажариши учун уни ўзидан вакил ёки ноиб қилиб тайинлаш ҳуқуқига эгаллиги ваколати ҳам бор. Бу иш муайян вақт ва услуб қабул қилиш жиҳатидан ҳам жоиздир. Негаки, шундай қилиш мубоҳдир.

Қозиларнинг шартлари

Қозилик қиладиган одам мусулмон, ҳур, болиғ, оқил, адолатли, фақиҳ, ҳукмларни воқеаларга туширишни биладиган бўлиши шарт. Мазолим (шикоятлар) қозиси худди қозилар қозиси каби бу шартлардан ташқари эркак ва мужтаҳид бўлиши ҳам шарт. Чунки унинг иши қозилик қилиш ва ҳукм чиқаришдир. У ҳокимнинг устидан ҳукм чиқаради. Унга нисбатан шариатни татбиқ этади. Шунинг учун у юқоридаги шартлардан ташқари эркак ҳам бўлиши шарт. Бунинг устига у мужтаҳид ҳам бўлиши шарт. Негаки, кўриб чиқиладиган шикоятларда ҳокимнинг Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан иш олиб бормаётгани, масалан, бирон ҳукмни шаръий далилсиз чиқаргани ёки келтирган далили ҳодисага мос келмаганлиги кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай шикоятни эса фақат мужтаҳидгина ҳал қила олади. Агар мужтаҳид бўлмаса, ўз ишини билмайдиган қози бўлади. Бу эса ножоиз ва ҳаром

ишдир. Шунинг учун у ҳокимлик ва қозилик шартларидан ташқари мужтаҳид ҳам бўлиши шарт.

Қозиларни тайинлаш

Қози, муҳтасиб, мазолим қозисини ҳамма юртларга ҳамма масалалар бўйича умумий қози қилиб ҳам, айрим жойлар ёки айрим масалалар учун алоҳида қози қилиб тайинлаш ҳам мумкин. Чунки Пайғамбар ﷺ шундай қилганлар. У зот Али ибн Абу Толибни Яман қозилигига, Муоз ибн Жабални Ямандаги бир ноҳия қозилигига, Амр ибн Осни эса муайян бир масала бўйича қози этиб тайинлаганлар.

Қозиларга мояна бериш

Ҳофиз «Фатҳ»да шундай дейди: «Мояна (иш ҳақи) халифа мусулмонларнинг ишлари билан шуғулланадиган киши учун байтулмолдан ажратган улушдир». Қозилик байтулмолдан иш ҳақи олиш жоиз бўлган ишлардандир. Давлат мусулмонларнинг ишлари билан шуғулланадиган кишиларни ёллайди ва уларга ҳақ ажратади. Давлат томонидан мусулмонларнинг ишлари билан шаръий тарзда шуғулланиш учун ёлланган одам - унинг иши ибодат ёки бошқа бўлишидан қатъий назар - мояна олишга ҳақлидир. Бунга далил Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таолонинг закот йиғиш билан шуғулланувчилар учун ҳам улуш белгилаган мана бу оятидир:

﴿وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا﴾

– „... садақа йиғувчиларга...“.

[9:60]

Бурайдадан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«أَيُّمَا عَامِلٍ اسْتَعْمَلْنَاهُ وَفَرَضْنَا لَهُ رِزْقًا، فَمَا أَصَابَ بَعْدَ رِزْقِهِ فَهُوَ غُلُولٌ»

«Қайси бир ишчини ёлласак ва унга мояна тайин қилсак, шу моянасидадан ортиқча олгани хиёнат қилганидир». Бу ҳадисни Абу Довуд, ибн Хузайма ўзининг «Саҳиҳ»ида, Байҳақий, Ҳоким ривоят қилган ва икки шайх шартига кўра ҳам саҳиҳ, деган ҳамда уни Заҳабий маъқуллаган. Мовардий эса «ал-Ҳовий»да айтади: «Қозилик учун ҳам байтулмолдан мояна олиш жоиз. Чунки Аллоҳ Таоло закот йиғиш билан шуғулланувчилар учун ҳам улуш тайинлаган. Умар Шурайҳни қози қилиб тайинлаб, унга юз дирҳам ойлик маош тайин қилган. Халифалик Алига ўтгач, унинг ойлик маошини беш юз дирҳамга кўтарган. Зайд ибн Собит ҳам қозилик қилганига мояна олган». Бухорий таълиқ, яъни изоҳ

тарзида ривоят қилади: «Шурайх қозилик учун мояна оларди». Ҳофиз таълиққа таълиқ, яъни изоҳга изоҳ тарзида ривоят қилади: «Энди Шурайхга тўхталадиган бўлсак, Саид ибн Мансур Суфёндан, у Мужолиддан, у Шаъбийдан ривоят қилишича, Масруқ қозилик учун мояна олмас эди, Шурайх эса оларди». Ҳофиз «Фатҳ»да шундай дейди: «Ибн Мунзирнинг айтишича, Зайд ибн Собит қозилик учун мояна оларди». Ибн Саъд Нофеъдан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб Зайд ибн Собитни қозилик ишига олиб, унга мояна тайинлаган». Саҳобалар ва улардан кейингилар қозилик учун мояна олиш жоизлигига ижмо қилишган. Ҳофиз «Фатҳ»да шундай дейди: «Абу Али Каробисий айтидики, саҳобалар ва улардан кейинги барча илм аҳлининг наздида қозилик учун мояна олинса, ҳечқиси йўқ. Барча юрт фуқаҳоларининг қавли мана шу. Улар орасида ихтилофни кўрмадим. Масруқ каби бир нечалари уни макруҳ, деб билишган. Аммо уни ҳаром, деб билган биронта фақиҳни билмайман». Ибн Қудума «ал-Муғний»да шундай дейди: «Умар Муоз ибн Жабал ва Абу Убайдани Шомга юборган пайтида уларга бир мактуб йўллаб, унда ўзинглардан олдин борган солиҳ кишиларни қараб топинглар-да, қозиликка ишга ёлланглар ва уларга кенглик қилинглар ҳамда байтулмолдан етарли мояна ажратинглар, деган».

Маҳкамаларни ташкил қилиш

Маҳкамада ажрим қилиш салоҳиятига эга бўлган фақат битта қози бўлади. Бошқа қозилар ҳам бўлишлари мумкин. Аммо уларнинг ҳукм чиқариш салоҳиятлари бўлмайди. Улар фақат ўз фикрларини айтишлари, маслаҳат беришлари мумкин, холос. Уларнинг фикрлари қози учун мажбурий ҳисобланмайди.

Бунга сабаб шуки, Расул ﷺ бир масалага фақат битта қози тайинлаганлар. Бундан ташқари, қозилик ҳукми айтиш ва уни мажбурият қилиб юклашдир. Мусулмон учун эса ҳукм фақат битта бўлади. У Аллоҳ Таолонинг ҳукмидир. Аллоҳ Таолонинг ҳукми эса фақат битта бўлади. Тўғри, уни ҳар хил тушуниш мумкин. Лекин амал қилиш жиҳатидан бу ҳукм фақат битта бўлади. Қози ҳукми айтиб, уни мажбурият қилиб юклаган пайтида мана шу айтилган ҳукм битта бўлиб қолиши вожиб. Негаки, у моҳият эътибори билан Аллоҳ Таолонинг ҳукмига амал қилишдир. Аллоҳ Таолонинг ҳукми эса - гарчи уни ҳар хил тушуниш мумкин бўлса-да, амал қилиш ҳолатида фақат битта бўлади. Шунинг учун бир масалада, яъни бир маҳкамада фақат битта қози бўлиши лозим. Аммо битта шахару, лекин битта

жойдаги икки алоҳида маҳкамада ҳамма масалалар борасида ҳар бирига алоҳида бир қози қозилик қилиши жоиз. Негаки, қозилик халифадан ноибликдир, вакилликдир. Ваколатлар, вакиллар бир нечта бўлиши мумкин бўлгани каби битта жойдаги қозилар ҳам бир нечта бўлишлари мумкин. Жанжаллашувчи икки томон бир жойда икки қозидан бирини танлаш тўғрисида тортишиб қолган пайтда, улардан қайси бири қозилик қилиши даъвогар томоннинг хоҳишига қараб бўлади. Чунки даъвогар ҳақни талаб қилувчидир. Шунга кўра, бу борада унинг гапи ҳақ талаб қилинаётган томондан кўра кўпроқ инobatга олинади.

Қози фақат қозихонадагина, қозилик мажлисидагина қозилик қилиши мумкин. Қозилик мажлисидан бошқа жойдаги ҳужжат ҳам, қасам ҳам инobatга олинмайди. Абдуллоҳ ибн Зубайрдан шундай ривоят қилинади:

«**فَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنَّ الْخَصْمَيْنِ يَفْعَدَانِ بَيْنَ يَدَيْ الْحَاكِمِ**»

«Расул ﷺ даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ҳокимнинг олдида ўтиришлари керак, деб ҳукм қилдилар». Бу ҳадисни Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган. Унда қозилик ижро этиладиган ҳайъат баён қилинган. Бу ҳайъат моҳиятан шаръий ҳайъатдир. Яъни, қозиликни ижро этиш учун муайян ҳайъатнинг бўлиши, бошқачароқ қилиб айтганда, даъвогар билан жавобгарнинг қозилик мажлисида - ҳоким олдида ўтиришлари шарт. Шундагина қозилик саҳиҳ, тўғри бўлади. Пайғамбар ﷺнинг Али ؓга:

«**إِذَا جَلَسَ إِلَيْكَ الْخَصْمَانِ، فَلَا تَكَلِّمْ حَتَّى تَسْمَعَ مِنَ الْآخِرِ كَمَا سَمِعْتَ مِنَ الْأَوَّلِ**»

«Агар икки даъволашувчи олдинга келиб ўтиришса, биринчининг гапини қандай тинглаган бўлсанг, иккинчининг ҳам гапини ўшандай тингламай туриб, гапирма (яъни, ҳукм чиқариб юборма)», деган гаплари ҳам шуни таъкидлайди. Айни пайтда **«Икки даъволашувчи олдинга келиб ўтиришса...»**, деган гап муайян ҳайъатни ифодалайди. Демак, қозилик қилиш учун қозилик мажлиси бўлиши шарт. Қозилик мажлиси қасам эътиборга олиниши учун ҳам шарт. Пайғамбар ﷺ:

«**الْيَمِينُ عَلَى الْمُدَّعَى عَلَيْهِ**»

«Даъво қилинувчи қасам ичиши лозим», деганлар. Бу ҳадисни Бухорий ибн Аббос йўлидан ривоят қилган. Бу сифат, яъни даъво қилинаётган одамнинг қасам ичиши фақат қозилик

мажлисидагина бўлади. Шунингдек, ҳужжат ҳам фақат қозилик мажлисида эътиборга олинади. Бунга далил Пайғамбар ﷺнинг:

«... وَلَكِنَّ الْبَيِّنَةَ عَلَى الْمُدْعَى، وَالْيَمِينُ عَلَى مَنْ أَنْكَرَ»

«... Лекин ҳужжат келтириш даъвогарга, қасам ичиш эса уни инкор қилганга вожибдир», деган сўзларидир. Бу ҳадисни Байҳақий ривоят қилган. Даъво қилувчининг ҳужжат келтириш сифати ҳам фақат қозилик мажлисидагина бўлади.

Масалаларга қараб маҳкамаларнинг даражалари турлича бўлиши мумкин. Айрим қозилар муайян турдаги масалаларга хослаштирилиши, бошқа масалалар эса бошқа маҳкамаларга топширилиши жоиз.

Негаки қозилик халифадан ноибликдир. Бу иш билан ваколат бир хил ишдир. Уларнинг ўртасида фарқ йўқ. Чунки бу иш ҳам ваколатга киради. Ваколат эса умумий бўлиши ҳам, хусусий бўлиши ҳам, яъни чекланган бўлиши ҳам, чекланмаган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун, гарчи бир жойда бўлса ҳам, муайян бир масала юзасидан бир қози, бошқа масалаларга эса бошқа қози тайинланиши мумкин. Турли даражадаги маҳкамалар бўлиши жоизлиги ҳам мана шундан келиб чиқади. Дастлабки даврлардаги мусулмонларда шундай бўлган. Мовардий ўзининг «ал-Аҳкам ас-Султонийя» номли асарида шундай дейди: **«Абу Абдуллоҳ Зубайрий айтадики, амирлар бизда Басрада бир муддат бўлган пайтларида ҳар доим жомеъ масжидига бир қози тайинлардилар. Уни масжид қозиси, деб номлардилар. У йигирма динор ёки икки юз дирҳам ва ундан оз миқдордаги ишларни кўриб чиқар ва нафақаларни белгилар эди. Ўз жойидан ва ўзига белгиланган нарсадан бошқасига ўтмасди».** Расул ﷺ бир масала юзасидан қозилик қилиш учун Амр ибн Осни, бутун бир вилоятга - Яманга қозилик қилиши учун эса Али ибн Абу Толибни ўзларидан ноиб этиб тайинлаганлар. Шундан кўриниб турибдики, қозиликни хусусий қилиш ҳам, умумий қилиш ҳам, яъни чеклаш ҳам, чекламаслик ҳам мумкин.

Апелляция ва кассация маҳкамалари бўлмайди. Чунки масала юзасидан чиқарилган ҳукм даражаси битта қатъий ҳукмдир. Демак, қози ҳукмни айтдимиз, тамом, у албатта ижро этилади. Унинг ҳукмини бошқа бир қозининг ҳукми бекор қилолмайди. **«Ижтиҳод ўзига ухшаган яна бир ижтиҳод билан бекор қилинмайди»,** деган шаръий қоида бор. Демак, бирон мужтаҳид бошқа бир мужтаҳидга қарши ҳужжат бўлолмайди. Шунинг учун

бир маҳқама чиқарган ҳукми бекор қиладиган бошқа бир маҳқама бўлиши мумкин эмас.

Лекин агар қози Исломий шариат ҳукмлари билан ҳукм чиқармасдан, куфр ҳукмлари билан ҳукм чиқарса ёки Китоб, суннат ва саҳобалар ижмосидаги қатъий ҳужжатга зид ҳукм чиқарса ва ё воқе моҳиятига тўғри келмайдиган ҳукм чиқарса, масалан, бир одамни қасддан қотиллик содир этган, дея унинг устидан қасос ҳукмини чиқариб юборса, ортидан эса ҳақиқий қотил топилиб қолса, шу ва шу каби ҳолатларда қозининг ҳукми бекор қилинади. Зеро, Расул ﷺ:

«مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ»

«**Кимки бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган ишни пайдо қилса, у рад этилур**», деганлар. Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Оиша ﷺ йўлидан ривоят қилганлар. Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилади:

«أَنَّ رَجُلًا زَنَى بِامْرَأَةٍ، فَأَمَرَ بِهِ النَّبِيُّ ﷺ فِجْلِدَ. ثُمَّ أُخْبِرَ أَنَّهُ مُحْصَنٌ فَأَمَرَ بِهِ فَرَجِمَ»

«**Бир киши бир аёл билан зино қилди. Набий ﷺ буюрдилар ва унга дарра урилди. Кейин унинг уйланганлигининг хабари берилди. Бас, у зот буюрдилар ва у тошбўрон қилинди**». Молик ибн Анас ривоят қилади:

«بَلَّغَنِي أَنَّ عَثْمَانَ ﷺ أَتَى بِامْرَأَةٍ وَوَلَدَتْ مِنْ سِتَّةِ أَشْهُرٍ فَأَمَرَ بِرَجْمِهَا. فَقَالَ لَهُ عَلِيٌّ: مَا عَلَيْهَا رَجْمٌ، لَأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى يَقُولُ: ﴿وَحَمْلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا﴾ وَيَقُولُ: ﴿وَالْوَالِدَاتُ يُرْضَعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُنَمَّ الرِّضَاعَةَ﴾ فَالْحَمْلُ يَكُونُ سِتَّةَ أَشْهُرٍ، فَلَا رَجْمَ عَلَيْهَا. فَأَمَرَ عَثْمَانَ بِرَدِّهَا»

«**Менга етиб келган хабарга кўра, Усмон ﷺ нинг олдига олти ойда туғиб қўйган бир аёлни олиб келишди. Усмон уни тошбўрон қилишга буюрди. Шунда унга Али, унга нисбатан тошбўрон қилиш ҳукми чиқарилмайди, негаки Аллоҳ Таоло: «Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир» [46:15] ва «Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир», [2:233] деган, демак, ҳомиладорлик олти ой бўлиши мумкин, шунинг учун у тошбўрон қилинмайди, деди. Бу гапни эшитган Усмон аёлни қайтаришга буюрди**». Абдуэрраззоқ имом Саврийдан хабар бериб, шундай дейди: «Агар

қози Аллоҳнинг Китоби ёки Расул ﷺнинг суннатлари ва ё саҳобалар ижмосига зид ҳукм чиқарса, кейинги қози унинг ҳукмини рад этади».

Ҳукмларни бекор қилиш салоҳияти мазолим қозисига берилади.

Муҳтасиб

Муҳтасиб (назоратчи) омма ҳуқуқларига алоқадор ҳамма масалаларни кўриб чиқувчи қозидир. У ҳадлар, жинойтлар доирасига кирмаганлиги учун бу ишда даъвогар бўлмайди.

Назоратчи қозининг таърифи - мана шу. У устма-уст тахлаб қўйиладиган қуруқ таом ҳақидаги ҳадисдан олинган. Чунки Пайғамбар ﷺ таом орасида намлик борлигини билганларидан кейин уни таомларнинг тепа қисмига қўйишни буюрдилар. Токи, одамлар уни кўрсинлар. Бу ерда Пайғамбар ﷺ омма ҳаққига қарадилар. Хиёнат бўлиб қолмаслиги учун нам таомни таомларнинг энг тепасига қўйишни буюрдилар. Бу ҳадис шу борадаги ҳамма ҳақларга тааллуқлидир. Аммо у ҳадлар ва жинойтларга тегишли эмас. Негаки, улар аслида одамлар ўртасидаги даъволашувлардир.

Муҳтасиб салоҳиятлари

Муҳтасиб қонунбузарлик содир этилганини билгани заҳоти дуч келган жойда ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Унинг учун қозилик мажлиси бўлиши шарт эмас. У чиқарган ҳукму фармонларни ижро этишлари учун унинг қўл остида бир неча шурта (полициячи)лар бўлади.

Муҳтасиб даъвони кўриб чиқиши учун қозилик мажлиси бўлиши шарт эмас. У қонунбузарлик содир этилгани заҳоти ўз ҳукмини чиқараверади. У дуч келган жойда ва дуч келган вақтда ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Бозордами, уйдаи, машинадами, отдами, кечасими, кундузими, фарқи йўқ. Негаки, қозилик мажлиси бўлиши шартлигини кўрсатувчи далил муҳтасибга тушмайди. Қозилик мажлиси бўлиши шартлигини кўрсатувчи ҳадисда **«Икки жанжал қилувчи ҳокимнинг олдида ўтирадилар»**, дейилган. Яна бир ҳадисда эса **«Икки даъвогар сенинг олдинга келиб ўтиришганда...»**, дейилган. Назорат қозисида эса бундай ҳолат юз бермайди. Чунки унда даъвогар ва даъво қилинувчи бўлмайди. Аксинча, унда омма ҳаққига тажовуз қилиш ёки шариатга хилоф иш тутиш ҳолати бор, холос. Пайғамбар ﷺ устма-уст тахлаб қўйиладиган қуруқ таомни

бозордан ўтиб бораётганларида кўриб қолганлар. У сотиш учун қўйилган эди. Таом эгасига нисбатан даъво қилинмади. Шариятга хилофликни кўрганлари заҳоти ўша жойнинг ўзида ўз ҳукмларини айтдилар. Бу нарса назорат қозичилигида қозилик мажлиси шарт эмаслигини кўрсатади.

Муҳтасиб ўздан ноиблар тайинлаш ҳуқуқига ҳам эга. Бунда ноиблик шартлари топилиши шарт, албатта. Уларни турли тарафларга тақсимлайди ва улар ўзлари тайинланган минтақада муҳтасиблик вазифасини бажариш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бу иш муҳтасибга ўздан ноиб тайинлаш ҳуқуқи берилгани ёки берилмаганига боғлиқ ишдир. Агар унга ўздан ноиб тайинлаш ҳуқуқи берилмаган бўлса, ўздан ноиб тайинлаш салоҳиятига эга бўлмайди.

Мазолим қозиси

Мазолим (шикоятлар) қозиси давлат томонидан шу давлат салтанати остида яшаётган фуқаро ёки фуқаро бўлмаган шахсга нисбатан қилинган ноҳақликни бартараф этиш учун тайинланади. Бу ноҳақлик халифа томонидан бўладими ёки бирор ҳоким ё бирор амалдор томонидан бўладими, фарқи йўқ.

Мазолим қозисининг таърифи - мана шу. Бунга асос шуки, Пайғамбар ﷺ ҳокимнинг фуқаро устидан ҳукм чиқаришда ноҳақ йўлдан боришини мазлима, яъни ноҳақлик, деб белгилаганлар. Анас ривоят қилади: Пайғамбар ﷺнинг даврларида нарх кўтарилиб кетиб, саҳобалар, эй Аллоҳнинг Пайғамбари, нарх белгилаб қўйсангиз, яхши бўларди, дейишди. Шунда Пайғамбар ﷺ:

«إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْخَالِقُ الْقَابِضُ الْبَاسِطُ الرَّازِقُ الْمُسَعِّرُ، وَإِنِّي لَأَرْجُو أَنْ أَلْقَى اللَّهَ وَلَا يَطْلُبُنِي أَحَدٌ بِمَظْلَمَةٍ ظَلَمْتُهَا إِيَّاهُ فِي دَمٍ وَلَا مَالٍ»

«Яратувчи, (ризқни) оз берувчи ҳам, кенг қилиб берувчи ҳам, ризқ берувчи ҳам, нарх белгиловчи ҳам Аллоҳдир, мен Аллоҳга мендан биронта одам хун борасида ҳам, мол борасида ҳам шикоят қилмагани ҳолда йулиқишни умид қиламан», дедилар. Бу ҳадисни Аҳмад ривоят қилган. Ҳадисда Пайғамбар ﷺ нарх белгилашни ноҳақлик, деб билиптилар. Чунки шу ишни қилсалар, ўзларининг ҳақлари бўлмаган ишни қилган бўлишларини айтяптилар. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ одамларнинг давлат тартибга соладиган умумий ҳуқуқларига алоқадор масалаларни ҳам мазолим қозиси кўриб чиқадиган масалалар жумласидан қилдилар. Масалан, одамлар манфаати учун давлат

томонидан бир тартиб жорий қилинса ва бу тартибни қайсидир шахс ўзига нисбатан ноҳақлик, деб билса, бу иш мазолим қозиси томонидан кўриб чиқилади. Чунки у давлат томонидан жорий қилинган тартибнинг бир фуқарога нисбатан қилган ноҳақлиги ҳисобланади. Масалан, экинни давлат жорий қилган навбат билан суғориш.

Бунга далил бир ансорийнинг навбат билан суғориш борасида давлат жорий қилган тартибдан шикоят қилганидир. Яъни, давлат сув кимнинг экинидан биринчи оқиб ўтса, ўша олдин суғоради, деб тартиб белгилаган. Ансорий эса Зубайр ўз экинни суғормасдан сувни ўтказиб юборишини талаб қилган. (Сув олдин Зубайрнинг еридан ўтган). Зубайр бош тортган. Масала Пайғамбар ﷺ га кўтарилди. У зот олдин Зубайр ўз ерини енгилгина суғориб, қолган сувни ўтказиб юборишга ҳукм қилдилар. (Яъни, ансорийга ёрдам бериш учун Зубайр ўз навбатидан тўла фойдаланмаслиги керак бўлган). Ансорий бу ҳукмга рози бўлмаган, Зубайр суғормасидан олдин сув унинг ерига ўтказилишини хоҳлаган ва Пайғамбар ﷺ га, Зубайр аммангизнинг ўғли бўлгани учун шундай ҳукм чиқардингиз, деган. (Пайғамбар ﷺ ҳақида бундай дейиш жуда оғир гап бўлган. Лекин Пайғамбар ﷺ уни Бадрда иштирок этгани учун кечириб юбордилар. Бухорий ривоятида шундай дейилган).

Ана шунда Пайғамбар ﷺ Зубайр ўзининг тўла ҳаққини олишига, яъни ўз ерини деворнинг, дарахтнинг остига етиб боргунига қадар суғоришига ҳукм қилганлар. Олимлар бу гапни сувнинг ердан оёқни кўмадиган даражада кўтарилиши, деб тафсир қилишган. Бу ҳадисни тўлалигича Муслим Урва ибн Зубайр йўлидан мана бундай ривоят қилган: «Абдуллоҳ ибн Зубайр сўзлаб беришича, бир ансорий Зубайр билан Пайғамбар ﷺ нинг ҳузурларида Ҳарра ўзани борасида даъволашибди. Хурмо дарахтларини суғорадиган сув мана шу Ҳарра ўзанидан оқиб келган. Ансорий, сувни қўйиб юбор, деди. Зубайр бунга кўнмади. Шунда иккови Пайғамбар ﷺ нинг ҳузурларига жанжаллашиб келишди. Пайғамбар ﷺ,

«اسْقِ يَا زُبَيْرُ ثُمَّ ارْسِلِ الْمَاءَ إِلَى جَارِكَ»

«Эй Зубайр, олдин ўзинг суғоргин-да, кейин сувни қўшнингга юбор», дедилар. Бундан ансорий газабланиб: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, бу одам аммангизнинг ўғлида-а», деди. Бу гапдан Пайғамбар ﷺ нинг юзлари бошқача бўлиб кетди ва:

«يَا زُبَيْرُ اسْقِ ثُمَّ احْبِسِ الْمَاءَ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَى الْجَدْرِ»

«Эй Зубайр, суғор, кейин сувни то деворга етиб қайтгунига қадар ушлаб тур», дедилар. Зубайр айтадики, Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳ Таолонинг:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا﴾

– „Иўқ, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“, [4:65]

деган ояти мана шу ҳодиса ҳақида нозил бўлган, деб ҳисоблайман. (Ҳарра ўзанидан мурод сув оқиб келадиган жойдир. Ҳарра Мадинадаги машҳур жойнинг номи. Унга ўзан сўзи изофа қилиниши ундан сув оқиб келишига ишорадир. Абу Убайд айтадики, Мадинада ёмғир суви оқадиган икки водий бўлиб, одамлар уни талашардилар. Шунда Пайғамбар ﷺ олдин энг юқоридаги, кейин ундан пастроқдаги, кейин яна пастроқдаги ва ҳоказо, деб ҳукм чиқарганлар. Яъни, ўзан кимнинг еридан олдин ўтса, ўша олдин суғорадиган бўлган).

Шунга кўра, ҳоким томониданми, давлат ташкилотлари томониданми, қайсидир бир шахсга нисбатан ноҳақлик қилинса, бу иш халифага ёки у ўзидан ноиб қилиб тайинлаган мазолим қозиларига кўтарилади.

Мазолим қозиларини ишга тайинлаш ва ишдан олиш

Мазолим қозиси халифа ёки қозилар қозиси томонидан тайинланади. Негаки, шикоятлар қозилик ишларидандир. Қозилик эса шаръий ҳукмни айтиш ва уни мажбурият қилиб юклашдир. Қайси турдаги бўлишидан қатъий назар, ҳар бир қозини халифа тайин қилади. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳамма турдаги қозиларни Пайғамбар ﷺнинг ўзлари тайин қилганлар. Агар халифа қозилар қозисини тайинлашда унга мазолим қозисини тайинлаш ҳуқуқини берган бўлса, бу лавозимга қозилар қозиси ҳам одам тайинлаши мумкин. Давлат марказидаги асосий мазолим маҳкамасининг иши халифа, вазирлар, қозилар қозиси тарафидан бўлган ноҳақликларни кўриб чиқиш билан чекланиши мумкин. Мазолим маҳкамасининг вилоятлардаги бўлимлари волийлар ва

бошқа давлат амалдорлари томонидан содир этилган ноҳақликлар билан шуғулланади. Халифа марказий мазолим маҳкамасига вилоятлардаги шу маҳкамага тобе бўлган бўлимлардаги қозиларни ишга тайинлаш ва ишдан олиш ҳуқуқини бериши мумкин.

Давлат марказидаги бош мазолим маҳкамаси аъзоларини халифанинг ўзи тайинлайди ва ишдан бўшатади. Марказий мазолим маҳкамаси бошлиғини, яъни халифани бўшатиш масаласини кўриб чиқадиган қозини ишдан бўшатиш масаласига келсак, аслида халифанинг уни ишга тайинлашга ҳаққи бўлгани каби ишдан бўшатишга ҳам ҳаққи бор. Лекин шундай вазият туғилиб қолиши мумкинки, агар марказий мазолим қозисини ишдан олиш ҳуқуқи халифага берилса, бу ишнинг ҳаромга олиб бориб қўйиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Шаръий қоидада эса «Ҳаромга олиб борадиган восита ҳам ҳаромдир», дейилган. Шундай бўлишининг эҳтимоли кўпроқликнинг ўзи шу қоида ишлатишга кифоя қилади.

Бундай ҳолатда, яъни халифанинг ўзига ёки вазирларга ё қозилар қозисига (агар халифа унга мазолим қозисини ишга тайинлаш ва ишдан олиш салоҳиятини берган бўлса) қарши иш қўзғатилганда мазолим қозисини ишдан олиш салоҳиятининг халифа қўлида қолиши мазолим қозисининг ҳукм чиқаришига таъсир қилиши, имкониятини чеклаб қўйиши, натижада у халифанинг ўзини ёки ноибларидан бирини ишдан бўшатомай қолиши мумкин. Шу эътибор билан бундай пайтда ишдан бўшатиш салоҳияти ҳаромга олиб борувчи воситага айланиб, унинг халифа қўлида қолиши ҳаромдир.

Бошқа ҳолатларда эса ҳукм ўз ҳолича қолади. Яъни, мазолим қозисини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқи халифада қолади.

Мазолим қозилигининг салоҳиятлари

Мазолим маҳкамаси давлат жиҳозидаги бирор шахс томонидан содир этилган ноҳақлик, халифанинг бирон шаръий ҳукмга зид иш қилгани, халифа қабул қилган дустур ёки қонуннинг бирон бандидаги хато, одамларнинг манфаатлари, солиқ ва бошқа соҳаларга доир идорий қонунлардаги бирон ноҳақлик каби ишлар билан шуғулланиш салоҳиятига эга бўлади.

Давлат жиҳозидаги бирон шахснинг иши бўладими, халифанинг бирон шаръий ҳукмга зид иш қилгани бўладими, у қабул қилган дустур ёки қонундаги хатолик бўладими, солиққа доир иш бўладими, давлатнинг фуқаро ҳуқуқига нисбатан зўравонлик

қилиши бўладими, мажбурлаб солиқ солиши бўладими, қўшин ёки хизматчиларнинг маоши камлиги бўладими, маошнинг вақтида берилмаслиги бўладими, ҳар қандай шикоятни кўриб чиқишда мазолим қозилиги учун қозилик мажлисининг, даъвогар ва жавобгарнинг бўлиши шарт эмас. Ҳеч ким даъво қилмаса ҳам у ноҳақликни ўзи кўриб чиқиши мумкин.

Негаки, юқорида айтиб ўтилган қозилик мажлиси бўлиши шарт эканлиги тўғрисидаги далил мазолим қозилигига тўғри келмайди. Чунки бу ишда даъвогарнинг ҳам, жавобгарнинг ҳам қатнашиши шарт эмас. Иш даъвогарсиз ҳам, жавобгарсиз ҳам кўрилаверади. Шунга кўра мазолим қозилигида қозилик мажлисининг бўлиши шарт қилинмайди. Абу Довуд ва Аҳмад Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қиладилар:

«**فَضَى رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنَّ الْخَصْمَيْنِ يَفْعَدَانِ بَيْنَ يَدَيْ الْحَاكِمِ**»

«Расул ﷺ даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ҳокимнинг олдида утиришлари керак, деб ҳукм қилдилар». Пайғамбар ﷺ Али га:

«**إِذَا جَلَسَ إِلَيْكَ الْخَصْمَانِ**»

«Даъвогар билан жавобгар олдинга келиб утиришганида...», деганлар. Шунга биноан мазолим қозилиги замон, макон, қозилик мажлиси каби шартларсиз ҳам ишни кўриб чиқаверади. Фақат бу маҳкаманинг салоҳиятлари жиҳатидан тутган мақоми эътибори билан унинг обрўси ва ҳайбатини ошириш учун жой танланилиши мумкин. Масалан, султонлар замонида Миср ва Шомда шикоятлар кўриб чиқиладиган султон мажлиси бўлган. Уни **«Дорул-адл»**, яъни адолат ошени, деб аташган. Бу ишга ноиблар, қозилар, фақиҳлар қатнашган. Мақризий «ас-Сулуқ ила маърифати дувалил-мулуқ» китобида айтишича, солиҳ подшоҳ, султон Айюб «Дорул-адл»да шикоятларни кўриб чиқишлари учун ўзидан ноиблар тайинлаган. Улар билан бирга гувоҳлар, қозилар ва фақиҳлар ҳам бўлишган. Мазолим маҳкамаси учун бир муҳташам бино қурилса ҳечқиси йўқ. Чунки бу иш мубоҳ амаллардандир. Қолаверса, у адолатнинг буюклигини намоиш қилиб туради.

Хилофат барпо бўлишидан олдинги битимлар, муносабатлар ва ҳукмлар

Хилофат барпо бўлишидан олдинги битимлар, муносабатлар ва ҳукмлар саҳиҳ ҳисобланиб, уларни Хилофат бекор қилмайди,

уларни қайта қўзғаб ўтирмайди. Хилофат барпо бўлганидан кейин улар ҳақидаги даъволар қабул қилинмайди.

Фақат икки ҳолат бундан истисно қилинади:

1. Агар тузилган ва ижро этиб бўлинган битим давомли тарзда Исломга зид бўлган натижаларни бериб турса;

2. Агар масала Ислом ва мусулмонларга озор берганларга алоқадор бўлса.

Шу икки ҳолатдан бошқа Хилофат барпо бўлишидан олдин тузилган битимлар, чиқарилган ҳукмлар ва йўлга қўйилган муносабатлар ўз кучида қолади. Негаки, Пайғамбар ﷺ жоҳилиятдаги муносабатлар, битимлар ва ҳукмларни Ислом давлати барпо бўлганидан кейин бекор қилмадилар. Пайғамбар ﷺ фатҳдан кейин ўз юртларига қайтмадилар. У зотнинг қариндошларига қарашли бўлган ҳовли-жойларни ўша пайтдаги Қурайш қонунлари бўйича Ақил ибн Абу Толиб мерос қилиб олган, ишлатган ва сотиб юборган эди. Улар орасида Пайғамбар ﷺнинг ҳовлилари ҳам бўлган. Ўшанда Пайғамбар ﷺдан, қайси ҳовлингизга тушасиз, деб сўрашганида, у зот,

«وَهَل تَرَكَ لَنَا عَقِيلٌ مِنْ رِبَاعٍ»

«**Ақил бизга япайдиган жой қолдирибдими?**», деб жавоб берганлар. Яна бир ривоятда,

«وَهَل تَرَكَ لَنَا عَقِيلٌ مِنْ مَنْزِلٍ»

«**Ақил бизга уй қолдирибдими?**», деганлар. Чунки у Пайғамбар ﷺнинг ҳовлиларини сотиб юборганди. Пайғамбар ﷺ бу савдо битимини бекор қилмадилар. Бухорий Усома ибн Зайд йўлидан чиқарган ҳадисда мана бундай дейилган: «У фатҳ пайтида: Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, эртага қаерга қўнаси? - деб сўради. Пайғамбар ﷺ,

«وَهَل تَرَكَ لَنَا عَقِيلٌ مِنْ مَنْزِلٍ؟»

«**Ақил бизга уй қолдирибдими?!**» - дедилар». Шунингдек, ворид бўлишича, Абу Ос ибн Робий мусулмон бўлиб, Мадинага ҳижрат қилгач, (унинг аёли Пайғамбар ﷺнинг қизлари Зайнаб бўлиб, эри мушрик ҳолида Маккада қолиб, ўзи Бадрдан кейин ҳижрат қилганди), Пайғамбар ﷺ унга хотини Зайнабни никоҳ битимини янгиламасдан қайтариб бердилар. Бу билан жоҳилиятда қилинган никоҳни тан олдилар. Ибн Можжа ибн Аббос йўлидан чиқарган ҳадисда шундай дейилган:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ رَدَّ ابْنَتَهُ - أَيَّ زَيْنَبَ - عَلَى أَبِي الْعَاصِ بْنِ الرَّبِيعِ بَعْدَ سَتِّينَ
بِنِكَاحِهَا الْأَوَّلِ»

«Расул ﷺ қизларини, яъни Зайнабни икки йилдан кейин биринчи никоҳининг ўзи билан Абу Ос ибн Робиъга қайтариб бердилар». Бу иш Абу Ос мусулмон бўлганидан кейин юз берди.

Энди Исломга давомли тарзда зид натижа берадиган битим борасида қайтадан иш қўзғатилишига келсак, Пайғамбар ﷺ Ислом давлати бўлганидан кейин одамлар устида қолган рибони бекор қилдилар. Уларга сармоялари ўзларига бўлишини белгиладилар. Абу Довуд Сулаймон ибн Амрдан, у отасидан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ видолашув ҳажидида шундай деган эканлар:

«أَلَا إِنَّ كُلَّ رِبَاٍّ مِنْ رَبَا الْجَاهِلِيَّةِ مَوْضُوعٌ لَكُمْ رُؤُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلُمُونَ وَلَا
تُظْلَمُونَ»

«Огоҳ булингларки, жоҳилият рибосидан бўлган ҳар қандай рибо бекор қилинди. Сармояларингиз ўзларингизники. Зулм қилмайсизлар ҳам, зулм қилинмайсизлар ҳам».

Шунингдек, саҳобалар жоҳилият қонунига кўра, тўрттадан ортиқ хотинга ҳам уйланган эдилар. Ислом давлати вужудга келгач, фақат тўртта хотиннигина олиб қолиш вожиб қилинди. Термизий Абдуллоҳ ибн Умар йўлидан ривоят қилишича, Гийлон ибн Салама Сақафий мусулмон бўлган пайтида унинг ўнта хотини бор эди. Улар ҳам Гийлонга қўшилиб мусулмон бўлишди.

«فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ يَتَخَيَّرَ أَرْبَعًا مِنْهُنَّ»

«Шунда Пайғамбар ﷺ унга хотинларидан тўрттасини танлаб олишни буюрдилар».

Шунга биноан Исломга давомли зид таъсир қиладиган битимлар борасидаги гап шуки, Халифалик давлати бўлиши билан бу зид таъсирлар бартараф этилади. Зотан, шундай қилиш вожибдир.

Масалан, муслима аёл Исломдан олдин насронийга эрга теккан бўлса, Хилофат барпо бўлганидан кейин шариат ҳукмларига биноан бу никоҳ битими бекор қилинади.

Энди Ислом ва мусулмонларга озор берганларга алоқадор ишларни қайта қўзғатишга келсак, Расул ﷺ Макка фатҳ этилгач, жоҳилият пайтида Ислом ва мусулмонларга озор берган бир неча

кофирларнинг - ҳатто Каъба пардаларига осилиб олишса ҳам - қонини тўкишга буюрдилар. Ҳолбуки, Расул ﷺнинг ўзлари,

«الْإِسْلَامُ يَجِبُ مَا قَبْلَهُ»

«Ислом ўзидан олдинги ишларни кесади (яъни, кечиради)», деганлар. Бу ҳадисни Аҳмад ва Табароний Амр ибн Осдан ривоят қилганлар. Яъни, Ислом ва мусулмонларга озор берган кимсалар бу ҳадисдан мустаснодир.

Пайғамбар ﷺ улардан айримларини кечириб ҳам юбордилар. Масалан, Икрима ибн Абу Жаҳлни афв этдилар. Шунинг учун халифа уларга қарши иш қўзғатиши ҳам ёки уларни кечириб юбориши ҳам мумкин. Бу иш мусулмонлар ҳақ гапни гапирганлари учун уларга озор берганлар ва Исломни айблаганларга тааллуқлидир. Уларга **«Ислом ўзидан олдинги ишларни кесади (яъни, кечиради)»** ҳадиси татбиқ этилмайди. Улар бу ҳадисдан истисно қилинадилар. Уларга қарши халифанинг раъйига қараб иш қўзғатилади.

Бу икки ҳолатдан бошқа битимлар, муносабатлар ва ҳукмлар эса, модомики тузилиб, ижро этилиб бўлган экан, ўз кучида қолади.

Масалан, бир киши мактаб эшикларини синдиришда айбланиб, икки йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва Хилофат барпо бўлгунига қадар бу жазони ўтаб бўлган бўлса, Халифалик барпо бўлганидан кейин мен ноҳақ қамалганман, деб қамаганлар устидан даъво қилса, унинг бу даъвоси қабул қилинмайди. Чунки масала устидан ҳукм қилиниб ва у ижро этилиб бўлган. Энди бу ёғи Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола қилинади.

Лекин агар бир киши ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва эндигина икки йиллик жазосини ўтаган пайтида Хилофат барпо бўлган бўлса, халифа бу ишни кўриб чиқиб ундан жазони бутунлай олиб ташлаши, натижада оқланиб қамоқдан чиқиб кетиши ҳам ёки халифа шу ўтаган жазо муддати етарли, деган эътибор билан уни озод қилиши ҳам ва ё унинг иши фуқарога манфаатли бўлган, айниқса шахслар ҳуқуқларига доир бўлган шаръий ҳукмлар асосида қайтадан ўрганиб чиқилиши ҳам мумкин.

Ўнинчи: Идорий жиҳоз (одамлар манфаатлари)

Давлат ишларини ва одамлар манфаатларини бошқариш шу соҳа билан шуғулланувчи бошқармалар, бўлимлар ва идораларнинг ишидир. Ҳар бир бошқарма, ҳар бир идора, ҳар бир бўлимга уларни бошқарадиган ва улар ҳақида бевосита масъул бўладиган мудир тайинланади, улар шу бошқарма, бўлим ва идора ишларига иш жиҳатидан бош бошқарма, юқори бўлим ва юқори идора олдида, бўйсунуш жиҳатидан эса волий ва омил олдида масъулдирлар.

Расул ﷺ одамларнинг манфаатларига доир ишларни бошқариш учун котиблар тайинлардилар. Пайғамбар ﷺ Мадинада одамларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ишларини бошқариш, муаммоларини ҳал этиш, эҳтиёжларини қондириш каби ишлар билан шуғулланардилар. Бундай идорий ишлар уларнинг муаммоларсиз, чигалликларсиз ҳаёт кечиришларига имконият яратиб берарди.

Масалан, таълим соҳасида Пайғамбар ﷺ кофир асирларнинг фидясини (асир озод бўлиш учун тўлайдиган тўловни) ўнта мусулмон фарзандига таълим бериш билан белгиладилар. Аслида фидя ўлжа, яъни мусулмонларнинг мулки ҳисобланади. Демак, таълим мусулмонлар манфаатларининг бир бўлаги, деб эътибор қилинган.

Табобат хусусида тўхталадиган бўлсак, Пайғамбар ﷺга бир табибни ҳадя қилишган. Пайғамбар ﷺ эса уни ҳамма мусулмонларга қарашли қилиб қўйганлар. Пайғамбар ﷺнинг ўзларига келган ҳадяни олмасдан, ҳамма мусулмонларга бериб юборишлари табобат мусулмонлар манфаатларининг бир бўлаги эканлигига далолатдир.

Иш борасида эса Пайғамбар ﷺ бир кишини тиланчилик қилиш ўрнига болта билан арқон сотиб олиб, ўтин қилиб сот ва шу йўл билан тирикчилик ўтказ, деб кўрсатма берганлар. Бу нарса иш билан таъминлаш ҳам мусулмонлар манфаатларидан бири эканини кўрсатади. Аҳмад ва Термизий ривоят қилган ва ҳасан, деган ҳадисда шундай дейилган:

«أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَنْصَارِ أَتَى النَّبِيَّ ﷺ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: أَمَا فِي بَيْتِكَ شَيْءٌ؟ قَالَ: بَلَى... قَالَ: أَنْتَنِي بِهِمَا، فَأَتَاهُ بِهِمَا، فَأَخَذَهُمَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِيَدِهِ فَقَالَ: مَنْ يَشْتَرِي هَذَيْنِ؟»

... قَالَ رَجُلٌ: أَنَا آخِذُهُمَا بِدِرْهَمَيْنِ, فَأَعْطَاهُمَا إِيَّاهُ وَأَخَذَ الدَّرْهَمَيْنِ, فَأَعْطَاهُمَا
 الْأَنْصَارِيَّ وَقَالَ: اشْتَرِ بِأَحَدِهِمَا فَابْنِذْهُ إِلَى أَهْلِكَ, وَاشْتَرِ بِالْآخَرِ قَدُومًا فَاتْنِي بِهِ,
 فَشَدَّ فِيهِ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عُوْدًا بِيَدِهِ ثُمَّ قَالَ: اذْهَبْ وَاحْتَطِّبْ وَبِعْ, فَلَا أَرِيَنَّكَ خَمْسَةَ
 عَشَرَ يَوْمًا, فَفَعَلَ فَجَاءَ وَقَدْ أَصَابَ عَشْرَةَ دَرَاهِمَ ...»

«Ансорлардан бир киши Пайгамбар ﷺнинг олдиларига келиб, бир нарса беришни сўради. Пайгамбар ﷺ ундан, уйингда ҳеч нарса йўқми, деб сўрадилар. У, бор, деди. ... Пайгамбар ﷺ ўша икки нарсани олиб кел, дедилар. У нарсаларни олиб келди. Пайгамбар ﷺ у икки нарсани қўлларида ушлаб туриб, шуларни ким сотиб олади? - дедилар. Бир киши, мен уларни икки дирҳамга оламан, деди. Унга нарсаларни бериб, икки дирҳамни олдилар-да, уларни ансорийга бериб, бирига оиланг учун нарса олиб бориб ташла, иккинчисига эса бир болта сотиб олиб, менинг ёнимга кел, дедилар. У болта сотиб олиб келди. Пайгамбар ﷺ унга ўз қўллари билан соп қилдилар. Кейин, энди бориб, утин қилиб сот, сени ўн беш кунгача кўрмайин, дедилар. Ансорий шундай қилди. У келган пайтида ўн беш дирҳам ишлаб топганди...». Бухорий чиқарган ҳадисда Пайгамбар ﷺ шундай деганлар:

«لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ, فَيَأْتِيَ بِحُرْمَةٍ مِنْ حَطَبٍ عَلَى ظَهْرِهِ, فَيَبِيعَهَا, فَيَكْفَى بِهَا
 وَجْهَهُ, خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ, أَعْطَوْهُ أَوْ مَنَعُوهُ»

«Сизлардан бировингизнинг арқон олиб, бир боғ утин олиб келиб сотиши ва шу билан обрўсини сақлаши одамлардан тиланчилик қилганидан кўра, одамлар унга нимадир бериш ёки бермасликларидан қатъий назар, яхшироқдир».

Пайгамбар ﷺ йўл борасида ҳам тартиб жорий қилганлар. Тортишиб қолинган пайтда йўлнинг кенглигини етти газ қилиб белгилаганлар. Бухорий Абу Ҳурайра йўлидан ривоят қилади:

«قَضَى النَّبِيُّ ﷺ إِذَا تَشَاجَرُوا فِي الطَّرِيقِ الْمَيْتَاءِ بِسَبْعَةِ أَدْرُعَ»

«Одамлар улик йўл борасида тортишиб қолган пайтларида Набий ﷺ уни етти газ, деб ҳукм қилганлар». Муслим ривоятида:

«إِذَا اخْتَلَفْتُمْ فِي الطَّرِيقِ جُعِلَ عَرَضُهُ سَبْعَةَ أَذْرُعٍ»

«Йўл хусусида ихтилоф қилсангизлар, унинг кенглиги етти газ қилинди», дейилган. Бу ўша пайтдаги идорий тартиб ўрнатиш эди. Агар эҳтиёж ундан кўпроғига бўлса, эҳтиёжга қараб иш кўрилаверади. Чунончи, Шофийий мазҳабида шундай дейилган.

Шунингдек, Пайғамбар ﷺ йўлга тажовуз қилишдан қайтарганлар. Табароний «ас-Сағир»да шундай дейди:

«مَنْ أَخَذَ مِنْ طَرِيقِ الْمُسْلِمِينَ شِبْرًا طَوَّقَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ سَبْعِ أَرْضِينَ»

«Кимки мусулмонларнинг йўлидан бир қарич ерни олса, Қиёмат кунида Аллоҳ уни етти ердан тўсиб қўяди».

Зироат хусусида тўхталадиган бўлсак, Зубайр билан бир ансорий экин суғориш борасида талашиб қолишганида Пайғамбар ﷺ:

«اسْقِ يَا زُبَيْرُ ثُمَّ أَرْسِلِ الْمَاءَ إِلَى جَارِكَ»

«Эй Зубайр, олдин ўзинг суғоргин-да, кейин сувни қўшнингга юбор», деганлар (муттафақун алайҳ). Лафз Муслимники.

Пайғамбар ﷺ мусулмонларнинг манфаатларини мана шундай ҳимоялаганлар, муаммоларини осонлик билан ҳал қилганлар. Бу борада айрим саҳобаларнинг ёрдамидан ҳам фойдаланганлар. Шунга кўра, одамлар манфаатлари билан шуғулланадиган бир жиҳоз бўлиб, уни халифанинг ўзи бошқаради ёки уни бошқаришга бир иқтидорли мудир тайин қилади. Биз мана шу кейингисини, яъни бир мудир тайинлашни табанний қиламиз. Токи, халифанинг юки енгилроқ бўлсин. Негаки, ҳозирги кунда манфаатларнинг тармоқлари кенгайиб, кўпайиб кетган. Демак, одамлар манфаатлари билан шуғулланадиган бир жиҳоз ташкил қилинади. Унга одамлар қулай яшашлари учун муносиб воситалар қўллай оладиган, одамларни керакли хизматлар билан таъминлай оладиган бир иқтидорли киши мудир этиб тайинланади.

Бу жиҳоз бошқармалар, бўлимлар ва идоралардан ташкил топади. Фуқаролик, алоқа, пул чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, меҳнат, йўллар каби ҳар бир бошқарма юқори идорага бўйсунди. Юқори идора ўзига қарашли бошқармаларни, бўлимларни бошқаради. Ҳар бир бўлим ўзига тегишли ишлар билан шуғулланади. Идора ҳам идорий ишлар билан шуғулланади.

Бу бошқармалар, бўлимлар ва идоралар давлат ишларини бошқариш ҳамда одамлар манфаатларини ҳимоялаш учун ташкил қилинади.

Бу бошқармалар, бўлимлар ва идораларнинг ишлари текис кетишини таъминлаш учун уларга масъуллар тайинлаш лозим. Шунга кўра, ҳар бир бошқармага уни бошқарадиган бош раҳбар тайинланиб, у ўзига тобе бўлган барча бўлимлар ва идораларни назорат қилиб туради. Ҳар бир бўлим ва идорага ҳам шу бўлим ва идора ишларига бевосита жавобгар бўлувчи бир раҳбар тайинланади.

Идорий жиҳоз ҳукм эмас, идора услубидир

Идорий жиҳоз иш бажариш услубларидан биридир. Шунинг учун унга махсус далил керак бўлмайди. Унинг аслига далолат қилувчи умумий далилнинг ўзи кифоя қилади. Бу услублар банданинг ишларидир, шунинг учун улар шаръий ҳукмларга қараб бўлиши керак, дейилмайди. Чунки бу ишлар хусусида умумий далил мавжуд бўлиб, шу далил улардан келиб чиқувчи бошқа фаръий ишларга ҳам далил бўла олади. Агар фаръий ишларга алоқадор алоҳида ҳужжат ворид бўлмаган бўлса, албатта. Масалан, Аллоҳ Таоло:

﴿وَأَتُوا الزَّكَاةَ﴾

– „закотни беринглар“, [2:43] дейди. Бу умумий далилдир. Ундан келиб чиқадиган нисоб миқдори, омиллар, закот олинадиган синфлар каби фаръий ишларга доир далиллар ҳам келган. Аммо омилларнинг закотни қандай йиғишлари айтилмаган. Яъни, улар шу иш учун отда борадиларми ёки пиёда борадиларми? Ўзларига ёрдам беришлари учун одамларни ёллайдиларми ёки ёлламайдиларми? Уларни дафтарларга ёзиб ҳисоблайдиларми, йўқми? Уларни йиғиб қўйиш учун махсус жой ҳозирлайдиларми, йўқми? Тўплаган нарсаларини қўйиш учун омборлар қурадиларми, йўқми? Бу омборлар ер остига қуриладими ёки дон омборлари каби уйлар шаклида қуриладими? Пул закоти халталарга тўпланадими ёки сандиқларгами? Мана шу каби ишлар «закотни беринглар»дан келиб чиқадиган фаръий ишлардир. Улар умумий далилнинг ичида бор ишлар. Чунки уларнинг ўзларига хос далил келмаган. Бошқа ҳамма услублар ҳам мана шу кабидир. Демак, услуб аслига умумий далил келган бир ишнинг фаръий қисмларидирки, бу

фаръий қисмга ўзига хос далил келмаган. Шунга кўра, умумий далил мана шу фаръий қисмга ҳам далил бўлади.

Шунинг учун идорий услуб, модомики уни ман қиладиган ҳужжат ворид бўлмаган экан, модомики идорий жиҳоз ишини юритишга ва одамлар эҳтиёжларини қондиришга муносиб экан, дуч келган низомдан олинishi мумкин. Негаки, идорий услуб шаръий далилга муҳтож бўладиган ҳукм эмас. Шунга кўра, Умар رضي الله عنه девон услубини қўллаб, омма мулки ва давлат мулкидан ойлик, маош ажратиш учун қўшин ва фуқарони рўйхатга олган.

Обид ибн Яҳё Ҳорис ибн Нуфайлдан ривоят қилишича, Умар رضي الله عنه девон ташкил қилиш борасида мусулмонлар билан маслаҳатлашган. Шунда Али ибн Абу Толиб رضي الله عنه, сизга тўпланиб келган молни йилда бир тақсимлайсиз, ундан ҳеч нарсани олиб қолмайсиз, деди. Усмон ибн Аффон, мол кўп, ҳамма одамларга етади, деб ўйлайман, фақат агар ҳисоб-китоб қилинмаса, ким олгану ким олмагани билинмай қолиб, гап-сўз тарқалиб кетишидан қўрқаман, деди. Валид ибн Ҳишом ибн Муғира эса, Шомда бўлганимда уларнинг подшоҳлари девон қилганларини, одамларни аскарликка олганларини кўрдим, сен ҳам девон қил ва одамларни аскарликка ол, деди. Умар رضي الله عنه унинг гапини олиб, Қурайшнинг энг насаблиларидан Ақил ибн Абу Толиб, Махрама ибн Навфал ва Жубайр ибн Мутъимни чақириб: **«Одамларнинг манзилларига қараб рўйхатга олинглар»**, деди.

Ислом Ироққа кириб боргач, девонлар олдин қандай бўлган бўлса, ўшандай давом этди. Шом девони рум тилида олиб бориларди. Чунки у Рум мамлакатларидан эди. Ироқ девони эса форс тилида олиб бориларди. Чунки у Форс мамлакатларидан эди. Абдулмалик ибн Марвон замонида - саксон биринчи ҳижрий йили Шом девони араб тилига ўтказилди. Ундан кейин девонлар эҳтиёжга ва фуқаролар манфаатлари тақозосига қараб ташкил қилинаверди. Қўшинга доир девонларда уни мустаҳкамлаш, аскарларга ойлик тайин қилиш каби ишлар, ишларга доир девонларда расмийчиликлар, ҳуқуқлар каби ишлар, омиллар, волийларга доир девонларда уларни ишга тайинлаш ва ишдан олиш каби ишлар, байтулмолга доир девонда кирим ва чиқим кўрсатилган ва ҳоказо. Хуллас, девонни ташкил қилиш эҳтиёжга қараб бўлган. Унинг услуги эса ҳар асрда ҳар хил бўлган. Чунки услуб ва воситалар ҳар доим ўзгариб туради.

Девонга бир раҳбар тайинланади. Раҳбар учун эса хизматчилар тайин қилинади. Хизматчиларни тайинлаш салоҳияти девон раҳбарига берилиши ҳам, берилмаслиги ҳам мумкин.

Шунга кўра, бошқармалар бошқарувини, яъни девонни ташкил қилиш эҳтиёжга ва шу эҳтиёж юкларини кўтарадиган услуб, воситаларга қараб бўлади. Бу услуб ва воситалар ҳар асрда, ҳар вилоятда, ҳар шаҳарда ҳар хил бўлиши мумкин.

Айтиб ўтганларимиз бошқармалар бошқарувини ёки девонни ташкил қилиш борасидаги гаплардир. Энди ундаги хизматчилар масъулиятига тўхталадиган бўлсак, улар ёлланган ишчилар ва айни пайтда фуқаролардир. Улар ёлланган ишчилар эканликлари жиҳатидан ўз бўлим мудирлари олдида, фуқаро эканликлари жиҳатидан эса ҳокимлар, волийлар, қолаверса, халифа олдида жавобгардирлар ҳамда шариат ҳукмлари ва идорий тартибларга риоя қилишга бурчлидирлар.

Бошқармаларни идора қилиш сиёсати

Бошқармаларни идора қилиш сиёсати содда тартиб, ишларни зудлик билан бажариш ва хизматчининг иқтидорлиги, малакалигига асосланади. Бу асослар манфаатни ҳосил қилиш воқеидан олинган. Манфаатдор шахс ўз манфаатининг мумкин қадар тез ва мукамал амалга ошишини истайди. Муслим Шаддод ибн Авс йўлидан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ الْإِحْسَانَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ، فَإِذَا قَاتِلْتُمْ فَأَحْسِنُوا الْقِتْلَةَ، وَإِذَا ذَبَحْتُمْ فَأَحْسِنُوا الذَّبْحَ...»

«Аллоҳ ҳар бир нарсани чиройли қилишни буюрган. ўлдирсангизлар, чиройли ўлдилинглар. Суйсангизлар, чиройли сўйинглар...». Демак, шариат ишларни пухта бажаришга буюради. Манфаатларни рўёбга чиқаришда пухталиқка эришиш учун эса бошқарувда қуйидаги уч сифат топилиши лозим. Биринчидан, содда тартиб. Негаки, соддалик қулайлиқка, мураккаблиқ эса қийинчиликка олиб боради. Иккинчидан, ишларни зудлик билан бажариш. Чунки тезлик манфаатдор шахсга қулайлиқ туғдиради. Учинчидан, иқтидорлиқ ва малакалиқ. Бу сифатларсиз ишни пухта, чиройли бажариб бўлмайди.

Идорий жиҳозда ишлашга ҳақли бўлган одамлар

Эркак ёки аёл, мусулмон ёки номусулмон бўлишидан қатъий назар фуқароликни олган ҳар бир иқтидорли одам идорий жиҳоздаги бирор бошқармага бошлиқ этиб тайинланиши мумкин.

Бу нарса ёллашга доир ҳукмлардан олинган. Зеро, давлатдаги мудирлар ва амалдорлар ёлланган кишилардир. Ёллаш хусусидаги ҳужжатлар умумий маънода келгани учун эркак ёки аёл, мусулмон ёки номусулмон бўлишидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро ёлланиши мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُمْ أَجُورَهُنَّ﴾

– „Энди агар (талоқ қилган аёлларингиз) сизлар учун (бола) эмизсалар (яъни, ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар), у ҳолда уларнинг (эмизганликлари учун) ажр-ҳақларини беринглар!“ [65:6]

Бу ердаги буйруқ мусулмонгагина хос бўлмай, умумий маънода келган. Бухорий Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«قَالَ اللَّهُ تَعَالَى ثَلَاثَةٌ أَنَا خَصْمُهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ... وَرَجُلٌ اسْتَأْجَرَ أَجِيرًا فَاسْتَوْفَى مِنْهُ وَلَمْ يُعْطِهِ أَجْرَهُ»

«Аллоҳ Таоло айтади: Уч тоифа борки, Қиёмат кунда Мен уларнинг даъвогариман... Бир одамни ёллаб, ёлланган одам ишни тўла бажаргач унинг ҳаққини бермаган киши». Бу ердаги гап мусулмон ёлланувчигагина хос бўлмай, умумийдир. Қолаверса, Пайғамбар ﷺнинг ўзлари Бану Дайдан бир кишини ёллаганлар. Ҳолбуки, у ўз қавмининг динида бўлган. Бу нарса номусулмонни ҳам худди мусулмон каби ёллаш мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, далилларнинг умумий ва мутлақ келганлигидан келиб чиқиб, худди эркакни ёллагани каби аёлни ҳам ёллаш мумкин. Ҳуллас, аёл ҳам, номусулмон ҳам бирор бошқармага бошлиқ, бирор идорага мудира ёки мудир бўлишлари жоиз. Чунки улар ёлланган кишилардир. Ёллаш хусусидаги далиллар эса умумий ва мутлақ келган.

Ўн биринчи: Байтулмол

Байтулмол икки сўздан таркиб топган атоқли отдир. У - давлат даромадлари сарфлаб тугатилгунча сақланиб турадиган жойга нисбатан айтилади ва шу жой ирода қилинади. Мол қабул қилиниб, у ҳақдор бўлган мусулмонларга бериладиган махсус тарафга ҳам қўлланади ва шу ирода қилинади.

Айтиб ўтганимиздек, волий қўшин, қозилик ва молиядан бошқа ишлар билан чеклаб махсус тайинланишини табанний қилганимиз учун бутун қўшиннинг марказий идораси (жиҳод амири) бўлади. Бутун қозиликнинг ҳам марказий идораси (қозилиги) бўлади. Шунингдек, бутун молиянинг марказий идораси (байтулмоли) бўлади. Шунинг учун байтулмол давлатнинг ҳар қандай жиҳозларидан алоҳида жиҳоз бўлиб, давлатнинг бошқа жиҳозлари каби халифага бўйсунди.

Бундан ташқари, байтулмол бевосита Пайғамбар ﷺ га ёки халифага ёхуд унинг рухсати билан тайинланган кишига бўйсунганига далиллар тўлиб-тошиб ётибди. Негаки Расулуллоҳ ﷺ баъзида молни бевосита ўзлари сақлаганлар ва у кишининг оморлари бўлган. Молни қабул қилиш, тақсимлаш ва ўринларига сарфлаш билан ўзлари шуғулланганлар. Гоҳида эса бу ишларга бошқани тайинлардилар. У кишидан кейин Хулафои рошидинлар ҳам шундай йўл тутишган. Улар ҳам байтулмолнинг ишларини ўзлари бошқардилар ёки ўринларига бошқани вакил қилардилар.

Чунки Пайғамбар ﷺ молни ё masjidга қўярдилар: Бухорий Анасдан ривоят қилишича, «Набий ﷺ га Баҳрайдан мол олиб келинди, шунда у зот:

«أُنْتَرُوهُ فِي الْمَسْجِدِ...»

«**Уни masjidга тўкиб қўйинглар...**», дедилар». Ёки аёлларининг ҳужраларидан бирига қўярдилар: Бухорий Уқбадан ривоят қилади: «Мадинада аср намозини Пайғамбар ﷺ нинг орқаларида ўқиган эдим. У киши салом бердилар-да, шошиб туриб, одамларнинг бўйинларидан хатлаб ўтиб, аёлларидан бирининг ҳужрасига кириб кетдилар. Одамлар у кишининг шошганларидан чўчиб кетишди. Қайтиб чиқиб, ўзларининг шошганларидан одамларнинг ажабланиб турганларини кўриб:

«ذَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تَبَرِ عِنْدَنَا، فَكَرِهْتُ أَنْ يَحْبِسَنِي، فَأَمَرْتُ بِقِسْمَتِهِ»

«Уйимиздаги бир бўлак олтин эсимга тушиб кетди, уни ушлаб туришни маъқул кўрмай, тақсимлаб юборишларини буюриб чиқдим», дедилар». Ё омборларига қўйганлар. Муслим Умардан ривоят қилади: «Унга (қизларига): Расулulloҳ ﷺ қаерда? - дегандим: У киши сув турадиган омборхонада, деди. Расулulloҳ ﷺнинг омборхоналарига қарадим, бир соъча келадиган бир ҳовуч арпа, хонанинг бир чеккасида ўшанча қараз (олхўрига ўхшаш мевали дарахтнинг барги ёки Нил акас дарахтининг шарбат қилинадиган меваси), яна афиқ (яхши ошланмаган бир тери, (ал-Қомус ал-Муҳит)) осиб қўйилибди. Шунда кўзларимга ёш келди:

«مَا يُبْكِيكَ يَا ابْنَ الْخَطَّابِ؟»

«Сизни нима йиғлатди, эй ибн Хаттоб?» - дедилар. Мен: Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, нега йиғламайин, бўйра ёнингизга ботиб кетибдику, бу омборхонангизда эса шу кўриб турган нарсалардан бошқасини кўрмаяпман... дедим».

Хулафои рошидинлар даврида мол сақланадиган жой байтулмол деб атала бошлади. Ибн Саъд «Табақот»да Саҳл ибн Абу Ҳасма ва бошқалардан ривоят қилади: «Санаҳ деган жойда Абу Бакрнинг байтулмоли бор эди. Уни ҳеч ким қўриқламасди. Шунда унга: бирор қўриқчи қўймайсизми? - дейилганда, у қулфи бор, деди. Чунки у киши у ердаги нарсаларни то тугагунча бераверардилар. Мадинага кўчиб ўтгач, уни ҳам уйларига кўчирдилар». Ҳинод «Зухд»да яхши санад билан Анасдан ривоят қилади: «Умарнинг олдига бир киши келиб: Эй амирул мўминин, мен жиҳод қилмоқчиман, менга (бирор нарса) беринг, деди. Шунда Умар бир одамга қараб шундай деди: Бу кишини байтулмолга олиб бор, хоҳлаган нарсасини олсин...». Шофийий «Умм»да келтирган ва ибн Ҳажар саҳиҳ деган ривоятда Абдуллоҳ ибн Вадиа шундай дейди: «Абу Ҳузайфанинг мавлоси (озод қилинган қули) Солим бизлардан Яорнинг қизи Салмо деган аёлнинг мавлоси бўлиб, уни жоҳилият даврида назр қилиб озод қилган эди. У «Ямома» урушида вафот этгач, унинг мероси Умар ибн Хаттобнинг олдига олиб келинди. Шунда у Вадиа ибн Хузомни чақириб: «Мана бу - мавлоларингизнинг мероси, бунга сизлар ҳақлисизлар», деганди, у: «Эй амирул мўминин, Аллоҳ бизни ундан беҳожат қилган, уни соҳибамиз назр қилиб озод қилган эди, шу сабабдан унинг бирор нарсасидан фойдаланмоқчи эмасмиз», деди Шунда Умар меросни байтулмолга қўйди». Байҳақий ва Дорамий келтирган ва ибн Ҳазм саҳиҳ, деган ривоятда шундай дейилган: «Суфён ибн Абдуллоҳ ибн Рабиа

Сақафий бир чарм тугун топиб олди. Кейин уни Умар ибн Хаттобнинг олдига олиб келганди, Умар: «У ҳақда бир йил хабар бер. Ким уни таниса, ўшаники, йўқса сеники бўлади», деди. Хуллас, уни ҳеч ким таниб ололмади. Келгуси ҳаж мавсумида Умар билан учрашиб ўша воқеани айтиб берганди, Умар: «У сеники, чунки Расулulloҳ ﷺ бизга шундай буюрганлар», деди. У эса менга унинг кераги йўқ, деганди, Умар уни олиб байтулмолга қўйди». Дорамий Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилади: «Усмоннинг даврида волийси (эгаси) йўқ бир мавло ўлганди, буюрдилар, унинг мол-мулки байтулмолга қўйилди». Ибн Абдулбарр «Истизкор»да Анас ибн Сиридан ривоят қилади: «Али молларни тақсимлаб байтулмолни бўшатардилар-да, кейин сув сепиб, ўша ерга ўтирардилар».

Байтулмолдан жой ирода қилинишига нисбатан ҳолат шулардан иборат. Аммо ундан жиҳат ирода қилинишига келсак, бунинг боиси ерлар, нефт ва газ қувурлари, тоғ маъданлари ҳамда бойлардан йиғиб олиниб, байтулмолга келтирилмасдан ўша ердаги ҳақдорларга сарфланадиган садақа (закот) моллари каби айрим ҳолларда байтулмолга келтирилмайдиган мол-мулкларнинг ҳам бўлишидир. Айрим ҳолларда «байтулмол»дан жой ирода қилишнинг имкони бўлмасдан, жиҳат маъносида ҳам қўллашган. Бунга далил Байҳақийнинг «Сунан»ида, Аҳмаднинг «Муснад»ида ва Абдурраззоқнинг «Мусаннаф»ида Лоҳиқ ибн Абдулхамиддан: «Ибн Масъудни қозилик ва байтулмолга бошлиқ қилиб юборди», деган ривоятидир. Умар у кишини байтулмолга қўриқчи қилиб юборган бўлишлари мумкин эмас. Бундан эса у кишини жиҳатга, яъни (молни) олиб, (ўз ўрнига) сарфлайдиган вакил қилиб юборганлари тушунилади, холос. Ибн Муборакнинг «Зухд»да Ҳасандан қилган ривояти ҳам шу маънони ифодалайди: Басра амирлари Абу Мусо Ашъарий билан келганларида Умардан ўзлари учун озиқ-овқат ажратишини талаб қилдилар. Шунда сўзининг охирида уларга: «Эй амирлар жамоаси, сизлар учун байтулмолдан икки қўй ва икки жариб ер (100кв қасабага ёки 1260-1592кв.м.га тенг майдон ўлчови) ажратдим», дедилар.

Байтулмолнинг кириш ва чиқимларини юргизувчи киши халифадир. Чунки Расулulloҳ ﷺ қийинчилик даврида қўшинга Усмоннинг берган табарруотларини ҳужраларида сақладилар. Аҳмад ва Термизий ривоят қилиб, Термизий ҳасан ғариб деган, Ҳоким ҳам ривоят қилиб, саҳиҳ деган ва уни Заҳабий маъқуллаган ҳадисда Абдурраҳмон ибн Самура шундай дейди: «Набий ﷺ қийинчилик даврида қўшин тайёрлаётган пайтларида

Усмон ﷺ у зотнинг ҳузурларига минг динор келтириб, уни Набий ﷺнинг этакларига тўқди. Шунда Набий ﷺ уни айлантириб кўриб:

«مَا ضَرَّ عُثْمَانَ مَا عَمَلَ بَعْدَ هَذَا الْيَوْمِ»

«Усмонга бугундан кейин ҳеч бир иши зарар бермайди», дедилар. Бу гапни бир неча марта қайтардилар». Гоҳида тақсимотни ўзлари бошқарардилар. Чунки Бухорий Анасдан келтирган ҳадисда шундай дейилади: «Набий ﷺга Баҳрайндан мол келтирилганда: **«Уни масжидга тўкинглр...»**, дедилар. Намозни ўқиб тугатгач, ўша молнинг ёнига келиб ўтирдилар. Кимни кўрган бўлсалар, унга бердилар... Хуллас, у ерда бир дирҳам қолмагунча жойларидан турмадилар». Шунингдек, Абу Бакр Баҳрайн молининг тақсимотига ўзи бошчилик қилган. Бухорий Жобирдан ривоят қилади: «Расулулоҳ ﷺ менга:

«لَوْ قَدْ جَاءَ مَالُ الْبَحْرَيْنِ، لَقَدْ أَعْطَيْتِكَ هَكَذَا وَهَكَذَا وَهَكَذَا»

«Агар Баҳрайннинг моли келиб қолганда эди, сенга шунча ва шунча ва шунча берган булардим», деб уч марта айтдилар, деди. Расулуллоҳ ﷺ вафот этиб, Баҳрайннинг моли келгач, Абу Бакр жарчига буюрди, у: Кимнинг Расулуллоҳда қарзи ёки ваъдаси бўлса бизга келсин, деб жар солди. Шунда мен келиб: Расулуллоҳ ﷺ менга фалон ва фалон (сўзлар)ни, уч марта айтгандилар... дедим». Суфён Сақафийнинг бир тугун топиб олиб, унинг хабарини айтиб юрган киши ҳақидаги ўтган ҳадисида: «Умар уни олиб, байтулмолга қўйди», дейилган. Шофийй «Умм»да ривоят қилади: «Бизга бир қанча аҳли илмлар хабар беришдики, Ироқдан олинган нарсалар Умар ибн Хаттобга келтирилгач, байтулмолнинг бошқарувчиси халифага уни байтулмолга киргизаверайми? - деди. У: Йўқ, Каъбанинг Раббисига қасамки, байтулмолнинг ичига жойлаштирмасдан уни тақсимлаб юбораман, деди-да буйруқ берди. У масжидга қўйилди. Устига теридан бўлган тўшаклар ташлаб қўйилди ва уни муҳожир уансорлардан бўлган кишилар қўриқлади. Тонг отгач, Аббос ибн Абдулмутталиб ва Абдурраҳмон ибн Авф билан бирга у иккаласининг бирининг қўлидан ушлаган ҳолда ёки уларнинг бири унинг қўлидан ушлаган ҳолда келдилар. Уни кўришгач, молларнинг устидан тери тўшакларни олиб ташлашди. Шунда шунақанги бир манзарани кўрдиларки, унақасини кўрмаган эдилар. Унда тилла, ёқут, забаржад ва марваридларни ялтираётганини кўриб, йиғладилар. Шунда улардан бири Умарга: Аллоҳга қасамки, бугун йиғлайдиган кун эмас, шукр қиладиган ва хурсандлик кунидир, деганди У:

Мен, Аллоҳга қасамки, сиз борган жойга борганим йўқ. Лекин бу нарса қайси қавмдаки кўпайган бўлса, албатта уларнинг орасида фалокат рўй берган, деб, кейин қиблага юзланди-да, қўлини осмонга кўтариб: Илоҳим, мен ўзим билмаган ҳолда секин-аста ҳалокатга тушиб кетишимдан паноҳ беришингни илтижо қилиб сўрайман, деди. Кейин у кишининг

﴿...سَنَسْتَدِرُّ جُحُمٌ مِنْ حَيْثُ لَا يَعْلَمُونَ﴾

– «... *Биз ўзлари билмай қоладиган тарафдан аста-секин (ҳалокатга) олиб борурмиз*», [7:182]

оятини ўқиётганини эшитдим. Ундан кейин Суроқа ибн Жаъшам қани? - деди. Кейин икки билагги тукли, ингичка бир киши олиб келинганди, унга Кисронинг билак узукларини бериб, уларни тақиб ол, деганди, у тақиб олди. Кейин: Аллоҳу Акбар, дегин, деганди, Аллоҳу Акбар, деди. Бу икки билак узукни Кисро ибн Ҳурмуздан олиб, Суроқа ибн Жаъшамга - Бани Мудлиж қабиласидан бўлган бир аъробийга кийдирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, дегин, (деди) ва молларни асоси билан айлантириб кўра бошлади. Кейин: Бунга олиб келиб топширган киши омонатдордир, деди. Шунда бир одам Умарга: Сизга айтиб қўяйин, сиз Аллоҳнинг омонатдорисиз. Модомики сиз Аллоҳ йўлига берар экансиз, улар ҳам олиб келиб бераверадилар. Сиз агар ўйнаб кулсангиз улар ҳам ўйнаб куладилар, деди. Рост гапирдинг, дедида, кейин уни тарқатди». Дорамийнинг Абдуллоҳ ибн Амрдан: «Усмоннинг даврида волийси йўқ бир мавло ўлганди, буюрди, унинг мол-мулки байтулмолга қўйилди», деб ривоят қилган ҳадиси ҳам, «Истизкор»да Анас ибн Сиридан: «Али молларни тақсимлаб байтулмолни бўшатарди-да, кейин сув сепиб, ўша ерга ўтирарди», деб ривоят қилинган ҳадис ҳам юқорида ўтди.

Расулуллоҳ ﷺ гоҳида тақсимотга асқобларидан бирини бошлиқ қилардилар ёки уни айрим молиявий ишларга қўярдилар. Бухорийдаги Уқбанинг ҳадисида Набий ﷺ:

﴿ذَكَرْتُ شَيْئًا مِنْ تَبْرِ عِنْدَنَا، فَكَرِهْتُ أَنْ يَحْسِبَنِي، فَأَمَرْتُ بِقِسْمَتِهِ﴾

«Ўйимиздаги бир булак олтин эсимга тушиб кетди, уни ушлаб туришни маъқул кўрмай, тақсимлаб юборишларини буюриб чиқдим», деганлар. Ибн Шиҳобнинг ибн Шайбадан Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний ҳасан деган, Мунзирий ва Ҳайсамийларда ҳам келтирилган ҳадисида: «Расулуллоҳ ﷺ Биллолнинг садақалар қўядиган омборхонасига кириб, бир уюм хурмони кўриб қолдилар-да:

«مَا هَذَا التَّمْرُ يَا بِلَالُ؟ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَخَذْتَهَا لِتَوَائِبِكَ. قَالَ: أَفَأَمَنْتَ أَنْ تُصْبِحَ وَلَهَا فِي جَهَنَّمَ بُخَارٌ؟ أَنْفَقَ وَلَا تَخْشَ مِنْ ذِي الْعَرْشِ إِفْلَاحًا أَوْ إِفْتَارًا»

«Бу хурмо нима, эй Билал? - дегандилар. У: «Уларни қийинчилик кунларингиз учун олиб қўйгандим», деди. У зот: «Унинг жаҳаннамда чўгга айланишидан хотиржам бўлдингми? Сарфла, Арш Соҳибининг камайтириб ёки камбағал қилиб қўйишидан қўрқма», дедилар». Шу ҳадисда яна: «Абдуррахмон ибн Авф رضي الله عنه Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг даврларида туя ва қўй садақаларига, Билал رضي الله عنه мевалардан олинадиган садақаларга, Маҳмия ибн Жузь хумс (урушда тушган ўлжаларнинг бешдан бири)га раҳбарлик қиларди», деб келтирилган. Халифа: «У кишининг харажатларининг устида Билал бошлиқ эди», дейди. Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»да Абдуллоҳ ибн Леҳйи-л-Ҳавзанийдан ривоят қилади: «Мен Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг муаззини Билал билан учрашиб: Эй Билал, Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг харажатлари қандай бўлган? - дегандим, у шундай деди: У кишининг ҳеч нарсалари йўқ эди. У кишини Аллоҳ Пайгамбар қилиб юборгандан бошлаб то вафот қилгунларича харажатларини мен бошқардим. Масалан, бир мусулмон киши келиб қолса ва уни яланғоч ҳолда кўрсалар, менга буюрардилар. Мен бориб қарз сўрардим-да, бурда (тўнга ўхшаш йўл-йўл уст кийим) ёки намира (чакмонга ўхшаш жундан тўқилган қадимда араблар кийган кийим) сотиб олардим. Кейин уни кийдириб, едирардим...». Муслим Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلمнинг мавлолари Абу Рофеъдан ривоят қилади: «Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم бақр (уч ёшли туя)ни қарз сўрадилар. Кейин садақа туяларидан келиб қолди, Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم менга ҳалиги кишига қарз-туяни тўлаб қўйишни буюрдилар. Шунда мен туяларнинг ичида тўрт яшарлик яхши туялардан бошқасини кўрмадим, дегандим, Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم:

«أَعْطَهُ إِيَّاهُ، فَإِنْ خَيَّرَ النَّاسَ أَحْسَنَهُمْ قَضَاءً»

«Ўшани унга бериб юбор. Чунки одамларнинг энг яхшиси қарзни гўзал суратда қайтарганидир», дедилар». Ибн Аббоснинг муттафақун алайҳ ҳадисиди: «Расулуллоҳ صلى الله عليه وسلم Муозни Яманга юбора туриб, шундай дедилар:

«... فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوكَ، فَأَعْلَمَهُمْ أَنَّ اللَّهَ قَدْ افْتَرَضَ عَلَيْهِمْ صَدَقَةً تُؤْخَذُ مِنْ أَعْيَانِهِمْ فَرُدُّ عَلَى فُقَرَائِهِمْ، فَإِنْ هُمْ أَطَاعُوكَ لِذَلِكَ، فَإِيَّاكَ وَكَرَائِمَ أَمْوَالِهِمْ، وَاتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهُ لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ»

«... Агар улар сенга итоат қилишса, уларга билдириб қўйки, Аллоҳ уларнинг устига бойларидан олиниб, камбағалларига қайтариб бериладиган садақани фарз қилган. Агар улар шу иш юзасидан ҳам сенга итоат қилишса, уларнинг энг қимматли молларини олишдан сақлан ва мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл, чунки бу дуо билан Аллоҳнинг уртасида парда бўлмайди». «Икки саҳиҳ»да Абу Ҳурайрадан ривоят қилинишича, «Пайғамбар ﷺ Умарни закот садақаларини йиғишга юборганлар».

Хулафои рошидинлар у кишининг йўлидан юрдилар. Чунки улар мол ва молиявий ишларга бошқаларни раҳбар қилардилар. Ибн Исҳоқ ва Халифа ривоят қилиб, айтишади: «Абу Бакр Абу Убайда ибн Жарроҳни байтулмолга бошлиқ қилди. Кейин уни Шомга юборди». Муайқибнинг таржимаи ҳолида Заҳабий «Уни Абу Бакр ва Умар байтулмолга раҳбар қилиб қўйди», дейди. Ҳоким ҳасан деган санад билан Ибн Исҳоқ, шунингдек, «Таротибул идория»нинг муаллифи ҳам Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қилишади: «У Абу Бакрга котиблик қилган ва байтулмол ҳам унга берилган эди. Умар ҳам у кишини шу икки ишда қолдирди», яъни Абдуллоҳ ибн Арқамни. Ибн Саъд «Табақот»да, ибн Ҳажар «Исоба»да ривоят қилишларича, Умарнинг хазиначиси мавлолари Ясор ибн Намир бўлган. Аҳмад «Муснад», Абдурраззоқ «Мусаннафот»да Лоҳиқ ибн Ҳамиддан ривоят қилишади: «Ибн Масъуд қозиликка ва байтулмолга бошлиқ қилиб юборилди», яъни Куфага. Халифа Молик ибн Анасдан, у Зайд ибн Асламдан ривоят қилади: «Умар Абдуллоҳ ибн Арқамни байтулмолга раҳбар этиб тайинлади». Ибн Хузайма «Саҳиҳ»ида Урва ибн Зубайрдан ривоят қилишича: «Абдурраҳмон ибн Абдулқори: «Мен Умарнинг даврида байтулмолга бошлиқ эдим», деган». Ибн Ҳажар «Фатҳ»да Абдуллоҳ ибн Масъуднинг фазилатлари тўғрисида: «У Куфада Умар билан Усмоннинг даврида байтулмолни бошқарган», деб ривоят қилади. Жаҳшаёрий «ал-Вузаро вал Куттоб» китобида: «Набий ﷺнинг котибларидан бири Абдуллоҳ ибн Арқам ибн Абдуяғус Усмоннинг даврида байтулмолга раҳбарлик қилар эди», деб ёзади. Ҳоким «Мустадрок»да Зубайр ибн Баккордан ривоят

қилади: «Абдуллоҳ ибн Арқам ибн Абдуяғус Умарнинг даврида ва Усмон халифалигининг бошларида то вафот қилгунича байтулмолни бошқарган ва у саҳобалардан эди». Ибн Абдулбарр «Истийоб»да ёзишича: «Зайд ибн Собит Усмоннинг халифалик даврида байтулмолга бошлиқ бўлиб, унинг Ваҳиб исмли қули бор эди. Усмон унинг байтулмолда ёрдам бериб юрганини кўриб қолади-да, бу ким? - деб сўрайди. Шунда Зайд, қулим, дейди. Ўйлашимча, мусулмонларга ёрдам берапти, унинг ҳам ҳаққи бор. Унга ҳам (маблағ) ажратаман, деб, унга икки минг, ажратади. Шунда Зайд: Аллоҳга қасамки, бир қулга икки минг ажратманг, деганида, унга минг ажратади». Судфий «Миср олимлари ва Расулуллоҳ ﷺнинг у ерга келган асҳобларини таниш» номли китобида шундай ёзади: «Ундан кейин Абу Рофе Али ибн Абу Толибнинг олдига боради. Кейин уни Куфанинг байтулмолига волий қилиб тайинлайди». Ибн Абдулбарр «Истийоб»да: «Убайдуллоҳ ибн Абу Рофе Алига хазиначи ва котиб бўлган», дейди. Айний «Умдатул Қори»да: «Абдуллоҳ ибн Ваҳб Сувоийни Али ҳурмат қилар, яхши кўрар ва унга ишонарди. Уни Куфада байтулмолга бошлиқ қилиб қўйди», деб ёзади. Али Басрага Зиёдни омил қилди. Жаҳшаёрий: «У Басрадан қайтиб келгач, уни хирож ва девонга бошлиқ қилиб қўйди», дейди.

Байтулмолни икки қисмга бўлиш мумкин:

Кириш қисми: Бу қисм уч девонни ўз ичига олади:

- **Фай ва хирож девони:** Бу девон ўлжалар, хирож, ерлар, жизя ва солиқларни ўз ичига олади.

- **Давлат мулки девони:** Бу девон нефт, газ, электр, маъданлар (табiiй бойликлар), денгизлар, дарёлар, кўллар, булоқлар, ўрмонлар, яйловлар ва қўриқхоналарни ўз ичига олади.

- **Садақалар девони:** Бу девон пуллар, тижорат товарлари, ўсимликлар, мевалар, туя, сигир ва қўй закотларини ўз ичига олади.

Харажатлар қисми: Саккиз девонни ўз ичига олади:

- **Хилофат саройи девони.**
- **Давлат муассасалари девони.**
- **Совға (мукофот) девони.**
- **Жиҳод девони.**
- **Садақаларни сарфлаш ўринлари девони.**
- **Давлат мулки сарф ўринлари девони.**
- **Фавқулодда ҳолатлар девони.**
- **Давлат бюджети, давлат ҳисобчилиги (бухгалтерия) ва давлат назорати девони.**

Ўн иккинчи: Ахборот

Ахборот даъват ва давлат учун муҳим ишлардан ҳисобланади. Шу боис, у одамлар манфаатлари билан шуғулланадиган идорага қарашли манфаатлардан бири эмас, балки унинг мавқеи бир мустақил жиҳоз сифатида халифага бевосита боғлиқ бўлиб, унинг иши давлатнинг бошқа жиҳозлари кабидир.

Исломни кучли, таъсирли тарзда баён қилувчи ўзига хос ахборот сиёсатининг бўлиши одамлар фикрини Ислом, уни ўрганиш ва у ҳақда фикр юритиш сари ҳаракатга келтиради, шунингдек, Исломий юртларнинг Халифалик давлатига қўшилишини енгиллаштиради. Бундан ташқари ахборотнинг кўпгина ишлари давлатга шунчалик боғлиқки, уни халифанинг буйруғисиз ёритиб бўлмайди. Бу нарса ҳарбий ишларга оид ҳар бир нарсада яққол кўзга ташланади. Масалан, қўшинларнинг ҳаракатлари, ғалаба ёки мағлубият ва ҳарбий саноатлар ҳақидаги ахборотлар каби. Бундай ахборотлар халифага бевосита боғлиқ бўлиши шарт. Негаки нимани сир сақлаш керагу нимани тарқатиш ва эълон қилиш кераклиги ҳақида халифа қарор чиқаради.

Бунга далил Китоб ва суннатдир.

Китобдан далил Аллоҳ Таолонинг мана бу қавлидир:

﴿وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَذَاعُوا بِهِ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنْبِطُونَهُ مِنْهُمْ﴾

– „Қачон уларга (жангга кетган мусулмон аскарлар ҳақида) тинчлик ёки хавф-хатар (яъни, ғалаба ёки мағлубият) хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юбормасдан) Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни, мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билар бўлур эдилар“.

[4:83]

Бу оят мавзуси хабарлар тўғрисидадир.

Суннатга келсак, ибн Аббоснинг Макка фатҳи борасидаги ҳадисидир. Бу ҳадисни Ҳоким «Мустадрак»да ривоят қилган ва Муслим шартига кўра уни саҳиҳ, деган. Заҳабий эса маъқуллаган. Унда шундай дейилган: «Ахборотлар Қурайшга ноаниқ бўлиб қолган, уларга Расулуллоҳ ﷺ ҳақида хабар келмасдан, нима қилишларини билишмас эди». Яна Абу Саламининг Ибн Абу Шайба келтирган мурсал ҳадисидир:

«ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ لَعَائِشَةَ: جَهِّزِيَنِي وَلَا تُعَلِّمِي بِذَلِكَ أَحَدًا, ... ثُمَّ أَمَرَ بِالطَّرِيقِ فَحَبِسَتْ, فَعَمِيَ عَلَى أَهْلِ مَكَّةَ لَا يَأْتِيهِمْ خَبْرٌ»

«**Кейин Набий ﷺ Оишага: «Менга нарсаларни тайёрла. Бу ҳақда ҳеч кимга билдирма...», дедилар. Ундан кейин буйруқ бердилар, йўллар беркитилди. Хуллас, Макка аҳлига хабар борма қуйди.**» Яна бир далил Каъбнинг қийинчилик пайтидаги ғазот ҳақидаги ҳадисидир: «Пайғамбар ﷺ бирор ғазотга чиқмоқчи бўлсалар, бошқа нарса билан таврия қилардилар (яширардилар). Бу ғазотда ундай қилмадилар. Бунда Расулulloҳ ﷺ қаттиқ иссиқ пайтида узоқ сафарга, саҳрога ва кўп сонли душманга қарши ғазот қилардилар. Шу сабабдан мусулмонлар ғазотга яхши тайёргарлик кўришлари учун уларга ишларини аниқ қилиб, бораётган тарафларидан хабардор қилдилар». Яна Анаснинг «Бухорий»да келтирилган ҳадисидир: «Набий ﷺ Зайд, Жаъфар ва ибн Равоҳанинг ўлганликларини айтиб:

«أَخَذَ الرَّأْيَةَ زَيْدٌ فَأُصِيبَ, ثُمَّ أَخَذَ جَعْفَرٌ فَأُصِيبَ, ثُمَّ أَخَذَ ابْنُ رَوَاحَةَ فَأُصِيبَ, وَعَيْنَاهُ تَذْرُفَانِ حَتَّى أَخَذَهَا سَيْفٌ مِنْ سَيْوفِ اللَّهِ حَتَّى فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ»

«**Роя (байроқ)ни Зайд олди, мусибатланди. Кейин уни Жаъфар олди, мусибатланди. Кейин уни ибн Равоҳа олди, мусибатланди. Кўзларидан ёш қуйилган ҳолда: Уни Аллоҳнинг қиличларидан бири олган эди, Аллоҳ уларга фатҳ берди**», дедилар».

Хулафои рошидинларнинг шу ҳукми татбиқ этганликларини ибн Муборак «Жиход»да, Ҳоким эса «Мустадрак»да ривоят қилиб, Муслимнинг шартига кўра у саҳиҳдир, деган ва уни Заҳабий маъқуллаган асарда Зайд ибн Асламдан, у отасидан ривоят қилишича, Умар ибн Хаттобга «Қавм қаттиқ қаршилиқ қилган бўлса-да, Абу Убайда Шомни қамал қилганининг хабари келади. Шунда Умар унга хат ёзади: Сизга салом бўлсин. Аммо баъд. Бир мўмин бандага қаттиқ мусибат келса, ундан кейин албатта Аллоҳ бир кенгликни бергай. Бир қийинчилик икки енгилликдан голиб келмагай.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

– „Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ҳамда доимо (кураш-жиход учун)

белингиз боғлиқ (ҳолда ҳозир) бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким, (шунда) шояд нажот топгайсизлар!“ [3:200]

Умарга Абу Убайда бундай деб ёзади: Сизга салом бўлсин. Аммо баъд. Аллоҳ Ўз Китобида шундай деди:

﴿اعْلَمُوا أَنَّمَا الْحَيَاةُ الدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهُمْ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِي الْأَمْوَالِ

وَالْأَوْلَادِ﴾

– „Билинглarki, бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос“. [57:20]

Шунда Умар бу мактубни олиб, минбарга чиқиб ўтирди ва Мадина аҳлига ўқиб берди. Кейин: Эй Мадина аҳли, Абу Убайда жиҳодга рағбат қилинглар, дея сизларга таклиф қилмоқда, дейди».

Халифа ёки унинг ноиблари билан куфр давлатлари ўртасида олиб бориладиган музокаралар, мунозаралар ва ярашиш тўғрисидаги хабарлар ҳарбий ахборотлар сирасига киради. Музокаралар борасидаги мисоллардан бири Ҳудайбияда Пайғамбар ﷺ билан Қурайш вакиллари ўртасида ўзаро сулҳ бандларига келишилган музокарадир. Набий ﷺнинг бевосита мунозараларидан бири Нажрон вакиллари билан қилган мунозаралари ва баҳсга чақиришларидир. Расул ﷺнинг буйруқларига биноан Собит ибн Қайс ва Ҳассоннинг Тамим вакиллари билан олиб борган мунозаралари ва бошқалардир. Буларнинг ҳаммаси ошкор тарзда бўлиб, ҳеч қандай сирли тарафи бўлмаган.

Бошқа ахборотлар, масалан, кундалик хабарлар, сиёсий, сақофий ва илмий программалар, оламда бўлаётган ҳодисаларга ўхшашлар - гарчи улар давлатга тегишли бўлган ҳамда халифанинг бевосита раъйи керак бўлган хабарлар сирасига кирмаса-да, лекин улар ҳам қисман ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга ва давлатнинг халқаро алоқаларига бўлган кўз қарашига киради. Шундай бўлса ҳам, давлатнинг бу ахборотларни назорат қилиши биринчи турдаги ахборотларникидан фарқ қилади.

Шунга кўра, ахборот жиҳози асосий икки доирани ўз ичига олиши лозим:

Биринчи: Унинг иши ҳарбий ишлар, ҳарбий саноат, халқаро алоқалар каби давлатга тегишли ахборотлар тўғрисида.

Бу доира шундай ахборотларни бевосита назорат қилади. Хуллас, улар ахборот жиҳози кўригидан ўтмасдан туриб давлат ёки хусусий ахборот воситаларида ёритилмайди.

Иккинчи: Унинг иши бошқа ахборотларга ҳам алоқадор бўлиб, уларни назорат қилиш эса билвосита бўлади. Давлат ахборот воситаларига ёки хусусий ахборот воситаларига ўз хабарларини ёритиши учун ҳеч қандай рухсатноманинг кераги йўқ.

Ахборот воситалари рухсатномаси (лицензияси)

Ахборот воситаларига рухсатноманинг кераги йўқ. Исломий давлат фуқаролигига эга ҳар бир шахс ҳар қандай ахборот воситасини - эшиттиришми, кўрсатувми ёки матбуотми - ташкил қилиши мумкин. У фақат ўзи ташкил қилган ахборот воситаси хусусида ахборот жиҳозига хабар қилиб, билдириб қўйиши керак, холос.

Унга - биз илгари айтиб ўтганимиздек - давлатга тегишли ахборотларни ёритишга рухсат керак, холос. Бошқа ахборотларни эса аввалдан рухсат олмасдан туриб тарқатаверади.

Ҳамма ҳолатда оммавий ахборот воситаси эгаси ўзи тарқатадиган ахборот материали борасида жавобгар бўлади ва шариатга хилоф иш тутса, ҳар бир фуқаро каби жавоб беради.

Давлатнинг ахборотга оид сиёсати

Давлатнинг ахборот сиёсати бўйича кенг қўламли режаларини баён қилувчи қонун шаръий ҳукмларга мувофиқ чиқарилади. Давлат Ислом ва мусулмонларга хизмат қилиши, кучли жипслашган, Аллоҳ арқонини маҳкам тутувчи Исломий жамиятни қуриши учун ўша асосда юради. Яхшиликлар шу қонундан ва шу асосда таралади. Бузуқ, бузғунчи фикрларга ҳам, адашган, адаштирувчи сақофатларга ҳам ўрин қолмайди. Исломий жамиятки, бадбўйликни рад этиб, хушбўйликни таратади, Оламлар Раббиси - Аллоҳга тасбиҳ айтади.

Ўн учинчи: Уммат мажлиси **(шўро ва муҳосаба)**

Бу мажлис раъй билдириш борасида мусулмонлар вакили ҳисобланган шахслардан таркиб топади. Халифа ишлар хусусида маслаҳат қилиш учун уларга мурожаат қилади ва улар ҳокимларни муҳосаба қилишда Умматдан ноиб бўлади. Бунга далил Пайғамбар ﷺ ўз қавмларининг вакили бўлган муҳожир ва ансорлардан иборат шахслар билан маслаҳатлашганлари ва асҳобларидан бир қанча кишиларни шўро учун ажратганларидир. Раъй олишда бошқалардан кўра кўпроқ уларга мурожаат қилардилар. Улар: Абу Бакр, Умар, Ҳамза, Али, Салмон Форсий, Ҳузайфа... эдилар.

Яна бир далил Абу Бакр ﷺнинг бирор иш юз бергудек бўлса, фикр олишда мурожаат қилиш учун муҳожир ва ансорлардан иборат бир неча кишини ажратганидир. Абу Бакр ﷺнинг даврида шўро аҳли олимлар ва фатво эгалари эдилар. Ибн Саъд Қосимдан чиқариб, ривоят қилади: «Абу Бакр Сиддиқ бирор иш юз бергудек бўлса, раъй аҳли ва фикҳ аҳли билан кенгаш қилмоқчи бўлса муҳожир ва ансорлардан Умар, Усмон, Али, Абдурраҳмон ибн Авф, Муоз ибн Жабал, Убай ибн Каъб ва Зайд ибн Собитларни чақирарди». Абу Бакрнинг халифалик даврида мана шулар фатво берардилар. Одамлар тарафидан сўралган фатволар фақат шуларга юбориларди. Хуллас, Абу Бакр шу йўсинда давом этди. Кейин Умар раҳбар бўлди. У киши ҳам кенгашга ўша гуруҳни чорларди. Шундай қилиб, мусулмонларни ҳокимларини муҳосаба қилишга чорловчи далиллар кўп келган. Мусулмонлар Хулафои рошидинлар даврида ҳам шундай йўл тутганлар. Қолаверса, Уммат шўрода ноиб бўлгани каби муҳосабада ҳам ноиб бўлиш ҳуқуқига эга. Буларнинг барчаси ҳокимларни муҳосаба қилишда ҳам, Қуръону суннат билан собит бўлган шўро борасида ҳам Умматдан ноиб булувчи махсус кенгаш ташкил қилинишининг мубоҳлигига далолат қилади. У муҳосаба ва шўрода Умматдан ноиб бўлгани учун Уммат мажлиси деб аталади.

Бу мажлисга ҳокимларнинг зулмидан ёки Ислому ёмон татбиқ этилаётганидан ёки хизматлар тўлиқ таъминлаб берилмаётганидан шикоят қилиш учун мусулмон бўлмаган фуқаролар ҳам аъзо бўлиши жоиз.

Шўронинг ҳақ-ҳуқуқи

Шўро барча мусулмонларнинг халифа устидаги ҳаққидир. Демак, у бир неча ишларда кенгаш сўраб уларга мурожаат қилиши лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ﴾

– „... ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг - суянинг!“ [3:159]

Ва яна айтади:

﴿وَأْمُرْهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ﴾

– „Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур...“ [42:38]

Пайғамбар ﷺ одамларга мурожаат қилиб маслаҳат сўраганлар. Масалан, Бадр кунда жанг майдони тўғрисида уларнинг маслаҳатини тинглаганлар. Уҳуд куни эса жанг Мадина ташқарисида ёки ичкарисида олиб борилиши тўғрисида маслаҳат сўраганлар. Биринчи ҳолатда Ҳаббоб ибн Мунзирнинг раъйига тўхтаганлар. У жанг санъатидан хабардор киши томонидан чиққан маҳоратга оид раъй бўлганидан, у кишининг раъйини олганлар. Уҳуд кунда эса кўпчиликнинг раъйини - гарчи ўз раъйларига зид бўлса ҳам - олганлар.

Умар Ироқ ери хусусида мусулмонларга мурожаат қилди: У ерлар ўлжа бўлгани учун мусулмонларга тақсимлаб бериладими? Ёки у байтулмол мулки бўлиб, хирож бериш шартига кўра ўз аҳлининг қўлида қолдириладими? Умар ўз ижтиҳоди бўйича амал қилиб, хирож бериш шarti билан ўз эгаларининг қўлида қолдирди ва буни аксар саҳобалар маъқулладилар.

Муҳосабанинг вожиблиги

Мусулмонларнинг халифа устида шўро ҳуқуқи бўлгани каби ҳокимларнинг ишлари ва тасарруфларини ҳам муҳосаба қилишлари вожибдир. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло ҳокимларни муҳосаба қилиб туришни фарз қилди. Агар улар фуқаронинг ҳуқуқларини поймол қилсалар ёки ўз бурчларида бепарволик қилсалар ёхуд бирор ишларда лоқайд бўлсалар ёки Ислом аҳкомларига зид иш қилсалар ё Аллоҳ нозил қилган нарсдан ўзга нарсалар билан ҳукм юритсалар, Аллоҳ мусулмонларга уларни муҳосаба қилиш ва ўзгартиришни қатъий буюрди. Муслим Умму Салама ﷺ дан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«سَتَكُونُ أَمْرَاءَ، فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ، فَمَنْ عَرَفَ بَرِيءًا، وَمَنْ أَنْكَرَ سَلِمَ، وَلَكِنْ مَنْ رَضِيَ وَتَابَعَ» قَالُوا: أَفَلَا تُقَاتِلُهُمْ؟ قَالَ: «لَا، مَا صَلَّوْا»

«Яқинда амирлар бўлади. Бас, сизлар (уларнинг қилаётган ишларини) биласизлар ва (баъзиларини) инкор қиласизлар. Ким билса, ундан халос бўлибди. Ким инкор қилса, саломат бўлибди. Лекин ким рози бўлиб, эргашса...». Айтишдики, улар билан жанг қилмаймизми? **«Йўқ, модомики намоз ўқир эканлар».** Намоз бу ерда Ислом билан бошқаришдан киноядир.

Мусулмонлар ва энг аввало Умар дастлаб Абу Бакрнинг муртадларга қарши урушишга қасд қилганларини инкор қилишган.

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра رضي الله عنه дан ривоят қилишади: «Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафот этиб, Абу Бакр رضي الله عنه халифа бўлгач ва арабларнинг кофир бўладигани кофир бўлгач, Умар رضي الله عنه: Одамлар билан қандай жанг қиласиз, Пайгамбар صلى الله عليه وسلم:

«أُمِرْتُ أَنْ أُقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ، وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ، فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بِحَقِّهَا وَحَسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ»

«Одамлар то Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг пайгамбари, деб гувоҳлик бергунларига қадар улар билан жанг қилишга буюрилдим. Агар шундай қилсалар, мендан жонлари ва молларини сақлаб қоладилар. Фақат олинадиган ҳаққи бундан мустасно. Уларнинг ҳисоб-китоби Аллоҳга (ҳавола)», деганлар-ку, деди. Шунда у: Аллоҳга қасамки, намоз билан закотнинг орасини ажратганлар билан албатта жанг қиламан. Чунки закот молнинг ҳаққидир. Аллоҳга қасамки, агар Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم га бериб келган улоқни менга бермайдиган бўлишса, бермаганликлари учун жанг қилган бўлардим, деди. Умар رضي الله عنه Аллоҳга қасамки, бу фақатгина Аллоҳ унинг қалбини очиб қўйганидан эди. Бас, унинг ҳақлигини билдим, деди».

Шунингдек, Билол ибн Рабоҳ, Зубайр ва бошқалар Умарнинг Ироқ ерини жангчиларга тақсимлаб бермаганини инкор қилишган. Шунингдек, бир аъробий Умарнинг айрим ерларни қўриқхона қилганини инкор қилган. Негаки Абу Убайда «Амвол»да Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайрдан - ўйлашимча - у отасидан ривоят қилади: «Бир аъробий Умарнинг олдига келиб: Эй амирул мўминин, биз жоҳилият даврида юртимиз учун жанг қилганмиз. Ислом даврида

эса унинг устида мусулмон бўлганмиз. Нега уни қўриқхона қиялсиз? - деди. Шунда Умар узоқ ўйланиб қолди. Чуқур хўрсиниб, мўйловини бурай бошлади. У бирор ишни ўйлаб қолганда мўйловини бураб, хўрсина бошларди. Аъробий ундаги ҳолатни кўргач, яна ҳалиги гапини қайтара бошлади. Шунда Умар: Мол - Аллоҳнинг молидир. Бандалар эса Аллоҳнинг бандаларидир. Аллоҳ йўлида зиммамга олган нарса бўлмаганда эди, бир қарич ерни ҳам қўриқхона қилмаган бўлардим, деди». Умар умумий мулкка қарашли айрим ерларни мусулмонларнинг отлари учун қўриқхона қилганди. Шунингдек, бир аёл унинг маҳрларни тўрт юз дирҳамдан оширишдан одамларни қайтарганини инкор қилиб: «Бу сенинг ҳаққинг эмас, эй Умар, Аллоҳ Субҳонаҳунинг:

﴿وَأَتَيْتُمْ إِحْدَاهُنَّ قِنطَارًا فَلَا تَأْخُذُوا مِنْهُ شَيْئًا﴾

- „... аввалгисига саноқсиз молу дунёни (маҳр қилиб) берган бўлсангиз-да, ундан бирон нарсани қайтариб олмангизлар!“, [4:20] деганини эшитмаганмисан?», деди. Шунда Умар: «Аёл тўғри топди, Умар хато қилди», деди.

Шунингдек, Али ﷺ Усмон ﷺнинг амирул мўминин бўлиб турганида ҳаж билан умрани бирга адо қилиш борасидаги сўзларини рад қилди. Аҳмад саҳиҳ ривоят билан Абдуллоҳ ибн Зубайрдан ривоят қилади: «Биз Жуҳфада Усмон билан бирга эдик. У кишининг ёнида Шом аҳлидан бир гуруҳ одамлар бўлиб, ораларида Ҳабиб ибн Маслама ал-Феҳрий ҳам бор эди. Шунда таматтуъ ҳажи (ҳаж билан умрани бирга адо қилиш) ҳақида сўз кетганда, Усмон: Ҳаж билан умра - иккиси ҳаж ойларида бирга қилинмаса баркамол бўлади. Қанийди, шу умрани кечиктириб, байтуллоҳни икки марта тавоф қилсангиз - яхшироқ бўларди. Зеро, Аллоҳ яхшиликка имкон берган-ку, деди. Бу пайтда Али ибн Абу Толиб водийнинг ичида туясини ўтлатиб юрганди. Усмоннинг гапи етиб бориши билан Усмоннинг олдига келиб: Расулulloҳ ﷺ жорий қилган суннатга ва Аллоҳ Ўз Китобида бандаларига берган рухсатга қасд қилиб, улардан одамларни қайтариб, танг ҳолга солмоқчимисиз, ахир бу - ҳожатманд ва олисда яшайдиганлар учун-ку...? - деди. Шунда Усмон одамларга қараб: Мен қайтардимми? Мен қайтарганим йўқ. Балки бу - менинг раъйим, холос. Ким хоҳласа олсин. Хоҳламаса тарк қилсин, деди».

Шунинг учун Уммат мажлисида шўро ҳуқуқи бўлгани каби, унинг зиммасида муҳосаба қилиш вожиблиги ҳам бор.

Юқоридагилардан маълум бўладикки, шўро билан муҳосабанинг фарқи бор. Чунки шўро қарор қабул қилинмай туриб, раъй олиш ёки уни тинглаш бўлса, муҳосаба қарор қабул қилингандан ёки ижро этилгандан кейин эътироз билдиришдир.

Уммат мажлиси аъзоларини сайлаш

Уммат мажлиси аъзолари тайинланмайди, балки сайланади. Сабаби улар раъй борасида одамлардан вакилдир. Вакилни эса ваколат берувчи сайлайди. Ҳеч ким бировни вакил қилишга мутлақо мажбурламайди. Чунки Уммат мажлиси аъзолари раъй борасида одамларнинг - шахслар бўладими, жамоалар бўладими - вакили ҳисобланадилар. Катта жой ва нотаниш қавмнинг ичида эса вакилни фақат уни ўзидан вакил қилиб сайлаган одамгина танийди. Мажлис аъзоларининг тайинланмай, фақат сайланишларига яна бир далил Пайғамбар ﷺ раъй борасида мурожаат қиладиган кишиларини уларнинг қобилияти, лаёқати ва шахсиятига қараб танлаганлари йўқ. Балки уларни икки асосда танлаб олдилар: Биринчиси: уларнинг - қобилияти ва лаёқатидан қатъий назар - ўз жамоалари устидан раҳбарликлари бўлса, иккинчиси - муҳожир ва ансорлардан вакил эканликларидир. Чунки аҳли шўрони пайдо қилишдан кўзланган мақсад уларнинг одамлар вакили бўлишидир. Шу боис, уммат мажлиси аъзолари сайлаб олинадиган асос одамларга нисбатан худди Пайғамбар ﷺнинг раҳбарларни сайлаб олишни одамларга топширганлари каби бўлади. Жамоаларга нисбатан эса муҳожир ва ансорлардан вакилни танлаб олганлари каби бўлади. Шу сабабли шахслар ва жамоаларнинг нотаниш одамлар учун бундай вакил кўрсатишлари фақат сайлов орқали амалга ошади. Демак, Уммат мажлиси аъзолари фақат сайланади. Аммо Пайғамбар ﷺнинг ўзлари маслаҳатлашадиган кишиларни танлаганларига келсак, муҳожир ва ансорлар яшаган жой катта бўлмаган, аниқроғи Мадина бўлган, қолаверса атрофларидаги мусулмонлар ҳам таниш бўлган. Бунинг далили шуки, иккинчи Ақаба байъатида байъат берган мусулмонлар нотаниш бўлганидан, нақиб (раҳбар)ларни сайлашни ўзларига ташлаб:

«أَخْرَجُوا إِلَيَّ مِنْكُمْ اثْنَيْ عَشَرَ نَقِيْبًا يَكُوْنُونَ عَلَيَّ قَوْمِهِمْ»

«Менга орангиздан ўн иккита нақибни чиқариб беринглар. Улар қавмларини назорат қиладилар», дедилар. Бу ҳадисни ибн Ҳишом «Сийрат»да Каъб ибн Молик орқали ривоят қилган.

Шунга кўра, Уммат мажлиси аъзолари раъй борасида вакил эканликлари, Уммат мажлиси пайдо қилинишидаги иллат раъй ва муҳосаба борасида шахс ва жамоалар бўйича вакиллик эканлиги ва бу иллат нотаниш одамлар орасида умумий сайлов ўтказилмасдан амалга ошмаслиги боис - мана шулардан шу нарса истинбот қилинадикки, Уммат мажлиси аъзолари тайинланмайди, балки сайланади.

Уммат мажлиси аъзоларини сайлаш кайфияти

1. Волийлар тўғрисидаги ҳадисда айтиб ўтдикки, биз вилоят аҳолисидан вакил бўладиган вилоят мажлисининг сайловини икки мақсад учун табанний қиламиз: Биринчиси - вилоят воқеси ва унинг эҳтиёжлари тўғрисида волийга керакли маълумотларни тақдим қилишдир. Бундан мақсад волийга ўз ишини бажаришда кўмаклашишдир, токи у вилоят аҳолисига тинч-осуда ҳаётни таъминлаб берсин ва уларнинг эҳтиёжлари бажарилиши ва хизматлари таъминланишини енгиллаштирсин. Иккинчиси эса волий бошқарувидан халқнинг розилигини ёки шикоятини кўрсатишдир. Чунки вилоят мажлисининг волийнинг устидан қилган шикоятлари кўп ҳолда унинг олиб ташланишини вожиб қилади. Яъни, вилоят мажлисининг воқеси идорий жиҳатдан волийга кўмаклашиш бўлиб, вилоятнинг воқесини, одамларнинг розилиги ва шикоятини унга кўрсатишдир. Бу ишлар эса уни яхши ишлашга ундайди. Бу мажлис Уммат мажлисининг кейинчалик баён қилинадиган салоҳиятларига ўхшаш бошқа салоҳиятларга эга эмас.

2. Кейин биз бу ўринда Уммат мажлиси (шўро ва муҳосаба) ташкил қилинишини, у сайлаб олиниши ва Умматдан вакил бўлиши вожиблигини ва у - кейинчалик ўз ўрнида кўрсатилган - бир қанча салоҳиятларга эга бўлишини табанний қилдик.

3. Бу эса вилоятлар мажлислари аъзоларини танлаш бўйича ҳам, Уммат мажлиси аъзоларини танлаш бўйича ҳам сайлов ўтказилишини англатади.

4. Сайлов кампаниясини енгиллаштириш ва фуқарони қайта-қайта сайловлар билан банд қилмаслик мақсадида шуни табанний қилдикки, биринчи бўлиб вилоятлар мажлислари бўйича сайлов ўтказилади. Ундан кейин вилоятлар мажлислари сайловларида ютиб чиққанлар тўпланиб, ораларидан Уммат мажлиси аъзоларини сайлайдилар. Яъни, вилоятлар мажлислари Уммат томонидан бевосита сайланади. Уммат мажлисини эса вилоятлар мажлислари сайлайдилар. Бу эса Уммат мажлиси муддатининг

бошланиш ва тугаши айнан вилоятлар мажлислари муддатининг бошланиш ва тугашига тўғри келишини англатади.

5. Вилоятлар мажлисларидан Уммат мажлисига аъзо бўлиб сайланаётган кишининг ўрнини ўз вилояти мажлиси сайловида кўп овоз олган-у, ютиб чиқолмаган киши эгаллайди. Агар кўпчиликнинг овози тенг бўлса, ораларида қуръа ташланади.

6. Аҳли зиммалар ҳам ўз вакилларини вилоятлар мажлисларидан сайлайдилар. Ўша вакиллар эса ўз вакилларини Уммат мажлисига сайлайдилар. Вилоятлар мажлислари сайловлари билан Уммат мажлиси сайлови бир пайтда олиб борилади.

Шунга биноан, мазкур ишларни эътиборга олган ҳолда вилоятлар мажлислари сайловлари, шунингдек, Уммат мажлиси сайлови ўтказилиши кўрсатилган қонун тайёрланди. Аллоҳ изни ила қулай пайтда у муҳокама қилиниб, табанний қилинади.

Уммат мажлисига аъзо бўлиш

Фуқаролиги бор ҳар бир мусулмон - эркак ё аёл бўлишидан қатъий назар - балогатга етган, оқил бўлса, Уммат мажлисига аъзо бўлиш ҳуқуқига ҳам, Уммат мажлисини сайлаш ҳуқуқига ҳам эгадир. Сабаби Уммат мажлиси бошқарув қабилидан ҳам эмас, аёлнинг ҳоким бўлишини тақиқлаган ҳадиси шариф сирасига ҳам кирмайди. Балки у шўро ва муҳосаба жумласидан бўлиб, эркак қандай ҳуқуққа эга бўлса, аёл ҳам шундай ҳуқуққа эга. Чунки Пайғамбар ﷺнинг ҳузурларига пайғамбарликнинг ўн учинчи йили (яъни, ҳижрат қилган йиллари) етмиш эркак ва икки аёлдан иборат мусулмонлар келиб, ҳаммалари иккинчи Ақаба байъати билан байъат бердилар. Бу - уруш, жанг байъати ва сиёсий байъат эди. Улар байъат бериб бўлишгач, уларнинг ҳаммаларига қарата:

«أَخْرَجُوا إِلَيَّ مِنْكُمْ اثْنَيْ عَشَرَ نَفِياً يَكُونُونَ عَلَيَّ قَوْمِهِمْ»

«Менга орангиздан ўн иккита нақибни чиқариб беринглар.

Улар қавмларини назорат қиладилар», дедилар. Бу узун ҳадисни Аҳмад Каъб ибн Молик орқали чиқарган. Бу эса Сарвари коинотнинг ҳамманинг ичидан сайлаб олиш тўғрисида ҳаммага бўлган буйруқлари бўлиб, эркакларни хосламадилар. Аёлларни на сайловчилар орасидан ва на сайланувчилар орасидан истисно қилдилар. Қайдловчи (чекловчи) далил ворид бўлмаган экан, мутлақ мутлақлигича қолаверганидек, умум ҳам хословчи далил келмаган экан, умумлигича қолаверади. Бу ерда гап умум ва

мутлақ келган бўлиб, ҳеч қандай хословчи ва қайдловчи далил келмаган. Демак, Пайғамбар ﷺ икки аёлга ҳам нақиб сайлашга буюрганлари ва у иккаласига мусулмонлар тарафидан нақиб бўлиб сайланиш ҳуқуқини берганларига далолат қилади.

Пайғамбар ﷺ кунларнинг бирида одамлар байъат беришлари учун ўтиргандилар. Ёнларида Абу Бакр билан Умар ҳам бор эди. Пайғамбаримизга кишилар ва аёллар байъат беришди. Бу байъат Исломига бўлган байъат эмас, бошқарувга бўлган байъат эди, негаки бу байъатда ҳозир бўлган аёллар муслима эдилар. Ҳудайбиядаги «ризвон байъати»дан кейин аёллар ҳам байъат бердилар. Аллоҳ Таоло айтадики:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَى أَنْ لَا يُشْرِكْنَ بِاللَّهِ شَيْئًا وَلَا يَسْرِفْنَ وَلَا يَزْنِينَ وَلَا يَقْتُلْنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِبُهْتَانٍ يَفْتَرِينَهُ بَيْنَ أَيْدِيهِنَّ وَأَرْجُلِهِنَّ وَلَا يَعْتَصِمْنَ فِي مَعْرُوفٍ فَبَايِعْنَهُنَّ وَأَسْتَغْفِرْ لَهُنَّ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

– „Эй Пайғамбар (алайҳис-салом), қачон сизнинг олдингизга мўминалар келишиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғирлик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига (яъни, фарзандсизлик сабабли ўз эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гўё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни, туққандек эрларига: «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўҳтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг! Албатта Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир“.

[60:12]

Бу ҳам бошқарувга бўлган байъатдир. Чунки Қуръон уларнинг муслима эканликларини таъкидламоқда. Шу боис, бу байъат аёллар тарафидан у зотга маъруф ишларда осийлик қилмаслик учун берилган эди.

Шу билан бирга аёлнинг яна бир ҳуқуқи - раъй борасида ўзидан вакил қилиши ва уни бошқа бир кишининг вакили бўлишидир. Чунки у раъй билдириш ҳуқуқига эга. Демак, у раъй тўғрисида вакил қилиши мумкин. Ҳамда ваколатда эркак бўлиш шарт қилинмаганлиги учун бошқа киши томонидан вакил бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, саййидимиз Умардан собит бўлганки, у кишига бирор нохушлик рўй берса - у шаръий аҳкомларга оид бўладими ё бошқарувга ёки давлат ишларидан бирига, фарқи йўқ - мусулмонларнинг раъйини олмоқчи бўларди-да аёлу эркак мусулмонларни масжидга чорларди ва уларнинг ҳаммасининг раъйини оларди. У киши маҳр белгилаш ишида бир аёл раддия билдирганда ўз раъйдан қайтган.

Умнат мажлисида мусулмонлар қандай ҳуқуққа эга бўлсалар, ғайримусулмонлар ҳам ўшандай ҳуқуққа эга. Уларнинг ҳам Умнат мажлисида ўз вакиллари бўлиши, ноиб бўлишлари ва Исломи аҳкомлари ёмон татбиқ этилаётгани, ҳоким зулм қилаётгани тўғрисида сайловчилари томонидан раъй билдиришлари мумкин.

Лекин шунга қарамай, ғайримусулмонлар шаръий аҳкомлар хусусида раъй билдириш ҳуқуқига эга эмас. Чунки Исломи шариат Исломи ақидадан келиб чиқади. Демак, у тафсилий далиллардан истинбот қилинган амалий шаръий аҳкомлардир. Ҳамда у инсон муаммоларини Исломи ақида белгилаб берган нуқтаи назарга мувофиқ муолажа қилади. Ғайримусулмон эса Исломи ақидага зид ақидани қабул қилган ва унинг нуқтаи назари ҳам Исломи нуқтаи назарига зиддир. Демак, шаръий аҳкомлар борасида унинг раъйи олинмайди.

Шунингдек, ғайримусулмоннинг халифани сайлашга ҳам, халифаликка номзодларни чеклашга ҳам ҳуқуқи йўқ. Негаки унинг ҳукм-бошқарувда ҳуқуқи йўқ. Аммо у Умнат мажлисининг салоҳиятларидан бўлган нарсалар борасида ҳам, улар ҳақида раъй билдиришда ҳам мусулмон сингаридир.

Умнат мажлисига аъзолик муддати

Умнат мажлисига аъзолик муддати чекланади. Чунки Абу Бакр мурожаат қилишда Пайғамбар ﷺ шўрода мурожаат қилган кишилар билан чекланмаган. Умар ибн Хаттоб ҳам Абу Бакр мурожаат қилган кишилар билан чекланмаган. Умар ўз бошқарувининг охири пайтларида бошқарувининг бошларида мурожаат қилган кишилардан бошқа кишиларга мурожаат қилган. Бу эса Умнат мажлисига аъзоликни муайян муддатга чеклашга далолат қилмоқда. Биз бу ўринда бу муддат беш йил бўлишини табанний қилдик.

Умнат мажлиси салоҳиятлари

Умнат мажлиси қўйидаги салоҳиятларга эга:

1. а) Ички сиёсатдаги ишларни бошқаришга алоқадор, чуқур назар ва фикрий баҳсининг ҳожати бўлмаган амалий ишлар бўйича

халифанинг маслаҳат сўраши ва мажлиснинг унга маслаҳат бериши. Масалан, бошқарув, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, иқтисод, тижорат, саноат, қишлоқ хўжалиги каби ишлар жиҳатидан фуқаро осуда ҳаётни ҳис қилиши учун уни керакли хизматлар билан етарли таъминлаш. Ўз шаҳарларини қўриқлашни, хавфсизликларини ҳимоя қилишни ва душман хавфини қайтаришни талаб қилишлари ҳам шулар жумласидандир. Мазкур ишларда мажлиснинг раъйи халифа учун мажбурий бўлади. Яъни, кўпчиликнинг раъйи ижро қилинади.

б) Чуқур назар ва фикрий баҳс зарур бўлган фикрий ишлар, масалан, ҳақиқатларни аниқлаш, уруш ҳақида қарор қабул қилиш каби. Тажриба, билим ва маълумотлар керак бўладиган ишлар. Масалан, ҳарбий режалар тузиш, барча фан ва амалиётга оид ишларда кўпчиликнинг раъйи эмас, ихтисос аҳлининг раъйи олинади. Шунингдек, молия, қўшин, ташқи сиёсат ишларини халифа мажлис раъйини олмасдан, шаръий аҳкомларга мувофиқ ўз раъйи ва ижтиҳоди билан бошқаради. Халифа бу ишларда маслаҳат сўраш учун мажлисга мурожаат қилиши ва унинг раъйида тўхташи ҳам, шунингдек, мажлис бу ишларда ўз раъйини бериши ҳам мумкин. Лекин бу ишларда мажлиснинг раъйи мажбурий эмас.

2. Қонун чиқаришда мажлиснинг раъйи олинмайди. Балки қонунчилик Аллоҳнинг Китоби, Пайғамбарнинг суннати ва бу иккиси асосидаги саҳобалар ижмоси ва шаръий қиёсдан саҳиҳ ижтиҳод орқали олинади. Шаръий аҳкомларни табанний қилиш ва қонунлар тузиш шу йўсинда олиб борилади. Халифа ўзи табанний қилмоқчи бўлган аҳкомлар ва қонунларни мажлисга ҳавола қилиши ва унинг мусулмон аъзолари уни муҳокама қилиши, унинг тўғри ва хато тарафларини айтиш ҳуқуқига эга. Агар у давлатда табанний қилинган шаръий усулдаги табанний қилиш тариқатига зид бўлгани учун уларнинг истинбот қилинишининг ёки далилининг саҳиҳлиги тўғрисида халифа билан ихтилоф қилсалар, буни ҳал қилиш учун мазолим маҳкамасига мурожаат қилинади. Маҳкаманинг бу тўғридаги раъйи мажбурийдир.

3. Мажлис давлатда содир бўлаётган барча ишлар бўйича халифани муҳосаба қилиш ҳуқуқига эга. Бу ишлар ички ишлардан бўладими, ташқи ишларданми, молияга, қўшинга ёки бошқа ишларга алоқадор бўладими, фарқи йўқ. Кўпчиликнинг раъйи мажбурий бўлган ишларда мажлиснинг раъйи ҳам мажбурий бўлади. Кўпчиликнинг раъйи мажбурий бўлмаган ишларда мажлиснинг раъйи ҳам мажбурий бўлмайди.

Агар мажлис халифа билан бажарилган ишлар юзасидан шаръий жиҳатдан келишолмаса, бунинг шаръий ва ношаръийлигини аниқ ҳал қилиш учун мазолим маҳкамасига мурожаат қилинади. Бу ҳақда маҳкаманинг раъйи мажбурийдир.

4. Мажлис муовинлар, волийлар ва омиллардан норозилигини билдириш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳам мажлис кўпчилигининг раъйи мажбурий бўлиб, халифа дарҳол уларни бўшатиши лозим. Волийлар ва омиллардан розилик ёки шикоят борасида мажлис раъйи билан ўша вилоят мажлиси раъйи бир-бирига зид бўлиб қолса, бу ҳақда вилоят мажлисининг раъйи биринчи ўринда туради.

5. Мажлиснинг мусулмон аъзолари халифалик учун мазолим маҳкамаси тарафидан байъат бериш шартлари тўлиқ топилган деб қарор қилинган номзодларни чеклаш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда уларнинг олтитага ёки иккитага чеклашининг фарқи йўқ. Бу эса ўз ўрнида, яъни халифани сайлаш бобида баён қилинган. Бу ҳақда кўпчиликнинг раъйи мажбурий бўлади. Демак, мажлис томонидан номзоди кўрсатилган кишилардан бошқанинг номзоди қабул қилинмайди.

Умнат мажлиси салоҳиятлари шулардан иборат. Бу салоҳиятларнинг далиллари қуйидагилар:

Биринчи банд: а) Чуқур назар ва баҳсга ҳожат бўлмаган амалий ишларда Умнат мажлисининг раъйини олиш мажбурий эканлиги далилига келсак, у Расулulloҳ ﷺнинг Уҳуд жангида мушриклар қўшини билан тўқнашиш учун Мадина ташқарисига чиқиш тўғрисидаги кўпчиликнинг раъйини олганларидир. Ваҳоланки Пайғамбар ﷺ ва катта саҳобаларнинг раъйлари Мадинада қолиш ва ундан ташқарига чиқмаслик эди. Яна бир далил Пайғамбар ﷺнинг Абу Бакр ва Умар رضي الله عنهماларга:

«لَوْ اجْتَمَعْتُمْ فِي مَشُورَةٍ مَا خَالَفْتُكُمْ»

«Агар икковингизнинг маслаҳатингиз бир жойдан чиқса, сизларга қарши чиқмайман», деган сўзларидир. Шунинг учун фуқаронинг осуда ҳаёт кечириши, хавфсизлиги ҳимоя қилиниши, шаҳарларининг қўриқланиши, душман хатари даф қилиниши жиҳатидан бирон иш қилишга олиб борувчи раъйга тааллуқли ишларда халифа мажлисдаги кўпчиликнинг раъйини олишга мажбурдир, гарчи бу раъй унинг истагига хилоф келса ҳам. Бунинг мисолини Расулulloҳ ﷺнинг кўпчилик раъйини олиб, Уҳудга чиққанликларидида кўриш мумкин.

Биринчи банд: б) Халифа аслида шу қисмдаги ишлар бўйича олимлар, тажрибали кишилар ва ихтисос аҳлларининг раъйини

олиши керак. Чунончи Пайғамбар ﷺ Бадрда жанг майдонини танлашда Ҳаббоб ибн Мунзирнинг раъйини олганликлари ибн Ҳишомнинг «Сийрати»да шундай келтирилган:

«إِنَّهُ ﷺ، حِينَ نَزَلَ عِنْدَ أَدْنَى مَاءٍ مِنْ بَدْرِ، لَمْ يَرْضَ الْحَبَّابُ بِنِ الْمُنْدَرِ بِهَذَا الْمَنْزِلِ، وَقَالَ لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَرَأَيْتَ هَذَا الْمَنْزِلَ، أَمْنَزِلًا أَنْزَلَكُهُ اللَّهُ لَيْسَ لَنَا أَنْ نَتَقَدَّمَهُ وَلَا نَتَأَخَّرَ عَنْهُ، أَمْ هُوَ الرَّأْيُ وَالْحَرْبُ وَالْمَكِيدَةُ؟ قَالَ: بَلْ هُوَ الرَّأْيُ وَالْحَرْبُ وَالْمَكِيدَةُ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَإِنَّ هَذَا لَيْسَ بِمَنْزِلٍ، فَانْهَضْ بِالنَّاسِ حَتَّى نَأْتِيَ أَدْنَى مَاءٍ مِنَ الْقَوْمِ فَتَنْزِلُهُ، ثُمَّ نَعْوِرْ مَا وَرَاءَهُ مِنَ الْقَلْبِ، ثُمَّ نَبْنِي عَلَيْهِ حَوْضًا فَنَمْلُؤُهُ مَاءً، ثُمَّ نَقَاتِلُ الْقَوْمَ فَنَشْرَبُ وَلَا يَشْرَبُونَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَقَدْ أَشْرَتُ بِالرَّأْيِ، فَانْهَضْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ النَّاسِ، فَسَارَ حَتَّى إِذَا أَتَى أَدْنَى مَاءٍ مِنَ الْقَوْمِ نَزَلَ عَلَيْهِ، ثُمَّ أَمَرَ بِالْقَلْبِ فَعَوَّرَتْ، وَبَنَى حَوْضًا عَلَى الْقَلْبِ الَّذِي نَزَلَ عَلَيْهِ، فَمَلَأْنِي مَاءً، ثُمَّ قَذَفُوا فِيهِ الْآيَةَ»

«Пайғамбар ﷺ Бадр яқинидаги бир сувнинг ёнига тушганларида, Ҳаббоб ибн Мунзир бу жойга қониқмасдан, Пайғамбар ﷺга: «Ё Расулуллоҳ, айтинчи, бу ер Аллоҳ сизни туширган ва бизнинг у ёқ, бу ёққа ўтишимиз мумкин бўлмаган жойми ёки раъй, уруш ва ҳийла-тадбирми?» - деди. Шунда у зот: «У раъй, уруш ва ҳийла-тадбирдир», дедилар. Шунда у: «Ё Расулуллоҳ, бу ер - тушадиган жой эмас. Одамларни тургизинг, қавмга яқинроқ бўлган сувнинг ёнига бориб, тушамиз. Кейин орқадаги қудуқларни кўмиб ташлаймиз. Сўнгра унинг тепасига ҳовуз қуриб, сувга тўлдирамиз. Ундан кейин қавм билан жанг қиламиз. Биз сув ичамиз, улар эса ичолмайди», деди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Яхши маслаҳат бердинг», дедилар-да, ўзлари ҳам, бирга бўлган одамлар ҳам туриб, қавмга яқин бўлган сувнинг ёнига келиб тушдилар. Кейин буйруқ бердилар, қудуқлар кўмиб ташланди. Ўзлари келиб тушган қудуқнинг устига ҳовуз қурилиб, сув тўлдирилди. Кейин эса унинг ичига идишларни ташлаб қўйишди». Хуллас, Пайғамбар ﷺ Ҳаббобнинг раъйини эшитиб, унга эргашдилар.

Раъй, уруш ва ҳийла-тадбир сирасига кирувчи бу ҳодисада мутахассис раъйдан ўзга одамлар раъйларининг ҳеч қандай қиймати бўлмади. Чуқур муҳокама ва баҳс зарур бўладиган фан ва фикрга оид ишлар ўша ҳодиса сирасига киради. Таъриф шунга ўхшайди. Чунки бунда ҳам одамлар раъйларига эмас, билимдилар ва ихтисос эгаларига мурожаат қилинади. Негаки бу нарсаларда кўпчилик раъйининг эмас, билим, маҳорат ва ихтисоснинг қиймати бор, холос.

Молия ишлари ҳам шунга ўхшайди. Чунки шариат - йиғиб олинadиган молларнинг турларини ҳам, уларнинг сарфлаш ўринларини ҳам, шунингдек, солиқлар қачон солинишини ҳам белгилаб берган. Шунга биноан, молларни йиғиб олишда ҳам, сарфлашда ҳам одамлар раъйининг эътибори йўқ. Қўшин ҳам шунга ўхшайди. Негаки шариат унинг ишларини тадбир қилишни халифага қолдириб, жиҳод ҳукмларини белгилаб берган. Демак, шариат белгилаб берган ишларда одамлар раъйининг ҳеч қандай эътибори йўқ. Давлатнинг бошқа давлатлар билан бўлган алоқасига нисбатан ҳам иш шундай. Чунки у чуқур муҳокама ва баҳс қилиниши керак бўлган фикр жумласидан бўлиб, жиҳодга алоқаси бор. Кейин эса у раъй, уруш ва ҳийла-тадбир сирасига киради. Шунинг учун кўп ва кам бўлишидан қатъий назар, одамлар раъйининг эътибори йўқ. Шундай бўлса-да, халифа бу ишларни Уммат мажлисига ҳавола қилиб, маслаҳат сўраши, раъйини олиши жоиз. Негаки ҳавола қилиш мубоҳ ишлардандир. Мажлиснинг бу ишлар тўғрисидаги раъйи - Бадра собит бўлганидек - мажбурий бўлмасдан, қарор қабул қилиш салоҳият эгасида қолади.

Биринчи банддаги (а) билан (б)нинг фарқини изоҳлаб айтамикки:

Деярли алоқалар узилиб қолган бир қишлоқда одамлар манфаатларига хизмат қилиш учун дарёнинг устига кўприк ва шу каби нарсаларни қуришда қишлоқнинг алоқа муаммосини ҳал қилиш учун мажлисдаги кўпчиликнинг раъйини бажариш халифа учун мажбурий бўлади. Лекин кўприк қуриш учун фан нуқтаи назаридан муносиб жойни ва кўприк учун энг муносиб лойиҳани, яъни осма кўприк бўладими ёки дарёнинг ичидаги қоziқларга ўрнаштириладими ва ҳоказоларни белгилашда мажлисдаги кўпчиликнинг раъйи олинмайди, балки билим ва ихтисос эгаларидан маслаҳат сўралади.

Шунингдек, бир қишлоқ фарзандлари шаҳарлардаги мадрасаларга боришга қийналаётган бўлишса, уларга мадраса

қуриб беришда мажлисдаги кўпчиликнинг раъйи халифага мажбурий бўлади. Аммо қишлоқдаги мадрасанинг жойини танлаш, яъни шу жойнинг тупроғи мадраса қуришга яроқлилиги, қай тарзда қурилиши, у жой давлатга қарашлими ёки қарашли эмасми, яъни қурилаверадими, ё сотиб олинадими, бир ёки икки йилга ижарага олинадими ва шу каби ишларда билим ва ихтисос эгаларидан маслаҳат сўралади. Мажлисдаги кўпчиликнинг раъйининг ҳожати йўқ. Халифа улардан маслаҳат сўраши мумкин бўлса ҳам, лекин уларнинг раъйи мажбурий эмас.

Яна мисол сифатида, чегара (душман билан қарама-қарши туриш чизиғи)да жойлашган шаҳарни олайлик. Қишлоқни истеҳкомлаш, ундан душман хавфини узоқлаштириш, душман томонидан бирор тажовуз рўй бергудек бўлса, унинг қирғинга ва қувғинга учрамаслиги ва бошқа жиҳатлардан Умнат мажлисидаги кўпчиликнинг раъйи мажбурийдир. Бироқ, бу истеҳкомларнинг қандай қурилиши ва хавф-хатарни қайтариш учун қандай қуроллардан фойдаланиш тўғрисида мажлисдаги кўпчиликнинг раъйи эмас, билимли ва мутахассислардан маслаҳат сўралади.

Ва ҳоказо.

Иккинчи бандга келсак, қонун чиқариш фақат Аллоҳга хосдир.

﴿إِن الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ﴾

– „*Ҳукм ёлғиз Аллоҳнинг измидадир*“, [12:67]

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

– „*Йўқ, (эй Муҳаммад алайҳис-салом), Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар*“. [4:65]

Шунингдек, Пайғамбар ﷺнинг

﴿اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرَهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ﴾

– „*Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини Парвардигор деб билдилар*“, [9:31]

деган оятни тафсир қилганликлари тўғрисида Термизий Адий ибн Ҳотамдан ушбуни чиқарди:

«أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَفِي عُنُقِي صَلِيبٌ مِنْ ذَهَبٍ، فَقَالَ: يَا عَدِيَّ اطْرَحْ عَنْكَ هَذَا الْوَتْنَ. وَسَمِعْتُهُ يَقْرَأُ فِي سُورَةِ بَرَاءةٍ ﴿اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ﴾ قَالَ: أَمَا إِنَّهُمْ لَمْ يَكُونُوا يَعْبُدُونَهُمْ وَلَكِنَّهُمْ كَانُوا إِذَا أَحْلَوْا لَهُمْ شَيْئًا اسْتَحْلَوْهُ، وَإِذَا حَرَّمُوا عَلَيْهِمْ شَيْئًا حَرَّمُوهُ»

«Мен Набий ﷺнинг олдиларига келганимда, буйнимда тилла салиб бор эди. Шунда у зот: «Эй Адий, бу бутни олиб ташла», дедилар. У кишининг «Бароат» сурасидаги «Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини Парвардигор деб билдилар» оятини ўқиганларини эшитдим. Пайғамбаримиз: «Уларга ибодат қилишмасди-ю, лекин улар бирор нарсани ҳалол қилишса, ҳалол санашарди, бирор нарсани ҳаром дейишса, ҳаром деб билишарди», дедилар». Шунинг учун қонунчилик мажлисининг раъйдан ҳам, ижмо ва кўпчиликнинг овози орқали ҳам олинмайди. Балки Аллоҳнинг Китоби, Расулининг суннати ва шу иккиси асосидаги тўғри ижтиҳод орқали олинади. Шу боис, Пайғамбар ﷺ Ҳудайбия сулҳида кўп мусулмонларнинг раъйини қайтариб:

«إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ، وَلَنْ أَخَالَفَ أَمْرَهُ»

«Мен Аллоҳнинг бандаси ва пайғамбариман. Унинг буйруғига ҳаргиз зид иш қилмайман», дедилар. Чунки бу сулҳ Аллоҳ Субҳонаҳудан ваҳий бўлган эди. Шунинг учун қонунчиликда одамларнинг раъйига қаралмайди. Шаръий аҳкомларни табанний қилиш ва қонунлар тузиш мана шу асосда бўлади. Аҳкомлар ва қонунларни табанний қилиш эса фақат халифанинг салоҳиятларидандир. Буни илгари баён қилган эдик. Шунга қарамай, халифа табанний қилмоқчи бўлган шаръий аҳкомлар ва қонунлар тўғрисида Уммат мажлисининг раъйини билиш учун уларга ҳавола қилиши мумкин. Умар ибн Хаттоб шундай йўл тутган. У шаръий ҳукмлар, аниқроғи Ироқдаги фатҳ қилинган ерлар ҳодисаси борасида мусулмонларга мурожаат қилган ва саҳобалар инкор қилишмаган. Мусулмонлар у кишидан бу ерларни фатҳ қилган жангчиларга бўлиб беришини талаб қилишган эди. Шунда у киши одамлардан сўраган. Кейин эса раъйлари у ерларни ўз эгаларининг қўлида маълум миқдорда хирож, боз устига жон бошига жизя тўлаш шартига биноан қолдиришга келиб тўхтаган. Умарнинг, у кишидан олдин Абу

Бакрнинг саҳобаларга мурожаат қилиб сўраганлари ва шаръий аҳкомлар тўғрисида уларнинг раъйларини олганлари, саҳобаларнинг инкор қилмаганлари бунинг жоизлигига саҳобалар ижмо қилганига далилдир.

Бу қонунларнинг давлатда табанний қилинган усулнинг табанний қилиш тариқатидан тўғри истинбот қилиниши ёки далили тўғрисида халифа билан шўро мажлиси ихтилоф қилганда мазолим маҳкамасига мурожаат қилинишига келсак, мазолим қозисининг салоҳиятларидан бири халифа табанний қилган ҳукмни - шаръий далили борми? Далил ҳодисага тўғри келадими? - шу жиҳатларни кўриб чиқишдир. Шунинг учун халифа мажлис билан (яъни, мажлиснинг аксарияти билан) ўзи табанний қилган ҳукмнинг тўғри шаръий ҳукм эканлиги ёки йўқлиги жиҳатидан келишолмай қолса, бу низони мазолим қозиси ҳал қилади. Чунки бу унинг ихтисосига киради. Мазолим маҳкамасининг раъйи мажбурийдир.

Мажлиснинг ғайримусулмон аъзолари халифа табанний қилмоқчи бўлган аҳком ва қонунларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки улар Исломга иймон келтирмаган. Ҳамда улар шаръий аҳком ва қонунлар тўғрисида раъй билдиришга эмас, ҳокимлар томонидан содир этилаётган зулмга нисбатан раъй билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Учинчи банднинг далили эса, ҳокимларни муҳосаба қилиш тўғрисида нассларнинг умумий келганидир. Аҳмад ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«سَيَكُونُ عَلَيْكُمْ أُمَرَاءُ يَأْمُرُونَكُمْ بِمَا لَا يَفْعَلُونَ، فَمَنْ صَدَقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ، وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَلَيْسَ مِنِّي وَلَسْتُ مِنْهُ، وَلَنْ يَرِدَ عَلَيَّ الْحَوْضَ»

«Яқинда сизларга амирлар бошлиқ бўлади. Улар сизларни узлари қилмайдиган нарсаларга буюрадилар. Бас, кимки уларнинг ёлғонини тасдиқласа, зулмларига ёрдам берса, у мендан эмас ва мен ундан эмасман. Менинг олдимга-ҳовузимга ҳаргиз келмагай». Аҳмад Абу Саид Худрийдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар:

«... أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

«... энг афзал жиҳод золим подшо ҳузурида айтилган ҳақ сўздир». Ҳоким Жобирдан ривоят қилишича, Набий ﷺ шундай деганлар:

«سَيِّدُ الشُّهَدَاءِ حَمَزَةُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ وَرَجُلٌ قَامَ إِلَى إِمَامٍ جَائِرٍ فَأَمَرَهُ وَنَهَاهُ فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттолиб ҳамда золим ҳокимнинг олдига бориб, уни (маъруфга) буюриб, (мункардан) қайтарган, натижада ўша золим ҳоким томонидан қатл қилинган кишидир». Муслим Умму Салама رضي الله عنها дан ривоят қилишича, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай деганлар:

«سَتَكُونُ أَمْرَاءَ، فَتَعْرِفُونَ وَتُنْكِرُونَ، فَمَنْ عَرَفَ بَرِيئاً، وَمَنْ أَنْكَرَ سَلِمَ، وَلَكِنَّ مَنْ

رَضِيَ وَتَابَعَ...»

«Яқинда амирлар бўлади. Бас, сизлар (уларнинг қилаётган ишларини) биласизлар ва (баъзиларини) инкор қиласизлар. Ким билса, ундан халос бўлибди. Ким инкор қилса, саломат бўлибди. Лекин ким рози бўлиб, эргашса...». Хуллас, бу наслар умумий бўлиб, ҳокимни шариат аҳкомларига мувофиқ муҳосаба қилишни ва муҳосаба барча ишлар устидан бўлишини кўрсатмоқда. Шунга кўра, мажлис томонидан халифа, унинг муовинлари, волийлар ва омиллар бажарилган ҳар бир иш юзасидан муҳосаба қилинади. Бу иш шаръий ҳукмга зид ё хато бўлгани, мусулмонларга зарарли бўлгани ёки фуқарога зулм ё унинг ишларини ғамхўрлик ила бошқаришда лоқайдлик қилинганининг фарқи йўқ. Халифа муҳосаба ва эътирозларга бажарган ишлари, тасарруфлари, гапирган гаплари тўғрисида ўз нуқтаи назари ва ҳужжатини айтиб жавоб бериши вожиб. Токи мажлис ишларнинг яхши кетаётганидан ва халифанинг тўғрилигидан кўнгли тўлсин. Агар мажлис халифанинг нуқтаи назарини қабул қилмай, ҳужжатини рад этса қаралади, агар у кўпчиликнинг раъйи мажбурий ишларда рўй берган бўлса, бунда мажлиснинг раъйи мажбурий бўлади: (а) бандидаги ишлар каби. Акс ҳолда унинг раъйи мажбурий бўлмайди: (б) банддаги ишлар каби. Масалан, муҳосаба юқорида ўтган мисолдаги мадраса қуриб берилмагани тўғрисида бўлган бўлса, бу - мажбурий бўлади. Агар муҳосаба мадраса нега фалончининг эмас, пистончининг лойиҳаси бўйича қуриляпти, деган нарса устида бўлса, бу муҳосаба мажбурий бўлмайди.

Шуниси ҳам борки, муҳосаба қилувчилар қайсидир ишда ҳокимлар билан шаръий жиҳатдан ихтилоф қилсалар, у иш мажлиснинг талаби билан мазолим қозилигига қайтарилади. Чунки Аллоҳ Таоло айтадики:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз! Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, - у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз!“ [4:59]

Бунинг маъноси шуки, эй мусулмонлар, қайсидир ишда иш эгалари билан тортишиб қолсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтарингиз. Яъни, шариатга мурожаат қилингиз, бу эса қозиликка мурожаат қилингиз, деганидир. Шунинг учун мазолим маҳкамасига мурожаат қилинади. Бу ишда унинг раъйи мажбурий бўлади. Чунки у бу ҳолатда ихтисос эгаси ҳисобланади.

Туртинчи банднинг далили эса, Пайғамбар ﷺ Абдулқайс вакиллари шикоят қилгани учун Баҳрайндаги омиллари Ало ибн Ҳазрабийни бўшатганларидир. Ибн Саъд Муҳаммад ибн Умар орқали ривоят қилишича:

«أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَدْ كَتَبَ إِلَى الْعَلَاءِ بْنِ الْحَضْرَمِيِّ أَنْ يَقْدَمَ عَلَيْهِ بِعِشْرِينَ رَجُلًا مِنْ عَبْدِ الْقَيْسِ، فَقَدِمَ عَلَيْهِ بِعِشْرِينَ رَجُلًا رَأْسُهُمْ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَوْفِ الْأَشْجِ، وَاسْتَخْلَفَ الْعَلَاءُ عَلَى الْبَحْرَيْنِ الْمُنْدَرِ بْنِ سَاوَى، فَشَكَا الْوَفْدُ الْعَلَاءَ بِنِ الْحَضْرَمِيِّ، فَعَزَلَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَوَلَّى أَبَانَ بْنَ سَعِيدِ بْنِ الْعَاصِ، وَقَالَ لَهُ اسْتَوْصِ بِعَبْدِ الْقَيْسِ خَيْرًا، وَأَكْرِمِ سِرَاتِهِمْ»

«Пайғамбар ﷺ Ало ибн Ҳазрабийга Абдулқайсдан йигирма киши билан бирга келиши тўғрисида мактуб юборадилар. У Абдуллоҳ ибн Авф ал-Ашажж бошчилигида келди. Ало Баҳрайнга ўринбосар қилиб Мунзир ибн Савони қолдирди. Шунда вакиллар Ало ибн Ҳазрабийдан шикоят қилгани сабабли Расулulloҳ уни бўшатадилар ва Аббон ибн Саид ибн Осни волий этиб тайинлайдилар. Унга: «Абдулқайсга яхши муомалада бўл, улуғларини ҳурмат қил», дейдилар». Яна бир далил Умар ибн Хаттоб одамларнинг шикояти учунгина Саъд ибн Абу Ваққосни волийликдан бўшатганидир. Умар шундай деди: «Мен уни ожизлиги ва хиёнати сабабли бўшатганим йўқ». Булар эса вилоятлар аҳолиси ўз волийлари ва амирларидан газаблангани ва норозиликларини билдиришга ҳақлилигини ва

бунинг учун халифа уларни бўшатиши вожиблигини кўрсатади. Яъни вилоятлар мажлислари, шунингдек, Уммат мажлиси ҳам - вилоятлардаги барча мусулмонлардан вакил бўлгани учун - волийлар ва омиллардан норозилиklarини билдиришлари мумкин. Халифа эса, агар шикоят вилоят мажлисининг аксарияти ёки Уммат мажлисининг аксарияти томонидан бўлган бўлса, дарҳол уларни бўшатиши вожиб бўлади. Бу иккаласи ўзаро қарама-қарши бўлиб қолса, биринчи ўринда вилоят мажлисининг раъйи қабул қилинади. Чунки у волийнинг ҳолатларини Уммат мажлисидан кўра яхшироқ билади.

Бешинчи бандда икки масала бор:

Биринчиси - номзодларнинг чеклови бўлса, иккинчиси олтига ёки иккитага чекланишидир.

Биринчисига келсак, кимки Хулафои рошидинларнинг қандай сайланганини кузатган бўлса, номзодларни чеклаш бевосита мусулмонларнинг намояндалари томонидан ёки халифадан номзодни улардан ноиб сифатида белгилаб беришни талаб қилишлари орқали амалга ошгани маълум бўлади.

Бану Соида айвонида номзодлар Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ва Саъд ибн Убодалар бўлиб, шуларга чекланилган эди. Бу нарса айвон асҳобларининг розилиги билан, ундан кейин эса саҳобалар розилиги билан амалга ошган ва ўша ерда байъат берган эдилар.

Абу Бакр ﷺнинг сўнги даврларида уч ойча ўзидан кейинги халифа ҳақида маслаҳат сўраб, муҳокама қилди. Бу ҳақда асҳоблар у киши билан тортишганларидан кейин, у киши томонидан Умар кўрсатилганини маъқулладилар, яъни номзод бир кишига чекланди.

Умарга суиқасд қилиниб, ханжар санчилгандан кейин чеклов янада аниқ ва тиниқ бўлди. Чунки Умар ﷺдан номзодни кўрсатиб беришни талаб қилгандилар, у киши уни олти кишига чеклаб қўйди ва бошқани бу номзодлар сафига киритишни тақиқлаб, бунда қаттиқ турди. Бу эса маълум ва машҳурдир.

Али ﷺга байъат берилган пайтда ягона номзод шу киши бўлиб, бошқа номзод йўқ эди. Шу боисдан чеклашга ҳожат йўқ эди.

Чеклов мусулмонлар оммаси олдида амалга оширилган эди. Агар у жоиз бўлмаганда, яна бу ерда бошқалар номзодни рад эта олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлса, у инкор қилиниб, ижро этилмасди. Шунинг учун саҳобалар ижмосига биноан халифаликка номзодларни чеклаш жоиз. Демак, Уммат, яъни унинг намояндалари номзодларни чеклаш ҳуқуқига эга. Бу Уммат томонидан бевосита амалга ошириладими ёки собиқ халифанинг

улардан ноиб сифатидаги чеклашини ижро этиш билан бўладими, фарқи йўқ.

Чеклов жиҳатидан олиб қаралганда шундай бўлади. Аммо чекловнинг дастлаб олтита бўлишига келсак, у Умар ~~нинг~~ фаолиятларидан ўрганилган бўлса, ундан кейин унинг иккитага чекланиши эса Абдурраҳмон ибн Авфнинг фаолиятдан олинди. Шунингдек, байъат маъноси мусулмон сайловчиларнинг кўпчилиги билан рўёбга чиқиши кўзланди. Чунки номзодлар иккитадан кўп бўлса, ютиб чиққан номзод энг камида сайловчиларнинг ўттиз фоизи билан ғолиб чиққан ҳисобланади. Бу эса эллик фоиздан кам демакдир. Номзодлар иккитадан ошмасагина улардан бири кўпчилик овоз билан ғолиб чиққан бўлади.

Мазолим маҳкамаси томонидан байъат бериш шартлари тўлиқ топилган, деб қарор қилинган номзодларни Уммат мажлиси олтита ва иккитага чеклашига тўхталсак, бундан мақсад халифанинг байъат бериш шартлари топилиши лозим бўлган номзодлар орасидан сайланишидир. Шунинг учун мазолим маҳкамаси номзодлар орасидан шу шартлар топилмаётган ҳар қандай кишини четлатади. Ундан кейин маҳкама томонидан шартлар топилган деб қарор қилинган номзодларни Уммат мажлиси белгилайди.

Бешинчи банд шунинг учун ишлаб чиқилди.

Ҳеч бир тақиқсиз сўзлаш ва раъй билдириш ҳуқуқи

Уммат мажлиси аъзоларининг ҳар бири шариат рухсат берган ўринларда ҳеч бир тақиқсиз, хоҳлаганидек сўзлаш ва раъй билдириш ҳуқуқига эга. Чунки мажлиснинг ҳар бир аъзоси раъй билдириш ва муҳосаба қилишда мусулмонларнинг вакилидир. Шу сабабдан унинг иши халифа ёки давлатдаги ҳар қандай ҳоким ёхуд давлат жиҳозларидан бирида ишлайдиган ҳар қандай хизматчи бажараётган ишларни чуқур ўрганиш ва яна ўшаларнинг ҳар бирига насиҳат қилиш, фикр билдириш, таклифлар тақдим қилиб, уларни муҳокама қилиш билан бирга муҳосаба қилиш ва давлат томонидан содир бўлаётган қарама-қарши ишларга эътироз билдиришдир. У бу ишларни мусулмонларнинг зиммаларидаги амри маъруф, наҳий мункар, ҳокимларни муҳосаба қилиш, уларга насиҳат ва раъй билдириш ишларини уларнинг номидан бажаради. Чунки бу ишлар мусулмонлар зиммасидаги вожибдир. Зеро, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „(Эй уммати Муҳаммад), сизлар одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар яхши амалга буюрасиз, исён-гуноҳдан қайтарасиз...“ [3:110]

Ва яна:

﴿الَّذِينَ إِنْ مَكَّنَّاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Уларни (яъни, мусулмонларни) агар Биз ер юзига ғолиб қилсак, улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар“ [22:41]

Ва яна:

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ﴾

– „Сизлардан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга (Аллоҳ ва Пайғамбари буюрган яхши амалларга) буюрадиган ва мункардан (исён-гуноҳдан) қайтарадиган бир уммат (барпо) бўлсин“ [3:104]

Шунингдек, амри маъруф, наҳий мункарга буюрувчи жуда кўп ҳадислар ворид бўлган. Масалан, Пайғамбар ﷺнинг мана бу қавллари:

﴿وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ، وَلَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ، أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عِقَابًا مِنْ عِنْدِهِ، ثُمَّ لَتَدْعُنَّهُ فَلَا يُسْتَجِيبُ لَكُمْ﴾

«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, маъруфга буюрасиз, мункардан қайтарасиз, акс ҳолда Аллоҳ устингизга Ўз ҳузуридан жазо юборгай. Кейин дуо қилаверасиз, (лекин) у қабул қилинмайди». Бу ҳадисни Аҳмад Ҳузайфа орқали ривоят қилган. Яна мана бу қавллари:

﴿مَنْ رَأَى مِنْكُمْ مُنْكَرًا فَلْيُغَيِّرْهُ بِيَدِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِلِسَانِهِ، فَإِنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَبِقَلْبِهِ وَذَلِكَ أَضْعَفُ الْإِيمَانِ﴾

«Сизлардан кимда-ким бирор мункарни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин. Агар (қўли билан) қайтаролмаса, тили билан (қайтарсин). Агар (тили билан ҳам) қайтаролмаса, қалби билан (инкор қилсин). Бу эса энг заиф иймондир». Бу ҳадисни Муслим Абу Саид орқали ривоят қилган.

Хуллас, бу оят ва ҳадислар мусулмонларни амри маъруф ва наҳий мункар қилишга буюради. Ҳокимларни муҳосаба қилиш амри маъруф ва наҳий мункар сирасига кирибгина қолмай, ҳокимни муҳосаба қилиш, уни маъруфга буюриб, мункардан қайтариш жуда муҳим ишлардан бўлгани учун айниқса ҳокимни муҳосаба қилишнинг вожиблигини кўрсатувчи ҳадислар ҳам ворид бўлган. Умму Атийя Абу Саиддан ривоят қилади, Пайғамбар ﷺ дедилар:

«... أَفْضَلُ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

«... энг афзал жиҳод золим подшо ҳузурида айтилган ҳақ сўздир». Бу эса ҳокимни муҳосаба қилиш ва унинг ҳузурида ҳақ сўзни айтишнинг вожиблиги тўғрисида келган насс бўлиб, уни жиҳодга тенглаштирибгина қолмасдан, энг афзал жиҳодга айлантирган. Гарчи у ўлимга олиб борса ҳам унга қаттиқ тарғиб қилган, ундаган. Чунончи Пайғамбар ﷺ дан ворид бўлган саҳиҳ ҳадисда шундай деганлар:

«سَيِّدُ الشُّهَدَاءِ حَمْرَةُ بِنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ وَرَجُلٌ قَامَ إِلَى إِمَامٍ جَائِرٍ فَأَمَرَهُ وَنَهَاةَ فَقَتَلَهُ»

«Шаҳидлар саййиди Ҳамза ибн Абдулмуттолиб ҳамда золим ҳокимнинг олдига бориб, уни (маъруфга) буюриб, (мункардан) қайтарган, натижада ўша золим ҳоким томонидан қатл қилинган кишидир».

Пайғамбар ﷺ га Ҳудайбия сулҳида саҳобалар эътироз билдирганларида, уларнинг эътирозларига қулоқ солмадилар. Балки уларнинг раъйларини рад қилиб, сулҳ битимини имзоладилар. Чунки у зотнинг ишлари Аллоҳ томонидан ваҳий қилиниб, бунда одамлар раъйининг ҳеч қандай қиймати йўқ эди. Уларни фақат қурбонликларни сўйишни, сочларини олишни ва эҳромдан чиқишни талаб қилганларида буйруққа итоат қилмаганлари учун зажр қилгандилар, койигандилар. Пайғамбар ﷺ Ҳаббоб ибн Мунзир Бадрда тушган жойларига эътироз билдирганида уни койимасдан, унинг раъйига эргашдилар.

Шунингдек, Пайғамбар ﷺ Қурайш билан тўқнашиш учун Уҳудда Мадинадан ташқарига чиқишда кўпчиликнинг раъйига эргашдилар, ҳолбуки ўзларининг раъйлари унга зид эди. Пайғамбар ﷺ буларнинг ҳаммасида уларнинг эътирозларини эшитардилар ва уларга жавоб қайтарардилар.

Саҳоба ﷺ лар у зот ﷺ дан кейин Хулафои рошидинларни муҳосаба қилганлар, уларни Хулафои рошидинлар бу ишлари учун койишмаган. Масалан, Умар ибн Хаттобни минбарда

турганида Ямандан келган бурдалар (йўл-йўл кийимлар)ни тақсимлагани учун муҳосаба қилганлар. Шунингдек, маҳрни оширишдан тақиқлагани учун у кишига бир аёл эътироз билдирган бўлса, Ироқ ерини фатҳ қилгандан кейин тақсимламагани учун Умарга саҳобалар эътироз билдириб, муҳосаба қилганлар. Бу ишда Билал билан Зубайр қаттиқ туришган. У киши саҳобалар билан суҳбатлашиб, маслаҳатлашиб уларни ўз раъйларига кўндирган.

Шунинг учун Уммат мажлисининг ҳар бир аъзоси мусулмонларнинг намојандаси деган эътиборда мажлисда ҳеч бир тақиқсиз, тортинмасдан хоҳлаганидек гапириши, хоҳлаганидек раъй билдириши, халифани, муовинни, волийни ва давлат жиҳозидаги ҳар қандай хизматчини муҳосаба қилиши мумкин. Улар эса унга, модомики ўз муҳосабасида ва раъй билдиришида шариат аҳкомларига риоя қилаётган экан, жавоб беришлари вожиб.

Шунингдек, Уммат мажлисининг ғайримусулмон аъзолари ҳам ҳокимлар томонидан бўлаётган зулмлар тўғрисида ҳеч бир тақиқсиз, тортинмасдан ўз раъйларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар, модомики раъй билдиришда шариат доирасида бўлсалар, бўлди.

Ливолар ва роялар

Давлатнинг ливолари ва роялари бўлади. Бу эса Расулуллоҳ ﷺ Мадинаи Мунавварада барпо қилган биринчи Исломиё давлатдаги ҳолатдан қуйидаги тарзда истинбот қилинган:

1. Ливо ва роя - «ал-Қомус ал-Муҳит»да келтирилишича, уларнинг ҳар бири луғавий жиҳатдан байроқни англатади.

Сўнгра шариат уларнинг ҳар бирига истемол жиҳатидан қуйидаги тарзда шаръий маъно берган:

- Ливо оқ рангли бўлиб, устига қора ҳарфларда **Ла Илаҳа Иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ** деб ёзиб қўйилади. У қўшин амири ёки қўшин қўмондонига берилади. Ливо унинг қароргоҳи устида туради ва қароргоҳи қаерда бўлса, у ҳам ўша ерда бўлади. Қўшин амирига ливо берилишига далил «Набий ﷺ фатҳ куни Маккага оқ байроқ билан кирганлар»идир. Бу ҳадисни ибн Можа Жобир орқали ривоят қилган. Нисоий Анасдан ривоят қилишича: «Набий ﷺ Усома ибн Зайдни Румга ҳужум қилиши учун қўшинга амир қилган пайтларида ўз қўллари билан ливони берганлар».

- Роя эса қора рангли бўлиб, устига оқ ҳарфларда **Ла Илаҳа Иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ** деб ёзиб қўйилади. У қўшин дивизиялари (полклар, роталар, қўшиннинг бошқа қисмлари) қўмондонларида бўлади. Далили шуки, Хайбарда қўшинга қўмондон бўлиб турган Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«لَأُعْطِينَ الرَّأْيَةَ غَدًا رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ، فَأَعْطَاهَا عَلِيًّا»

«Рояни эртага Аллоҳ ва Расулини яхши кўрадиган, Аллоҳ ва Расули ҳам уни яхши кўрадиган кишига бераман. Кейин уни Алига бердилар» (муттафақун алайҳ). Негаки Али - каррамаллоҳу важҳаҳу - ўша пайтда қўшинда дивизия ёки полк қўмондони ҳисобланарди. Ҳорис ибн Ҳассон Бакрийнинг ҳадисиди ҳам шундай келтирилган: «Мадинага келдик, қарасак, Пайғамбар ﷺ минбарда, ёнларида Билол, у эса Набий ﷺнинг олдиларида қилич осиб олган ҳолда турибди. Шунда қора рояларни кўриб қолдим-да: «Бу роялар нега турибди?» - деб сўрагандим: Амр ибн Ос ғазотдан келди, дейишди». «Шунда қора рояларни кўриб қолдим» дегани, қўшиннинг амири битта, яъни Амр ибн Ос бўлган ҳолда у билан кўп байроқлар бўлганини англатади. Демак, бу - полклар, роталар ва ҳоказолар билан бирга ҳам роялар бўлганини билдиради.

Шунинг учун ливо қўшин амирига берилса, роялар эса қўшиннинг дивизиялари, полклари ва қисмлари билан бирга бўлади. Шундай қилиб, қўшинда ливо битта бўлиб, роялар эса кўп бўлади.

Шу билан бирга ливо фақатгина қўшин амирининг белгиси бўлади. Роялар эса аскарлар билан бирга юрадиган белги бўлади.

2. Ливо қўшин амирига берилади. У қўшин амирининг қароргоҳида доимо туради. Жангда эса жанг қўмондонига - у қўшин амири бўладими ёки қўшин амири тайинлаган бошқа қўмондонми - жанг пайтида майдонда кўтариб юриш учун берилади. Шунинг учун у «уруш онаси» деб аталади. Негаки у жанг қўмондони билан майдонда кўтариб олиб юрилади.

Шунинг учун уруш бўлиб турган ҳолатда жангнинг ҳар бир қўмондониди битта роя бўлади. Бу - ўша даврларда умум эътироф этган ишлардан бўлган. Роянинг кўтарилган ҳолда бўлиши жанг қўмондонининг кучини кўрсатиб турган. У идорий тартиб-интизом бўлиб, қўшинларнинг жанг таомилига кўра роя қилинади.

Расулуллоҳ ﷺ хабар келмай туриб, Зайд, Жаъфар ва ибн Равоҳанинг вафот этганларини айтиб:

«أَخَذَ الرَّأْيَةَ زَيْدٌ فَأُصِيبَ، ثُمَّ أَخَذَ جَعْفَرٌ فَأُصِيبَ، ثُمَّ أَخَذَ ابْنُ رَوَاحَةَ فَأُصِيبَ»

«Рояни Зайд олди, мусибатланди. Кейин уни Жаъфар олди, мусибатланди. Кейин уни ибн Равоҳа олди, мусибатланди», дедилар.

Шунингдек, уруш бўлиб турган ҳолатда майдондаги қўшин қўмондони халифанинг ўзи бўлса, жанг майдонида фақат роя бўлмасдан, ливо кўтарилиб туриши ҳам жоиз. Ибн Ҳишомнинг «Сийрат»ида катта Бадр ғазоти ҳақидаги ҳадисда ливо билан роя жангда мавжуд эканлиги ворид бўлган.

Тинчлик ҳолатида ёки уруш тугагандан кейин роялар қўшинга тарқатилган бўлиб, уларни қўшин дивизиялари ҳам, полклари ҳам, отрядлари ҳам, қисмлари ҳам кўтариб юради... Ҳорис ибн Ҳассон Бакрийнинг Амр ибн Ос қўшини ҳақидаги ҳадисида шундай келтирилган.

3. Халифа Ислолда қўшин қўмондони ҳисобланади. Шунинг учун ливо шаръий жиҳатдан унинг қароргоҳи - Халифалик биноти устига қадаб қўйилади. Чунки ливо қўшин амирига берилади. Халифа давлат муассасаларининг бошлиғи деган эътиборда роя (идорий жиҳатдан) Хилофат биноти устига қадаб қўйилса ҳам жоиз.

Давлатнинг қолган жиҳозлари, муассасалари ва идораларининг устига фақат роя қадалади. Чунки ливо қўшин қўмондони қароргоҳи белгиси сифатида унга хосдир.

4. Ливо найзанинг бир тарафига боғланиб, унга ўраб қўйилади ва қўшинларнинг сонига қараб қўшин қўмондонига берилади. Масалан, биринчи, иккинчи, учинчи... қўшин қўмондонига ёки Шом, Ироқ, Фаластин... қўшини қўмондонига ёки Ҳалаб, Ҳимс, Байрут... қўшини қўмондонига ва ҳоказо қўшинларнинг номланишига қараб берилади.

Аслида у найзанинг бир тарафига боғланиб, ҳожат бўлмаса ёйилмаслиги керак. Масалан, Хилофат биносининг устига - бу бино аҳамиятга моликлиги учун ўрнатиб, ёйиб қўйилади. Шунингдек, тинчлик ҳолатида қўшинлар қўмондонлиги қароргоҳларининг устига (осиб) ёйиб қўйишдан мақсад Умматнинг ўз қўшинлари байроқлари буюклигини кўриб туришидир. Лекин бу эҳтиёж хавфсизлик жиҳати билан қарама-қарши бўлиб қолса, масалан, душман аскар қўмондонлиги қароргоҳлиридан воқиф бўлишидан хавф қилинса, ливо аслига қайтарилади, яъни ёйиб қўйилмасдан, ўралган ҳолда қолдирилади.

Роя эса ҳозирги пайтдаги байроқлар каби шамол ҳилпиратиб туриши учун ёйиб қўйилади. Шунинг учун у давлат идораларининг устига ўрнатиб қўйилади.

Хулоса:

Биринчидан: Қўшинга нисбатан:

1. Уруш бўлиб турган ҳолатда, ливо қўшин амири қароргоҳидан ажралмайди. Аслида у ёйиб қўйилмасдан, найзага боғланган ҳолда туриши керак. Лекин хавфсизлик жиҳатлари ўрганиб чиқилгандан кейин ёйиб қўйилса ҳам бўлади.

Рояни эса жанг қўмондони жанг майдонида кўтариб юради. Агар жанг майдонида халифа бўлса, ливо кўтариб юрилса ҳам жоиз.

2. Тинчлик ҳолатида эса ливо қўшинлар қўмондонларига берилади ва найзага ўраб қўйилади. Уни қўшинлар қўмондонлари қароргоҳларининг устига ёйиб қўйса ҳам бўлади.

Роялар қўшин дивизияларига, полкларига, отрядларига, қисмларига ва бошқа ташкилотларга тарқатиб чиқилади. Ҳар бир дивизия ёки полкни (идорий жиҳатдан) ажратиб турадиган махсус рояси бўлиши мумкин.

Иккинчидан: Давлат идоралари, муассасалари ва хавфсизлик идораларига нисбатан оладиган бўлсак, уларнинг ҳаммасининг устига фақат роя ўрнатилади. Халифа қўшин қўмондони, деган

эътиборда Хилофат биносининг устига ливо қадалади. Хилофат биноти давлат муассасаларининг боши ҳисоблангани учун унинг устига (идорий жиҳатдан) ливо билан бирга роя ҳам қадалса жоиз. Хусусий муассасалар ва оддий одамлар ҳам айниқса ийд, ғалаба ва шу каби байрамларда роя кўтариб юришлари, муассасалари ва уйларининг тепасига қадаб қўйишлари мумкин.

Хилофат давлатининг мадҳияси

Муайян бир гуруҳ бошқа бир гуруҳдан, бир давлат бошқа давлатдан ажралиб туриши учун ҳайқириб айтиладиган шиор қабул қилиш мубоҳ ишлардандир. Мусулмонлар жангда бошқа давлатлар билан йўлиққан пайтларида баланд овозларда айтиладиган шиор танлаб олганлар. Бу нарса Расулulloҳ ﷺнинг даврларида у кишининг розиликлари билан қўлланган. Чунки Хандақ ва Қурайзада **«Ҳо мим. Голиб булолмайдилар»** шиорини танлаган бўлсалар, Бану Мусталақда **«Эй музаффар, ўлдир, ўлдир»** шиорини... танлаб олганлар ва ҳоказо.

Бундан ташқари, Аллоҳ Субҳонаҳу инсонга бир қанча хусусиятлар ато этиб, уни шу хусусиятлар билан яратган. Масалан, эшитиш, кўриш, сўзлаш... сингари. Булар эса мубоҳлик тўғрисидаги умумий далиллар остига тушади. Демак, у хоҳлагандай кўради, эштади, гапиради, ҳайқиради. Лекин уларнинг бирортасига оид махсус далил ворид бўлган бўлса, унга риоя қилинади.

Шунинг учун Исломий давлат баланд овозларда айтиладиган, бошқа давлатлардан ажратиб турадиган бир шиор танлаб олиши жоиз. Уни бошқа давлатлар билан бўлган алоқаларида қўллайди. Яъни, халифанинг ташрифи чоғида ёки давлатлар раҳбарлари ташриф буюрган пайтларда куй чалиб айтилади. Шунингдек, одамлар уни умумий йиғинларида, мадрасаларида, эшиттиришларида ва ҳоказоларида жўр бўлиб айтган ҳолда, ўзаро алоқаларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Энди бу мадҳиянинг қандай айтилишига келсак, яъни баланд овоздами, паст овоздами ёки оҳанг биланми, оҳангсизми... буларнинг ҳаммаси жоиз. Негаки мусулмонлар ўзлари олиб чиқаётган ишларга қараб шиорларини таъсири овозларда хиргойи қилардилар.

Давлатнинг мадҳияси бўлиши кераклиги табанний қилинди. Керак бўлган пайтда ундан фойдаланилади, халифанинг бошқа давлатлар раҳбарлари билан бўладиган расмий учрашувларида куй қилиб айтилади. Уммат ҳам муайян йиғинлари, учрашувларида ундан фойдаланади. Аллоҳ изни ила **Тўғри йўлдаги иккинчи халифалик давлати** тикланган пайтда унинг мадҳиясида қуйидагилар эътиборга олинади:

1. Расулulloҳ ﷺнинг тўғри йўлдаги иккинчи Халифаликнинг қайтиб келиши ва «Уқоб» байроғи - Расулulloҳ ﷺнинг байроқлари

қайтадан кўтарилиши тўғрисидаги башоратлари рўёбга чиққани зикр қилиниши.

2. Расулуллоҳ ﷺнинг Халифалик тикланган пайтда ер ўз хазиначарини чиқариб ташлаши, осмон ўз баракотларини ёғдириши, ер жабру зулмга тўлиб тошгандан кейин адолатга тўлиши тўғрисидаги башоратлари зикр қилиниши.

3. Мусулмонлар юртлари Халифалик байроғи остига қўшилгандан кейин олам узра яхшилиқнинг таралиши ва футуҳот-ғалабалар, энг аввало зиёрати учун қасд қилиб бориладиган учта масжид: Масжидул Ҳаром, Масжидун Набавий, - яҳуд вужуди илдизи билан қўпориб ташлангандан кейин - Масжидул Ақсо зикр қилиниши.

4. Уммат - Аллоҳ ирода қилганидек - инсонлар учун чиқарилган энг яхши Умматга айлангани билан якунланиши. Унинг энг улуг ғояси Аллоҳ Субҳонаҳунинг ризосига эришишдир. Шундай экан, уни Ўз Фазли, Раҳмати ва олий фирдавс жаннати билан мукаррам қилсин.

5. Унда «Аллоҳу Акбар» такбирларининг такрорланиши. Чунки такбирнинг Исломда ҳам, мусулмонлар ҳаётида ҳам ўзига хос таъсири бор. Шу боис, у уларнинг ғалабаларида, байрамларида такрор-такрор айтилади, таъсирга эга ҳар бир йиғинларда уларнинг тилидан тушмайди.

Мазкур нарсалар асосида бу китобнинг иловасига орзу қилинган мадҳия ва унинг қай шаклда бўлиши киргизилади. У - Аллоҳ изни ила - қулай пайтда эълон қилинади.



Сўнги дуомиз оламлар Раббиси Аллоҳга ҳамд айтишдир.

Мундарижа

Кириш сўзи	5
Муқаддима	8
Халифалик давлати жиҳози (бошқарув ва идора)	19
Биринчи: Халифа	19
Лақаб (ном).....	19
Халифанинг шартлари	21
Инъиқод шартлари ушбулар	21
Афзаллик шартлари.....	24
Халифа сайлаш тариқати	25
Халифа сайлаш ва унга байъат қилишнинг амалий тадбирлари	27
Муваққат амир.....	30
Номзодлар сонини чеклаш.....	31
Байъат бериш кайфияти.....	36
Халифалик битта бўлиши.....	38
Халифанинг салоҳиятлари.....	40
Халифа табанний қилишда (қонун қабул қилишда) шаръий аҳкомлар доирасидан чиқмайди	46
Халифалик давлати башарий давлат, илоҳий давлат эмас.....	48
Халифанинг бошқарув муддати	51
Халифани ишдан олиш	52
Халифа тиклаш учун муслмонларга берилган муддат.....	53
Иккинчи: Муовинлар (тафвиз вазирлари)	56
Тафвиз муовинларининг шартлари	59
Тафвиз муовини қиладиган иш	60
Муовинларни тайинлаш ва ишдан бўшатиш	64
Учинчи: Тафвиз вазирлари	65
Тўртинчи: Волийлар	75
Волийнинг ишларини текшириб туриш халифанинг бурчидир	78
Жиҳод	81
<u>Биринчи:</u> Қўшин	82
<u>Иккинчи:</u> Ички хавфсизлик	83
<u>Учинчи:</u> Саноат	84
<u>Тўртинчи:</u> Халқаро алоқалар	86
Бешинчи: Жиҳод амири - Ҳарбий идора (қўшин)	88

Қўшин қисмлари	90
Қўшиннинг қўмондони халифадир.....	93
Олтинчи: Ички хавфсизлик.....	96
Ички хавфсизлик идорасининг вазифалари.....	97
Еттинчи: Ташқи ишлар	106
Саккизинчи: Саноат	107
Туққизинчи: Қозилик	110
Қозиларнинг турлари	112
Қозиларнинг шартлари.....	114
Қозиларни тайинлаш.....	115
Қозиларга мойна бериш.....	115
Маҳкамаларни ташкил қилиш	116
Муҳтасиб	120
Муҳтасиб салоҳиятлари.....	120
Мазолим қозиси.....	121
Мазолим қозиларини ишга тайинлаш ва ишдан олиш	123
Мазолим қозилигининг салоҳиятлари	124
Хилофат барпо бўлишидан олдинги битимлар, муносабатлар ва ҳукмлар.....	125
Ўнинчи: Идорий жиҳоз (одамлар манфаатлари)	129
Идорий жиҳоз ҳукм эмас, идора услубидир	132
Бошқармаларни идора қилиш сиёсати.....	134
Идорий жиҳозда ишлашга ҳақли бўлган одамлар...	134
Ўн биринчи: Байтулмол.....	136
Ўн иккинчи: Ахборот.....	144
Ахборот воситалари рухсатномаси	147
Давлатнинг ахборотга оид сиёсати	147
Ўн учинчи: Умнат мажлиси (шўро ва муҳосаба).....	148
Шўро ҳақ-ҳуқуқи.....	149
Муҳосабанинг вожиблиги	149
Умнат мажлиси аъзоларини сайлаш	152
Умнат мажлиси аъзоларини сайлаш кайфияти	153
Умнат мажлисига аъзо бўлиш.....	154
Умнат мажлисига аъзолик муддати	156
Умнат мажлиси салоҳиятлари.....	156
Ҳеч бир тақиқсиз сўзлаш ва раъй билдириш ҳуқуқи.	167
Ливолар ва роёлар	171
Хилофат давлатининг мадҳияси.....	175

